senior lecturer, Department of Special Legal Disciplines The Law Enforcement Academy under the Prosecutor General's Office of the Republic of Kazakhstan

AGENTIC AI AND THE RULE OF LAW IN LAW ENFORCEMENT: BALANCING AUTONOMY, HUMAN RIGHTS AND PUBLIC SECURITY

Agentic artificial intelligence is changing the legal discussion around digital technologies in law enforcement. A conventional automated tool searches, sorts or retrieves data within a fixed scenario. An agentic system goes further: it can interpret a task, build a sequence of actions, select tools and adapt its behaviour to changing conditions. For law enforcement this distinction matters because the issue is no longer simple automation of office work. The issue is whether a semi-autonomous system may shape operational choices, influence procedural timing, and affect decisions that carry legal consequences for individuals.[1]

The rule-of-law problem begins where technological convenience starts to alter institutional responsibility. Mireille Hildebrandt argues that the move from legal text to executable architecture changes the way law constrains power, because computational systems tend to translate open normative judgment into predefined operational logic. In law enforcement such translation may be useful in narrow support functions, for example in document clustering, anomaly detection or evidence search. It becomes

[1] OECD notes that the public-sector use of artificial intelligence requires governance models that connect innovation with accountability, institutional capacity and public trust. The World Economic Forum, in turn, treats AI agents as systems whose evaluation must depend on autonomy, authority, context of use and risk. See: OECD. Governing with Artificial Intelligence. Paris, 2025; World Economic Forum. AI Agents in Action: Foundations for Evaluation and Governance. Geneva, 2025.

more problematic when the system starts to determine priorities, rank persons or situations by risk, or narrow the range of options that a human officer can realistically choose from.[1]

Foreign scholarship on public decision-making shows that the human official does not automatically remain a reliable safeguard once algorithms enter the process. Saar Alon-Barkat and Madalina Busuioc demonstrate that public officials may over-rely on algorithmic recommendations even when warning signals come from other sources. They also describe selective adherence, when officials are more likely to follow an algorithm if its output aligns with prior assumptions or stereotypes. For law enforcement this is not a peripheral concern. If the officer keeps formal authority but increasingly treats the machine output as the safest option, human oversight becomes nominal rather than substantive.[2]

A second risk concerns responsibility after error. Madeleine Clare Elish uses the concept of the moral crumple zone to explain how blame in highly automated systems may be shifted onto the nearest human operator, even where that operator had limited control over the system's behaviour. This observation fits law enforcement especially well. If an agentic system structures the file, classifies the threat, recommends the next step and accelerates institutional pressure toward action, the final human signature may conceal rather than clarify the chain of responsibility. Public security does not justify such opacity. On the contrary, the more sensitive the sphere, the clearer the attribution of responsibility must be.[3]

---

[1] Hildebrandt argues that the translation of legal norms into computational architecture may weaken the practical safeguards of the rule of law if normative judgment is replaced by executable logic. See: Hildebrandt M. Law for Computer Scientists and Other Folk. Oxford, 2020.

[2] Alon-Barkat and Busuioc show that public officials may over-rely on algorithmic advice or adopt it selectively when it confirms prior assumptions. See: Alon-Barkat S., Busuioc M. Human-AI Interactions in Public Sector Decision-Making: "Automation Bias" and "Selective Adherence" to Algorithmic Advice // Journal of Public Administration Research and Theory. 2023. Vol. 33. No. 1. P. 153-169.

[3] Elish introduces the concept of the moral crumple zone to describe cases in which responsibility for failure is shifted to the nearest human operator despite limited control over the automated system. See: Elish M.C. Moral Crumple Zones: Cautionary Tales in Human-Robot Interaction // Engaging Science, Technology, and Society. 2019. Vol. 5. P. 40-60.

This is why bounded autonomy is a more defensible model than either full delegation or complete technological restraint. Paul de Laat writes that transparency can help restore accountability in algorithmic decision-making, but technical openness alone is not enough if the system remains too complex for meaningful explanation. Applied to law enforcement, this means that agentic AI should be limited by role, risk and reversibility. Systems may support analytical work, internal coordination and triage of large information flows. They should not independently trigger coercive measures, define a person's legal status, or displace the officer's obligation to justify an intrusive decision in legal terms.[1]

The balance between autonomy, human rights and public security therefore depends on institutional design rather than on technological optimism. A lawful model of deployment requires at least four safeguards: a narrowly defined mandate for the system, mandatory logging of material interventions, a real power of suspension or override by a human officer, and procedural review whenever the output affects rights or freedoms. Under these conditions agentic AI may strengthen law enforcement capacity without dissolving the legal standards that justify public power. If these safeguards are absent, efficiency gains will be purchased at the cost of accountability, and that trade-off is incompatible with the rule of law.

[1] De Laat argues that transparency may support accountability in algorithmic decision-making, but openness alone does not eliminate the problem of opacity in complex systems. See: de Laat P.B. Algorithmic Decision-Making Based on Machine Learning from Big Data: Can Transparency Restore Accountability? // Philosophy & Technology. 2018. Vol. 31. No. 4. P. 525-541.

ОДИНАЕВ АДХАМ САЪДУЛЛОЕВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
бошлиғининг ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ЮРИДИК ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Аннотация: *Мақолада рақамли трансформация шароитида юридик илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг сўнгги йиллардаги илмий-тадқиқот, илмий-нашрий ва кадрлар тайёрлаш фаолияти натижалари мисолида соҳани ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва замонавий ёндашувлари баён этилган.*

Калит сўзлар: *юридик илм-фан, рақамли трансформация, илмий кенгаш, диссертация, илмий салоҳият, илмий-нашрий фаолият, халқаро интеграция, илмий кадрлар, молиявий қўллаб-қувватлаш.*

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, илмий-интеллектуал ҳамда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий инфратузилмани модернизация қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 ноябрдаги ПФ-232-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Юридик фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларда юридик таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Академиянинг илмий-тадқиқот фаолияти натижалари. Сўнгги йилларда Академия илмий кенгашларида ихтисосликлар бўйича ҳимоя қилинган диссертация ишлари сони барқарор ўсиб бормоқда: 2022 йилда 10 та, 2023 йилда 17 та, 2024 йилда 18 та ва 2025 йилда 26 тага етди. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти уч йил ичида 26 фоиздан (2022 йил) 67 фоизга (2025 йил) кўтарилди. Ҳозирда Академияда 14 нафар таянч докторант ва 259 нафар мустақил изланувчи илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширмоқда. Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан Академияга илмий унвонга талабгорлар учун Махсус имтиҳонни ўтказиш ваколати берилган бўлиб, 2025 йилнинг ўтган даврида 104 нафарга тегишли сертификатлар топширилган. Умуман, бугунги кунда республикада 40 384 нафар изланувчи фаолият юритмоқда, улардан 19 498 нафари (48 фоизи) аёлларни ташкил этади.

Илмий кенгашлар фаолияти. 2026 йилдан бошлаб Академияда 2 та доимий ва 5 та бир марталик илмий кенгаш фаолият юритади. Ушбу кенгашларда давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, конституциявий, маъмурий, молия ва божхона ҳуқуқи, фуқаролик, тадбиркорлик, оила ва халқаро хусусий ҳуқуқ, фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқ, меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи, суд ҳокимияти ва прокурор назорати, жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи, жиноят процесси ва криминалистика, коррупция муаммолари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация, криминология, киберҳуқуқ ҳамда рақамли ҳуқуқ ихтисосликлари бўйича диссертациялар ҳимояси ўтказилади.

Илмий-нашрий фаолият ва халқаро интеграция. Ҳисобот даврида Академия профессор-ўқитувчилари томонидан жами 35 та монография, хорижий илмий журналлар ва халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 300 дан ортиқ (шундан Web of Science маълумотлар базасидаги журналларда 20 га яқин) ҳамда ОАК рўйхатидаги журналларда 400 дан ортиқ илмий мақола,

республика ва халқаро миқёсдаги конференция тўпламларида 500 дан ортиқ тезис тайёрланди. Академияда «Ўзбекистон терговчиси», «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ахборотномаси» ва «Рақамли криминалистика» илмий-амалий юридик журналлари даврий равишда нашр этиб борилмоқда; бундан ташқари, Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда «Криминология ва жиноий одил судлов» илмий-амалий таҳлилий журналини чоп этиш йўлга қўйилган. Таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари асосида EBSCO HOST, Springer Nature ва Web of Science халқаро электрон маълумотлар базаларига, шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ахборот-кутубхона фондига ҳамда «Электрон таълим» миллий тармоғининг «UNILIBRARY» тизимига бевосита уланиш имконияти яратилди.

Амалий тадқиқот лойиҳалари. 2025 йил давомида жами 18 та мақсадли амалий тадқиқот лойиҳаси тайёрланиб, шундан 4 таси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан тасдиқланган, қолган 14 таси эса эълон қилиниш жараёнида турибди.

Юқоридаги натижалардан келиб чиққан ҳолда, рақамли трансформация шароитида юридик илм-фанни ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари ва замонавий ёндашувлари белгиланди:

1) Қонунчиликни модернизация қилиш — қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш.

2) Илмий хулоса – тавсия – натижа кетма-кетлигини таъминлаш — долзарб масалаларни белгилашда раҳбарий ҳужжатлардаги топшириқлар ижросига эътибор қаратиш ҳамда ҳар бир тадқиқотни комплекс таҳлил қилиш.

3) Таълим ва инновациялар интеграцияси — юридик таълим ва инновацияларнинг узвий интеграциясини таъминлаш.

4) Фан ва ҳуқуқий амалиёт боғлиқлиги — тадқиқот натижаларини ҳуқуқий амалиёт эҳтиёжлари билан боғлаш.

5) Тармоқлараро ихтисослашув — соҳалараро ва интердисциплинар илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни ҳуқуқий таълим билан интеграциялаш.

6) Тадқиқот усулларини такомиллаштириш — хорижий илмий стажировка, таълим муассасаси ва тажриба ўрганилаётган давлат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик келишувларига имтиёзли ёндашув.

7) Илмий кадрлар тайёрлаш — ҳар йили январ ойида фан тармоқлари кесимида устувор йўналишларни белгилаш ва уларни докторантура ҳамда мустақил тадқиқотчилик учун асос қилиб олиш.

8) Молиявий қўллаб-қувватлаш — давлат ва хусусий сектор маблағларини ошириш, илмий ютуқларни тижоратлаштириш ҳамда мустақил тадқиқотчилар учун тўлов механизмини жорий этиш.

Молиявий қўллаб-қувватлаш йўналиши доирасида киритилаётган имкониятларни сонли кўрсаткичларда баҳолаш мумкин: бир докторантга 3 йил давомида тахминан 30 минг АҚШ доллари сарфланиши кутилмоқда, 2026 йилда эса стипендиялар учун Давлат бюджетидан қарийб 1,4 трлн сўм маблағ ажратилган.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли трансформация шароитида юридик илм-фанни ривожлантириш қонунчиликни модернизация қилиш, таълим, фан ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш, тармоқлараро ихтисослашув ҳамда илмий кадрларни рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизимини талаб этади. Юқорида келтирилган устувор йўналишлар ва замонавий ёндашувларнинг изчил жорий этилиши соҳада илмий салоҳиятни ошириш ва тадқиқот натижаларининг амалий самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

МАМАСИДДИҚОВ МУЗАФФАРЖОН МУСАЖОНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: *Мақолада прокуратура ва суд тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масаласи Хитой Халқ Республикасининг «Ақлли прокуратура» тажрибаси мисолида таҳлил қилинган. Тизимнинг асосий ютуқлари ва камчиликлари кўриб чиқилиб, шу асосда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими учун стратегик таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *сунъий интеллект, прокуратура, суд тизими, рақамли одиллик, инсон назорати, рақамли далил, блокчейн, алгоритмик изчиллик.*

Сунъий интеллект глобал миқёсда инсон ҳаётининг барча соҳаларини, жумладан ҳуқуқий инфратузилмани ҳам тубдан ўзгартирмоқда. 2025 йилда Европа Иттифоқидаги корхоналарнинг қарийб 20 фоизи, 250 нафардан ортиқ ходимга эга йирик корхоналарнинг эса 55 фоизи матн таҳлили, нутқни аниқлаш ва машинали ўрганиш технологияларидан фойдаланган; АҚШ штатларида 2025 йилда сунъий интеллект билан боғлиқ 1200 дан ортиқ қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, улардан 145 таси қонун сифатида қабул қилинган. Қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга масъул органлар фаолиятида технологик самарадорликни процессуал адолат, шаффофлик ва легитимлик билан мувозанатда сақлаш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Бу борада Хитой Халқ Республикасининг тажрибаси ўзининг кўлами ва тизимлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

«Ақлли прокуратура» стратегияси. Хитой Олий халқ прокуратурасининг ушбу дастури қўл меҳнатини босқичма-босқич автоматлаштириш ва инсон ресурсларини сунъий интеллект билан тўлдиришга асосланади ҳамда тўрт йўналишни қамраб олади. Биринчиси — терговни интеллектуал қўллаб-қувватлаш («Тизим-206»): далилларнинг қонунийлигини баҳолаш, ҳибсга олиш шартларини аниқлаш ҳамда сўроқ жараёнида нутқни автоматик матнга айлантириш. Иккинчиси — Шанхай Пудонг прокуратураси негизида яратилган дунёдаги биринчи «Сунъий интеллект прокурори»: реал кейслар асосида ўқитилган бу алгоритм энг кўп учрайдиган жиноят турлари бўйича 97 фоиздан юқори аниқликда айблов хулосасини тайёрлашга қодир. Учинчиси — «Ишларни бошқариш роботи»: ишнинг қабул қилинишидан судга юборилгунга қадар процессуал муддатларни назорат қилиб, инсоний хатоларни камайтиради. Тўртинчиси — «WeChat» тизимига интеграция қилинган «12309» рақамли платформаси: фуқароларга «ягона дарча» тамойилида реал вақт режимида ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

Суд тизимини рақамлаштириш. 2024 йил май ойида Хитой Олий халқ суди томонидан намойиш этилган миллий ҳуқуқий сунъий интеллект инфратузилмаси таркибига 320 миллион суд қарори, иш материаллари ва ҳуқуқий экспертиза хулосалари жамланган. Бу тизим оддий қидирув алгоритми эмас, балки ҳуқуқий атамалар ва мантиқий боғлиқликни чуқур таҳлил қила оладиган, фойдаланувчи талаби асосида ҳуқуқий контент яратишга қодир моделдир: у электрон файллардаги асосий аргументларни сониялар ичида аниқлайди, судяларга ўхшаш кейсларни кўрсатади ва қарорлардаги тафовутларни камайтиради. Ханчжоу, Пекин ва Гуанчжоу шаҳарларидаги «Интернет-судлари»да эса ишларни онлайн рўйхатдан ўтказиш, далилларни блокчейнда сақлаш ва масофавий суд мажлислари тўлиқ жорий этилган.

Тизимнинг фундаментал ютуқлари. Сунъий интеллектнинг жорий этилиши натижасида, биринчидан, «кўп иш — кам одам» муаммоси ҳал этилмоқда: ҳужжатларни сканерлаш, қидириш ва ҳисоблаш каби техник вазифалар машиналарга топширилиб, профессионал кадрлар диққатини мураккаб таҳлилий ишларга қаратмоқда. Иккинчидан, ҳуқуқий изчиллик ва прогнозли одиллик таъминланмоқда: бир хил жиноят ишлари бўйича турли ҳудудларда турлича ёки субъектив жазо тайинланишининг олди олинмоқда.

Камчиликлар ва ҳуқуқий сигналлар. Шу билан бирга, тизим бир қатор жиддий муаммоларни юзага чиқармоқда: турли провинция ва идоралар ўз дастурларини яратаётгани сабабли маълумотлар парокандалиги ва тизимлар тарқоқлиги; суд ва прокуратура давлат сирлари ҳамда шахсга доир маълумотларни қайта ишлагани боис тизимларни хусусий IT-компанияларга топширишдан келиб чиқадиган киберхавфсизлик таҳдидлари; алгоритм тайёрлаган қарорга кўр-кўрона ишониш — «алгоритмик суяниш» ва ундан келиб чиқадиган масъулият масаласи; ҳамда генератив интеллект ёрдамида инсон услубига мос, аммо ёлғон икрорлик хатлари ёки сохта ҳужжатлар яратиб прокурорларни чалғитиш таҳдиди.

Ўзбекистон учун стратегик таклифлар. Хитой тажрибаси шуни кўрсатадики, сунъий интеллект инсон-судя ёки прокурорнинг ўрнини тўлиқ боса олмайди ва фақат «инсон назорати» ҳамда «шаффофлик» мезонлари остида ёрдамчи восита бўлиб қолиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими учун қуйидаги йўналишлар таклиф этилади:

1) «Инсон назорати»нинг қонуний кафолати — ҳар қандай сунъий интеллект алгоритмининг қарори фақат тавсиявий характерга эга бўлиши, якуний ҳуқуқий жавобгарлик эса судя ёки прокурор зиммасида қолиши қонунда қатъий мустаҳкамланиши лозим;

2) Генератив интеллект декларацияси — суд жараёнларида тақдим этилаётган ҳужжатларнинг генератив сунъий интеллект

ёрдамида тайёрланганлигини мажбурий декларация қилиш ва сохта матнларни аниқловчи миллий алгоритмларни ишлаб чиқиш;

3) Смарт инфратузилманинг хавфсиз суверенитети — ташқи хусусий компанияларга қарамликни чеклаш ҳамда тергов сирининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида ёпиқ ва хавфсиз суверен нейротармоқ моделлари ва марказлашган базаларни яратиш;

4) Алгоритмик изчиллик ва «Рақамли прецедент» миллий тизими — Олий суд ва Бош прокуратура ҳузурида республика бўйича ягона, марказлашган «Рақамли прецедент ва ҳуқуқий изчиллик» таҳлилий платформасини яратиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш ва субъектив омилларни камайтириш;

5) «Кибер-прокурор» ва рақамли далилларни верификация қилиш — жиноят-процессуал қонунчиликка «Рақамли далилларнинг дахлсизлигини таъминлаш» институтини киритиш ва электрон далилларни сақлаш ҳамда ҳақиқийлигини текшириш учун «Блокчейн-реестр» тизимини жорий этиш;

6) «Рақамли деформация»нинг олдини олиш — ходимларнинг «алгоритмик суяниш» оқибатида касбий малакаси сусайишининг олдини олиш учун Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Одил судлов академиясида «Сунъий интеллект шароитида ҳуқуқий мантиқ ва критик фикрлаш» мажбурий малака ошириш дастурларини йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура ва суд тизимида сунъий интеллектни қўллаш катта имкониятлар очса-да, унинг марказида инсон, ахлоқий масъулият ва процессуал адолат туриши шарт. Юқорида келтирилган стратегик йўналишлар сунъий интеллектни «инсон назорати» остидаги ишончли ёрдамчи воситага айлантириб, рақамли даврда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

ШАЙЗАКОВ ШОДИЁР ИБРАГИМОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Илмий марказ бошлиғи, ю.ф.ф.д., доцент

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ ЮҚОРИ ИНСТАНЦИЯДА ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда сунъий интеллект технологиялари жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини, жумладан, одил судлов тизимини ҳам ўз ичига ола бошлаган. Бироқ, суд ҳокимияти учун бу жараён шунчаки техник янгиланиш эмас — бу одил судловнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлаш билан боғлиқ стратегик масаладир.

Айниқса, юқори инстанция фуқаролик судларида сунъий интеллектдан фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Чунки апелляция, кассация ва тафтиш инстанциялари фақат муайян ишни қайта кўриб чиқмайди — улар суд амалиётининг барқарорлигини, қонун нормаларининг бир хил қўлланилишини ва қуйи судлар йўл қўйган хатоларни бартараф этишни ҳам таъминлайди.

Сунъий интеллект судяни алмаштирувчи восита эмас, балки судянинг мустақил процессуал фаолиятини қўллаб-қувватловчи интеллектуал ёрдамчи бўлиши керак.

Шу ўринда халқаро тажрибани ўрганиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан, халқаро ҳамжамият сунъий интеллектни суд тизимида қўллаш масаласида бир нечта муҳим ҳужжатларни қабул қилган.

Европа Кенгашининг СЕПЕЖ Этик Хартияси (2018) суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш учун бешта асосий принципни белгилаган:

- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- камситмаслик;
- сифат ва хавфсизлик;
- шаффофлик ва холислик
- фойдаланувчи назорати остида бўлиш[1].

Бу ёндашув шуни кўрсатадики, суд тизимида технологик самарадорлик эмас, аввало ҳуқуқий кафолатлар биринчи ўринда туриши лозим.

Европа Иттифоқининг Сунъий интеллект тўғрисидаги Акти (2024) суд фаолиятига оид сунъий интеллект тизимларини юқори хавфли технологиялар қаторига киритади. Судда сунъий интеллектдан фойдаланиш оддий маъмурий автоматлаштириш эмас, балки инсон тақдири ва ҳуқуқларига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган юқори масъулиятли жараён ҳисобланиб, бу жуда аҳамиятлидир.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жумладан, Буюк Британияда судялар учун махсус қўлланма ишлаб чиқилиб, унда учта асосий талаб белгилаган:

- судялар сунъий интеллект натижалари учун шахсан масъул эканлиги;
- махфий маълумотларни очиқ сунъий интеллект платформаларига киритиш мумкин эмаслиги;
- сунъий интеллектда нотўғри ёки уйдирма маълумотлар яратиш хавфи мавжудлиги[2].

Сингапур давлатида 2024 йил 1 октябрдан барча суд фойдаланувчилари — судялар, адвокатлар ва томонлар учун генератив сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича ягона қўлланмани амалиётга киритган. Унда процессуал қоидалар фақат судялар учун эмас, барча

[1] https://www.coe.int/en/web/cepej/cepej-european-ethical-charter-on-the-use-of-artificial-intelligence-ai-in-judicial-systems-and-their-environment
[2] https://www.judiciary.uk/wp-content/uploads/2023/12/AI-Judicial-Guidance.pdf

иштирокчилар учун аниқ бўлиши шартлиги асосий ёндашув сифатида кўрсатилган[1].

Бу борада мамлакатимиз ҳам ўзининг амалиётини шакллантиришга, унинг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳам улгурди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон Қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланган бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва халқаро тажриба асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш вазифалари белгиланган[2].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 21 августдаги ПФ–140-сонли Фармони билан судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш ва «Рақамли суд» концепциясини амалга ошириш вазифалари ҳам белгилаб берилган[3]. Бу шуни англатадики, сунъий интеллектни суд тизимига жорий этиш Ўзбекистонда назарий ғоя эмас, балки амалий ислоҳотнинг бугунги кун тартибига айланиб улгурган.

Юқори инстанция фуқаролик судларида сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари сифатида баъзи фикрларни илгари сурамиз.

Биринчидан, сунъий интеллект апелляция ва кассация шикоятларини дастлабки таҳлил қилишда ёрдам бериши мумкин. У

---

[1] Singapore Courts. *Guide on the Use of Generative Artificial Intelligence Tools by Court Users*. Registrar's Circular No. 1 of 2024, 23 September 2024, effective from 1 October 2024.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сонли Қарори / https://lex.uz/docs/7158604

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 21 августдаги ПФ–140-сонли Фармони / https://lex.uz/docs/7696567

шикоятда процессуал муддатлар, реквизитлар, шикоят қилиш ҳуқуқига эга субъект, давлат божи ёки ишончнома билан боғлиқ маълумотларни автоматик текшириши имкониятини яратади. Бироқ, шикоятни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисидаги якуний хулоса фақат судя томонидан қабул қилиниши шарт.

Иккинчидан, сунъий интеллект суд амалиётини умумлаштиришда катта имкониятга эга. Минглаб ишларни таҳлил қилиш орқали қайси турдаги хатолар кўп такрорланаётгани, қайси ҳуқуқ нормалари турлича талқин қилинаётгани аниқланиши мумкин. Бу Олий суд Пленуми қарорлари ва методик тавсияларини тайёрлашда муҳим манба бўлади.

Учинчидан, сунъий интеллект суд қарорларининг асосланганлигини техник жиҳатдан текширишда қўлланилиши мумкин, масалан, даъво талаблари тўлиқ кўриб чиқилдими, томонларнинг важлари баҳоланди-ми, далиллар таҳлил қилинди-ми. Бироқ, бу судянинг ички ишончи ва мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига аралашмаслиги шарт.

Тўртинчидан, ўхшаш ишлар бўйича суд амалиётини тез топиш, ҳуқуқий позицияларни солиштириш, бир хил муносабатларга нисбатан турлича ёндашувларни аниқлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш суд амалиётининг барқарорлиги ва ҳуқуқий аниқликни кучайтиради.

Бешинчидан, суд мажлиси баённомаларини юритиш, аудиоёзувларни матнга айлантириш, катта ҳажмдаги ҳужжатларни тизимлаштириш, суд статистикасини юритиш каби ёрдамчи вазифалар сунъий интеллект томонидан самарали бажарилиши мумкин. Бу судяларнинг вақтини тежайди ва уларни асосий вазифага — ҳуқуқий баҳолаш ва адолатли қарор қабул қилишга йўналтиради.

Шу ўринда баъзи муаммо ва хавфлар ҳақида тўхталиш лозим.

Биринчи хавф — судянинг мустақиллигига билвосита таъсир ўтказиш хавфси мавжуд. Агар сунъий интеллект «тавсияси» амалда

мажбурий хулосага айланиб қолса, судянинг ички ишончи ва мустақил баҳолаш ваколати заифлашган бўлади. Машинали ўқитиш алгоритмлари «қора қути» тамойили асосида ишлаши — яъни қарор қандай қабул қилинганини тушуниш қийин бўлиши — бу хавфни янада оширади.

Иккинчи хавф — алгоритмик камситиш юқорилигача сақланиб қолинади. Агар сунъий интеллект нотўғри ёки бир томонлама маълумотлар асосида ўқитилган бўлса, у ижтимоий, иқтисодий ёки ҳудудий жиҳатдан номутаносиб натижалар бериши мумкин. Бу ирқ, жинс ёки бошқа белгиларига кўра камситишга олиб келувчи бир ёқлама суд қарорлари қабул қилиниши хавфини келтириб чиқаради.

Учинчи хавф — шаффофлик муаммоси. Жараён иштирокчилари судда қандай сунъий интеллект воситаси қўлланилганини, у қайси маълумотлар асосида хулоса берганини ва унинг натижаси иш бўйича қарорга қандай таъсир қилганини билиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бу ҳуқуқ таъминланмаса, адолатли суд тамойилининг, суднинг очиқлиги принципи бузилишига олиб келади.

Тўртинчи хавф — шахсий маълумотлар ва суд сирининг ҳимояси. Фуқаролик ишларида оилавий, мулкий, шахсий ҳаётга оид кўплаб махфий маълумотлар мавжуд. Шу сабабли очиқ ва назоратсиз сунъий интеллект платформаларидан суд материаллари билан ишлашда фойдаланиш жуда хатарли ҳисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича баъзи таклифларни айтиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, фуқаролик процессуал кодексига «суд иш юритувида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг умумий қоидалари»га оид махсус норма киритиш лозим. Унда сунъий интеллект фақат ёрдамчи восита эканлиги, судянинг мустақиллиги ва ички ишончини алмаштира олмаслиги каби аниқ қоидалар белгиланиши керак.

Иккинчидан, юқори инстанция судларида қўлланиладиган сунъий интеллект тизимлари учун «рухсат этилган», «чекланган» ва «тақиқланган» функциялар рўйхатини белгилаш зарур:

Мисол учун, рухсат этилган: ҳужжатларни тизимлаштириш, амалиётни излаш, муддатларни текшириш;

Чекланган: қарор натижасини прогноз қилиш;

Мутлақо тақиқланган: судя ўрнига қарор қабул қилиш.

Учинчидан, сунъий интеллектдан фойдаланилган ҳар бир ҳолатда процессуал шаффофлик таъминланиши керак. Иш иштирокчилари сунъий интеллект қўлланилган-қўлланилмагани, унинг вазифаси ва якуний қарорнинг инсон судя томонидан мустақил қабул қилинганлиги ҳақида хабардор бўлиши лозим.

Тўртинчидан: суд тизимида қўлланиладиган сунъий интеллект воситалари мажбурий аудитдан ўтказилиши керак. Бундай аудитда алгоритмнинг аниқлиги, камситмаслик даражаси, ҳуқуқий манбалар билан ишлаш сифати, хавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш даражаси баҳоланиши лозим.

Бешинчидан, судялар, суд аппарати ходимлари, адвокатлар ва прокурорлар учун «сунъий интеллект саводхонлиги» бўйича махсус ўқув курсларини жорий этиш зарур. Чунки сунъий интеллектдан фойдаланишни билмаслик ҳам, унга ортиқча ишониб юбориш ҳам одил судлов учун хавф туғдиради.

Олтинчидан, юқори инстанция судлари учун миллий суд амалиётига асосланган, ёпиқ ва хавфсиз ҳуқуқий сунъий интеллект платформасини яратиш мақсадга мувофиқ. Бу платформа очиқ интернетдаги тасодифий маълумотларга эмас, балки расмий қонунчилик базаси, Олий суд қарорлари, Пленум қарорлари ва анонимлаштирилган суд ҳужжатларига таяниши лозим.

Еттинчидан, сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида процесс иштирокчисининг ҳуқуқи бузилган тақдирда, шикоят қилиш механизмини белгилаш керак — тараф сунъий интеллект натижаси

нотўғри маълумотга асосланган деб ҳисобласа, уни текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, сунъий интеллект судяга ёрдам беради, лекин одил судловни инсон судя амалга оширади. Айнан шу ёндашув Ўзбекистонда рақамли суд тизимини ривожлантириш, фуқаролик процессуал қонунчилигини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва халқаро стандартларга мос, инсон ҳуқуқларига йўналтирилган моделни шакллантиришга хизмат қилади.

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқарув академиясининг илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ: ЯНГИ АВЛОД РАҲБАРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мақолада сунъий интеллект шароитида давлат бошқаруви учун янги авлод раҳбарларини тайёрлаш масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси тажрибаси мисолида институционал ислоҳотлар, ўқув дастурлари натижалари ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича стратегик таклифлар ёритилган.*

Калит сўзлар: *сунъий интеллект, давлат бошқаруви, раҳбар кадрлар, рақамли трансформация, AI-этика, predictive governance, гендер тенглик, рақамли саводхонлик.*

Сунъий интеллект замонавий давлат бошқарувида қарор қабул қилиш, прогнозлаш ва хизматлар кўрсатиш жараёнларини тубдан ўзгартирмоқда. Бу ўзгариш янги авлод раҳбарларидан сунъий интеллектнинг этик, хавфсизлик ва ижтимоий оқибатларини чуқур тушунишни, инсон-машина гибрид тизимларини самарали бошқаришни ҳамда рақамли трансформация шароитида стратегик фикрлашни талаб этади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган тизимли ислоҳотлар натижасида мамлакат сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича халқаро рейтингда 17 поғона

юқорилаб, Government AI Readiness Index бўйича 188 давлат ичида 70-ўринни, Марказий Осиё бўйича эса биринчи ўринни эгаллади.

Институционал асос. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ-78-сон «Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида Давлат бошқарувида рақамли ва сунъий интеллект технологиялари таълим маркази ташкил этилди. Марказ Туркиянинг TIKA халқаро дастури доирасида замонавий техник воситалар ва лабораториялар билан жиҳозланган. У Президентнинг 2025 йил 22 октябрдаги ПФ-189-сон Фармони ижроси доирасида йўлга қўйилган бир ярим ойлик ихтисослашган ўқув курсларининг институционал негизи бўлиб хизмат қилмоқда; натижада бугунга қадар 518 нафар раҳбар ходимнинг малакаси оширилди ва янги авлод бошқарувчиларини тайёрлашнинг барқарор механизми яратилди.

Гендер йўналиши. Соҳада хотин-қизларнинг билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 80 нафарга яқин аёл давлат хизматчиси учун «Аёл давлат хизматчилари учун рақамли хавфсизлик» мавзусида махсус семинар-тренинг ташкил этилиб, унда сунъий интеллект технологияларининг имкониятлари, фойдаланиш этикаси ва киберхавфсизлик қоидалари бўйича назарий ҳамда амалий машғулотлар ўтказилди. Бу ПФ-78 ва ПФ-189-сон Фармонларида белгиланган гендер тенгликни таъминлаш ва инклюзив рақамли трансформация сиёсатининг амалий ифодаси бўлиб, давлат бошқарувида хотин-қизларнинг раҳбарлик иштирокини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўқув жараёни мазмуни ва натижалари. Машғулотлар давлат бошқарувига сунъий интеллектни жорий этиш, «2030 йилгача сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси», нейрон тармоқлар, катта тил моделлари (ChatGPT, Gemini, Claude, DeepSeek ва бошқалар),

генератив моделлар, киберхавфсизлик ва рақамли трансформация мавзуларини қамраб олди. Амалий машғулотлар гуруҳлар кесимида, кейслар ва реал бошқарув вазиятлари асосида олиб борилди; шунингдек, иштирокчилар Рақамли технологиялар вазирлиги, IT Park Uzbekistan, Uzinfocom ва «Рақамли Тошкент» маркази фаолияти билан сайёр дарслар орқали танишди. Натижада раҳбар кадрларнинг рақамли ва сунъий интеллект компетенциялари оширилди, «Smart Region» ва рақамли трансформация лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўникмалари шакллантирилди, иштирокчилар ўз ҳудудлари учун сунъий интеллектга асосланган хизматлар лойиҳаларини яратди, кириш ва чиқиш тестлари орқали эса билим даражасидаги ўсиш баҳоланди.

Замонавий раҳбар ва кутилаётган самара. Замонавий раҳбар энди фақат маъмурий бошқарувчи эмас, балки технологик тафаккурга эга, рақамли саводхон, аналитик фикрлайдиган, глобал тенденцияларни англайдиган ва кризис шароитида самарали ишлайдиган лидер бўлиши керак. Халқаро таҳлилий марказлар (BCG, OECD, Oxford Insights) маълумотларига кўра, шундай кадрлар фаолият юритадиган ташкилотларда рақамли ва сунъий интеллектга асосланган бошқарув бюрократик жараёнларни 30–40 фоизга, маъмурий харажатларни 25–35 фоизга қисқартириш имконини беради. Бундан ташқари, сунъий интеллект ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли сценарийларини моделлаштириш, иқлим ўзгаришига мослашув сиёсатини ишлаб чиқиш ва фуқароларнинг реал вақт режимидаги фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилишга хизмат қилади.

Стратегик контекст. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва 2024 йилда қабул қилинган Миллий сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегияси доирасида 2030 йилгача сунъий интеллект иқтисодиётга 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳисса қўшиши ва 430 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиши кутилмоқда. BCG ва OECD таҳлилларига кўра, сунъий интеллектни масъулиятли бошқаришни ўзлаштирган давлатларда жамоавий қарор

қабул қилиш самарадорлиги 45–60 фоизга ошиб, фуқароларнинг давлат органларига ишончи 25–35 фоизга ортиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Замонавий давлат бошқарувида янги авлод раҳбарларини сунъий интеллект соҳасида тайёрлашда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1) «AI-компетенциялар индекси»ни жорий этиш — раҳбарларнинг рақамли саводхонлиги, аналитик фикрлаши ва сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш учун;

2) «Smart Governance Laboratory» платформаларини ташкил этиш — сунъий интеллект асосида қарор қабул қилиш, прогнозлаш ва рақамли моделлаштириш кўникмаларини ўргатиш мақсадида;

3) «AI Ethics and Cyber Governance» модулларини киритиш — раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларига;

4) «Рақамли трансформация ва AI-лойиҳалар офиси»ни ташкил этиш — ҳудудий бошқарувда инновацион ечимларни мувофиқлаштириш учун ҳар бир ҳокимликда.

РУСТАМБЕКОВ ИСЛАМБЕК РУСТАМБЕКОВИЧ
Тошкент давлат юридик университети
ўқув ишлари бўйича проректор,
юридик фанлар доктори, профессор

ЮРИДИК ФАН ВА ТАЪЛИМДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР: КИБЕРҲУҚУҚ, РАҚАМЛИ КРИМИНАЛИСТИКА ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Аннотация: *Мақолада рақамли давр ҳуқуқшунослигининг ўзаро боғлиқ уч йўналиши — киберҳуқуқ, рақамли криминалистика ва сунъий интеллект — таҳлил қилинган. Тошкент давлат юридик университети тажрибаси мисолида ушбу йўналишлардаги институционал ислоҳотлар, янги таълим ва илмий дастурлар ҳамда соҳани ривожлантириш йўлидаги муаммо ва истиқболлар ёритилган.*

Калит сўзлар: *киберҳуқуқ, рақамли ҳуқуқ, рақамли криминалистика, электрон далил, сунъий интеллект, LegalTech, юридик таълим, рақамли трансформация.*

Рақамли давр ҳуқуқшунослигида киберҳуқуқ, рақамли криминалистика ва сунъий интеллект алоҳида соҳалар эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи ўзаро боғлиқ таркибий қисмлардир. Ушбу йўналишларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 ноябрдаги ПФ-232-сон Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда юридик таълимни амалиёт билан узвий боғлаш, клиник ва дуал таълимни ривожлантириш, таълим — тадқиқот — амалиёт интеграциясини кучайтириш, сунъий интеллект технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш ҳамда Тошкент давлат юридик университетида «Рақамли ҳуқуқ» халқаро таълим йўналишини ташкил этиш вазифалари белгиланган.

Киберҳуқуқ. Электрон ҳукумат, электрон шартномалар, финтех хизматлари, шахсий маълумотлар, ижтимоий тармоқлар, блокчейн, смарт-контрактлар ва трансчегаравий интернет муносабатлари замонавий ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади. Бу шароитда ҳуқуқшунос нафақат қонун матнини билиши, балки рақамли муҳитни тушуниши, киберхавфларни ҳуқуқий баҳолаши ва электрон одил судлов жараёнларида ишлашга тайёр бўлиши лозим. Тошкент давлат юридик университетида Киберҳуқуқ кафедраси фаолият юритиб, «Кибер ҳуқуқ», «Кибержиноят ҳуқуқи», «Электрон ҳукумат», «Электрон одил судлов», «FinTech ва ҳуқуқ», «LegalTech», «Сунъий интеллект, робототехника ва ҳуқуқ» каби фанларни ўқитмоқда. Бу орқали киберҳуқуқ тор техник соҳа эмас, балки замонавий ҳуқуқий тафаккурнинг ажралмас қисми сифатида шакллантирилмоқда.

Йўналишдаги муҳим қадам — «Рақамли ҳуқуқ» мустақил бакалавриат таълим йўналишининг жорий этилишидир. У Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2026 йил 2 мартдаги буйруғи билан таълим йўналишлари классификаторига киритилди (код — 60421500), 2026/2027 ўқув йилидан эса таълим тўлиқ инглиз тилида олиб борилиши режалаштирилган. Дастурда фундаментал юридик фанлар билан бирга сунъий интеллект ҳуқуқи, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, киберхавфсизлик ҳуқуқи, блокчейн ва смарт-контрактлар, рақамли далиллар ҳамда автоматлаштирилган қарор қабул қилиш тизимларининг ҳуқуқий жиҳатлари ўқитилади. Қабул имтиҳонларида IQ-тест тизимини жорий этиш бўйича Pearson, Schuhfried GmbH ва PsyTech каби халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб борилиб, синов тестлари ўтказила бошланди.

Институционал жиҳатдан Олий аттестация комиссиясининг 2025 йил 28 ноябрдаги қарори билан илмий ихтисосликлар рўйхатига 12.00.18 — «Рақамли ҳуқуқ» ихтисослиги киритилди, 2025 йил 5 декабрдаги қарор билан эса Тошкент давлат юридик университети ҳузурида ушбу ихтисослик бўйича PhD ва DSc даражаларини берувчи

илмий кенгаш ташкил этилди. Бу рақамли ҳуқуқни мустақил илмий тадқиқот соҳаси сифатида эътироф этиб, миллий илмий мактабни шакллантириш учун асос яратади.

Рақамли криминалистика. Замонавий шароитда жиноят излари нафақат воқеа жойида, балки телефон, компьютер, сервер, мессенжер, электрон почта, булутли хотира ва рақамли тўлов платформаларида ҳам қолади. Шу боис электрон далилни аниқлаш, сақлаш, унинг яхлитлигини таъминлаш ва судда баҳолаш масалалари терговчи, прокурор, адвокат, судья ва эксперт учун зарур билим соҳасига айланмоқда. Рақамли криминалистика жиноятни фош этиш билан бирга инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан ҳам бевосита боғлиқ, чунки процессуал қоидаларга риоя қилинмаса, шахсий маълумотлар дахлсизлиги ва адолатли суд муҳокамаси хавф остида қолиши мумкин.

Бу борада 2026 йил 18 март куни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида Рақамли суд экспертиза ва тадқиқот маркази очилди. Марказ Тошкент давлат юридик университети, Ҳиндистон Миллий криминалистика фанлари университети ва «AXXONET» компанияси ҳамкорлигида фаолият юритиб, суд экспертизаси ва киберхавфсизлик соҳаларида илғор рақамли технологиялар ва сунъий интеллект асосидаги ечимларни жорий этишга, шунингдек талабалар учун амалий тайёргарлик базасини яратишга қаратилган. Амалий ҳамкорлик доирасида 2026 йил май ойида Университет билан Киберхавфсизлик маркази ҳамда «Ўзбектелеком» АЖ ўртасида талабалар амалиёти, қўшма лойиҳалар ва тренингларни назарда тутувчи меморандумлар имзоланди.

Сунъий интеллект. Сунъий интеллект ҳуқуқшуносни алмаштирмайди, лекин унинг иш усулини ўзгартиради: ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, шартномаларни текшириш, суд амалиётини ўрганиш, ҳуқуқий маълумотларни излаш ва таълим жараёнида билимни баҳолашда катта имкониятлар яратади. Айни пайтда унинг марказида инсон, жамият ва ахлоқий масъулият туриши

лозим — шу боис ундан адолатли, хавфсиз ва масъулиятли фойдаланиш масаласи долзарбдир. ПФ-232-сон Фармонга мувофиқ 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнларига сунъий интеллект жорий этилиб, оралиқ ва якуний назоратни баҳолаш, талабага кўмакчи сифатида тьюторлик ва дарс сифатини баҳолаш кўзда тутилган. Бунда асосий мақсад — таълим сифатини ошириш, баҳолашда инсон омилини камайтириш ва таълим жараёнини индивидуаллаштиришдир.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Адлия вазирлиги, KOICA ва Тошкент давлат юридик университети ўртасида «Ўзбекистонда сунъий интеллектга асосланган ҳуқуқий хизматлар муҳитини яратиш» лойиҳаси амалга оширилмоқда; 2026–2030 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳада KOICA грантининг миқдори 14,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа доирасида ягона сунъий интеллектга асосланган ҳуқуқий хизматлар порталини яратиш, Legal Clinic фаолиятини AI асосида қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳуқуқий маълумотлар базаларига уланиш режалаштирилган.

Амалий йўналишлардан бири — LegalTech ва стартап экотизимидир. Университетда 2020 йил августдан фаолият юритиб келаётган LegalTech лабораторияси юридик хизматлар ва таълимни рақамлаштиришга қаратилган бир қатор платформаларни («Huquqiy shahar», «AdLex.uz», «Library.TSUL.uz», «Justy.uz» ва бошқалар) ишлаб чиқди. 2026 йилда стартаплар билан ишлаш тизимли босқичга кўтарилиб, инкубация дастурига 13 та лойиҳа қабул қилинди ва улардан 10 таси («Nishan», «Oxforder AI», «Norma Check», «Yurist AI» ва бошқалар) акселерация дастурига ўтказилди; ҳар бир жамоага ментор ва трекерлар бириктирилиб, бизнес модели, ҳуқуқий хавфлари ва бозорга чиқиш стратегияси бўйича индивидуал иш олиб борилмоқда.

Муаммо ва истиқболлар. Соҳанинг барқарор ривожланиши учун бир қатор илмий-амалий муаммоларни ҳал этиш зарур.

Биринчиси — рақамли ҳуқуқий муносабатларнинг ягона илмий-доктринал асоси, ягона терминология ва намунавий ўқув стандартларини ишлаб чиқиш. Иккинчиси — электрон далиллар бўйича процессуал кафолатлар ва техник стандартларни уйғунлаштириш, жумладан «chain of custody» механизми ҳамда судья, прокурор, адвокат ва терговчилар учун малака ошириш дастурларини жорий этиш. Учинчиси — сунъий интеллектдан ҳуқуқ соҳасида фойдаланишнинг этик ва ҳуқуқий чегараларини, алгоритм шаффофлиги, масъулият ва инсон назоратини белгилаш. Тўртинчиси — ҳуқуқшунос ва технолог ўртасидаги билимлар узилишини бартараф этувчи интердисциплинар таълимни ривожлантириш. Бешинчиси — ҳуқуқий инновацияларни амалиётга жорий этиш механизмларини, пилот лойиҳалар ва ҳуқуқий эксперимент режимларини кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли даврда асосий вазифа технологиядан ҳайратланиш эмас, балки уни ҳуқуқий тафаккур, илмий масъулият ва адолат мезонлари асосида бошқаришдир. Киберҳуқуқ рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиши, рақамли криминалистика электрон далиллар орқали адолат ва инсон ҳуқуқларини таъминлаши, сунъий интеллект эса юридик таълим, тадқиқот ва ҳуқуқий хизматларни инсон манфаатига хизмат қилдириши лозим.

ТУРСУНБЕКОВ ХУДАЙБЕРДИ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Коррупцияга қарши курашиш
илмий-таълим маркази бошлиғи

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВИРТУАЛ АКАДЕМИЯСИ: СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ЭКОТИЗИМИ

Аннотация: *Мақолада коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳоли ва давлат хизматчиларининг билимларини узлуксиз ошириш мақсадида ташкил этилаётган Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси — сунъий интеллект ва рақамли таълим экотизими таҳлил қилинган. Унинг ҳуқуқий асослари, долзарблиги, ўқув дастурлари, контингенти ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти ёритилган.*

Калит сўзлар: *коррупцияга қарши курашиш, виртуал академия, рақамли таълим, сунъий интеллект, ҳуқуқий маърифат, малака ошириш, электрон платформа.*

Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий маърифат ва таълим муҳим ўрин тутади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси бу борада аниқ талаблар белгилайди: 6-модда тегишли билимларни кенгайтириш ва тарқатиш орқали коррупциянинг олдини олишни; 7-модда давлат хизматчилари учун маърифий ва ўқув дастурларини амалга оширишни; 13-модда эса аҳоли учун ахборотга эга бўлиш имкониятларини таъминлаш ҳамда мактаб ва университетларда оммавий таълим дастурларини жорий этишни назарда тутади. Шу асосда коррупцияга қарши сиёсатнинг асосий йўналишлари — аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек давлат ва

жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш — белгиланган.

Миллий ҳуқуқий асос. Соҳани тартибга солувчи асосий ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ҳамда 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳужжатлари киради. Бевосита виртуал академияни ташкил этиш эса 2024 йил 21 июндаги ПҚ-228-сон «Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор билан белгиланган.

Қарорнинг долзарблиги. Виртуал академияни ташкил этиш зарурати уч асосий муаммо билан изоҳланади: аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириб бориш тизими мавжуд эмаслиги; коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг малака ошириш тизими йўлга қўйилмаганлиги; ҳамда соҳа бўйича миллий ва халқаро асослар, хорижий тажриба ва илмий-амалий ишланмаларни жамловчи электрон маълумотлар базаси шаклланмаганлиги.

Виртуал академия платформаси. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида коррупцияга қарши курашишнинг рақамли таълим экотизими — электрон платформа ва мобиль илова 2025 йил 1 январдан ишга туширилди. Платформа сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда турли тоифадаги

фойдаланувчиларга мослашган узлуксиз таълим ва ягона ахборот маконини таъминлашга хизмат қилади.

Виртуал академия контингенти. Платформанинг фойдаланувчилари кенг қамровли бўлиб, уларга аҳоли, давлат хизматчилари, давлат корхоналари ходимлари, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари, олий таълим муассасалари талабалари, мактаб ўқувчилари ҳамда боғча тарбияланувчилари киради. Бу эса коррупцияга қарши ҳуқуқий маърифатни жамиятнинг барча қатламларига етказиш имконини беради.

Ўқув дастурлари. Академияда ўқув дастурлари уч турда ташкил этилган. Базавий дастур барча фойдаланувчилар учун бепул асосда тақдим этилади. Махсус дастур асосан давлат хизматчилари ва истовчилар учун мўлжалланган бўлиб, тўлов-шартнома асосида амалга оширилади ва якунида сертификат берилади. Махсус чуқурлаштирилган дастур эса соҳа мутахассислари учун чуқурлаштирилган тайёргарликни назарда тутади.

Ўқиш даврийлиги. Базавий дастурдан исталган вақтда фойдаланиш мумкин. Махсус ва махсус чуқурлаштирилган дастурлар давлат хизматчилари учун мажбурий бўлиб, улар ишга қабул қилинганидан сўнг уч ой ичида ва кейинчалик ҳар уч йилда камида бир марта ўқишлари белгиланган; бошқа фойдаланувчилар учун эса бундай таълим ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Коррупцияга қарши илмий тадқиқотлар. Экотизим илмий-тадқиқот фаолиятини ҳам қамраб олади. Бунда Агентлик коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тавсиявий йиллик илмий-тадқиқот мавзуларини шакллантиради; барча олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқот натижаларини Агентликка тақдим этади; Академия эришилган ютуқлар, миллий ва хорижий тажриба ҳамда илмий, услубий ва амалий ишланмалар бўйича электрон маълумотлар базасини юритади; Агентлик ва Академия эса илмий тадқиқотларни

мақсадли ва сифатли амалга ошириш ҳамда натижаларини оммалаштириш юзасидан Миллий кенгашга таклифлар киритади.

Хулоса қилиб айтганда, Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси сунъий интеллект ва рақамли таълим имкониятларини бирлаштирган ҳолда аҳоли ва давлат хизматчиларининг билимларини узлуксиз ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда соҳада ягона илмий-ахборот маконини яратишга хизмат қилади. Бундай экотизим коррупциянинг олдини олишнинг профилактик ва маърифий йўналишини мустаҳкамлайди.

УЗАКОВ УЧКУН ХАМИДОВИЧ
Заместитель директора
Республиканского центра
судебной экспертизы им.
Х.Сулаймановой при Министерстве
юстиции Республики Узбекистан

ВНЕДРЕНИЕ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТООБОРОТА «Е-ЭКСПЕРТИЗА» В СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

Аннотация: *Мазкур мақолада Ўзбекистонда суд-эксперт фаолиятини рақамлаштириш, хусусан "E-ekspertiza" электрон ахборот тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Тадқиқотда электрон ҳужжат айланиши орқали экспертиза тайинлаш, ҳужжатларни юбориш, хулосаларни расмийлаштириш ва идоралараро алмашинувни тезлаштириш имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, тизимнинг иш самарадорлигини ошириш, харажатларни қисқартириш ва коррупцион хавфларни камайтиришдаги ўрни баҳоланди. Натижалар электрон интеграция суд-эксперт жараёнларини соддалаштириб, процессуал муддатларни қисқартиришини кўрсатади.*

Аннотация: *В статье рассматриваются правовые, организационные и практические аспекты цифровизации судебно-экспертной деятельности в Узбекистане, в частности внедрение электронной информационной системы «Е-экспертиза». Анализируется роль электронного документооборота в ускорении назначения экспертиз, передачи документов, оформления заключений и межведомственного обмена информацией. Отдельное внимание уделено влиянию системы на повышение эффективности работы, сокращение расходов и снижение коррупционных рисков. Установлено, что электронная интеграция способствует упрощению экспертных процедур и сокращению процессуальных сроков.*

Abstract: *This article analyzes the legal, organizational, and practical aspects of digitalizing forensic expert activities in Uzbekistan, with particular attention to the introduction of the "E-ekspertiza" electronic information system. The study examines*

how electronic document exchange can accelerate expert appointment, document transfer, preparation of reports, and interagency communication. It also evaluates the system's contribution to improving efficiency, reducing costs, and minimizing corruption risks. The findings indicate that electronic integration simplifies forensic procedures and shortens procedural timelines.

Kalit so'zlar: *sud-ekspertiza, raqamlashtirish, elektron hujjat aylanishi, E-ekspertiza, idoralararo integratsiya, protsessual muddatlar.*

Ключевые словы: *судебная экспертиза, цифровизация, электронный документооборот, Е-экспертиза, межведомственная интеграция, процессуальные сроки.*

Keywords: *forensic expertise, digitalization, electronic document exchange, E-ekspertiza, interagency integration, procedural deadlines.*

Введение. В нашей республике в последние годы проводятся полномасштабные реформы в области судебной экспертизы. Примером этому могут служить Указы и Постановления Президента, а также постановления Правительства, направленные на дальнейшее развитие данной сферы[1].

Среди значимых достижений осуществляемых реформ необходимо отметить создание института негосударственной судебной экспертизы, которая будет способствовать расширению возможностей по удовлетворению потребностей правоохранительных органов и судов в квалифицированных судебно-экспертных заключениях, созданию здоровой конкуренции в данной сфере, снижению нагрузки государственных судебно-экспертных учреждений[2].

---

[1] Указ Президента Республики Узбекистан, от 05.07.2021 г. № УП-6256 «О мерах по совершенствованию судебно-экспертной системы в Республике Узбекистан».
Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 18.12.2024 г. № 849. «О дальнейшем совершенствовании деятельности Республиканского центра судебной экспертизы имени Х. Сулеймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан».
Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2025 года № ПП-270 «О мерах по дальнейшему совершенствованию судебно-экспертной деятельности и широкому внедрению в сферу современных технологий».

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 20.02.2026 г. № 73 «Об утверждении некоторых нормативно-правовых актов, регулирующих негосударственную судебно-экспертную сферу».

Кроме того, ещё одним важным моментом является дача разрешения на инициирование проведения судебных экспертиз в государственные и негосударственные судебно-экспертные организации со стороны адвокатов на основе договора по гражданским, экономическим делам и делам административного судопроизводства[1]. Это создаёт условия для обеспечения принципа состязательности сторон в судопроизводстве, способствуют обеспечению правосудия и создаёт условия для получения адвокатами по поручению доверителей экспертных заключений, которые в дальнейшем будут представлены в суд для дачи им оценки и приобщении к делу в виде доказательства. И в конечном итоге это способствует обеспечению со стороны адвокатов всесторонней защиты законных прав и интересов граждан.

Таким образом, в условиях роста потребности в экспертных заключениях по различным направлениям судебной экспертизы, важным является вопрос обеспечения их выполнения в установленные законодательством сроки, устранения волокиты и необоснованных задержек, что в свою очередь является причиной недовольства правоохранительных органов, а также сторон по делу.

Материалы и методы. Бурное развитие в последние годы информационно-коммуникационных технологий, способствовало глубокой трансформации многих сфер деятельности. Поэтому и сфера судебной экспертизы не могла остаться в стороне от этих процессов. В первую очередь это было обусловлено большим массивом экспертиз, которые выполняются судебно-экспертными учреждениями республики, что требовало ведение их электронного учета. Кроме того, нередки были случаи затягивания сроков производства, связанные с обменом информацией между органами, назначившими экспертизу и

[1] Указ Президента Республики Узбекистан, от 05.07.2021 г. № УП-6256 «О мерах по совершенствованию судебно-экспертной системы в Республике Узбекистан».

судебно-экспертными организациями, в связи с тем, что отправка определений и постановлений, а также экспертных ходатайств и заключений по почте, занимало достаточно много времени. Кроме того, подготовка статистической информации вручную было достаточно трудоёмким и нередко приводило к допущению ошибок.

Наличие такого рода проблем обусловило острую необходимость в создании и внедрении в судебно-экспертную сферу системы электронного документооборота. Первая такого рода система в республике среди экспертных учреждений была разработана 2020 году Республиканским центров судебной экспертиза имени Хадичи Сулаймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан. Данная система позволила вести электронный учет судебно-экспертных заключений и мнений специалистов, а также другой информации необходимой для ведения отчетности в электронном виде. Однако, в связи с тем, что не все правоохранительные органы имели возможность интегрирования с нашей системой в связи с отсутствие собственной электронной программы либо по иным техническим причинам, полное обеспечение электронного документооборота было невозможно.

Данный вопрос неоднократно обсуждался с правоохранительными органами и другими судебно-экспертными организациями, однако только в прошлом годы наконец удалось реализовать задачу по всеобщему охвату заинтересованных сторон в реализации данного проекта. Важным поворотным пунктом стало Постановление Президента Республики от 8 сентября 2025 года “О мерах по дальнейшему совершенствовании судебно-экспертной деятельности и широкому внедрению в сферу современных технологий»[1].

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2025 года № ПП-270 «О мерах по дальнейшему совершенствованию судебно-экспертной деятельности и широкому внедрению в сферу современных технологий».

Результаты и обсуждение. В данном постановлении указывается о внедрении в деятельность судебно-экспертных организаций электронно-информационная система «Е-экспертиза», предназначенной для осуществления электронного документооборота с судами, органами, уполномоченными по рассмотрению дель связанных с доследственной проверкой, дознанием, предварительным следствием и административными правонарушениями. А также, посредством интеграции электронно-информационной системы «Е-экспертиза» с информационными системами органов, назначающих экспертизы, вести электронный документооборот между органами, назначающими экспертизы и судебно-экспертными организациями.

Кроме того, данным постановлением были установлены конкретные сроки осуществления интегрирования правоохранительных органов и судебно-экспертных организаций посредством вновь созданной электронной системой «Е-экспертиза»[1].

Так в постановлении указывается о необходимости осуществления интеграции платформы “Е-экспертиза” с информационными системами органов, назначающих экспертизы и налаживания взаимного электронного документооборота в следующей последовательности:

- с 1 января 2026 года в назначающих экспертизу органах республиканского уровня;

- с 1 июня 2026 года в назначающих экспертизу органах Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента;

- с 1 сентября 2026 года в назначающих экспертизу органах районного и городского уровня.

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 20.02.2026 г. № 74 «Об утверждении Положения о порядке организации обмена документами через электронные информационные системы при проведении судебной экспертизы».

Согласно постановлению президента с 1 января нынешнего года начато осуществление интеграции между платформой “E-экспертиза” судебно-экспертных организаций и электронными системами правоохранительных органов, а также судов республиканского уровня, в том числе с Верховным судом, Генеральной прокуратурой, Министерство внутренних дел и Таможенным комитетом при Министерстве финансов и экономики Республики Узбекистан. Каждый из вышеизложенных правоохранительных органов имеют свою программу электронного документооборота, посредством которой осуществляется интеграции с электронной системой «E-экспертиза».

Например, Верховный суд имеет две электронный системы. Первая система «E – ХСУД», посредством которой осуществляется интеграция по уголовным делам и делам по административной ответственности. Вторая система «Адолат», при помощи которой осуществляется интеграция по остальным видам дел, в том числе гражданским, экономическим и административным.

Органы Министерства внутренних дел по делам об административных правонарушениях интегрируются посредством электронной системы «E-мамурий иш» (E-административное дело).

Все органы предварительного следствия и дознания, а также органы, осуществляющие доследственную проверку, независимо от ведомственной принадлежности, интегрируются посредством электронных систем «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» («Электронное дознание и предварительное следствие»), а также «E–материал», которые функционируют при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан.

Таможенная служба интегрируется посредством электронной системы «Божхона қонунбузарликлари» («Таможенные правонарушения»).

В настоящее время электронная система «E-экспертиза» кроме нашего Центра внедрена в 8-ми судебно-экспертных учреждениях.

Таких как, Главный экспертно-криминалистический центр МВД Республики Узбекистан, Республиканский научно-практический центр судебной медицины при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан, Центральная таможенная лаборатория Таможенного комитета Республики Узбекистан, Центр судебно-медицинской экспертизы Вооруженных сил, Научно-исследовательский институт цифровой криминалистики при Правоохранительной академии при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан и других.

Наряду с сокращением сроков по предоставлению экспертных заключений судебно-экспертными организациями правоохранительным органам и судам, имеется ещё и возможность создания условий по сокращению расходов, связанных с производством экспертиз. К таким расходам можно отнести расходы связанные с расходованием бумаги, использованием оргтехники (сканеров и принтеров), а также почтовыми расходами.

Проведенный анализ деятельности нашего Центра показал, что за год Центром и его региональными отделениями было выполнено более 40 тысяч экспертиз. Было осуществлено с правоохранительными органами более 500 тысяч обменов информацией в бумажном виде.

В общей сложности расходы Центра составили около 566 млн. сум. В том числе на почтовые расходы потрачено 488 млн. сум, на бумагу 56 млн. сум, а также на распечатку около 25 млн. сум.

С учетом вышеизложенного, а также с учетом почтовых и командировочных расходов назначающими экспертизы органами и судебно-экспертными организациями в общей сложности было израсходовано на эти цели около 8-9 млрд. сум.

Таким образом, какие же позитивные изменения ожидаются после полного интегрирования электронных систем правоохранительных органов с электронной системой «E экспертиза».

Во-первых, сокращение времени производства экспертиз в 1.5 раз;

Во-вторых, сокращение почтовых расходов в 2 раза;

В-третьих, профилактика коррупционных проявлений между правоохранительными органами и судебными экспертами ;

В-четвертых, предотвращение излишней волокиты и расхода бумаги;

В-пятых, создаётся возможность электронного контроля за исполнением судебных экспертиз и автоматизация составления самих экспертиз, а также статистической отчетности.

И в шестых, все это будет в итоге способствовать более быстрому рассмотрению дел, а также раскрытию преступлений.

В настоящее время осуществлено поэтапное интегрирование платформы “Е-экспертиза” с информационными системами органов, назначающих экспертизы.

На первом этапе осуществлена интеграция с электронными системами Верховного суда Республики Узбекистан. На втором этапе осуществлена интеграция с электронными системами Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, и на последнем этапе с электронной системой «Е-адвокат» Министерства юстиции Республики Узбекистан.

Интеграции электронных систем, состоит из следующих основных модулей:

1. Электронное получение определения или постановления;
2. Отправление экспертного ходатайства, органу, назначившему экспертизу;
3. Удовлетворение ходатайства эксперта органом, назначившим экспертизу посредством отправления соответствующего письма;
4. Отправление органу, назначившему экспертизу, экспертного заключения в электронном виде;
5. Получение документов о вызове экспертов на допрос;
6. Обеспечение участия эксперта в судебном заседании в онлайн режиме.

В завершении хочу сказать о результатах, которые будут достигнуты вследствии полного внедрения платформы “Е-экспертиза” в деятельность судебно-экспертных организаций:

1. Документы, необходимые для производства судебной экспертизы из судов, органов дознания и следствия могут предоставляться в электронном виде с заверенные электронной подписью без излишней волокиты;

2. Ходатайства экспертов о предоставлении дополнительных материалов, направляемые судебными экспертами в органы, назначившие экспертизы, будут отправляться в электронном виде. При этом ответы на ходатайства также будут отправляться в электронном виде. Это в свою очередь приведет к сокращению сроков удовлетворения ходатайств и составления экспертного заключения ;

3. Отправление судебных экспертиз органам, назначившим экспертизу будет осуществляться в электронном виде.

4. Участие экспертов в судебных заседаниях и в процессе следствия будет организовано посредством видеоконференцсвязи. В результате чего удастся избежать потери времени и излишнюю волокиту;

5. Будет создана возможность для юридических и физических лиц, в том числе и для адвокатов, направления электронных обращений в государственные и негосударственные судебно- экспертные организации для получения мнений специалистов, а также экспертных заключений;

6. Будет сформирован электронные реестр государственных и негосударственных судебно-экспертных организаций, видов экспертиз и других необходимых сведений, необходимых для судов и правоохранительных органов, адвокатов, юридических и физических лиц;

7. Заключения судебных экспертов будут автоматически регистрироваться в информационной системе «Е-экспертиза» и отправляться в суды, органы дознания и следствия в электронном виде;

8. Будет предотвращены случаи повторной регистраций одинаковых постановлений и определений по одному и тому же делу, что ранее создавало много неудобств.

Заключение. В заключении хочу подчеркнуть, что осуществление документооборота между назначающими экспертизу судами, правоохранительными органами, адвокатами и судебно-экспертными организациями будет способствовать ускорению процесса предоставления экспертных заключений, сокращению расходов, связанных с документооборотом, а также позволит вести учёт экспертных заключений и обеспечить их точность, а также позволит составлять отчёты по статистике в короткие сроки.

ХАЛИЛОВ АКРАМ УТАМУРОДОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи
ҳузуридаги, ю.ф.ф.д.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Глобаллашув шароитида жиноятчилик анъанавий чегараларни кесиб ўтмоқда: кибержиноятлар, рақамли фирибгарлик, крипто-активлар билан боғлиқ ноқонуний операциялар, сунъий интеллект орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳамда рақамли далиллар ҳажмининг кескин ортиши суд-ҳуқуқ тизими олдига мутлақо янги вазифаларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан суд экспертизаси тизимини рақамлаштириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва халқаро стандартлар асосида ривожлантириш одил судловни таъминлашнинг муҳим шартига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирдаги 28-моддасига кўра, шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши мумкин эмас; бу эса суд экспертиза ташкилотларининг далил базасини шакллантириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини ва масъулиятини янада оширади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда соҳани тубдан модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-270-сон қарори суд-экспертлик фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, соҳага «Е-экспертиза» электрон ахборот тизимини

жорий этиш, сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш, электрон ҳужжат алмашинувини 100 фоизга етказиш, янги экспертиза турларини яратиш ва лабораторияларни халқаро стандартлар асосида аккредитациядан ўтказиш каби вазифаларни белгилаб берди. Қарор билан видео ва рақамли фотосуратларда монтаж белгиларини аниқлаш, электрон рақамли имзолар ҳақиқийлигини текшириш, крипто-активларнинг миқдори ва турларини аниқлаш, сунъий интеллект орқали содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш каби янги экспертиза турлари жорий этилди.

Мамлакатимизда илк бор адвокат сўрови билан иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда экспертиза ўтказиш ташаббуси ҳуқуқи берилиб, бу судда тарафларнинг тортишув институтини тўлақонли таъминлашга хизмат қилмоқда; шартнома асосида ўтказилиши мумкин бўлган 51 турдаги суд экспертизаси рўйхати тасдиқланди. Сўнгги 6 йил давомида 24 та янги экспертиза тури яратилиб амалиётга жорий этилди; натижада Марказда амалга ошириладиган экспертиза турлари 44 тадан 68 тага ошди, мутахассислик йўналишлари эса 119 тага етди. Марказ лабораториялари ISO/IEC 17025 халқаро стандарти асосида аккредитациядан ўтказилиб, бу эксперт хулосаларининг халқаро миқёсда тан олинишини таъминлайди. Соҳадаги илмий тадқиқотларни оммалаштириш мақсадида «Ўзбекистон суд экспертизаси» ихтисослаштирилган илмий журнали нашр этиб келинмоқда.

Марказда суд экспертизаси самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий рақамли технологиялар кенг қўлланилмоқда: 50 мингдан зиёд генотипни қамраб олган «DNA expert» маълумотлар базаси ва қариндошликни аниқловчи «DNA Helper» дастури, NGS технологияси (жиноятчининг фенотипини ва ҳомиладорлик давридаёқ оталикни аниқлаш) ҳамда лаборатория жараёнларини бошқарувчи LIMS тизими жорий этилган. Сунъий интеллект асосида ҳақоратли мазмундаги ёзишмаларни таҳлил қилувчи «LingvistikaAI» тизими, баҳолаш

тадқиқотларини автоматлаштирувчи «Баҳолаш-АТ» тизими, йўл-транспорт ҳодисаларида ҳаракат тезлигини аниқловчи «ДТП Эксперт» ва «ЭЛВИН», қурилиш-техникавий экспертизасида «Автокад» ва «АВС» дастурий таъминотларидан фойдаланилмоқда. Сунъий интеллект алгоритмлари катта ҳажмдаги маълумотларни (Big Data), овозли ва видео маълумотларни таҳлил қилишни автоматлаштириш, шунингдек далилнинг нафақат мавжудлиги, балки ишончлилиги ва яхлитлигини ҳам аниқлаш имконини беради.

Марказ суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. У Осиё суд экспертиза тармоғи (АФСН) ҳамда Бутунжаҳон суд экспертизаси халқаро ассоциацияси (ИАФС) тўлақонли аъзоси ҳисобланади. АФСНнинг 2028 йилга мўлжалланган 20-ялпи йиғилишини Самарқанд шаҳридаги «Боқий шаҳар» мажмуасида ўтказиш бир овоздан тасдиқланди; 2026 йил 4 апрель куни Бокуда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг Туркий суд экспертиза тармоғи ташкил этилди.

INTERPOL маълумотларига кўра, 2025–2026 йилларда кибержиноятлар жаҳон миқёсида энг тез ўсиб бораётган трансмиллий таҳдидлардан бирига айланган бўлиб, айрим ҳудудларда улар умумий жиноятларнинг 30 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда; 2025 йилда кибержиноятлар жаҳон иқтисодиётига етказган зарар айрим баҳолашларда 400 миллиард доллардан ошган. Рақамли далиллар бугунги кунда нафақат кибержиноятлар, балки деярли барча тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишда муҳим исбот воситасига айланмоқда, бу эса уларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва суд жараёнларида қўллашнинг ҳуқуқий ҳамда процессуал механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Рақамли суд экспертизаси бир қатор афзалликларга эга: далилларни тез ва самарали таҳлил қилиш (аввал ҳафталар талаб қилган таҳлиллар соатлар ёки кунлар ичида бажарилади), ўчирилган файллар, чатлар ва тармоқ фаолиятини тиклаш, инсон омили сабабли

юзага келадиган хатоликларни камайтириш ва натижаларни қайта текшириш имконияти, шунингдек булут технологиялари ёрдамида масофадан ишлаш ва глобал интеграция. Айни вақтда соҳада муаммолар ҳам мавжуд: рақамли технологияларнинг шиддатли ривожланиши ва маълумотлар ҳажмининг ортиши воситалар ҳамда услубиётларни доимий янгилашни талаб этади; рақамли далиллар билан ишлаш ходимларнинг технологик кўникмаларига боғлиқ бўлиб, уларни нотўғри йиғиш ва сақлаш далилларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин; аксарият давлатларда сунъий интеллект соҳаси ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Соҳани янада ривожлантириш юзасидан қуйидаги таклиф ва ташаббуслар илгари сурилади: рақамли далилларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва суд жараёнларида тақдим этишда халқаро ҳамкорлик асосида умумий техник стандартлар ва ягона методик талабларни ишлаб чиқиш; сунъий интеллект орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, deepfake технологиялари, автоматлаштирилган қарор қабул қилиш тизимлари ва AI орқали шакллантирилган рақамли контент билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жавобгарлик чораларини аниқ белгилаш; суд экспертлари, IT-мутахассислар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида доимий тажриба алмашиш платформаларини ташкил этиш, қўшма илмий тадқиқотлар ва малака ошириш дастурларини йўлга қўйиш; крипто-активлар, зарарли дастурлар ва киберҳужумлар орқали содир этилаётган жиноятларни аниқлашда қўлланиладиган экспертиза услубиётларини халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқиш ва мунтазам янгилаб бориш.

ХАСАНОВ ШАВКАТБЕК ХАЙБАТУЛЛАЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
ўқув маркази директори

КРИМИНАЛИСТИКА ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Замонавий дунёда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жиноятчиликнинг янги шаклларини юзага келтириб, суд экспертизаси тизимини тубдан ислоҳ қилишни ҳамда анъанавий усуллардан рақамли усулларга ўтишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-270-сон қарори ушбу соҳада рақамли трансформацияни бошлаб берди. 2026 йилдан бошлаб суд-экспертлик фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида «E-ekspertiza» ягона ахборот тизими жорий этилди; у эксперт, терговчи ва суд ўртасидаги жараённи шаффофлаштириб, экспертиза тайинлашдан хулоса топширишгача бўлган барча босқичларни электрон шаклга ўтказади, бу эса вақтни тежайди ва ҳужжатларни сохталаштириш хавфини камайтиради.

Рақамли криминалистика (форензика) — жиноятларни тергов қилиш учун рақамли далилларни қидириш, йиғиш, таҳлил қилиш ва сақлаш билан шуғулланувчи амалий фан бўлиб, кибермаконда ёки электрон қурилмалар ёрдамида содир этилган жиноятлар хронологиясини тиклашга хизмат қилади. Унинг асосий вазифалари — далилларни йиғиш (қаттиқ дисклар, мобил қурилмалар, булутли хотира ва тармоқ трафигидан), ўчирилган файллар ва хабарларни тиклаш, тизимга бузиб киришни ва ҳужум усулларини аниқлаш ҳамда судда расмий далил бўлиб хизмат қиладиган эксперт хулосаларини шакллантиришдан иборат. Унинг асосий йўналишлари сифатида

компьютер-техник экспертизаси, мобил форензика, тармоқ криминалистикаси, булутли форензика, шунингдек дронлар ва буюмлар интернети (IoT) экспертизасини кўрсатиш мумкин.

Сунъий интеллектнинг криминалистикада қўлланиши жиноятларни очиш методикасини тубдан ўзгартирмоқда. 2024–2026 йиллардаги маълумотларга кўра, энг долзарб йўналишлар қуйидагилардир: ДНК асосида юз тузилишини тиклаш (2025 йилда хитойлик олимлар ишлаб чиққан Diffаce модели жиноят жойидаги ДНК намунаси асосида гумонланувчининг юқори аниқликдаги 3D тасвирини яратади); бармоқ излари ва биометрик белгиларни тезкор солиштириш ҳамда инсонни юриши орқали таниш; генератив сунъий интеллект ёрдамида яратилган сохта аудио ва видеоларни (deepfake) ҳақиқийсидан ажратиш; терабайтлаб рақамли излар орасидан керакли далилни сониялар ичида аниқлаш. Бундан ташқари, сунъий интеллект алгоритмлари статистик маълумотларни таҳлил қилиб, жиноят содир этилиш хавфи юқори бўлган ҳудуд ва вақтни олдиндан кўрсатиш орқали жиноятнинг олдини олишга кўмаклашади.

Ўзбекистонда бу йўналиш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида фаол ривожлантирилмоқда. Жумладан, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси қошида Рақамли криминалистика илмий-услубий маркази ташкил этилиб, сунъий интеллект технологияларини тергов амалиётига жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суд экспертизасида сунъий интеллект рақамли маълумотларни (Big Data, ижтимоий тармоқ матнлари, электрон хатлар, тизим логлари) таҳлил қилиш, суд-тиббий экспертизада синтетик наркотик ва кучли таъсир қилувчи моддаларни аниқлаш ҳамда қурбонлар шахсини биометрик белгилар орқали белгилаш, бармоқ излари, ДНК ва баллистик объектларни солиштиришни автоматлаштириш, шунингдек медиа-файлларнинг ҳақиқийлигини текшириш каби йўналишларда қўлланилмоқда.

Суд тизимида истиқболли йўналишлар сифатида «Рақамли суд» концепцияси доирасида 2025–2027 йилларда суд мажлиси баённомаларини реал вақтда матнга айлантириш ва суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш режалаштирилган. Иқтисодий низоларда минглаб саҳифали бухгалтерия ҳужжатлари ва банк кўчирмаларини сониялар ичида таҳлил қилиб, шубҳали операцияларни аниқлаш имконияти юзага келмоқда.

Айни вақтда соҳани ривожлантириш бир қатор ҳуқуқий ва этик масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Қонунчиликка кўра, инсон ҳуқуқларига дахлдор қарорларни қабул қилишда фақат сунъий интеллект хулосаларига таяниш мумкин эмас: якуний хулоса эксперт томонидан берилади ва у натижалар учун жавобгар бўлади. Далилларнинг судда тан олиниши учун уларнинг шаффофлиги ва «тушунтириб бериш мумкинлиги», шахсга доир маълумотларни қайта ишлашда эса қонунийлик ва махфийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Соҳадаги асосий муаммолар орасида ҳам ҳуқуқий, ҳам техник билимга эга мутахассисларни тайёрлаш тизимини кучайтириш зарурати, сунъий интеллект хулосаларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, тизим маълумотлари киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятчилар томонидан сунъий интеллектдан ноқонуний мақсадларда (масалан, мураккаб молиявий фирибгарликлар учун) фойдаланиш ва сунъий интеллект хулосаларини изоҳлаш қийинлиги билан боғлиқ «қора қути» муаммоси кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд экспертизасида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг қўлланиши тергов сифатини янги босқичга кўтармоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Рақамли экспертиза» ислоҳотлари соҳа шаффофлигини таъминлаш билан бирга одил судловнинг адолатли амалга оширилишига хизмат қилади; келажакда эксперт фаолияти тўлиқ автоматлаштирилган, юқори технологик жараёнга айланиши кутилмоқда.

ALLANOV ORIF MENGLIMURATOVICH
Muhammad al-Xorazmiy nomidagi
Toshkent axborot texnologiyalari
universitetining Kiberxavfsizlik va
raqamli kriminalistika kafedrasi boshlig‘i

RAQAMLI KRIMINALISTIKA SOHASIDA TA’LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

Annotatsiya: *Mazkur tadqiqot ishida raqamli kriminalistika sohasida ta’lim va amaliyot integratsiyasining ilmiy-amaliy ahamiyati tahlil qilingan. Tadqiqot davomida dunyo miqyosidagi raqamli kriminalistika ta’limining rivojlanish tendensiyalari, zamonaviy amaliy o‘qitish yondashuvlari hamda O‘zbekistonda mazkur yo‘nalishning rivojlanish holati tahlil qilingan. Shuningdek, oliy ta’lim muassasalari va amaliy soha o‘rtasidagi integratsiyani kuchaytirishga qaratilgan model taklif etilgan.*

Kalit so‘zlar: *raqamli kriminalistika, kiberxavfsizlik, raqamli dalillar, amaliy ta’lim, cyber range, CTF, virtual laboratoriya, kiberjinoyat.*

Kirish. XXI asrda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining jadal rivojlanishi natijasida jamiyatning deyarli barcha sohalari raqamlashtirilmoqda. Davlat boshqaruvi, bank tizimlari, ta’lim, sog‘liqni saqlash, sanoat va transport kabi yo‘nalishlarda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko‘lami ortib bormoqda. Biroq mazkur jarayon bilan bir qatorda kiberjinoyatlar soni va murakkabligi ham oshib bormoqda.

Bugungi kunda noqonuniy kirishlar, zararli dasturiy vositalar, fishing hujumlari, identifikatsiya ma’lumotlarini o‘g‘irlash, ma’lumotlarni noqonuniy modifikatsiya qilish va boshqa turdagi tahdidlar global muammolardan biri hisoblanadi. Bunday sharoitda sodir etilgan hodisalarning raqamli izlarini aniqlash va ekspertiza qilish masalasi alohida ahamiyatga ega.

Raqamli kriminalistika bu elektron qurilmalar va axborot tizimlarida mavjud bo‘lgan raqamli dalillarni aniqlash, yig‘ish, saqlash, tahlil qilish hamda sud ekspertizasida foydalanishga tayyorlash jarayonlarini o‘z ichiga oluvchi ilmiy-amaliy yo‘nalish hisoblanadi.

Xalqaro tadqiqotlar natijalariga ko‘ra, kiberxavfsizlik sohasida mutaxassislar yetishmovchiligi muhim muammolardan biri bo‘lib qolmoqda. ISC2 tashkiloti tomonidan e’lon qilingan hisobotlarga ko‘ra, dunyo bo‘yicha kiberxavfsizlik sohasida *4 milliondan ortiq mutaxassis yetishmovchiligi* mavjud[1]. Mazkur holat ta’lim tizimi va real amaliyot o‘rtasidagi tafovut mavjudligini ko‘rsatadi.

Shu sababli nazariy bilimlarni amaliy ko‘nikmalar bilan integratsiyalash masalasi dolzarb ilmiy muammolardan biri hisoblanadi.

Dunyo miqyosida raqamli kriminalistika ta’limining rivojlanishi

Raqamli kriminalistika dastlab kompyuter ekspertizasi sifatida shakllangan bo‘lsa-da, bugungi kunda u mustaqil ilmiy va amaliy yo‘nalishga aylangan. Dastlabki bosqichlarda asosiy e’tibor kompyuter xotirasini tahlil qilishga qaratilgan bo‘lsa, zamonaviy tizimlarda mobil qurilmalar, bulutli texnologiyalar, IoT qurilmalari va tarmoq trafigini tahlil qilish ham muhim ahamiyatga ega bo‘lib bormoqda[2].

AQSh ning nufuzli universitetlarida raqamli kriminalistika bo‘yicha ta’lim jarayonlari ko‘proq amaliy laboratoriyalar bilan integratsiyalashgan. Talabalar asosan quyidagi vositalar bilan ishlaydi:

- FTK (Forensic Toolkit);
- EnCase;
- Autopsy;
- Volatility;
- Wireshark;
- Cellebrite.

[1] ISC. Cybersecurity Workforce Study Report. – Alexandria, Virginia: ISC, 2024.
[2] International Telecommunication Union (ITU). Global Cybersecurity Index 2024. – Geneva: ITU, 2024.

Yevropa mamlakatlarida esa *Cyber Range* texnologiyalaridan foydalanish keng tarqalgan. Cyber Range real kiberhujumlarni modellashtiruvchi maxsus virtual muhit hisoblanadi.

Janubiy Koreya, Singapur va Germaniya universitetlarida o‘quv jarayonlarida:

- virtual laboratoriyalar;
- CTF musobaqalari;
- real hodisalarga asoslangan case-study;
- stajirovka dasturlari
- faol qo‘llanilmoqda[1].

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, faqat nazariy o‘qitish modeli talabalarni real ish muhitiga tayyorlash uchun yetarli emas.

Nazariya va amaliyot integratsiyasining ilmiy asoslari

Bugungi kunda raqamli kriminalistika yo‘nalishida mutaxassislarni tayyorlashda asosiy masalalardan biri nazariy bilimlar va amaliy ko‘nikmalar o‘rtasidagi muvozanatni ta’minlash hisoblanadi. Amaliyot shuni ko‘rsatadiki, faqat auditoriyada olingan nazariy bilimlar ko‘p hollarda real muhitdagi vaziyatlarni hal qilish uchun yetarli bo‘lmaydi. Chunki raqamli kriminalistika nafaqat ma’lumotlarni tahlil qilishni, balki real kiberhodisalarga tezkor javob berish, raqamli dalillarni to‘g‘ri yig‘ish va ularni ekspertiza qilish ko‘nikmalarini ham talab qiladi.

So‘nggi yillarda oliy ta’lim tizimida an’anaviy o‘qitish modelidan amaliy kompetensiyalarga yo‘naltirilgan ta’lim modeliga o‘tish tendensiyasi kuzatilmoqda[2]. Ushbu yondashuvning asosiy maqsadi talabani faqat nazariy bilim egasi sifatida emas, balki mustaqil fikrlay oladigan va real muammolarni hal qila oladigan mutaxassis sifatida tayyorlashdan iborat.

Raqamli kriminalistika ta’limida keng qo‘llanilayotgan yondashuvlardan biri tajribaga asoslangan ta’lim modeli hisoblanadi.

[1] OECD. Digital Skills for Private Sector Competitiveness in Uzbekistan. – Paris: OECD Publishing, 2023.

[2] Kolb D.A. Experiential Learning: Experience as the Source of Learning and Development. – New Jersey: Prentice Hall, 1984.

Mazkur yondashuvga koʻra, talabalar bilimlarni amaliy jarayonlar orqali chuqurroq oʻzlashtiradilar. Masalan, tarmoqdagi noqonuniy faoliyatni aniqlash, zararli dasturlarni tahlil qilish yoki xotira ma’lumotlarini ekspertizadan oʻtkazish kabi amaliy mashgʻulotlar talabaning mavzuni yaxshiroq tushunishiga yordam beradi.

Bundan tashqari, *muammoga asoslangan oʻqitish (Problem-Based Learning)* usuli ham keng qoʻllanilmoqda. Ushbu yondashuvda talabalar oldindan tayyor nazariy ma’lumotlarni yodlash oʻrniga, real vaziyatlarni tahlil qilish orqali bilim oladilar. Masalan, kompaniya serveriga noqonuniy kirish amalga oshirilgan vaziyatni koʻrib chiqamiz. Bu holatda talaba avvalo tizim jurnallarini (loglarni) tahlil qiladi, tarmoqdagi faoliyatni tekshiradi, hujum manbasini aniqlaydi va elektron dalillar asosida xulosa tayyorlaydi. Bunday yondashuv talabalarni mustaqil qaror qabul qilishga va tahliliy fikrlashga oʻrgatadi[1].

Raqamli kriminalistika boʻyicha mutaxassislar tayyorlashda virtual laboratoriyalarning oʻrni ham alohida ahamiyatga ega. Amaliy laboratoriyalarni tashkil qilish koʻpincha katta moliyaviy xarajatlarni talab qiladi. Shu sababli virtual laboratoriyalar ta’lim jarayonida samarali yechim sifatida qaralmoqda. Ular yordamida talabalar real tizimlarga zarar yetkazmagan holda turli kiberhodisalarni modellashtirish imkoniyatiga ega boʻladilar.

Bugungi kunda TryHackMe, Hack The Box, Cyber Range, VMware va VirtualBox kabi platformalar oʻquv jarayonida faol qoʻllanilmoqda. Mazkur muhitlarda talabalar nafaqat nazariy bilimlarini sinovdan oʻtkazadilar, balki haqiqiy ish jarayoniga yaqin boʻlgan vaziyatlar bilan ham ishlaydilar.

Shuningdek, CTF (Capture The Flag) musobaqalari ham amaliy tayyorgarlikni oshirishning samarali vositalaridan biri hisoblanadi. Ushbu

[1] Casey E. Digital Evidence and Computer Crime: Forensic Science, Computers and the Internet. – Amsterdam: Elsevier Academic Press, 2011.

musobaqalar davomida talabalar turli xavfsizlik muammolarini hal qilish orqali o‘z bilimlarini amalda qo‘llash imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Xususan, raqamli kriminalistika yo‘nalishidagi topshiriqlarda disklarni tahlil qilish, yashirilgan ma’lumotlarni topish yoki zararli fayllarni aniqlash kabi vazifalar bajariladi.

Yuqoridagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, raqamli kriminalistika sohasida nazariya va amaliyot integratsiyasi zamonaviy mutaxassislarni tayyorlashning eng muhim omillaridan biri hisoblanadi. Nazariy bilimlarni amaliy mashg‘ulotlar bilan uyg‘unlashtirish orqali talabalarning kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish va ularni real ish muhitiga tayyorlash imkoniyati oshadi.

O‘zbekistonda raqamli kriminalistika ta’limining rivojlanishi va mavjud muammolar

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biriga aylandi. Davlat xizmatlarini elektron shaklga o‘tkazish, bank tizimini raqamlashtirish, elektron tijorat va elektron hukumat tizimlarini keng joriy etish natijasida axborot tizimlaridan foydalanish hajmi keskin ortib bormoqda. Shu bilan birga, raqamli infratuzilmaning kengayishi kiberxavfsizlik bilan bog‘liq yangi muammolarni ham yuzaga keltirmoqda.

Mamlakatda ushbu yo‘nalishni rivojlantirish maqsadida qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilingan. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF–6079-sonli “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi mamlakatda raqamli texnologiyalarni rivojlantirish, zamonaviy mutaxassislarni tayyorlash hamda axborot xavfsizligini ta’minlashning ustuvor yo‘nalishlarini belgilab berdi[1].

Mazkur strategiyada nafaqat texnologik infratuzilmani rivojlantirish, balki kadrlar salohiyatini oshirish masalasi ham muhim vazifa sifatida qayd

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti. PF–6079-son Farmon: “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi. – Toshkent, 2020.

etilgan. Chunki texnologik vositalarning o‘zi yuqori samaradorlikni ta’minlamaydi, ulardan samarali foydalanadigan malakali mutaxassislar mavjud bo‘lishi zarur.

Shu bilan birga, xalqaro tashkilotlar tomonidan e’lon qilingan statistik ma’lumotlar O‘zbekistonda hali bajarilishi zarur bo‘lgan vazifalar mavjudligini ko‘rsatadi. National Cyber Security Index ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonning kiberxavfsizlik bo‘yicha ta’lim va professional rivojlanish ko‘rsatkichlari taxminan 50% darajasida baholangan[1]. Bu ko‘rsatkich mamlakatda mazkur yo‘nalishda muayyan ishlar amalga oshirilayotgan bo‘lsa-da, amaliy tayyorgarlikni yanada kuchaytirish zarurligini ko‘rsatadi.

Bundan tashqari, Global Cybersecurity Index natijalari ham mamlakatda ijobiy o‘zgarishlar kuzatilayotganligini ko‘rsatadi. O‘zbekistonning mazkur indeksdagi ko‘rsatkichlari so‘nggi yillarda sezilarli darajada yaxshilanib bormoqda[2]. Bu davlat darajasida kiberxavfsizlikka e’tibor ortib borayotganidan dalolat beradi.

Ammo amaliyotda ayrim muammolar hanuz mavjud.

Birinchi muammo nazariy va amaliy mashg‘ulotlar o‘rtasidagi muvozanatning yetarli emasligi hisoblanadi. Ko‘p hollarda talabalar kiberxavfsizlik yoki raqamli kriminalistika bo‘yicha nazariy ma’lumotlarga ega bo‘lsalar ham, real hodisalarni tahlil qilish bo‘yicha yetarli tajribaga ega bo‘lmaydilar.

Ikkinchi muammo maxsus laboratoriya muhitlarining yetarli emasligi bilan bog‘liq. Raqamli kriminalistika bo‘yicha to‘liq laboratoriya tashkil qilish katta moliyaviy xarajatlarni talab qiladi. Chunki bunday laboratoriyalar maxsus dasturiy vositalar va apparat resurslarini talab qiladi. kabi vositalarning aksariyati tijorat dasturlari hisoblanadi.

Uchinchi muammo esa ta’lim muassasalari va amaliy soha o‘rtasidagi hamkorlik darajasining yetarli emasligi bilan bog‘liq. Raqamli

[1] ISC. Cybersecurity Workforce Study Report. – Alexandria, Virginia: ISC, 2024.
[2] National Cyber Security Index. Uzbekistan Profile. – Tallinn: E-Governance Academy, 2024.

kriminalistika bo‘yicha tahsil olayotgan talabalar ko‘pincha real kiberhodisalar bilan ishlash imkoniyatiga ega bo‘lmaydilar.

Shuningdek, zamonaviy xalqaro platformalardan foydalanishni kengaytirish ham zarur. Xususan, TryHackMe, Hack The Box va CyberDefenders kabi platformalar talabalarning amaliy ko‘nikmalarini shakllantirishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi[1].

Yuqoridagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekistonda raqamli kriminalistika ta’limi rivojlanib bormoqda, biroq zamonaviy mehnat bozori talablariga mos yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash uchun nazariya va amaliyotni yanada chuqur integratsiyalash zarur.

Raqamli kriminalistika sohasida ta’lim va amaliyot integratsiyasi bo‘yicha taklif etilayotgan model

Zamonaviy mehnat bozorida mutaxassisdan nafaqat ma’lum bir texnologiyani bilish, balki yuzaga keladigan real vaziyatlarni tahlil qilish, muammolarni tezkor aniqlash va amaliy qarorlar qabul qilish qobiliyati ham talab qilinadi. Shu sababli ta’lim jarayonini amaliy faoliyat bilan yanada yaqinlashtirish zarur bo‘lib qolmoqda.

Bugungi kunda ko‘plab rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, talabalarni real ish muhitiga yaqin sharoitlarda tayyorlash an’anaviy o‘qitish usullariga qaraganda samaraliroq natija beradi. Ayniqsa kiberxavfsizlik va raqamli kriminalistika kabi tez o‘zgaruvchan yo‘nalishlarda o‘quv dasturlarining amaliy komponentlari muntazam ravishda yangilanib borilishi kerak.

Mazkur tadqiqot doirasida raqamli kriminalistika ta’limini takomillashtirish maqsadida ta’lim va amaliyotni integratsiyalashga asoslangan model taklif etiladi. Ushbu modelning asosiy g‘oyasi talabalarni o‘qish davridayoq real ish jarayonlariga yaqinlashtirishdan iborat.

[1] Garfinkel S. Digital forensics research: The next 10 years // *Digital Investigation*. – 2010. – Vol. 7. – P. 64–73.



1-rasm. Raqamli kriminalistika sohasida ta’lim va amaliyotni integratsiyalash modeli

Birinchi navbatda, nazariy fanlarni amaliy mashg‘ulotlar bilan parallel ravishda olib borish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Masalan, talaba raqamli dalillar bilan ishlash metodologiyasini o‘rganayotgan bo‘lsa, shu mavzu bilan bog‘liq laboratoriya mashg‘ulotlarini ham bajarishi kerak. Bu yondashuv bilimlarni yaxshiroq o‘zlashtirish va ularni uzoq muddat eslab qolishga yordam beradi.

Shuningdek, virtual laboratoriyalarni ta’lim jarayoniga keng joriy etish ham muhim ahamiyatga ega. Amaliyotda barcha oliy ta’lim muassasalarida qimmat turadigan kriminalistik vositalarni xarid qilish imkoniyati mavjud emas. Shu sababli virtual platformalar bu muammoni qisman hal qilishi mumkin. Masalan, TryHackMe, Hack The Box yoki CyberDefenders kabi platformalar yordamida talabalar turli kiberhodisalarni xavfsiz muhitda tahlil qilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Bundan tashqari, CTF (Capture The Flag) musobaqalaridan foydalanish ham amaliy ko‘nikmalarni shakllantirishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. Bunday musobaqalar davomida talabalar oldindan tayyorlangan nazariy savollarga javob berishdan ko‘ra, real vaziyatlarga yaqin bo‘lgan muammolarni hal qiladilar. Masalan, yashirilgan ma’lumotlarni topish, zararli dasturlarni tahlil qilish yoki elektron dalillarni tiklash kabi topshiriqlarni bajaradilar. Bu esa ularda mustaqil fikrlash va muammolarni amaliy hal qilish qobiliyatini rivojlantiradi.

Yana bir muhim jihatlardan biri oliy ta’lim muassasalari va amaliy sektor o‘rtasidagi hamkorlikni kuchaytirish bilan bog‘liq. Hozirgi vaqtda ko‘plab talabalar nazariy bilimlarga ega bo‘lishiga qaramasdan, real ish muhiti bilan yetarlicha tanish bo‘lmaydi. Natijada ular bitirgandan so‘ng yangi ish sharoitiga moslashishda ayrim qiyinchiliklarga duch kelishlari mumkin.

Mazkur muammoni bartaraf etish uchun davlat tashkilotlari, IT kompaniyalari, kiberxavfsizlik markazlari va sud ekspertiza muassasalari bilan hamkorlik qilish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Bu esa talabalarga amaliyot o‘tash, real hodisalar bilan ishlash va mutaxassislar tajribasidan foydalanish imkonini yaratadi.

Umuman olganda, ta’lim va amaliyotni integratsiyalashga asoslangan yondashuv nafaqat talabalarning bilim darajasini oshiradi, balki ularning kelgusidagi kasbiy faoliyatiga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Ayniqsa O‘zbekiston sharoitida raqamli transformatsiya jarayonlarining jadallashuvi va kiberxavfsizlikka bo‘lgan ehtiyojning ortishi bunday yondashuvni yanada dolzarb qilib qo‘ymoqda.

Xulosa. Raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi va kiberxavfsizlik bilan bog‘liq tahdidlarning ortib borishi raqamli kriminalistika sohasida malakali mutaxassislarni tayyorlash zaruratini kuchaytirmoqda. Tadqiqot davomida dunyo miqyosidagi tajribalar tahlili shuni ko‘rsatdiki, zamonaviy ta’lim tizimida nazariy bilimlarni amaliy mashg‘ulotlar bilan uyg‘unlashtirish muhim ahamiyatga ega.

O‘zbekistonda ham kiberxavfsizlik va raqamli texnologiyalarni rivojlantirish bo‘yicha keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Biroq zamonaviy mehnat bozori talablariga mos mutaxassislarni tayyorlash uchun ta’lim tizimida amaliy ko‘nikmalarni rivojlantirishga alohida e’tibor qaratish zarur.

Shu sababli virtual laboratoriyalar, CTF musobaqalari, real hodisalarga asoslangan mashg‘ulotlar hamda oliy ta’lim muassasalari va amaliy sektor o‘rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish muhim hisoblanadi. Mazkur yondashuv talabalarning kasbiy kompetensiyalarini shakllantirish, ularni real ish muhitiga tayyorlash va raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlashga xizmat qiladi.

АБДУЛЛАЕВ АЛИШЕР ИЛХОМОВИЧ
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш маркази директори

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Аннотация: *Мазкур мақолада олий таълим тизимида рақамли трансформация ва сунъий интеллектни жорий этиш жараёнлари таҳлил қилинган. Маъмурий, ўқув, илмий ва молиявий жараёнларни рақамлаштириш, HEMIS ахборот тизими ҳамда сунъий интеллектга асосланган платформалар мисолида эришилган натижалар ва истиқболли йўналишлар ёритилган.*

Калит сўзлар: *рақамли трансформация, сунъий интеллект, олий таълим, HEMIS, рақамлаштириш, электрон хизматлар, маълумотларни бошқариш, масофавий назорат.*

Бугунги кунда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири рақамли трансформация ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этишдан иборат. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш маркази томонидан 2019–2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, у беш босқични қамраб олади: ахборот тизимларини ишлаб чиқиш; маълумотларни тўплаш ва жараёнларни 100 фоиз рақамлаштириш; сунъий интеллектни интеграция қилиш (чатботлар, башоратли модуллар); келажакда автоном ўрганувчи AI-агентларни жорий этиш; ҳамда маълумотларга асосланган бошқарувга (Data Hub, Data Lake, Data Warehouse) ўтиш.

Жараёнларни рақамлаштириш кўлами. Олий таълимда маъмурий, ўқув, илмий ва молиявий жараёнлар рақамлаштирилди. Маъмурий бошқарувда таълим иштирокчиларининг ягона электрон базаси яратилди; ўқув жараёнида таълимни ташкил этиш, талабаларнинг академик ҳаракати ва битирувчилар мониторинги рақамлаштирилди; илмий фаолиятда самарадорлик мониторинги йўлга қўйилди; молиявий бошқарувда эса контракт, стипендия ва ётоқхона тўловлари рақамлаштирилиб, нақд пул айланмасига чек қўйилди. Ушбу жараёнларнинг марказида HEMIS ахборот тизими туради. Тизим 207 та олийгоҳ, 1,6 млн нафар талаба ва 48 минг нафар профессор-ўқитувчи маълумотларини қамраб олган, 31 та давлат органи билан интеграция қилинган ҳамда 40 га яқин электрон хизматни тақдим этади. HEMIS электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграцион платформаси орқали 25 та вазирлик ва идорага маълумот тақдим этади, 7 та идорадан эса маълумот қабул қилади.

Сунъий интеллектга асосланган платформалар. Тизимда талаба фаолиятини сунъий интеллект асосида таҳлил қилувчи бир қатор платформалар жорий этилган:

1) HEMIS AI — талабанинг GPA кўрсаткичлари, давомати ва дарс жадвалини таҳлил қилади, ўқув натижаларига мос Coursera курсларини тавсия этади, мустақил ва илмий ишларда плагиатни текширади, молиявий ҳолат бўйича таҳлил беради ҳамда чатбот орқали фойдаланувчи сўровларига тезкор жавоб қайтаради;

2) tyutor.hemis.uz — олийгоҳларда тьюторлар фаолиятини рақамлаштириб, талабалар билан ишлаш жараёнларини оптималлаштиради; сунъий интеллект риск-гуруҳдаги талабаларни аниқлайди, давомат ва ўзлаштириш узлуксизлигини кузатади, психологик ҳолат ҳамда ижтимоий муаммолар бўйича индикатор беради;

3) career.edu.uz (Edu Career) — битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлиб, AI

ёрдамида профиль таҳлили, мос вакансиялар тавсияси, суҳбатга тайёргарлик (mock интервью) ва резюме тайёрлаш имконини беради; платформа талаба, таълим муассасаси, иш берувчи ва банкни ягона тизимда бирлаштиради;

4) ai-proctor.edu.uz — масофавий таълимда холис ва адолатли баҳолашни таъминловчи имтиҳон назорати тизими бўлиб, юзни таниш, кўз ҳаракати, аудио, клавиатура ва экран фаолиятини таҳлил қилувчи AI-детектор орқали ғайритабиий хатти-ҳаракатларни аниқлайди.

Молиявий жараёнларни рақамлаштириш. EDU Billing тизими орқали 101 та давлат олийгоҳида 1 025 300 дан ортиқ электрон шартнома расмийлаштирилиб, 7,2 миллиондан ортиқ транзакция амалга оширилди. Контракт ва ижара шартномалари фақат электрон тарзда расмийлаштирила бошланди, стипендияни ҳисоблаш ва тўлаш тўлиқ автоматлаштирилиб, инсон омили бартараф этилди. Натижада шартномаларни тайёрлаш вақти 70 фоизга, ётоқхонага навбат ва бюрократик жараёнлар 80 фоизга қисқарди, нақд пул айланмасига чек қўйилди. Рақамлаштириш ҳисобига 1012 та штат бирлиги мақбуллаштирилиб, 26,4 млрд сўм маблағ тежалди.

Давлат хизматлари ва ягона портал. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида таълим соҳасига оид 15 та интерактив хизмат жорий этилди; улар орасида ўқиш жойидан маълумотнома ва академик транскрипт олиш, турар жойга жойлашиш, диплом маълумотларини қўшиш ҳамда стипендияларга онлайн ариза юбориш каби хизматлар бўйича жами бир неча миллион ариза қабул қилинди. MY.EDU.UZ ягона таълим хизматлари портали эса ахборот тизимлари ўртасидаги интеграцияни таъминлаб, академик лицей ва касб-ҳунар мактабларига, шунингдек иккинчи мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларига онлайн ҳужжат топшириш имконини берди.

Маълумотларни бошқариш маркази (Data Hub). Барча ахборот тизимларидан келиб тушадиган маълумотлар оқимини бирлаштириш мақсадида марказий омбор — Data Hub яратилди. У маълумотларни

интеграция қилиб, уларнинг долзарблигини таъминлайди; Data Warehouse структуравий таҳлил ва ҳисоботлар учун, Data Lake эса катта ҳажмдаги ва тарихий маълумотлар учун хизмат қилади. Тўпланган маълумотлар асосида сунъий интеллект тизимлари прогноз қилиш, тавсиялар ишлаб чиқиш ва интеллектуал хизматлар яратиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида амалга оширилган рақамли трансформация маъмурий, ўқув, илмий ва молиявий жараёнларни ягона рақамли муҳитда бирлаштириб, шаффофлик, тезкорлик ва адолатли тақсимотни таъминлади. Сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши таълим сифатини ошириш, талабаларга индивидуал ёндашув ва маълумотларга асосланган бошқарувга ўтиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Стратегик йўл харитасининг кейинги босқичларида автоном AI-агентлар ва тўлиқ маълумотларга асосланган бошқарув тизимига ўтиш соҳа ривожининг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда.

АБДУАЗИМОВА ЗАРИНА АМИРОВНА
Заведующая кафедрой
социальных и гуманитарных наук
Правоохранительной Академии
Республики Узбекистан,
доктор философии (PhD), доцент

ДИАЛЕКТИКА ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ РАЗУМНОСТИ И ОТВЕТСТВЕННОСТИ В КОНТЕКСТЕ ПРАВА И УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Аннотация: *В статье рассматривается диалектическая взаимосвязь экологической разумности и экологической ответственности в условиях формирования современной правовой системы устойчивого развития. Анализируются философско-правовые основания экологического сознания, роль государства и международного права в обеспечении экологической безопасности, а также значение экологической культуры для устойчивого развития общества. Обосновывается тезис о том, что экологическая разумность выступает интеллектуально-нравственной основой экологической ответственности, а их единство формирует правовой механизм устойчивого развития.*

Ключевые слова*: экологическая разумность, экологическая ответственность, устойчивое развитие, экологическое право, экологическая безопасность, правосознание, международное право.*

Введение. Современный этап развития цивилизации характеризуется углублением экологического кризиса, проявляющегося в изменении климата, деградации природных экосистем, истощении природных ресурсов и ухудшении качества жизни населения[1]. В этих условиях особую актуальность приобретает

[1] Доклад Всемирной комиссии по окружающей среде и развитию «Наше общее будущее». — ООН, 1987

проблема формирования экологически ориентированного правового сознания, основанного на принципах разумности и ответственности.

Концепция устойчивого развития предполагает гармонизацию экономических, социальных и экологических интересов общества[1]. Однако реализация данной концепции невозможна без формирования экологической разумности как способности человека осознавать пределы природной среды и последствия собственной деятельности[2]. В свою очередь, экологическая ответственность выступает практической формой реализации экологической разумности в сфере права и общественных отношений.

1. Теоретико-философские основы экологической разумности

Экологическая разумность представляет собой особую форму общественного сознания, основанную на понимании взаимосвязи человека и природы[3]. Она включает способность оценивать последствия хозяйственной деятельности, учитывать экологические ограничения и ориентироваться на долгосрочные интересы общества.

С философской точки зрения экологическая разумность формируется в рамках перехода от антропоцентрической модели мышления к экоцентрической[4]. Антропоцентризм рассматривал природу исключительно как ресурс для удовлетворения потребностей человека, тогда как современная экологическая парадигма признаёт самостоятельную ценность природной среды.

Диалектический характер экологической разумности проявляется в единстве познавательного, ценностного, нормативного и практического элементов. Экологическая культура общества оказывает непосредственное влияние на эффективность правового регулирования природопользования[5].

---

[1] Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. — ООН, 2015.
[2] Урсул А.Д. Устойчивое развитие и безопасность. — М.: Логос, 2021. — С. 41.
[3] Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. — М.: Айрис-пресс, 2019. — С. 56.
[4] Моисеев Н.Н. Человек и ноосфера. — М.: Молодая гвардия, 2018. — С. 72.
[5] Ильин И.А. О сущности правосознания. — М.: АСТ, 2020. — С. 88.

2. Экологическая ответственность как правовая категория

Экологическая ответственность является одной из ключевых категорий экологического права. Она представляет собой обязанность субъектов права соблюдать экологические требования и нести негативные последствия за причинение вреда окружающей среде[1].

В юридической науке экологическая ответственность рассматривается как:

форма государственного принуждения;

элемент экологического правосознания;

механизм обеспечения экологической безопасности;

принцип устойчивого развития.

Современное экологическое законодательство основывается на презумпции ответственности человека перед природой и будущими поколениями[2]. Это означает, что использование природных ресурсов должно сопровождаться обязанностью по сохранению экологического баланса.

Экологическая ответственность может быть административной, гражданско-правовой, дисциплинарной, уголовной и международно-правовой. Особое значение приобретает международная экологическая ответственность государств, обусловленная глобальным характером экологических проблем[3].

3. Диалектика разумности и ответственности в системе экологического права

Диалектика экологической разумности и ответственности проявляется в их взаимной обусловленности. Разумность без ответственности остаётся абстрактным знанием, не влияющим на общественную практику. Ответственность без разумности

---

[1] Боголюбов С.А. Экологическое право. — М.: Юрайт, 2021. — С. 113.

[2] Бринчук М.М. Экологическое право Российской Федерации. — М.: Проспект, 2022. — С. 145.

[3] Шемшученко Ю.С. Экологическое право и устойчивое развитие. — Киев: Наукова думка, 2020. — С. 97.

превращается в формальный механизм принуждения, лишённый внутренней мотивации[1].

Современное экологическое право стремится сочетать императивные методы регулирования, стимулирующие механизмы, экологическое образование и общественное участие в принятии решений. Экологическая разумность формирует внутреннюю готовность субъекта соблюдать экологические нормы, а ответственность обеспечивает юридическую гарантию их исполнения.

Диалектическое единство данных категорий особенно ярко проявляется в концепции устойчивого развития, основанной на принципах меж поколений справедливости, рационального природопользования и экологической солидарности[2].

4. Право и устойчивое развитие в условиях глобальных экологических вызовов

Современное международное право активно развивает механизмы устойчивого развития. Важнейшую роль играют международные экологические соглашения, регулирующие вопросы изменения климата, охраны биологического разнообразия и рационального использования природных ресурсов[3].

В условиях глобализации экологическое право приобретает транснациональный характер. Формируется новая модель правового регулирования, основанная на экологизации законодательства, международном сотрудничестве и участии гражданского общества.

Особое значение имеет принцип экологической справедливости, предполагающий равное распределение экологических благ и рисков между государствами и социальными группами. В связи с этим государства внедряют механизмы «зелёной экономики», экологического налогообложения и экологического аудита[4].

---

[1] Алексеев С.С. Теория права. — М.: Норма, 2020. — С. 201.
[2] Урсул А.Д. Устойчивое развитие и безопасность. — С. 94.
[3] Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. — ООН, 2015.
[4] Боголюбов С.А. Экологическое право. — С. 209.

Право выполняет двойственную функцию:

ограничивает экологически опасную деятельность;

стимулирует экологически безопасные формы хозяйствования.

5. Перспективы развития экологического правосознания

Формирование экологического правосознания является одной из главных задач современного государства. Экологическое образование и просвещение способствуют развитию у граждан понимания собственной ответственности за состояние окружающей среды[1]. Перспективными направлениями развития экологического правосознания являются:

внедрение экологического образования;

развитие экологической этики;

расширение общественного участия;

цифровизация экологического мониторинга;

повышение прозрачности экологической информации.

Важным условием повышения экологической ответственности является укрепление принципа неотвратимости наказания за экологические правонарушения.

Заключение

Диалектика экологической разумности и ответственности отражает процесс взаимодействия сознания, права и общественной практики в условиях глобального экологического кризиса. Экологическая разумность выступает интеллектуальной и нравственной основой экологически ориентированного поведения, тогда как ответственность обеспечивает юридическую реализацию экологических требований. Современное экологическое право ориентируется на принципы устойчивого развития, меж поколений справедливости и экологической безопасности. Эффективность данных принципов зависит от уровня экологического правосознания общества и готовности государства обеспечивать баланс между

[1] Ильин И.А. О сущности правосознания. — С. 133.

экономическими интересами и охраной окружающей среды. Кроме того, экологическая рациональность выполняет легитимирующую функцию на макроуровне социальной системы. Она обеспечивает моральное и научное обоснование политических решений, направленных на устойчивое развитие, тем самым укрепляя доверие к институтам. На наш взгляд, стратегии устойчивого развития без такой нормативной основы не способны получить широкую общественную поддержку.

В стратегическом измерении экологическая рациональность может быть охарактеризована как механизм саморегуляции социально-природной системы. Она определяет пределы допустимого развития, консолидирует долгосрочную перспективу и формирует ценностные основы коллективных действий. На наш взгляд, её системная роль проявляется в переходе общества от логики экспансии к логике равновесия, от господства к коэволюции, от краткосрочной выгоды к меж поколений ответственности. Таким образом, экологическая рациональность выступает как структурный элемент современной социальной философии и одновременно как практическая основа устойчивого развития. Она связывает теоретическое осмысление с институциональной реализацией и культурной трансформацией, формируя целостную модель социального самосознания в XXI веке. На наш взгляд, именно посредством экологической рациональности будет осуществлен переход к новой цивилизационной парадигме, в которой устойчивость и ответственность станут основополагающими принципами общественного существования.

АНОРБОЕВ АМИРИДДИН
УЛУҒБЕК ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат
институти бош илмий ходими, ю.ф.д.

БЛОГЕРЛАР РЕКЛАМА ТАРҚАТГАНЛИГИ УЧУН СОЛИҚҚА ТОРТИЛИШИ ЗАРУРИЯТИ ВА ТАРТИБИ

Аннотация: *Мақолада замонавий бозор иқтисодиётида инфлюенсерларнинг (блогерларнинг) ўрни, уларнинг истеъмол маданиятига таъсири ва реклама бозоридаги улуши таҳлил қилинган. Муаллиф миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни, хусусан, "инфлюенсер" мақомининг мавжуд эмаслиги ва яширин иқтисодиёт муаммоларини асослаб берган. Тадқиқотда халқаро тажрибада мавжуд бўлган солиққа тортишнинг 4 та асосий модели қиёсий ўрганилган. Мақоланинг асосий янгилиги сифатида интернет-рекламани "Asl belgis" тизими орқали мажбурий рақамли маркировкалаш ва токенлаш, реклама шартномаларини солиқ органларида электрон ҳисобга қўйиш ҳамда "солиқ ҳамкор" тизимидан фойдаланиш таклифи илгари сурилган. Таклиф этилаётган механизмлар бюджет тушумларини ошириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.*

Аннотация: *В статье анализируется роль инфлюенсеров (блогеров) в современной рыночной экономике, их влияние на потребительскую культуру и доля на рынке рекламы. Автор обосновывает наличие правовых пробелов в национальном законодательстве, в частности, отсутствие статуса «инфлюенсера» и проблемы теневой экономики. В исследовании сравниваются 4 основные модели налогообложения, существующие в международной практике. В качестве основного инновационного предложения выдвигается внедрение обязательной цифровой маркировки и токенизации интернет-рекламы через систему «Asl belgisi», электронный учет рекламных договоров в налоговых органах и использование системы «налогового партнера». Предложенные механизмы направлены на увеличение бюджетных поступлений, обеспечение социальной справедливости и защиту прав потребителей.*

Annotation:*The article analyzes the role of influencers (bloggers) in the modern market economy, their impact on consumer culture, and their share in the advertising market. The author highlights legal gaps in national legislation, specifically the lack of a legal status for "influencers" and challenges related to the shadow economy. The study provides a comparative analysis of four primary international taxation models for influencers. As a key proposal, the author suggests implementing mandatory digital marking and tokenization of online advertising through the "Asl belgisi" system, electronic registration of advertising contracts with tax authorities, and the utilization of the "tax partner" (social monitoring) system. The proposed mechanisms aim to increase budget revenues, ensure social justice, and protect consumer rights.*

Калит сўзлар*: инфлюенсер, блогер, интернет-реклама, солиққа тортиш, рақамли маркировка, "Asl belgisi", смарт-контракт, токенлаш, яширин иқтисодиёт, солиқ ҳамкор.*

Ключевые слова*: инфлюенсер, блогер, интернет-реклама, налогообложение, цифровая маркировка, «Asl belgisi», смарт-контракт, токенизация, теневая экономика, налоговый партнер.*

Keywords*: influencer, blogger, internet advertising, taxation, digital marking, "Asl belgisi", smart contract, tokenization, shadow economy, tax partner.*

Бугунги кунда инфлюенсерлар бозор иқтисодиётига ва истеъмол маданиятига кучли таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг реклама ва тавсиялари нафақат талабни бошқармоқда, балки бозордаги нарх-наво шаклланишига, истеъмолчиларнинг сифатли ва зарур товарни танлашига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот учун: *статистик маълумотларга кўра, харидорларнинг тахминан* ***60-70 фоизи анъанавий рекламадан кўра инфлюенсерларнинг тавсияларига кўпроқ ишонади****. Шу сабабли ушбу фаолият турининг дунё бозоридаги улуши 2024 йилда 24 миллиард долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич, 2025 йилда 35 миллиард долларни ташкил қилган. Инфлюенсерлар даромадининг асосий қисми ҳамон* ***Instagram*** *(тахминан 30% улуш) платформаси ва тез ўсиб бораётган* ***TikTok*** *платформаси ҳиссасига тўғри келмоқда.*

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва реклама бозорининг интернет сегментига трансформациялашуви инфлюенсерлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Ушбу зарурият қуйидаги омиллар билан асосланади:

Биринчидан, миллий қонунчиликда “инфлюенсер” тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми ҳамда мажбуриятлари доираси назарда тутилмаганлиги “ҳуқуқий бўшлиқ”ни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, юқори даромад кўраётган шахсларнинг солиққа тортилмаслигига, натижада виждонли солиқ тўловчилар ўртасида ижтимоий адолат тамойилининг бузилишига ҳамда кенг жамоатчиликда “меҳнатсиз ва осон пул топиш”га қаратилган бузғунчи (деструктив) қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда;

Иккинчидан, инфлюенсерлар томонидан тарғиб қилинаётган товар ва хизматларнинг аксарият ҳолларда амалдаги қонунчилик талабларига мос келмаслиги, истеъмолчиларнинг моддий ва маънавий манфаатларига зарар етказиши “соғлом рақобат” муҳитига салбий таъсир кўрсатяпти. Бу эса ишлаб чиқарувчи, реклама тарқатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларда тизимли низоларнинг ортишига олиб келмоқда;

Учинчидан, реклама жараёни иштирокчилари (реклама берувчи, ижрочи ва инфлюенсер) ўртасида жавобгарлик чегараларининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланмаганлиги, ҳуқуқи бузилган фуқароларнинг манфаатларини тиклашда қийинчиликларни туғдирмоқда. Натижада, ваколатли давлат органларининг назорат функциялари самарадорлиги юзасидан аҳоли ўртасида асосли эътирозлар шаклланиши кузатилмоқда”;

Мазкур фаолиятни тартибга солишнинг энг самарали йўли солиққа тортиш бўлса-да, Ўзбекистонда бу бўйича мукаммал солиқ механизми шаклланмаган ва яширин иқтисодиёт сақланиб қолмоқда.

Бу борада баъзи нотўғри ёндашувлар мавжуд. Масалан, собиқ Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги инфлюенсерга “10 мингдан ортиқ обуначига эга бўлган блогер” деб таъриф беришни таклиф қилган эди. Баъзи мутахассислар солиққа тортиш базаси сифатида фақат обуначилар ёки кўришлар сонини асос қилиб олишни таклиф қилишмоқда. Бироқ бу мезонлар қуйидагиларга кўра, ўзини оқламайди:

биринчидан, баъзи платформаларда статистикани учинчи шахслардан яшириб қўйиш техник жиҳатдан мумкин;

иккинчидан, айрим бот-тизимлар орқали кўрсаткичлар (кўришлар, обуначилар, ахборотни узатишлар ва хк.)ни сунъий равишда манипуляция қилиб ошириш мумкин;

учинчидан, аудиторияси кам бўлса-да, тижорий конверсияси юқори бўлган ва катта савдоларни амалга ошираётган ресурслар ҳам амалиётда мавжуд.

Шу билан бирга, инфлюенсерларни солиққа тортишда қуйидаги мавжуд ресурс ва ислоҳотларни инобатга олиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди, жумладан:

инфлюенсерларни тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказиш кенг жамоатчиликка блогерларнинг таъсири мавжудлиги сабабли салбий муҳокамаларни вужудга келтириб чиқариши мумкин;

инфлюенсерларни тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш бу борада олиб борилаётган ислоҳотларга ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига кўра, “блогер”нинг ҳуқуқий мақомига мувофиқ эмас;

инфлюенсерларни солиққа тортишнинг энг самарали йўли “Asl belgisi” тизими орқали товарларни маркировкалаш, солиқ ҳамкор орқали маркировкалаш ва солиқ қонунчилигини бузиш юзасидан кенг жамоатчилик иштирокидан фойдаланиш бўйича тўпланган амалиётдан ва хориж тажрибасидан фойдаланиб, қуйидагиларни йўлга қўйишдир, хусусан:

а) инфлюенсерлар томонидан тармоққа жойлаштирилаётган реклама тусидаги ахборотини телекоммуникация ёки Интернет тармоғига жойлаштиришдан олдин “Asl belgisi” тизимидан маркировкалаш ёки рақамли токенлаш;

б) солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали орқали реклама берувчи ва тарқатувчи ўртасида тузиладиган шартномаларнинг солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйилишини йўлга қўйиш;

в) телекоммуникация ёки Интернет тармоғида ҳар бир реклама тарқатилганида реклама берувчи ва тарқатувчининг ҳар ойлик солиқ ҳисоботини топшириш амалиётини йўлга қўйиш;

г) маркировкаланмаган реклама тусидаги ахборотни телекоммуникация ёки Интернет тармоғида жойлаштириш, реклама шартномасини ҳисобга қўймаганликка оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланиб, кенг жамоатчиликнинг Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали (Soliq-mobile) орқали солиқ ҳамкорлик тизимидан унумли фойдаланиш саналиши аниқланди.

Хорижий давлатларда бу тушунча ва унга алоқадор муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинган. Масалан, бу атама **Францияда** “тижорий таъсир кўрсатувчи шахслар”, **Қозоғистонда** “инфлюенсер”, **Россияда** “реклама тарқатувчи”, **Испанияда** “алоҳида аҳамиятга эга бўлган фойдаланувчилар”, **Германияда** эса “медиа хизмат кўрсатувчилар” сифатида **30 дан ортиқ** давлат қонунчилигида акс этган.

Дунёнинг **40** дан ортиқ давлатида инфлюенсерларни солиққа тортиш учун **интернет-рекламани рақамли маркировкалаш** қатъий йўлга қўйилган.

Маълумот учун: *Австрия, Австралия, АҚШ, Аргентина, Бельгия, Буюк Британия, БАА, Бразилия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Дания, Жанубий Корея, Ирландия, Испания, Италия, Индонезия, Ҳиндистон, Канада, Хитой, Қозоғистон, Қатар, Латвия, Литва,*

Люксембург, Малайзия, Мексика, Нидерландия, Норвегия, Польша, Португалия, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Сингапур, Таиланд, Туркия, Украина, Филиппин, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония, Япония ***интернет-рекламани рақамли қатъий маркировка қилувчи давлатлар*** *саналади.*

Шунингдек, **80 дан ортиқ хорижий давлатларда инфлюенсерларнинг фаолияти лицензияланади ёки рухсатнома асосида йўлга қўйилган** ва улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, **солиқ ҳисоботларини топширади.**

Маълумот учун*: Австрия, Австралия, АҚШ, Аргентина, Албания, Андорра, Арманистон, Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Бразилия, Буюк Британия, БАА, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Грузия, Дания, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Ирландия, Испания, Италия, Иордания, Қозоғистон, Канада, Кипр, Хитой, Колумбия, Корея Республикаси, Қирғизистон, Кувайт, Қатар, Латвия, Литва, Люксембург, Малайзия, Мальта, Марокаш, Мексика, Молдавия, Нидерландия, Норвегия, Уммон, Покистон, Польша, Португалия, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Сербия, Сингапур, Словакия, Словения, Таиланд, Туркия, Туркманистон, Украина, Филиппин, Финляндия, Франция, Хорватия, Чехия, Чили, Швейцария, Швеция, Эстония, Жанубий Африка Республикаси, Япония, Жазоир, Баҳрайн, Эквадор, Эфиопия, Гана, Исландия, Кения, Лихтенштейн, Маврикий, Нигерия, Янги Зеландия, Панама, Перу, Сейшел ороллари, Тунис, Уругвайда инфлюенсерларнинг реклама фаолияти лицензияланиши ва улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, солиқ ҳисоботларини топширишлари зарур.*

Шу билан бирга, **Россияда** телекоммуникация ёки Интернет тармоғига рекламага оид ахборотни жойлаштиришдан олдин махсус автоматлаштирилган тизимдан **токенлар** олинади. **Қозоғистонда** тармоқ орқали тарқатилаётган рекламада дастлаб маркировка қилиниши ва кейин махсус белги (тег) орқали тарқатилиши, реклама

тарқатувчиларнинг банк транзакциялари мониторинг қилинади. **Белоруссияда** реклама тарқатувчилар олдин мажбурий реестрга кириши ва кейин реклама ахборотини тарқатиши зарур ва уларда ҳам реклама тарқатувчилар билан уларнинг банк транзакциялари ўзаро солиштириш йўли билан солиқ ушлаб қолинади.

Уччала давлатда ҳам рекламага оид талабларни бузганлик учун атрофлича жавобгарлик назарда тутилган.

Шунга кўра, ҳозирда халқаро амалиётда инфлюенсерларни солиққа тортишнинг **4 та асосий модели** вужудга келганлиги аниқланди:

1) “солиқ агенти – платформа” ёки автоматлаштирилган назорат модели. Ушбу модель доирасида асосий солиқ юклама инфлюенсерга эмас, балки тўловни амалга оширувчи рақамли платформа (YouTube, TikTok, Instagram) ёки унинг реклама агентлигига юклатилади ва инфлюенсер улар билан шартнома тузиши мажбурийдир. Бу моделга кўра, даромад инфлюенсернинг банк ҳисобига тушгунга қадар топилаётган даромаддан солиқ ушлаб қолиш мажбурийлиги (Tax Deducted at Source) тамойили асосида инфлюенсерларнинг солиғи мажбурий бюджетга йўналтирилади;

Маълумот учун: *Шимолий ва Жанубий Америкадаги 25 та давлат, жумладан, АҚШ, Канада, Мексика, Бразилия, Аргентина, Чили, Колумбия, Перу, Уругвай, Парагвай, Эквадор, Боливия, Коста-Рика, Панама, Гватемала, Гондурас, Сальвадор, Доминикан Республикаси, Ямайка, Тринидад ва Тобаго, Европа ҳамда Океаниядаги 22 та, жумладан, Буюк Британия, Германия, Япония, Австралия, Австрия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Швейцария, Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия, Исландия, Ирландия, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Фижи, Осиё ва Африкадаги 58 та давлат, жумладан, Жанубий Африка, Нигерия, Кения, Эфиопия, Гана, Танзания, Уганда, Сенегал, Покистон, Бангладеш, Шри-Ланка,*

Вьетнам, Филиппин, Малайзия, Исроил, Иордания ва бошқа давлатлар ушбу модел асосида фаолият юритишади.

2) махсус рақамли ва соддалаштирилган режимлар модели. Бунга кўра, яширин иқтисодиётни қисқартириш мақсадида блогерлар учун алоҳида ҳуқуқий мақом ва имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилган. Жумладан, фаолиятни декларациясиз, махсус мобил иловалар орқали рўйхатдан ўтказиш ва паст ставкаларда (одатда 1% дан 15% гача) солиқ тўлаш тизими яратилган, шунингдек, солиқни банклар ва платформа эгалари мажбурий равишда ушлаб қолиши назарда тутилган. АҚШ Ўзбекистонлик блогерларни шу орқали солиққа тортади;

Маълумот учун: *Қозоғистон, Белоруссия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Тайвань, Таиланд, Миср, Марокаш, Францияда реклама шартнома асосида тарқатилиши ва ҳар бир транзакциядан банк солиқ ушлаб қолиши шарт. Масалан, Туркияда реклама учун 15 % блогернинг солиғини банк, Хитойда платформа эгаси (Google, Meta, TikTok) ёки маҳаллий банклар ушлаб қолиши, Қозоғистонда 1 фоизлик мобил режим, Беларусда эса "Реклама тарқатувчиларнинг давлат реестри" ва 10 фоизлик касбий даромад солиғи жорий этилган.*

3) нафақат тижорат, балки бартер муносабатлари ва натурал даромадларни баҳолаш модели – тўлиқ солиқ қамрови модели. Унга кўра, инфлюенсерлик фаолиятининг ўзига хос хусусияти бўлган пуллик бўлмаган даромадларни (совғалар, саёҳатлар, хизматлар ва хк.) солиққа тортишга қаратилган, реклама мақсадида берилган ҳар қандай маҳсулот (PR-пакетлар) ёки хизматнинг бозор қиймати тижорий даромад сифатида баҳоланади ва умумий солиқ базасига киритилади;

Маълумот учун: *АҚШ, Германия ва Буюк Британияда блогерлар брендлардан олинган текин совғаларнинг қийматидан даромад солиғи тўлашга мажбур. Буни яшириш солиқдан бўйин товлаш деб баҳоланади.*

4) профессионал тадбиркорлик ва харажатларни чегириш модели –тижоратлашган ёндашув модели. Бунга кўра, блогерлик фаолиятига юқори даромад келтирувчи профессионал бизнес сифатида қаралади ва уларга тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёзлар берилади, даромадларни шаффофлаштиришни рағбатлантириш учун инфлюенсерларга ишлаб чиқариш харажатларини (техника, интернет, монтаж хизмати) умумий даромаддан чегириб ташлаш ҳуқуқи берилади.

Маълумот учун: *Австралия, Канада ва Скандинавия давлатларида блогерлар соф фойдадан прогрессив ставкаларда (10 фоиздан 50 фоизгача) солиқ тўлайдилар.*

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалиётдан келиб чиқиб ҳамда хорижий тажриба асосида мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиб, қуйидагиларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш таклиф қилинади:

1) қуйидагилар инобатга олинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни:

Ўзбекистон Республикасининг “**Реклама тўғрисида**”ги Қонуни[1]да “инфлюенсер” тушунчасининг таърифини ва унинг реклама тарқатувчи сифатидаги ролини аниқлаштириш, телекоммуникация ёки Интернет тармоғида тарқатилаётган реклама тусидаги ахборотга қўйилган талаб, шу жумладан, унинг маркировкаланиши ёки рақамли токенланиши, смарт контракт асосида ҳам реклама тарқатиш имконияти, тармоққа жойлаштирилган реклама юзасидан реклама берувчи ва тарқатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда уларнинг истеъмолчи олдида жавобгарлигини;

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикасининг **Солиқ кодекси**да[1] инфлюенсерларга қулайлик яратиш мақсадида улар тадбиркорлик субъектларининг иш, товар ва хизматларини реклама қилганида тадбиркорлик субъектларининг ҳар ойлик солиқ ҳисоботида буни акс эттириш орқали инфлюенсерларга енгиллик бериш, такрор солиқ ҳисоботларининг олдини олишни таъминлаш, қолган ҳолатларда инфлюенсер ҳар ойлик солиқ ҳисоботида ўзининг рекламаси орқали кўрган фойдасини акс эттириш, ўзаро тафовутларни жами йиллик декларацияда уни топшириқш вақтида бартараф этиш имкониятини яратиш, маркировкаланмаган ёки рақамли токенланмаган реклама тусидаги ахборотни телекоммуникация ёки Интернет тармоғида тарқатилишига йўл қўйиб берган ҳолларда солиқ тўловчига нисбатан солиқ жавобгарлигини;

Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс**нинг Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали маркировкаланмаган ёки рақамли токенланмаган реклама ахборотининг телекоммуникация ёки Интернет тармоғида тарқатилиши, солиқ ҳисоботлари топширилмаслиги, реклама шартномасининг солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйилмаслиги учун жисмоний шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини белгилаш;

2) **Вазирлар Маҳкамасининг** қуйидагиларга оид махсус қарори:

Реклама фаолияти билан шуғулланувчи инфлюенсер солиқ тўловчиларнинг электрон автоматик реестрини юритиш тартибини тасдиқлаш;

тарқатаётган ахборотининг реклама эканлиги фойдаланувчига кўриниб туриши ва фойдаланиш имконият яратилиши таъминланиши лозимлиги бўйича реклама тарқатувчи, реклама тарқатиш юзасидан реклама тарқатувчи смарт контракт ёки шартнома тузиши шартлиги

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўйича реклама берувчи ва тарқатувчи бирдек масъул эканлигини белгилаш;

киберҳодисаларнинг вужудга келмаслигининг олдини инобатга олиб, “Asl belgisi” тизимидан реклама тарқатиш учун смарт-контракт тузиш ва реклама ахборотига рақамли токен бериш, шунингдек, смарт контракт тузмайдиган ахборотлаштириш субъектлари ўртасида электрон шартнома тузиб, автоматик QR-код берувчи мажбурий рақамли маркировка тизимини жорий этиш;

Ахборот ресурсларини рақамли маркировкалаш, токенлаш, реклама бўйича смарт контракт ва бошқа шартномаларни тузиш тартиби ва назорат қилиш қоидаларини тасдиқлаш ва бунда солиқ тўловчилар, солиқ органлари ва бошқа ташкилотларнинг телекоммуникация ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ахборот ресурсини Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали ва “Soliq mobile” иловаси орқали унинг “Asl belgisi” тизимидан маркировкалангани ёки рақамли токенланганини аниқлаш, номақбул рекламага қарши курашиш, ахборот ресурсларини рақамли маркировкалаш тартиб-таомилларини белгилаш;

Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали ва “Soliq mobile” иловаси орқали маркировкаланмаган интернет-рекламалар ҳақида хабар берган фуқароларни рағбатлантириш тизимини ишга тушириш;

Ҳукумат қарорида белгиланаётган вазифаларни бажариш, янги тартиб-таомилларни аҳоли ва ижрочиларга етарлича тушунтирилишини таъминлашга оид чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори[1]га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, унда рақамли маркировкаланмаган ёки (ва) номақбул рекламалар акс этган ахборот ресурсини чеклашни назарда тутиш;

3) ахборотлаштириш субъектлари билан бир қаторда инфлюенсерларнинг ҳам ахборотлаштириш соҳасида хизматларни кўрсатиш тартибини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси **Рақамли технологиялар вазирлигининг** 3-иловага мувофиқ “Ахборотлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи;

Шу билан бирга, қуйидагиларни ҳам белгилаш:

Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда мазкур таклиф асосида қонун ҳужжатини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритиш ва у қабул қилинганидан кейин икки ой муддатда Ҳукумат қарорини қабул қилиш;

Рақамли технологиялар вазирлигига уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Бош прокуратура, ДХХ, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича топшириқ бериш;

Солиқ қўмитаси ва Рақамли технологиялар вазирлигига уч ой муддатда “Asl belgisi” тизими, Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали, “Soliq mobile” иловаси, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида таклифда назарда тутилган техник имкониятларни жорий этиш бўйича топшириқ бериш;

[1] Вазирлар Маҳкамасининг “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Оммавий контентни тайёрлаш маркази, МТРК, Ахборотлаштириш агентлигига манфаатдор вазирлик ва идораларга билан бирга ушбу таклиф натижасида қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

реклама ахборотини рақамли маркировкалаш ёки токенлаш орқали инфлюенсерларнинг даромадлари шаффофлашади, бу эса бюджетга қўшимча маблағ тушишини таъминлайди;

барча соҳа вакиллари каби инфлюенсерларнинг ҳам солиққа тортилиши виждонли солиқ тўловчилар ўртасидаги тенгсизлик ва ижтимоий норозиликларни бартараф этади;

ҳар бир рекламанинг маркировкаланиши ёки токенланиши ва “Asl belgisi” тизимига интеграцияси истеъмолчига товар сифати учун ким масъул эканлигини аниқ билиш имконини беради;

сифатсиз ва қонунга зид товарлар тарғиботи камаяди, бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ҳалол тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратади.

BOBOEV MIRSHOD MUROTOVICH
Head of the Digital Technologies Center
of the General Prosecutor's Office of t
he Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law

ISSUES OF ENSURING THE LEGAL PROTECTION OF HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS THROUGH THE DIGITALIZATION OF CRIMINAL INVESTIGATION

Аннотация. *Мақолада жиноятларни тергов қилишни рақамли форматга ўтказишнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-204-сон Фармони билан белгиланган "E-tergov" ахборот тизими электрон жиноят иши, электрон судга қадар иш юритув, жиноятлар тўғрисидаги хабарларни электрон рўйхатга олиш ва рақамли прокурор назоратининг асосий механизми сифатида кўриб чиқилади. Рақамлаштириш тергов фаолиятини оддий техник модернизация қилиш эмас, балки қонунийлик, шаффофлик ва процесс иштирокчилари ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий инфратузилма бўлиши лозимлиги асосланади.*

Аннотация. *В статье рассматриваются вопросы перевода расследования преступлений в цифровой формат в контексте обеспечения прав и свобод личности. Особое внимание уделяется Указу Президента Республики Узбекистан от 3 ноября 2025 года № ПФ-204 и предусмотренной им информационной системе «E-tergov». Обосновывается, что цифровое расследование должно формировать юридически значимую среду электронного досудебного производства, обеспечивающую регистрацию сообщений о преступлениях, цифровой прокурорский надзор и защиту прав участников процесса.*

Abstract. *The article analyzes the significance of the digitalization of criminal investigation for the protection of an individual's rights and freedoms. The "E-tergov" information system, established by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-204 of 3 November 2025, is examined as the principal mechanism of the electronic criminal case, electronic pre-trial proceedings, the electronic*

registration of crime reports, and digital prosecutorial supervision. It is argued that digitalization should be not a mere technical modernization of investigative activity, but a legal infrastructure directed at ensuring legality, transparency, and the rights of the participants in the proceedings.

Калит сўзлар: *электрон жиноят иши, рақамли тергов, E-tergov, рақамли прокурор назорати, шахс ҳуқуқлари, электрон рўйхатга олиш, судга қадар иш юритув.*

Ключевые слова: *электронное уголовное дело, цифровое расследование, E-tergov, цифровой прокурорский надзор, права личности, электронная регистрация, досудебное производство.*

Keywords: *electronic criminal case, digital investigation, E-tergov, digital prosecutorial supervision, individual rights, electronic registration, pre-trial proceedings.*

Introduction

In the present era, digitalization is becoming one of the essential instruments for enhancing the effectiveness of public administration, strengthening legality, and protecting human rights. In the sphere of criminal justice, this process acquires particular significance, since the investigation of crimes directly affects an individual's right to liberty and personal inviolability, the right to defence, the presumption of innocence, the victim's right of access to justice, and the right to privacy.[1]

For this reason, the transition of criminal investigation to a digital form should be assessed not merely as a technological modernization of the activity of the bodies of inquiry, investigation, and the prosecutor's office, but as a legal mechanism that ensures legality, transparency, and the protection of an individual's rights.

The aim of this article is to provide a scholarly and practical substantiation of the role of the "E-tergov" information system in ensuring the electronic criminal case, electronic registration, and digital prosecutorial supervision.

[1]Constitution of the Republic of Uzbekistan. Adopted in a new (revised) version by Law of the Republic of Uzbekistan No. O'RQ-837 of 30 April 2023.

1. The Legal Foundations of the Digitalization of Investigation

The principal legal basis for this direction is Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-204 of 3 November 2025. It sets out the tasks of automating all areas of the activity of the prosecutorial bodies, enhancing transparency and promptness, improving the quality of data exchange with state bodies, and transferring the processes of investigation and prosecutorial supervision to electronic form.[1]

The Decree designates as priority directions the transfer of proceedings in criminal cases to electronic form; the creation of a new information system encompassing the processes from the receipt of a statement, report, or other information about a crime through to the execution of punishment; the establishment of a Unified Interagency Integration Platform; and the introduction of artificial intelligence technologies.

In our view, these tasks raise the digitalization of investigation above the level of mere electronic document circulation. What is at issue is the formation of an environment of electronic pre-trial proceedings in which every procedural action is recorded in connection with a specific time, a responsible person, and legal consequences. The scholarly literature likewise emphasizes that the digital transformation of the activity of the prosecutorial bodies is associated with the creation of a unified system for collecting, registering, storing, and analyzing the data that characterize the sphere of prosecutorial supervision.[2]

At the same time, digitalization must be carried out in harmony with the Constitution, the Criminal Procedure Code, and the legislation on personal data, electronic document circulation, the electronic digital signature, and cybersecurity. Otherwise, digital investigation may become

[1]Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-204 of 3 November 2025 “On the Approval of the “Digital Prosecutor’s Office – 2030” Strategy and on Measures for Its Effective Implementation.”

[2]Boboev M.M. Improving the Organizational and Legal Foundations of the Digital Transformation of the Activity of the Prosecutorial Bodies: Author’s Abstract of a Dissertation for the Degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Law. – Tashkent, 2023.

not an instrument for protecting an individual's rights, but an additional source of risk to personal data and to the secrecy of the investigation.

2. The "E-tergov" Information System and the Electronic Criminal Case

Decree No. PF-204 provides for the introduction of the "E-tergov" information system. Its principal tasks are to transfer all stages of proceedings in a criminal case to electronic form; to digitalize supervision over the implementation of laws at the stages of pre-investigation review, inquiry, and preliminary investigation; to establish electronic document circulation for obtaining the sanction of a prosecutor or a court; to apply artificial intelligence technologies; and to ensure interagency information exchange.[1]

The Strategy specifies that the "E-tergov" system must ensure the receipt and registration of statements, reports, and information about crimes; the conduct of pre-investigation review; the maintenance of records on the institution of a criminal case or on the refusal to institute one; the assignment of registration numbers to materials; and the maintenance of investigative materials in electronic form.

Accordingly, "E-tergov" should become not merely a departmental database, but an interagency digital framework of electronic pre-trial proceedings. It must ensure the electronic interaction of the bodies conducting pre-investigation review, inquiry, and preliminary investigation, and of the prosecutor's office, as well as information exchange with the courts, expert institutions, and institutions for the execution of punishment.

To understand the electronic criminal case merely as an archive of scanned documents narrows the substance of this reform. Within it, the registration of a crime report, the movement of materials, the decisions taken, investigative actions, procedural time limits, prosecutorial and judicial sanctions, evidence, complaints, motions, and the actions of officials must be recorded as a legally significant digital trace.

[1]Ibid.

According to the experience of Kazakhstan, an electronic criminal case module integrated with the court information system has been created on the basis of the Unified Register of Pre-trial Investigations. This approach serves to digitalize the stages from the registration of an offence through to the court's decision and to reduce the risk of falsifying or substituting procedural documents.[1]

3. Electronic Registration and the Rights of the Victim

In criminal proceedings, the first guarantee of an individual's rights begins at the moment a citizen applies to a law enforcement body. If a crime report is not registered, or is not registered in a timely manner, the victim's right of access to justice is, in practice, obstructed. For this reason, the mandatory electronic registration of all statements, reports, and other information constitutes the principal rights-protecting element of digital investigation.

Electronic registration makes it possible to record the date and time on which an application is received, the channel of receipt, the responsible official, the procedural status of the materials, the time limits for review, the decision taken, and the prosecutor's supervisory actions. This reduces the risk of concealing crimes, of unjustified refusals to register, of bureaucratic delay, and of the manual manipulation of materials.

In the study by M.M. Boboev, the need to introduce amendments and additions to the Criminal Procedure Code is substantiated in connection with the electronic registration of crime-related statements, reports, and other information and the maintenance of a unified electronic record of the results of their consideration. This makes it possible to regard electronic registration not as an auxiliary technical process, but as a procedural guarantee.[2]

---

[1]Information and analytical materials on the study of the experience of the Republic of Kazakhstan: the electronic criminal case and the Unified Register of Pre-trial Investigations.

[2]Boboev M.M. Improving the Organizational and Legal Foundations of the Digital Transformation of the Activity of the Prosecutorial Bodies: Dissertation for the Degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Law. – Tashkent, 2023.

It is therefore advisable for the “E-tergov” system to provide for the assignment of a unique identifier to each report, the automatic tracking of its movement, the dispatch of an electronic alert to the responsible officer and the prosecutor as time limits approach, and the capacity to analyze refusal decisions and repeat applications.

4. Protecting the Rights of the Participants in the Proceedings

The digitalization of investigation is of significance not only for victims, but also for suspects, accused persons, defence counsel, witnesses, experts, and other participants in the proceedings. The electronic criminal case creates the conditions for protection against unlawful detention, against violations of the time limits for procedural measures of coercion, against the back-dating of documents, against the substitution of materials, against the unjustified legal classification of an act, against the loss of evidence, and against the restriction of the right to defence.

A digital system does not automatically guarantee the legality of all decisions, but it increases the possibility of verifying them. If the system records the grounds for a decision, the author of a document, the date and time of its creation, subsequent modifications, the electronic signature, the destination to which a document was sent, and the prosecutor’s response, the legality of each procedural action can be verified afterwards.

The audio and video recording of investigative actions is of particular importance. The experience of South Korea demonstrates the advisability of establishing dedicated investigation rooms equipped with audio and video recording devices, computer equipment, and the appropriate infrastructure. Such solutions serve to prevent torture, unlawful pressure, coercion to give testimony, and the subsequent distortion of the content of an investigative action.[1]

Accordingly, the electronic criminal case should be not only a means of storing documents, but also an infrastructure for verifying procedural

[1]Information and analytical materials on the study of the experience of the Republic of Korea: the KICS system, digital forensics, and electronic criminal proceedings.

truth. Through audio and video recording, the content of the record of an action, the voluntariness of testimony, and the genuineness of the participation of defence counsel can be assessed.

5. Digital Prosecutorial Supervision

In the traditional paper-based model, the prosecutor often detects a violation only after it has been committed – on the basis of a complaint, in the course of examining a case, or during an inspection. The digital format, by contrast, makes it possible to detect violations in near-real time.

The "E-tergov" system should provide the prosecutor not only with access to documents, but also with a prosecutorial supervision monitoring dashboard. Such a dashboard should automatically identify overdue reviews, dormant cases, repeated refusal decisions, annulled decisions, unexamined complaints, breaches of the procedure for granting sanctions, anomalous user activity, and changes in documents that require additional verification.

According to the materials studying the experience of China, dedicated electronic portals are used in the processes of receiving and considering reports of crimes, enabling citizens to submit an application, obtain a registration number, and track the decisions taken. This experience demonstrates the need to ensure the openness and verifiability of the initial stage.[1]

Artificial intelligence technologies may serve as an auxiliary analytical tool in prosecutorial supervision: such uses include the analysis of the text of applications, the identification of indications of non-registration, the flagging of breaches of procedural time limits, and the detection of repeated refusal decisions and statistical discrepancies. Procedural decisions, however, must not be taken solely on the basis of an artificial intelligence conclusion; the final decision must be taken by an authorized official in a reasoned manner and must remain subject to appeal.[2]

[1]Information and analytical materials on the study of the experience of the People's Republic of China: the digitalization of prosecutorial activity and the receipt of electronic applications.

[2]Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-204 of 3 November 2025.

Thus, digital prosecutorial supervision should be not a passive review of materials, but an active analytical mechanism aimed at preventing violations of legality. Its principal task is the early detection of such risks as the failure to register crime reports, the protraction of investigative time limits, the violation of the right to defence, and the restriction of victims' access to justice.

Conclusion

The transition of criminal investigation to a digital format is one of the important directions for strengthening legality, enhancing citizens' trust in law enforcement bodies, and ensuring the genuine protection of an individual's rights and freedoms.

The "E-tergov" system should become the central element of electronic pre-trial proceedings. Its task consists not in creating yet another database, but in forming a legally significant interagency digital environment in which every crime report, every procedural decision, every investigative action, every item of evidence, and every intervention by the prosecutor is recorded, verifiable, and protected.

The principal criterion of this system's effectiveness should be not the number of electronic documents created, but the system's capacity to prevent violations of the law. On this basis, it is advisable to define clearly, in procedural legislation, the concepts of the electronic criminal case, electronic registration, digital evidence, and the legally significant digital trace. Only when digital investigation is shaped as a legal infrastructure for the protection of human rights will technology serve the rule of law, justice, and human dignity.

БАБАКУЛОВ СОТИБОЛДИ БАБАНАЗАРОВИЧ
Тошкент шахар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари директори, ю.ф.д., профессор

МАҲАЛЛАДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ҚОНУН УСТИВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1-сон қарори ижроси натижасида маҳаллаларда жиноятчиликни қарийб 1,5 бараварга камайтиришга эришилганини инобатга олган ҳолда, мазкур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг вазифалар аниқ манзилли қилиб белгиланди.

Ушбу қарорнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгиланди:

Биринчидан-ижтимоий профилактика самарадорлигини оширишни устувор вазифа этиб белгилаган ҳолда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни ишончли таъминлаш бўйича манзилли профилактик чора-тадбирлар тизимини самарали жорий этиш орқали жиноятчиликни кескин камайтириш;

Иккинчидан- оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар ва ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг асл омилларини

илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш орқали уларнинг барвақт олдини олиш бўйича янгича ишлаш механизмларини белгилаш;

Учинчидан - ҳар қандай ноқонуний ҳолатлар юзасидан мурожаатларга тезкорлик билан муносабат билдириш тизимини яратиш, бу борадаги фаолиятни бевосита жойларда самарали йўлга қўйиш орқали аҳоли розилигига эришиш.

2. Қуйидагилар барча масъул идоралар ва муассасалар учун маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича ташкилий-профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг устувор вазифалари этиб белгилансин.

Биринчидан- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1-сон қарори билан белгиланган механизмларига мувофиқ ишларни давом эттириш;

Иккинчидан- ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятга салбий таъсир этувчи омиллар билан ишлашнинг маҳаллалар кесимида ҳар чораклик манзилли чора-тадбирларини белгилаш ҳамда уларнинг маҳалла — туман — вилоят даражасида ижроси учун бевосита масъул раҳбарларни бириктириш ва зиммаларига аниқ жавобгарликни юклаш;

Учинчидан- маҳалла ҳудудида аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш орқали олдини олиш мумкин бўлган ҳар бир жиноят бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, ижтимоий профилактика субъектлари томонидан амалга оширилган тадбирлар самарадорлиги юзасидан қатъий сўров тизимини йўлга қўйиш;

Тўртинчидан- оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳамда аёллар ва ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларни «илмий хулоса — тавсия — натижа» тамойили асосида жойларга чиққан ҳолда

мақсадли илмий-амалий ўрганиш орқали самарали ташкилий-ҳуқуқий чораларни белгилаш;

Бешинчидан- маҳаллалардаги жамоат жойларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш йўналишига замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларини, ижтимоий профилактикага масъул идоралар ва муассасалар томонидан кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги устидан электрон назорат тизимини кенг жорий этиш.

Мазкур қарорга мувофиқ маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйишга қаратилган манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида 2026 йилда ҳудудлар масъул раҳбарлар ва муассасаларга қуйидаги тартибда номма-ном бириктирилади:

Биринчидан- криминоген вазияти оғир маҳаллалар — туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари ҳамда ички ишлар органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига;

Иккинчидан- беш йилдан буён «қизил» тоифада бўлаётган маҳаллалар — Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, вилоят даражасидаги ички ишлар органлари раҳбарларининг ва ҳокимларнинг ўринбосарларига;

Учинчидан- уч йилдан буён «қизил» тоифада қолаётган маҳаллалар — ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига;

Тўртинчидан- криминоген вазияти энг оғир туман ва шаҳарлар — вилоятлар даражасидаги прокурорларнинг ва ички ишлар органлари раҳбарларининг биринчи ўринбосарларига;

Бешинчидан- аёллар жиноятчилиги, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар жиноятчилиги ҳамда низоли оилалар салмоғи энг юқори бўлган маҳаллалар — тегишинча вилоятлар даражасидаги оила ва хотин-қизлар, соғлиқни сақлаш ҳамда адлия бошқармалари бошлиқларига.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида шундай қайд қилдилар: “Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу — демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуғ бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати халқимиз манфаатидир. Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”.

Бугунги кунда ҳаётимизни янада юксалтириш учун аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла еттилиги фаоллари жалб этилди.Жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига нисбатан ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ҳамда техник воситалар кенг жорий этилди.

Бугунги кун профилактика инспекторларидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олиш, уларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки содир этилишига сабаб бўлган омилларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда шаҳар-туманлар ички ишлар органлари фаолиятида уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора ва тадбирларни ўз ҳудудларида амалга оширишга жиддий ёндашиш талаб этилади.

Шу боис **ҳам 2026 йил — “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”** деб номланди.

2026 йил Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда

амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектир йиғилишида,қуйдаги масалаларга алоҳида урғу берди; **агар маҳаллада ишсиз одам ёки камбағал оила сақланиб қолаётган бўлса демак,ислоҳат ўша жойга етиб бормаган.Агар еттилик тизими аҳоли муаммосини ҳал қила олмаётган бўлса демак,тизим ишламаяпти.**

Бизда имконият бор,маблағ бор,қарор ва дастурлар бор.Етишмаётган нарса маъсулият ва шахсий жавобгарлик -деди давлатимиз раҳбари.

Президент мавжуд имкониятларни ишга солишда ҳокимлар ва маҳалла еттилигида методик билим ва амалий тажриба етишмаётгани,маъсул вазирлик идоралар эса уларга етарли даражада кўмаклашмаётганлигини танқид қилди.

2026 йил 25 апрель куни Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев раислигида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича Республика идоралараро мувофиқлаштириш Кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Парламент ва Ҳукумат аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, бошқа вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Республика идоралараро мувофиқлаштириш штабининг аъзолари, вилоят, туман–шаҳар ҳокимлари, прокурорлар, ички ишлар идоралари раҳбарлари, ҳудудий ишчи гуруҳ аъзолари, шунингдек бошқа идоралар вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2026 йилдаги 1 ва 2 сонли карорлари ва мамлакатда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга доир вазифалар ижроси танқидий муҳокама қилинди.

Бош прокурор сўзга чиқиб, Давлат раҳбарининг ташаббуслари билан мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш чоралари мутлақо янгича ёндашувлар ва самарали механизмлар асосида ҳудудларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб 2025 йил ва жорий йилнинг ўтган даврда маҳаллаларда **20** мингдан зиёд “намунавий хавфсиз кўча” ва **50** мингга яқин “хавфсиз йўлак”лар ташкил этилди, аҳоли гавжум жойларга минглаб видеокузатув, юзни ва авторақамларни таниб олувчи камералар ўрнатилган. **300** мингга яқин объектлар техник қўриқловга олинган, бир неча ўн минглаб ташвиш тугмалари, замонавий домофон комплекслари ўрнатилган, ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ундан жабрланиш эҳтимоли бўлган фуқароларнинг маиший-ижтимоий муаммолари ҳал этилган.Шу билан бирга Бош прокурор мутасаддилар томонидан қарорлар ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни ҳар бир ҳудуд ва соҳа кесимида аниқ рақамлар ва мисоллар билан таъкидлаб ўтди.

Тадбирда республика идоралараро мувофиқлаштириш штаби аъзолари, масъул идоралар раҳбарлари ва ҳокимларнинг камчиликлари юзасидан тушунтириш ва изоҳлари эшитилди, масъулиятсизликка йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Қайд этилганидек, прокуратура органларининг бугунги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотларни амалда рўёбга чиқариш, белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, барча соҳаларда қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Таъкидланишича, жорий йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан **160 мингдан ортиқ** назорат ҳужжатлари қўлланилиб, **526 минг** фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Назорат тадбирлари ва дастлабки тергов давомида айбдор шахслардан фуқароларга ва давлат манфаатларига етказилганлиги аниқланган **2,2 трлн.** сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланган.Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ёшлар ва хотин - қизларни ҳар томонлама қўллаб - қувватлашга оид қонунчилик ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, прокурорлар ташаббуси билан **961** маротаба бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, уларда **11 340** нафар ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилган.

Вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини тўла таъминлаш бўйича ҳам назорат тадбирлари тизимли давом эттирилган.Маданий мерос объектларини асраш, туризм ва спортни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилишга доир вазифалар ижроси устидан назорат кучайтирилган.

Табиий экологик муҳитни сақлаш, **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ва ноқонуний қурилмалар қурилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш бўйича янги ёндашувлар асосида назорат тадбирлари самарали ташкил қилинганлиги натижасида камбағал оилалар реестрига киритилган **302 минг** нафар фуқароларга **1,8 млндан** зиёд ижтимоий хизматлар кўрсатилиб, уларнинг аҳволи яхшиланган.

Аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, **мурожаатлар билан ишлаш** масаласи ҳам ҳайъат муҳокамасидан ўрин олди.Маълум бўлишича, халқ билан очиқ мулоқот қилиш, фуқароларнинг қийнаётган муаммоларини ҳал этишга устувор аҳамият қаратилиб, ҳисобот даврида **218 мингта** мурожаатлар бевосита прокуратурада ҳал этилган ва **54 минг** нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклаб берилган.

Бу йил мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 34 **йиллигини** кенг нишонлаймиз.Асосий Қонун миллий давлатчилигимиз,эришилган барча ютуқ ва марралар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияси мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш,инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини амалда қарор топтириш йўлида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди, десак,муболаға бўлмайди.Ҳеч шубҳасиз давлатимиз раҳбари асос солган тараққиётимизнинг янги босқичида жамиятда адолатни қарор топтириш,қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли ва мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда махаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари,шунингдек мутассадиларнинг аҳолига ҳисоботлар тақдим этиш тартиб - таомиллари тизими йўлга қўйилган ва ўз самарасини бермоқда.

Мутахасислар ва мутассадилар давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11сентябрдаги «Ўзбекистон 2030» стратегияси тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларининг мазмун моҳияти хусусида тушунчалар бериб келинмоқда.

Ўтказилган барча учрашувлар давомида маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишда самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш коррупциянинг олдини олишда муҳим вазифа эканлиги такидланмоқда.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишда маҳалла институти алоҳида рол ўйнайди. Кейинги йилларда маҳаллалар аҳолига энг яқин ва самарали фуқаролик жамияти

институти сифатида фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри мулоқот майдонига айланмоқда.Хусусан,маҳаллаларда йўлга қўйилган «еттилик» тизими орқали аҳолига кредит,субсидия,компенсация,моддий ёрдам ажратиш каби юздан зиёд хизматлар маҳалла даражасида кўрсатилмоқда. Барча соҳа ва йўналишлар бўйича маҳаллабай ишлаш тизими кенг жорий этилгани ижобий самара бермоқда.Маҳалла фуқаролик жамиятининг таянч устунига,чинакам халқчил тузилмасига айланиб бормоқда.

Юқорида таъкидланганидек,мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун бюрократия,оворагарчилик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этишда устувор аҳамият қаратилмоқда.Давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва рақамлаштириш,давлат органлари фаолиятини мақбуллаштириш аҳоли билан давлат идоралари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 6 октабрь куни ўтказган тақдимоти, мамлакатимизда суний интеллект технологияларини ривожлантириш ва уларни иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларга кенг жорий этиш масалаларига бағишланган тақдимот бўлди. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишдаги ҳаракатлар тобора изчиллик ва мақсадга йўналтирилган тарзда давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, сунъий интеллект нафақат иқтисодий ривожланиш учун, балки самарали бошқарув, хавфсизлик, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам муҳим восита ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бу соҳада тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва давлатимиз сунъий интеллектни жорий этиш бўйича халқаро рейтингда 17 поғона юқорига кўтарилди. Ҳозир Ўзбекистон 188 давлат орасида 70-ўринни эгаллаб турибди, Марказий Осиё бўйича эса 1-ўринни тутмоқда.

XXI асрда ахборот технологиялари ва рақамлаштириш ҳар бир мамлакат тараққиётининг асосий мезони сифатида намоён

бўлаётганини барчамиз кўриб билиб турибмиз. Дунёда сунъий интеллектга эътибор мисли кўрилмаган даражада юқори. Бу нафақат давлатларнинг стратегик ривожланиш режаларида,балки йирик корпорацияларнинг сармоявий сиёсатида ҳам яққол намоён бўлади.

Бугунги кунда ахборот технология ва рақамлаштириш маҳаллалардаги муаммоларни аниқ манзилли аниқлаш ва уларни ечимини тезликда бартараф этиш ва тезлаштириш имконини оширади.

Маҳалла бу ислоҳатлар қаерда ишлаяпти,қаерда тўхтаяпти,деган саволларга аниқ жавоб берадиган бўғин.Бугунги кунда Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 октябрдан «Рақамли маҳалла» платформасида “Маҳалла еттилиги»нинг ягона саволномаси натижасида аниқланган муаммолар бўйича буютмаларни шакиллантириди ва ушбу буютмаларни маъсул вазирлик ва идораларга йўналтириш имконини берувчи «Ягона саволнома» модули ишга туширилганлиги масалаларни аниқлаш ва билишни янада уларни тезроқ ҳал қилишга имконият яратади.

Бугунги дунёда суъний интеллект технологиялари иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа муҳим соҳаларда муҳим восита сифатида кенг қўлланилмоқда. Улар давлат бошқарувида самарадорликни ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш мақсадида 50 миллион доллар маблағ ажратилган. Ҳозирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология ва молиявий соҳаларни қамраб оладиган 86 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда сунъий интеллектни қўллаш учун зарур ҳисоблаш

имкониятларини яратиш мақсадида "суперкомпьютер кластери"ни ташкил этиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Соҳада кадрларни тайёрлашни яхшилаш мақсадида кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. «Миллион сунъий интеллект раҳбарлари» миллий дастури доирасида ёшлар учун **aistudy.uz** ва **omp.aistudy.uz** платформалари ишга туширилди. Улар орқали суний интеллект бўйича 5 та бепул онлайн таълим дастури тақдим этилмоқда. Дастур доирасида 2027 йилгача 1 миллион йигит-қиз сунъий интеллект соҳасига алоқадор билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект Ўзбекистон тараққиётининг мазмунан янги босқичида шиддат билан ривожлантирмоқда,бу ислоҳотни бошқача ифода этиш мушкул.

Муҳим жиҳати шундаки,жадал ўсиш суръатлари инфратузилмага сарф харажатлар ҳисобидан эмас самарадорликни ошиши эвазига таъминланмоқда. Содда қилиб айтганда, сунъий интеллект ва замонавий технологиялар давлат бошқаруви, хизматлар, логистика,молия ва ишлаб чиқариш жараёнларида вақт ҳамда ресурисларни тежаш имконини беради.Рақамли технологиялар иқтисодиётдаги тармоқлараро тафовутларни ҳам қисқартирмоқда.

2026 **йилнинг «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили**» деб эълон қилиниши тасодифий эмас,чунки маҳалла фақат ҳудуд бирлик эмас,балки ижтимоий капитал,бирдамлик мактаби,тарбия ва ҳамжиҳатлик манбаидир.

Ижтимоий сўровларга кўра аҳолининг **90** фоизи ўзини маҳалла жамоасининг ажралмас қисми деб ҳисоблаши жамиятда Ватан тақдирига дахилдорлик туйғусини юксаклигини кўрсатади.

Демак,**маҳалла тинч бўлса-жамият тинч бўлади,маҳалла ривожланса мамлакат юксалади.**

Маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш бўйича таклифлар :

Биринчидан: Ўзбекистон республикада фаолият олиб бораётган 8992 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларини бугунги кунда хавфсиз муҳит ўзи нима; унинг бартараф этиш тизимини маҳаллада қандай яратиш лозимлиги; раисни иш фаолияти сифати,тажрибаси ва билим даражасини доимий равишда янгилаб бориш учун малакасини тизимли ошириб бориш.

Иккинчидан: Маҳалла еттилиги аъзоларини -маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтиришдаги қиладиган ишларини “Рақамли маҳалла платформасида” ойлик, уч ойлик, олти ойлик, тўққиз ойлик ва йиллик натижаларни шафоф баҳолаб, уларни эришган натижасига қараб қандай рағбатлантириш ва маъсулиятсизлиги учун қандай чораларни кўриш тизимини ойдинлаштириш.

Учинчидан: Маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликни барвақт олдини олишда маҳаллада мавжуд бўлган доимий комиссиялар ва жамоатчилик тузилмалари имкониятларидан фойдаланиш йўлларини тизимли йўлга қўйиш ва уларни қилган ишлари натижаларига қараб манфатдор қилиш юзасидан доимий рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.

Тўртинчидан: Ҳар бир маҳалла ўз фуқароларига давлат хизматлари юзасидан маслаҳат бера оладиган сунъий интеллект ёрдамчисига эга бўлиши керак.Бунда мавжуд давлат хизматларини биладиган ягона сунъий интеллект платформасига интегратция қилиш ва интерфейсни аҳолининг рақамли саводхонлик даражасига мослаштириш талаб этилади.

Бешинчидан: Давлат томонидан маҳалладаги аёллар ва ёшлар учун сунъий интеллект бўйича амалий дастурларни ишлаб чиқиш унда иш берувчиларга ходимларни ишга қабул қилиш ва уларни амалий рақамли кўникмалари бўйича ўқитиш учун субсидия ажратиш.

Маҳаллада қонун устиворлигини таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича таклифлар:

Биринчидан: Аҳолининг ҳуқуқий онги,ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик маъсулиятини ошириш,жиноят содир этишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни яширмасдан илмий назарий амалий ҳал этишга тегишли бўлган мутасадилар,жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва билимли,тажрибали ташаббускор маҳалла еттилиги фаолларини манзилли ишлашини таъминлаш ва қилинган ишларни маҳалла платформасида интегратция қилиб бориш.

Иккинчидан: Маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлашда ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари.Шунингдек мутассадиларнинг аҳолига ҳисоботлар тақдим этиш тартиб-таомиллари тизимили йўлга қўйилган лекин уларни самарадорлиги етарли деб бўлмайди.

Учинчидан: Маҳаллада қонун устиворлигини таъминлашда ахборот технологиялари ва рақамлаштиришдан тўлиқ фойдаланиш орқали маҳаллалардаги муаммоларни аниқ манзилли аниқлаш ва уларни ечимини тезликда бартараф этишни тезлаштириш имконини оширади.

Тўртинчидан: Маҳаллада қонун устиворлигини таъминлашда бир усул сифатида минглаб видеокузатув,юзни ва авторақамларни тушириб олувчи камералар ўрнатилган бу жуда яхши уларни ишлаш самарадорлигини ҳар бир маҳалладаги профилактика инспектори ва маҳаллани бошқа еттилик аъзолари ўзларига таълуқли маълумотларни ўз вақтида олиб таҳлил қилиб,ечимини ечишни таъминлаши лозим.

Бешинчидан: Ишдаги натижадорликни янада ошириш учун юқоридаги ўрнатилган қурилмалар барчаси маҳалла еттилигидаги планшет ва комьпютерга интегация қилинган бўлиши лозим.

ИБРАЙМОВ АСКАР ЕСБОСИНОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бўлими бошлиғи, п.ф.д., доцент

КЕЛАЖАК АКАДЕМИЯСИ: СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ — ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ БОШ ДРАЙВЕРИ

Бугун инсоният тарихида янги цивилизацион босқич шаклланмоқда. Бу босқич нефть, металл ёки саноат билан эмас, балки маълумотлар, алгоритмлар ва сунъий интеллект билан белгиланмоқда. Рақамли трансформация эндиликда фақат иқтисодиёт ёки технология соҳаларини эмас, балки давлат бошқаруви, хавфсизлик, ҳуқуқ ва таълим тизимларининг бутун архитектурасини қайта шакллантирмоқда.

Айниқса, ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар мисли кўрилмаган суръатларда кечмоқда. Кибержиноятчилик трансмиллий тус олмоқда. Рақамли далиллар жиноят ишларининг марказий элементига айланмоқда. Сунъий интеллект орқали амалга оширилаётган манипуляциялар, deepfake технологиялари, криптоактивлар билан боғлиқ ноқонуний операциялар, автоматлаштирилган киберҳужумлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдига мутлақо янги чақириқларни қўймоқда.

Бироқ бу ерда энг муҳим савол бошқача:

Бундай дунё учун қандай ҳуқуқшунос тайёрлаяпмиз?

Чунки XXI асрнинг асосий муаммоси ахборот етишмаслиги эмас. Асосий муаммо — тез ўзгараётган рақамли воқеликка мос интеллектуал кадрлар тайёрлашдир.

Айнан шу нуқтада сунъий интеллект ҳуқуқий таълим тизими учун оддий технологик восита эмас, балки стратегик драйвер сифатида намоён бўлмоқда.

Бугун AI ҳуқуқий таълимни шунчаки рақамлаштирмаяпти. У унинг бутун архитектурасини қайта шакллантирмоқда.

Анъанавий юридик таълим модели индустриал давр мантиғи асосида шаклланган эди. Унда билим статик, ўқитувчи марказий фигура, аудитория эса ахборот қабул қилувчи субъект сифатида қаралар эди.

Бироқ рақамли цивилизация бу моделнинг чекланганлигини яққол намоён қилди.

Чунки бугун:

- ҳуқуқий маълумотлар экспоненциал суръатларда ўсмоқда;
- кибержиноятлар доимий трансформацияга учрамоқда;
- рақамли далиллар мураккаблашмоқда;
- сунъий интеллект янги ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмоқда.

Классик таълим эса кўп ҳолларда ҳануз:

- статик билим бериш;
- назарияни ёдлаш;
- формал баҳолаш;
- стандарт ёндашувлар доирасида қолиб кетмоқда.

Энг катта муаммо шундаки, рақамли муҳит ҳар куни янгиланмоқда, лекин таълим тизими баъзан йиллар давомида ўзгармай қолмоқда.

Натижада биз баъзан келажак жиноятларига қарши курашиши керак бўлган мутахассисларни ўтмиш моделлари асосида тайёрлаб қўямиз.

Шу боис, бугун ҳуқуқий таълим олдидаги асосий вазифа — маълумот бериш эмас, балки интеллектуал адаптацияни таъминлашдир.

Сунъий интеллект айнан мана шу нуқтада ҳуқуқий таълимнинг янги архитектори сифатида майдонга чиқмоқда.

Масалан, замонавий AI платформалар таълим олувчининг:

- билим даражасини;
- фикрлаш тезлигини;
- таҳлилий қобилиятини;
- хатолар динамикасини;
- компетенция дефицитини реал вақт режимида таҳлил қилиш имкониятини бермоқда.

Бу эса биринчи марта ҳуқуқий таълимни ҳақиқий индивидуал моделга айлантириш имконини яратмоқда.

Келажакда барча тингловчилар бир хил дастур асосида эмас, балки шахсий интеллектуал траектория асосида таълим олади.

Академиямизда ҳам мазкур йўналишда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан:

- AI-ассистентлар;
- рақамли таълим платформалари;
- адаптив курслар;
- видео-казуслар;
- рақамли симуляциялар;
- AI прокурор модели

Бу каби инновацион ёндашувлар босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Айниқса, **“AI прокурор”** концепцияси ҳуқуқий таълимни симуляцион ва интерактив босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

AI инсон интеллектуал имкониятларини кенгайтирмоқда.

Келажакда энг самарали ҳуқуқшунос — сунъий интеллект билан рақобатлашадиган эмас, балки у билан интеллектуал ҳамкорлик қила оладиган мутахассис бўлади.

ИМОМНАЗАРОВ АЛИШЕР ХАСАНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Прокуратура
органлари тергов тармоқлари фаолияти
устидан назорат бошқармаси
бошлиғи, ю.ф.д.

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда ҳаётни рақамли технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект барча соҳаларда самарали қўлланилиб, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Замон талаби ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида ҳам рақамли технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан терговга қадар текширув ва дастлабки тергов сифатини янги босқичга кўтаришга қаратилган ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар келиб тушганидан то дастлабки тергов ҳаракатлари якунига қадар бўлган жараёнларга рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда ахборот тизимларини интеграция қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, жиноятга оид ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказишдан то терговга қадар текширув ҳаракатлари натижаларини қайд этишгача бўлган жараённи қамраб олган «Е-материал» ахборот тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳодиса жойи ва мурдани кўздан кечириш, экспертиза қарорларини қабул қилиш, жўнатиш ҳамда экспертиза хулосаларини олиш каби энг муҳим процессуал

ҳаракатларни тўлиқ рақамлаштириш мақсадида «Е-тергов» дастурий таъминоти яратилди. Ушбу дастурий таъминот «Е-материал» тизимига интеграция қилинган махсус планшетларга ўрнатилиб, ҳар бир терговчига индивидуал бириктирилди. Ҳозирда мазкур процессуал ҳаракатлар сунъий интеллект ёрдамида тергов планшетлари орқали расмийлаштирилмоқда.

«Е-тергов» дастурий таъминоти ишга туширилгач, унинг ёрдамида 15 мингга яқин хабар қабул қилинди, 14 мингдан ортиқ ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳаракати ҳамда мингдан ошиқ экспертиза тайинланди. Бу эса эскича иш услуби ва ортиқча қоғозбозликдан воз кечиб, терговга қадар текширув ҳаракатларининг сифати ва тезкорлигини оширишга имкон бермоқда. Бундан ташқари, терговчиларни хизмат хонасидан ташқарида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари учун зарур замонавий воситалар жамланган намунавий «Терговчи портфели» билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Рақамлаштириш жараёни терговга қадар текширув билан чекланмайди. Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларини рақамлаштириш мақсадида «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ҳамда «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ахборот тизимлари ишга туширилди. Эндиликда жиноят иши қўзғатилганидан бошлаб тафтиш тайинлаш, хулоса олиш, тергов ва суд натижаларининг тўлиқ электрон нусхалари яратилмоқда. Айни пайтда суриштирув ва тергов ҳаракатларини рақамлаштириш даражаси 60 фоизга етган бўлиб, йил якунига қадар тўлиқ рақамлаштириш таъминланади.

Тергов ҳаракатларини рақамлаштиришда сунъий интеллект асосидаги тизимлар ҳужжат айланишини автоматлаштириш, процессуал муддатларни реал вақт режимида назорат қилиш ва инсон омилини камайтириш орқали шаффофликни таъминлайди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари терговчиларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш, ёш мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалий кўникмаларни шакллантиришда янгича ёндашув асосида «Тергов полигонлари» ташкил этилиб, уларда малакали мутахассислар билан ҳамкорликда ҳафтада бир кун ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Полигонларда қотиллик, ўз жонига қасд қилиш, энергетика ва қурилиш соҳасидаги талон-торожликлар, кибержиноятлар, жинсий эркинликка қарши қилмишлар, босқинчилик ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари бўйича махсус машғулот хоналари ташкил этилди. Бу терговчиларга, айниқса соҳага энди кириб келаётган ёш мутахассисларга реал ҳолатга яқин ашёвий далиллар, амалий модуллар ва макетлар орқали турли вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш кўникмаларини ошириш имконини берди.

Бундан ташқари, «Тергов процессуал ҳужжатлари намуналари» ҳамда «Иқтисодий жиноятларни тергов қилишга оид процессуал ҳужжатлар намуналари» услубий қўлланмалари тайёрланди. Тергов тактикаси ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибига оид жами 14 та услубий қўлланма тайёрланиб, жойларга тарқатилди. Экспертиза муассасалари ва улар ўтказадиган экспертиза турлари ҳақида қўлланма тайёрланиб, ҳудудий прокуратураларга юборилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси томонидан тергов соҳаси бўйича 500 нафардан ортиқ прокурор-тергов ходими малакаси оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллектни тергов фаолиятига жорий этиш ҳамда терговчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини ошириш адолатни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонунийликни мустаҳкамлашда ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

КАДЫРОВ АНВАРХОДЖА АСАТУЛЛАЕВИЧ
директор научно-исследовательский институт развития цифровых технологий и искусственного интеллекта

СОВРЕМЕННЫЕ ВЫЗОВЫ И ЗАДАЧИ РЕГУЛИРОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА: ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

I. Введение

По мере развития и проникновения ИИ во все аспекты жизнедеятельности расширяется спектр воздействия этой технологии на общественные отношения, вызывая необходимость в пересмотре устоявшихся правил.

После того, как с конца 2022 г. обрёл популярность так называемый генеративный ИИ, он вышел за рамки узких задач и стал технологией общего назначения. За прошедшее время системы ИИ успели затронуть практически все ключевые сферы: безопасность, правопорядок, образование и науку, экономику. И этот процесс продолжается.

Вместе с тем нарастает принципиально новый пласт проблем: кто несёт ответственность за ущерб, причинённый системой ИИ? Каким образом гарантировать соблюдение прав человека в условиях алгоритмического принятия решений?

II. Глобальный контекст: почему регулирование ИИ стало первоочередной задачей

Осознание рисков, связанных с ИИ, привело к вопросам регулирования его развития и внедрения. К настоящему времени имеется достаточно обширный международный опыт разработки и

внедрения законодательных актов, этических правил и рекомендаций. По данным аналитиков, к началу 2026 года более 72 государств запустили свои инициативы по регулированию ИИ, которые варьируются от жёсткого законодательства с многомиллиардными штрафами до добровольных этических рекомендаций без механизма исполнения. При этом всегда присутствует вопрос: как регулировать ИИ так, чтобы не приглушить инновации, но при этом защитить интересы государства, общества и личности?

Что заставляет государства действовать всё быстрее? Выделим три ключевых фактора:

Стремительная диффузия технологии – генеративный ИИ проникает в здравоохранение, образование, финансы, правосудие и госуправление быстрее, чем успевают реагировать регуляторы.

Угрозы безопасности и суверенитету – инциденты с утечками данных через ИИ-сервисы, риски вследствие отсутствия контроля за ИИ.

Новые вызовы в сфере ответственности и прав человека – размытость субъекта ответственности, невозможность оспорить решение, принятое алгоритмом, риски дискриминации и нарушения приватности.

III. Современные вызовы ИИ: ответственность и права человека

1. Дипфейки и дезинформация: угроза идентичности и финансовой безопасности

Дипфейки с участием известных лиц и политических деятелей имеют потенциал введения населения в заблуждение; подделка биометрических данных человека может позволить получить доступ к финансовым операциям или к информационным системам от его имени.

2. Проблема объяснимости и право на мотивированное решение

Природа нейронных сетей обусловливает необъяснимость и вероятностный характер результатов обработки информации. Технология ИИ принципиально не позволяет быть на 100% уверенными в результате при тех или иных входных данных. Это создаёт серьёзное противоречие с базовым правом человека знать основания решений, затрагивающих его права и свободы.

Кейс. Нидерланды, 2020 год – система SyRI и право на объяснение. Гаагский суд признал незаконной государственную систему SyRI (System Risk Indication), которая использовала алгоритмы для выявления граждан, якобы склонных к мошенничеству с социальными выплатами. Суд указал, что система нарушает Европейскую конвенцию о правах человека: граждане не могли узнать, почему именно они попали под подозрение, и не имели возможности оспорить это решение. Дело стало прецедентным для европейского регулирования.

3. Алгоритмическая дискриминация: когда предвзятость данных нарушает права

Алгоритмические системы при найме, кредитовании и правоохранительной деятельности воспроизводят и усиливают существующие предрассудки. Это происходит вследствие того, что ИИ обучается на огромных массивах данных, состав которых физически никто не способен перепроверить. Результат – дискриминация по расе, полу, возрасту и иным признакам.

Кейс. США, 2016–2023 годы – система COMPAS и расовая предвзятость. Расследование выявило, что алгоритм COMPAS, применявшийся судами ряда американских штатов для оценки риска рецидива у осуждённых, присваивал чернокожим подсудимым вдвое более высокие оценки риска, чем белым, при сопоставимых обстоятельствах. Более 20 штатов использовали подобные системы при вынесении приговоров. Дело стало катализатором принятия

законодательства об алгоритмической прозрачности в уголовном судопроизводстве.

4. Слежка и право на приватность

Системы компьютерного зрения и анализа поведения создают принципиально новые угрозы праву на неприкосновенность частной жизни. С одной стороны технология может быть эффективно использована правоохранительными органами, в то же время требуется регулирование для минимизации рисков злоупотребления возможностями технологии.

5. ИИ в здравоохранении: вопросы ответственности за медицинские решения

Применение ИИ в диагностике и назначении лечения ставит острый вопрос об ответственности: кто несёт её в случае ошибки – врач, производитель системы или медицинское учреждение?

IV. Позиция международных организаций

Согласно современному опыту, регулирование ИИ организовывается в трёх плоскостях:

1. нормативно-правовое обеспечение, законы, положения;
2. международные и национальные стандарты;
3. этические нормы и правила.

Указанные компоненты регулирования должны действовать во взаимосвязи и обеспечивать комплексный подход к управлению технологиями ИИ.

Есть ряд международных организаций, которые вносят основной вклад в развитие регулирования. Например, Международная организация по стандартизации ISO и Международный союз электросвязи являются основными организациями по разработке стандартов ИИ.

ЮНЕСКО утвердила первый в истории глобальный стандарт по этике ИИ – «Рекомендацию об этических аспектах искусственного интеллекта».

V. Опыт Узбекистана: от стратегии к законодательству

6.1. Стратегия развития технологий искусственного интеллекта до 2030 года

Утверждённая постановлением ПП-358 от 14 октября 2024 года Стратегия определяет формирование нормативно-правовой базы как приоритетную цель. Установлены целевые показатели: довести объём продуктов и услуг ИИ до 1,5 млрд долл. США; достигнуть вхождения в топ-50 государств в Индексе готовности правительства к ИИ. Развитие нормативно-правовой базы в области ИИ является системообразующим компонентом всех мер – ясные, прозрачные и стабильные правила игры составляют первое условие инвестиционной привлекательности рынка ИИ в Узбекистане.

6.2. Закон о регулировании ИИ (ЗРУ-1115 от 21 января 2026г.)

Принятый Закон о внесении дополнений и изменений в некоторые законодательные акты в связи с регулированием отношений, возникающих при применении ИИ, закрепляет на законодательном уровне понятие искусственного интеллекта и устанавливает принципиально важные правовые гарантии.

Особого внимания заслуживают нормы о защите прав человека:

«Информационные ресурсы, созданные с использованием ИИ, а также ИС, функционирующие на основе технологий ИИ, ***не должны наносить вред человеку, его жизни, здоровью, свободе, чести, достоинству и нарушать его иные неотъемлемые права****».*

«При принятии юридически значимых решений, затрагивающих права и свободы человека, ***не допускается ссылаться исключительно*** *на заключения информационных ресурсов и информационных систем, созданных на основе технологий ИИ».*

Установлена административная ответственность: незаконная обработка персональных данных с использованием ИИ влечёт наложение штрафа от 50 до 100 базовых расчётных величин с конфискацией предметов административного правонарушения.

6.3. Рекомендации по этике использования технологий ИИ

С учётом международного опыта, на основе документов международных организаций приказом министерства цифровых технологий 3/249 от 13 ноября 2025 года приняты Рекомендации по этике использования технологий ИИ, адресованные прежде всего разработчикам и пользователям систем ИИ. В Рекомендациях закреплены 11 принципов:

- законность;
- приоритет защиты интересов личности, общества, государства и окружающей среды;
- объяснимость;
- подконтрольность систем ИИ человеку;
- целесообразность;
- ответственность;
- справедливость и недопустимость дискриминации;
- открытость и прозрачность;
- защита данных;
- надёжность и безопасность;
- осведомлённость и грамотность.

В некотором смысле эти Рекомендации – то, с чего мы начинаем регулирование. Постепенно в направлении реализации каждого принципа, на основе всесторонних исследований и накопления знаний, можно разработать и принять более жёсткие нормативные требования в стандартах и нормативных актах обязательного характера.

VII. Что необходимо учитывать при дальнейшем развитии регулирования?

7.1. Баланс между инновациями и защитой прав

Слишком жёсткое регулирование тормозит развитие. Слишком мягкое – открывает дорогу злоупотреблениям и нарушениям прав граждан. Приведённые выше кейсы убедительно демонстрируют: при отсутствии чётких правил риск злоупотреблений реализуется быстро.

7.2. Механизмы ответственности за вред, причинённый ИИ

Реальные инциденты – от медицинских алгоритмов, отказывающих в помощи пациентам, до дипфейк-мошенничеств – ставят вопрос об ответственности системно. Необходимо определить: при каких условиях ответственность несёт разработчик системы, при каких – организация, применяющая её, и при каких – пользователь. В частности, AI Act ЕС – указывает на модель распределённой ответственности, дифференцированной по уровню риска системы.

7.3. Суверенитет данных и систем ИИ

Большинство систем генеративного ИИ, широко используемых сейчас в Узбекистане, обучены на зарубежных данных и работают на зарубежной инфраструктуре. Это создаёт уязвимости. В этом направлении ведется работа. Стратегия предусматривает создание базы «больших данных» и вычислительного кластера. Параллельно необходимо формировать датасеты на узбекском языке для обучения ИИ-моделей, адаптированных к национальному контексту.

7.4. Скорость технологических изменений и адаптивное регулирование

Регулирование зачастую не успевает за развитием технологий. Техника генеративного ИИ сегодня – это не то, чем она была два года назад. Регулирование вынуждено быть адаптивным: содержать механизмы регулярного пересмотра, основанными на принципах, вместо жёсткого перечня запретов. Необходимо дальше развивать экспертные сообщества и регуляторную экосистему, специализированные лаборатории, международное сотрудничество для освоения передового опыта, академические программы обмена.

ҚОРЁҒДИЕВ ШАХБОЗ
БОҲОДИР ЎҒЛИ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бош эксперти

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ОРҚАЛИ СОДИР БЎЛАЁТГАН ФИРИБГАРЛИКЛАР

Аннотация: *Мақолада сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган фирибгарликлар — deepfake, AI-fishing, овоз клонлаш ва автоматлаштирилган ҳужумлар таҳлил қилинган. Ушбу таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, реал ҳодисалар мисолида уларнинг хавфи ҳамда аниқлаш ва ҳимояланиш усуллари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *сунъий интеллект, киберхавфсизлик, deepfake, AI-fishing, овоз клонлаш, ижтимоий инженерия, кўп босқичли аутентификация.*

Сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши нафақат ижобий имкониятлар, балки жиддий киберхавфсизлик таҳдидларини ҳам келтириб чиқармоқда. Жиноятчилар мазкур технологиялардан одамларни алдаш, шахсий маълумотларни ўғирлаш ва молиявий зарар етказиш мақсадида фойдаланмоқда. AI-асосидаги ҳужумларнинг асосий хусусияти шундаки, улар автоматик тарзда минглаб қурбонларни нишонга олади, сониялар ичида амалга оширилади ва deepfake технологияси туфайли ҳақиқийдан деярли фарқланмайди. Бу таҳдидлар босқичма-босқич ривожланиб борди: 2019-йилда deepfake видеолар пайдо бўлди, 2021-йилда AI-fishing фирибгарлиги бошланди, 2022-йилда овоз клонлаш кенг тарқалди, 2023-йилда AI-қўнғироқлар, 2024-йилда эса реал вақт режимидаги deepfake қўнғироқлар юзага келди.

Deepfake технологияси. Deepfake — сунъий интеллект ёрдамида сохта видео, расм ёки овоз яратиш технологияси бўлиб, унда ҳақиқий одамнинг юзи ёки овози бошқа контентга жойлаштирилади. Видео

deepfake раҳбар юзини сохталаштириш, шахсни тасдиқлаш тизимларини четлаб ўтиш, «CEO fraud» схемаси ва сиёсий манипуляцияда қўлланилади. Овоз клонлаш учун атиги бир неча сониялик ёзув етарли бўлиб, у яқин кишилар ёки банк ходимлари номидан қўнғироқ қилиш орқали фирибгарликда ишлатилади. Расм сохталаштириш эса ҳужжатларни қалбакилаштириш, сохта ижтимоий тармоқ профиллари яратиш, романтик алоқа (романса) фирибгарлиги ва KYC тизимларини алдашда фойдаланилади.

AI-fishing ва автоматлаштирилган ҳужумлар. Сунъий интеллект ёрдамида ҳар бир қурбонга мослаштирилган, грамматик хатосиз ва ишончли кўринадиган fishing хатлари яратилади. Ҳужумлар бир неча шаклда намоён бўлади: AI-fishing электрон хатлар; клонланган овоз билан амалга ошириладиган телефон қўнғироқлари (vishing); сунъий интеллект яратган сохта SMS хабарлар (smishing); ҳамда банклар, дўконлар ва давлат порталларининг мукаммал нусхаси бўлган сохта сайтлар. Сунъий интеллект бу соҳага бир қатор янгиликларни олиб келди: оммавий ва айни пайтда шахсийлаштирилган ҳужумлар, исталган тилда мулоқот, сонияда минглаб хат жўнатиш, қурбонни психологик таҳлил қилиш ҳамда муваффақиятсиз уринишлардан ўрганиш.

Реал ҳодисалар. Мазкур таҳдидларнинг амалий хавфи бир қатор реал ҳодисаларда намоён бўлди. 2024-йилда Гонконгда молиявий ходим deepfake видео-конференцияда сохта раҳбарларни кўриб, 25 миллион доллар маблағни ўтказиб юборди. Ўша йили жиноятчилар «Ferrari» компанияси бош директори овозини клонлаб, ходимни шошилинч пул ўтказмасига мажбурлашга уринган. 2023–2024-йилларда AI-fishing хатлар банк ходимларининг электрон почтасига зарарли ҳаволалар юбориш учун ишлатилди. Романса фирибгарлигида эса AI-чатботлар ва deepfake расмлар ёрдамида қурбон билан ойлаб мулоқот қилиниб, ишонч қозонилгач, ундан пул сўралган.

Аниқлаш усуллари. Deepfake контентни қуйидаги белгилар орқали аниқлаш мумкин: кўз пирпирашининг нотабиийлиги, юз чегаралари ва соч-ёқаларнинг хира (blur) кўриниши, мимика билан ҳиссиётларнинг мос келмаслиги, фон билан синхронизациянинг бузилиши ҳамда ёруғлик ва соянинг ғайритабиийлиги. Fishing ҳужумларининг аломатлари эса шошилинч ҳаракат талаб қилиниши, нотаниш ёки асл манзилга ўхшаш домен, шахсий маълумот сўралиши, шубҳали ҳавола манзили, ғайритабиий даражада мукаммал тил (AI белгиси) ва кутилмаган хабар ёки қўнғироқдир.

Ҳимоя усуллари. Сунъий интеллект асосидаги фирибгарликлардан ҳимояланишда қуйидаги чора-тадбирлар самарали ҳисобланади:

1) Кўп босқичли аутентификация (MFA) — барча ҳисобларда SMS, аутентификатор илова ёки аппарат калит орқали қўшимча ҳимояни ёқиш;

2) Deepfake детекторлари — Microsoft Video AI, Sensity AI, Deepware Scanner каби махсус воситалардан фойдаланиш;

3) Махфий тасдиқлаш сўзи — оила аъзолари ва ҳамкасблар билан олдиндан келишилган махфий «парол»дан фойдаланиш;

4) Шубҳали ҳаракатларга эътибор — шошилинч пул сўровлари, нотаниш ҳаволалар ва кутилмаган қўнғироқларга нисбатан эҳтиётқорлик;

5) Хавфсизлик тренинги — ходимларни AI-fishing ҳужумларини аниқлаш бўйича мунтазам ўқитиш;

6) Текшириш протоколи — йирик молиявий операцияларни иккинчи канал орқали мажбурий тасдиқлаш.

Келажак таҳдидлари. Яқин истиқболда таҳдидларнинг янада мураккаблашиши кутилмоқда: видео қўнғироқ пайтида юзни реал вақтда алмаштирувчи жонли deepfake қўнғироқлар; мустақил равишда fishing кампанияларини олиб борувчи автоном AI-агентлар; квант компьютерларнинг жорий шифрлаш тизимларини бузиш хавфи; ҳамда

ҳужумчи ва ҳимоячи сунъий интеллект ўртасидаги автоматлаштирилган кураш («AI vs AI»). Бундай шароитда келажак таҳдидларини олдиндан билиш ҳимоянинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллект орқали содир этилаётган фирибгарликлар реал ва тобора кучайиб бораётган таҳдид бўлиб, уларга қарши тайёргарлик ҳаётий заруратга айланмоқда. AI-ҳужумларнинг тезлашуви шароитида янгиликлардан доимий хабардор бўлиш, кўп босқичли аутентификация ва текшириш протоколларини жорий этиш, шубҳали ҳаракатларни шошилмасдан текшириш ҳамда жамоада хавфсизлик маданиятини шакллантириш самарали ҳимоянинг асосий шартлари ҳисобланади.

ДЎСТҚОРИЕВ МУЗАФФАР
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
бўлим бошлиғи, доцент

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЭКСПЕРТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: *Мақолада фуқаролик процессида эксперт тушунчаси, унинг процессуал мақоми, фуқаролик ишлари бўйича суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш ҳамда ушбу жараённи такомиллаштиришга оид айрим фикр-мулоҳаза ва таклифлар баён қилинган.*

Аннотация: *В данной статье изложены мнения относительно понятия и процессуального статуса эксперта в гражданском процессе, вопросы назначения и проведения экспертизы по гражданским делам, а также некоторые предложения по совершенствованию данного процесса.*

Annotation: *This article highlights the definition and procedural status of an expert in civil procedure, and issues of appointing and providing an expertise in civil cases as well as opinions and proposals for improving this process.*

Калит сўзлар: *эксперт, экспертиза, одил судловга кўмаклашувчи шахс, процесс, илм-фан, техника, санъат, ҳунар, махсус билимлар, хулоса.*

Ключевые слова: *эксперт, экспертиза, лицо, содействующее осуществлению правосудия, процесс, наука, техника, искусство, ремесло, наука, специальные знания, заключение.*

Keywords: *expert, expertise, person, promoting the justice, process, the science, equipment, art, craft, special knowledge, conclusion.*

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш ҳамда одил судловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик ишларини адолатли ва қонуний ҳал этишда далиллар мажмуи, айниқса, махсус билимларни талаб қилувчи суд экспертизаси

хулосалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Илм-фан, техника, санъат ва ҳунарият соҳаларининг жадал ривожланиши фуқаролик процессида анъанавий далиллар билан бир қаторда мураккаб ва замонавий экспертиза турларидан фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу билан бирга, суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик процессида экспертнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, экспертизани тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал тартибини тартибга солувчи нормаларда айрим бўшлиқлар ва зиддиятлар мавжуд. Одил судловни амалга оширишда экспертнинг мустақиллиги, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари чегарасини аниқ белгилаш, шунингдек, эксперт хулосасининг ишончлилигини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Мазкур муаммоларнинг илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилиши ушбу мақола мавзусининг нечоғлик долзарб эканлигини белгилайди.

Маълумки, эксперт амалдаги қонунчиликка мувофиқ, одил судловга кўмаклашувчи шахслар қаторига киради. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси(ФПК)нинг 54-моддасига кўра, фуқаролик процесси суд иш юритуви иштирокчилари сифатида (гувоҳлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилар) эксперт ҳам одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Қайд этиш жоизки, ишнинг натижасидан юридик жиҳатдан манфаатдор бўлмаган бу тоифадаги шахслар орасида экспертнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Фуқаролик процессида экспертнинг ҳуқуқий мақоми етарли даражада мустаҳкамланган, десак, хато бўлмайди. Яъни, хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин. Шу билан бирга, эксперт бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси ҳам анча кенг. Хусусан, қонунга

мувофиқ, эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт ҳуқуқий мақомига оид айрим нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунида ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, **суд эксперти** – хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс; **давлат суд эксперти** – давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти.

Таъкидлаш жоизки, одил судловга кўмаклашувчи шахс сифатида экспертга бир қатор талаблар қўйилган. Олимлар уларнинг тегишли ваколатга эга бўлишлари лозимлигига алоҳида эътибор қаратадилар. Эксперт процессуал ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида ҳуқуқларга эга бўлади ва процессуал мажбуриятларни бажаради. У тегишли тарзда махсус билимларга эга, яъни, компетентли бўлмоғи ҳамда ишнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаслиги лозим[1].

Умуман олганда, кимлар эксперт бўлиши мумкин деган саволга жавоб жаҳон мамлакатлари фуқаролик-процессуал қонунчилигида бир қадар ўхшашдир. Хусусан, Германия қонунчилигига мувофиқ, экспертлар – муайян фуқаролик иши бўйича аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан экспертиза ўтказиш учун расмий жиҳатдан тайинланган, илм-фан, санъат ёки ҳунар билан расман ва профессионал тартибда машғул шахслар бўлиб, уларнинг бу борадаги билимлари эксперт текшируви ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади (Германия ФПК 407-параграфи)[2].

---

[1] Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. Пед. Л.В. Тумановой. – Москва: Проспект, 2016. – 166-бет.

[2] Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие / под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г.Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 78-бет.

Англия қонунчилигига кўра, муайян соҳалар: илм-фан, санъат, тиббиёт ва бошқа масалалар бўйича махсус билимларга эга бўлган шахс эксперт сифатида хизмат қилиши мумкин. Бунда унинг малакасини расман тасдиқлаш талаб этилмайди. Судья фақатгина ушбу шахс берилган вазифани бажара олиш учун етарли билим ва тажрибага эгалигига ишонч ҳосил қилиши лозим[1].

Юқоридаги каби қоидалар Франция ва бошқа бир қатор Европа давлатлари қонунчилигида ҳам мустаҳкамланган.

Экспертга қўйиладиган талаблар миллий қонунчилигимизда ҳам акс эттирилган. “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига кўра, давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин. Суд эксперти сифатида жалб этиладиган бошқа ташкилот ходими ва бошқа жисмоний шахс олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида»ги 24-сонли қарори 5-бандига мувофиқ, судларнинг эътибори экспертиза тадқиқотлари қонунда белгиланган тартибда эксперт этиб тайинланган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлигига қаратилиши, бунда суд эксперти сифатида олий маълумотга, истисно ҳолларда ўрта-махсус маълумотга эга бўлган, экспертизанинг тегишли соҳаси бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ва суд эксперти малакасига эга бўлган давлат суд-экспертиза муассасасининг ходими (давлат суд эксперти); суд томонидан жалб

[1] Шу манба, 226-бет.

этилган бошқа (суд-экспертлик ихтисосига эга бўлмаган) муассаса ходими ёки мутахассис иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.

Суд томонидан экспертиза ўтказиш юклатилган бошқа (суд-эксперт ихтисосига эга бўлмаган) муассаса ходими экспертиза тайинлаган суднинг муассасага берган топшириғини бажариш тартибида экспертиза ўтказишга ҳақлидир.[1]

Шу ўринда қайд этиш жоизки, қонунчиликда "**махсус билимлар"** тушунчасига таъриф берилмаган. Бу борада айрим олимлар ўз таърифларини беришга ҳаракат қилган. Масалан, А.Эйсман махсус билимларга ҳамма учун маълум бўлган, ҳамма эгаллаши мумкин бўлган, оммавий тарқатиладиган деб ҳисобланмайдиган билимлар деб таъриф беради. Махсус билимлар – бу тор доирадаги мутахассислар профессионал даражада эгаллаган билимлардир. Яна таъкидланишича, махсус билимлар изланишнинг илмий асосланган методларига асосланганлиги учун илмий характерга эгадир[2].

Россия Федерацияси фуқаролик процессуал қонунчилигида эксперт фаолиятининг объективлиги ва холислигини таъминлаш борасида бир қатор қоидалар мавжуд. Жумладан, эксперт экспертизани ўтказиш учун материалларни ўз ҳолича йиғиш; агар бу ҳолат унинг иш натижаларидан манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўйса, процесс иштирокчилари билан шахсан алоқага киришишга ҳақли эмас[3].

Бироқ шунга ўхшаш қоидалар "Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида белгиланган. Яъни, суд эксперти: суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан **ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага** киришишга; суд экспертизасини ўтказиш учун **мустақил равишда материаллар тўплашга** ҳақли эмас.

---

[1] http://lex.uz/docs/1591655

[2] http://studme.org/

[3] Гражданский процесс в схемах с комментариями/ Завадская Л.Н. – 3-е издание. – Москва: Эксмо, 2016. ст. 35.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик суд ишларини кўриб, мазмунан ҳал қилишда экспертизанинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Экспертиза хулосаси суд томонидан иш натижаси бўйича қабул қилинадиган қарорга асос бўлувчи далиллардан бири ҳисобланади.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда экспертиза тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: **суд экспертизаси** – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат.

Амалдаги ФПКда эса, экспертизанинг қайси ҳолларда ва қандай тартибда тайинланиши ва ўтказилишига оид нормалар мустаҳкамланган. Яъни, иш муҳокамаси чоғида келиб чиққан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига ёки ўз ташаббусига кўра экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертлар суд ишида кимлар томонидан жалб қилинади, деган саволга жавоб топиш бирмунча аҳамиятлидир. Айрим давлатлар фуқаролик-процессуал қонунчилигида экспертлар ҳам тарафлар, ҳам суднинг ўз ташаббусига кўра жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган бўлса (масалан, Франция, Германия ва АҚШда), бошқа бир қатор давлатларда экспертлар ишга фақат тарафлар ташаббуси билан жалб қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Шундай қоида Англияда ҳам амал қилади. Бироқ, у ерда экспертнинг ишга жалб қилиниши ёки тараф бирор-бир фактни исботлаш жараёнида эксперт хулосасидан фойдаланиши учун суд томонидан русхат олиниши талаб этилади. Бунинг учун тараф судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, унда

эксперт хулосаси асос қилиб олинадиган соҳа ва имкон бўлса, эксперт исм-шарифини ҳам кўрсатиши лозим[1].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, экспертизани тайинлаш ва ўтказишда тарафларнинг фикрларини инобатга олиш далиллар мақбуллигини таъминлаш ва иш бўйича адолатли қарор чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги ФПКнинг 95-97-моддаларида белгиланишича, экспертлар тайинланаётганда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикри инобатга олинади, ишда иштирок этувчи шахслар экспертлар томонидан тушунтирилиши керак бўлган масалаларни судга тақдим этишга ҳақли. Бироқ, экспертизани тайинлаш жараёнида тарафлар фикрини олиш тўғрисидаги қоида қонунда мустаҳкамланмаган. Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси бир қадар мукаммалроқ. Жумладан, Россия Федерацияси қонунчилигига кўра, тарафларнинг ҳар бири ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар экспертизани ўтказиш жараёнида аниқланиши лозим бўлган саволларни судга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Эксперт хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг якуний доирасини эса суд белгилайди[2].

Германия фуқаролик-процессуал қонунчилиги экспертни тайинлашда тарафларга бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақдим этади. Яъни, суд тарафлардан эксперт сифатида сўроқ қилиниши лозим бўлган шахсларни кўрсатишни талаб қилиши мумкин. Тарафлар ўзлари ҳам шартнома асосида, шунингдек, суд аралашувисиз эксперт ёрдами учун мурожаат қилишлари мумкин[3].

Француз қонунчилигига кўра эса, экспертиза ўтказиш жараёнида суднинг ўзи иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолда у экспертга саволлар бериши, унинг тушунтиришларини тинглаши мумкин.

---

[1] Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие / под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г.Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 226-бет.

[2] Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. Пед. Л.В. Тумановой. – Москва: Проспект, 2016. – 166-бет.

[3] Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие / под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г.Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 76-бет.

Тарафлар эса, эксперт талаби бўйича экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишлари лозим. Эксперт ҳам, ўз навбатида, тарафларнинг фикр-мулоҳазалари ва эътирозларини эътиборга олиши, агар улар ёзма равишда тақдим этилган бўлса, ўз хулосасида акс эттириши лозим[1].

Суд процессида экспертиза тайинлаш ва ўтказишга оид амалиётдаги айрим муаммолардан келиб чиқиб, экспертнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал жиҳатларини такомиллаштиришга оид қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- **Тарафларнинг ўз ҳуқуқларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини кенгайтириш:** Фуқаролик процессининг фундаментал асосларидан бири бўлган тарафларнинг мусобақалашуви ва диспозитивлик принциплари суд экспертизасини тайинлаш босқичида ҳам тўлиқ намоён бўлиши лозим. Амалдаги тартибда ташаббус кўпроқ суд маҳкамасига тегишли бўлиб, бу фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қилиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.
- **Эксперт хулосасининг процессуал қиммати:** Кўп ҳолларда айнан суд экспертизаси хулосаси ишни у ёки бу тараф фойдасига ҳал қилишда, айниқса, махсус илмий-техник билимларни талаб қилувчи низоларда (қурилиш, иқтисодий, рақамли технологиялар соҳасида) энг муҳим ва ҳал қилувчи далил асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабли, ушбу далилни шакллантириш жараёнида тарафларга кўпроқ эркинлик берилиши адолат мезонларига тўлиқ мос келади.
- **Ислоҳотларнинг ижтимоий самараси:** Экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш тизимини модернизация қилиш, жараённинг шаффофлигини таъминлаш бевосита фуқаролик ишларини кўриш сифати ва тезкорлигини оширишга, энг муҳими — жамиятнинг суд ҳокимиятига ва одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

[1] Шу манба, 137-бет.

Шу билан бирга, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига эксперт ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш ва экспертиза ўтказиш жараёнини такомиллаштиришга оид қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- **Биринчидан,** ФПКнинг суд экспертизасини тайинлаш тартибини белгиловчи нормаларида тарафларнинг ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш лозим. Жумладан, даъвогар ва жавобгарга нафақат эксперт олдига қўйиладиган саволларни таклиф этиш, балки **экспертиза ўтказиладиган муассасани ёки муайян экспертларни (шу жумладан, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини) мустақил равишда танлаш ҳуқуқини** тўғридан-тўғри қонунда мустаҳкамлаш;
- **Иккинчидан,** суд томонидан процессуал холисликни таъминлаш мақсадида янги қоида жорий этилиши керак: агар суд тарафлар тақдим этган саволларни рад этса ёки улар таклиф қилган эксперт номзодини қабул қилмаса, ушбу **рад этишнинг сабаблари суд ажримида мажбурий тартибда асослантирилиши ва қонуний далиллар билан кўрсатилиши** шартлиги белгиланиши;
- **Учинчидан,** тарафларнинг экспертиза жараёнида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, уларга эксперт тадқиқоти ўтказилаётган вақтда (агар бу экспертнинг ишига халақит бермаса ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларга дахл қилмаса) **ўз фикр-мулоҳазаларини бевосита баён қилиш ва экспертга қўшимча тушунтиришлар бериш ҳуқуқи кафолатланиши**.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик процессида суд экспертизаси институтини ислоҳ қилиш орқали тарафларнинг процессуал ҳуқуқларини янада кенгайтириш, замон талабларига мос равишда хусусий ва нодавлат экспертиза имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш одил судловнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқишини таъминлайди.

SHODIEV GULOM MAKHAMMATOVICH
Associate Professor of the Department of Preliminary Investigation and Inquiry of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

THE FUNCTION OF CORRUPTION IN GENERATING SHADOW TURNOVER IN THE ECONOMY AND THE IMPROVEMENT OF COUNTERING IT

Introduction

The shadow economy is present in all spheres in which business entities operate. Although it may be a sound scholarly conclusion to regard the rooting of corruption in the Republic of Uzbekistan—a country developing legally and economically and recognized on the international arena as the principal locomotive of Central Asia—as a natural process, in much the same way as in the post-Soviet states, the fact that the volume of shadow turnover in the business world has persisted despite the results of the National effort carried out since 2017 to combat corruption in all its forms creates the need to find solutions through research grounded in a new theoretical and practical approach to this phenomenon.

Scholarly research points to the presence of corruption, or its varieties, in the list of factors that give rise to the shadow economy. Although representatives of the economic school regard corruption as a means of resolving bureaucratic problems in the course of doing business, and shadow turnover as the product of the bureaucratic and other factors that hinder activity, these two mutually generating ills are among the principal obstacles standing in the way of the country's reforms.

Although Uzbek legislation establishes measures to counter the shadow economy, and the National Statistics Committee has begun publishing the volume of the non-observed economy within gross domestic

product, the precise boundaries of the non-observed economy and its component parts have not been studied in scientific-empirical terms.

This article analyzes the role of corruption as a factor generating the shadow economy, together with data on the positive impact that countering it has on the country's economy, and develops proposals and recommendations for combating the officials who provide corrupt patronage to business entities engaged in shadow turnover.

Main Part

The international community is witnessing the work being carried out in Uzbekistan to create an environment of fair competition, to review the activities of business entities, to prevent unlawful interference in those activities, and to protect the rights of entrepreneurs—all with the aim of preventing corruption, the ill that obstructs business activity.

In particular, in 2023, of a total of 4,703 requests submitted by supervisory bodies for the coordination of inspections, 2,399 (51%) were approved and the remaining 2,304 (49%) were rejected because there were no legal grounds for conducting an inspection. As a result, the number of inspections carried out with respect to entrepreneurs in 2023 fell by 26% compared with 2022.

Amendments and additions were made to more than 15 normative legal acts in force that had a negative impact on the activities of business entities.

In 2021, through the cooperation of the Anti-Corruption Agency, the Chamber of Commerce and Industry, and the Business Ombudsman, the "Anti-Corruption Charter of Uzbek Business" was adopted, and 226 business entities were admitted to membership of the Charter.

In order to ascertain the results of the measures being taken, a public survey conducted with the participation of more than 2,490 business entities on instances of encountering corruption in the course of their activities showed that the majority of entrepreneurs reported not encountering corruption; in their view, the level of corruption in the country has decreased in recent years.

Over the past two years, however, the Republic of Uzbekistan has recorded a decline in the ranking of the international corruption-assessment organization Transparency International. In particular, the results published in 2026 show that, compared with 33 points in 2023, a further decline persisted according to the 2025 results, and that the country, with 31 points, took 124th place among 182 countries[1].

For this reason, on December 26, 2025, in his Address to the Oliy Majlis and the people of Uzbekistan, President Shavkat Mirziyoyev announced a firm and resolute stance in the fight against corruption. As the head of state emphasized, 2026 is designated as a year of “emergency” in countering corruption[2].

In particular, new legal mechanisms are being introduced in the country with the aim of combating the shadow economy, preventing corruption in the business sphere, reducing the “human factor” through digitalization, and ensuring openness—namely, preventing unlawful interference in business activity and forestalling conflicts of interest and corruption risks in relations with state bodies. Nevertheless, the existence of a non-observed economy amounting to 498 trillion soums within Uzbekistan’s gross domestic product[3] points to the need for a fundamentally deeper analysis of the problem and for the development of the requisite measures.

However strong the right reforms may be, corruption cannot be eradicated root and branch; yet its effect of stalling reforms and its damage to the economy can be minimized.

A high level of corruption leads to an expansion of the scale of the shadow economy in the country. The emergence of one of these two phenomena naturally creates the ground for the appearance of the other. That

[1]https://www.transparency.org/en/cpi/2025/index/uzb
[2]http://nhrc.uz/uz/news/m17058
[3]https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_3839.pdf

is, corruption fosters the development of the shadow economy, and the shadow economy, in turn, raises the level of corruption in society.

Despite repeated scholarly research, a single definition of the "shadow economy" has still not been developed. The Nobel Prize nominees in economics Paul Samuelson and William Nordhaus defined the shadow economy as economic activity that is not officially registered[1]. On this view, the shadow economy may be interpreted as a deviation from compliance with the law through the deliberate concealment of information about economic activity or the provision of false information. This, in turn, also gives rise to the phenomenon of a person's illicit enrichment, whereby funds that ought to flow into the state budget fail to reach it. Because this situation arises mainly in processes connected with the collection of taxes, efforts to counter it focus in many cases on changing the state's tax policy[2].

One cannot, however, fully agree with researchers who confine their views to the improvement of tax policy. This is because, in order to evade tax payments, an organization must first have reported its economic activity and then failed to pay the assessed taxes, or have misreported in order to avoid paying them. When the economy remains "in the shadow," its volume is unknown, and tax liabilities therefore cannot be calculated at all.

Here, the main reason why business entities shirk or evade tax payments is explained by the heaviness of the tax burden. There are a number of such factors, and researchers are conducting continuous studies in this direction.

Drawing on the research conducted, three approaches to the study of the shadow economy may be cited as examples:

– **statistical:** any activity that ought to be reflected in official statistical data but is not;

[1]Goygereeva Kh. K. The Shadow Economy and Its Impact on the Financial Stability of Russia // Novaya nauka: sovremennoye sostoyaniye i puti razvitiya. – 2016. – No. 12-1. – pp. 106–109.
[2]Dagaev G. V., Pomulev A. A. The Interrelation between the Laffer Effect and the Shadow Economy // Tenevaya ekonomika. – 2020. – Vol. 4. – No. 4. – pp. 225–234. doi: 10.18334/tek.4.4.111467

– **legal:** the conduct of any economic activity carried out in violation of the law;

– **fiscal (budget-tax):** the failure to report accounts with the aim of evading taxes.

In running a shadow economy, activity prohibited by law is not carried out—that is, such goods and services are not produced—but taxes are deliberately left unpaid[1]. In this situation, the business entity conceals its economic income from the state.

A natural question arises at this point: in the technological era of the 21st century—when digitalization and electronic control systems are being introduced in all spheres, when a digital state or digital government is being implemented in certain countries, when the entire cycle from raw material to finished product is managed through robotization and automation, and when goods and services leave "digital footprints"—how is it possible to hide turnover from reporting systems?

The fairest answer to this logical and objective question is one and only one: "corruption." Historically, because digital control systems had not been introduced into the processes of producing goods, goods and services were concealed from records owing to the resort to corruption by the entities or persons exercising control; today, the very possibility of circumventing the data of electronic monitoring tools is provided, in exchange for personal gain, by corruption-prone employees of the state control bodies.

The research identified four principal functions of corruption in generating and sustaining shadow turnover:

First, the **generative function**—corruption is able to create shadow turnover directly, in the form of bribes, "kickbacks," embezzled budget funds, and unlawful intermediary fees. Because such funds cannot enter

[1]Kireenko A. P., Nevzorova E. N. A Map of Scholarly Research in the Field of the Shadow Economy and Tax Evasion 2019 // Vestnik Tomskogo gosudarstvennogo universiteta. Ekonomika. – 2019. – No. 46. – pp. 46–59. doi: 10.17223/19988648/46/4

legal circulation directly, they create the need for their legalization, which forms the basis of shadow financial flows;

Second, the **protective (masking) function**—in exchange for a bribe, an official extends "patronage" to existing shadow activity such as smuggling, unregistered entrepreneurship, tax evasion, and illegal extraction, and shields it from control and liability. Here corruption becomes the means that preserves and expands—or lubricates—the pre-existing shadow sector;

Third, the **conversion (redistributive) function**—corruption transforms state (public) resources into private shadow assets: through privatization at understated prices, fictitious public procurement, and non-existent contracts, value is transferred from the formal sector into informal private property;

Fourth, the **reproductive function**—the shadow economy generates an unobservable flow of cash, which in turn finances new bribes and corrupt deals.

A number of aspects must be the focus of attention in preventing corruption from becoming an element that sustains the shadow economy. The following may be cited as examples:

1) the institution of illicit enrichment has not been implemented into national legislation in accordance with Article 20 of the United Nations Convention against Corruption (UNCAC);

2) an electronic system for declaring property and income, a register of ultimate beneficial owners, and automatic cross-checking against tax and bank data have not been established;

3) non-conviction-based (civil-law) confiscation and mechanisms for the international recovery of assets have not been introduced into practice;

4) the powers of the Financial Intelligence Unit (FIU) have not been expanded on the basis of the FATF recommendations, and the analysis of suspicious transactions has not been digitalized;

5) the reduction of discretionary powers in the civil service through digitalization and the streamlining of procedures, together with the limitation of monopoly through competition and electronic platforms, has not been introduced;

6) the institution of effective legal protection and encouragement for those who report corruption (whistleblowers) has not been strengthened;

7) the ISO 37001 anti-bribery management system and the practice of corruption risk assessment have not been fully introduced in state bodies and large private structures.

Conclusion

It should be noted that, in recent years, the analysis of geopolitical and geo-economic processes on the international arena and the task of charting future prospects have grown increasingly complex. In all market-economy countries, the shadow economy arises as a result of abuses in the financial sphere and the inefficient use of monetary resources.

The analysis conducted has shown that corruption plays not an incidental but a systemic and functional role in generating shadow turnover in the economy. Corruption simultaneously creates shadow value (the generative function), protects the existing shadow sector (the protective function), converts public resources into private shadow assets (the conversion function), and forms a self-reproducing cycle (the reproductive function). The fight against corruption is therefore, at the same time, an inseparable part of the strategy for reducing the shadow economy.

In this regard, the consistent continuation of the measures being implemented to introduce compliance systems with the aim of preventing conflicts of interest and ensuring integrity in the country acquires even greater significance.

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН ЙЎЛЧИБОЕВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Дастлабки тергов ва суриштирув
кафедраси ўқитувчиси, ю.ф.ф.д.

ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ТАҲДИДЛАР ШАРОИТИДА ТЕРГОВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақолада рақамли трансформация ва кибержиноятчиликнинг жадал ўсиши шароитида тергов ходимларининг малакасини оширишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган. Жаҳон ва Ўзбекистондаги кибержиноятчилик ҳолатига оид статистик маълумотлар асосида рақамли жиноятлар динамикаси, уларнинг турлари ва криминалистик хусусиятлари ёритилган. Кибержиноятларни тергов қилишда рақамли далиллар билан ишлаш, мобил криминалистика, OSINT, блокчейн таҳлили ва булутли криминалистика соҳаларида махсус билим ва кўникмаларнинг аҳамияти асослаб берилган. АҚШ, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Сингапур ҳамда Интерполнинг терговчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги илғор тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тергов ходимларининг рақамли компетенцияларини ривожлантириш, кўп босқичли сертификатлаш тизимини жорий этиш, махсус рақамли тергов полигонларини ташкил этиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Аннотация: *В данной статье исследуются актуальные вопросы повышения квалификации следственных работников в условиях цифровой трансформации и стремительного роста киберпреступности. На основе анализа мировой и национальной статистики раскрываются тенденции развития цифровой преступности, её основные формы и криминалистические особенности. Обосновывается необходимость формирования у следователей специальных компетенций в области работы с цифровыми доказательствами, мобильной криминалистики, OSINT-разведки, анализа блокчейн-транзакций и облачной криминалистики. Проведён сравнительный анализ передового опыта*

США, Европейского союза, Республики Корея, Сингапура и Интерпола в сфере подготовки и повышения квалификации сотрудников правоохранительных органов. По результатам исследования разработаны предложения по совершенствованию системы подготовки следователей в Республике Узбекистан, включая внедрение многоуровневой системы сертификации цифровых компетенций, создание специализированных цифровых полигонов и расширение международного сотрудничества в сфере противодействия киберпреступности.

Abstract: *This article examines the pressing issues of enhancing the professional competence of investigators in the context of digital transformation and the rapid growth of cybercrime. Based on global and national statistical data, the study analyzes trends in cybercrime development, its major forms, and forensic characteristics. Particular attention is paid to the importance of developing investigators' competencies in handling digital evidence, mobile forensics, open-source intelligence (OSINT), blockchain analytics, and cloud forensics. A comparative analysis of best practices employed in the United States, the European Union, the Republic of Korea, Singapore, and INTERPOL in the field of investigator training and professional development is conducted. Based on the research findings, a set of recommendations is proposed for improving the training system of law enforcement personnel in the Republic of Uzbekistan, including the introduction of a multi-level digital competency certification framework, the establishment of specialized digital investigation laboratories, and the expansion of international cooperation in combating cybercrime.*

Калит сўзлар: *кибержиноятчилик, рақамли трансформация, терговчи, малака ошириш, рақамли далиллар, киберхавфсизлик, OSINT, блокчейн таҳлили, мобил криминалистика, хорижий тажриба, рақамли компетенциялар.*

Ключевые слова: *киберпреступность, цифровая трансформация, следователь, повышение квалификации, цифровые доказательства, кибербезопасность, OSINT, блокчейн-анализ, мобильная криминалистика, зарубежный опыт, цифровые компетенции.*

Keywords: *cybercrime, digital transformation, investigator, professional development, digital evidence, cybersecurity, OSINT, blockchain analytics, mobile forensics, foreign experience, digital competencies.*

Барчамизга маълумки, глобаллашув ва тўртинчи саноат инқилоби инсоният ҳаётига шиддатли рақамли трансформация жараёнларини

олиб кирди. Бугунги кунда сунъий интеллект (AI), катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data), булутли технологиялар (Cloud Computing), блокчейн ва крипто-активлар каби инновациялар нафақат иқтисодий соҳаларни, балки ижтимоий муносабатлар тизимини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Бироқ фан ва техниканинг ушбу ютуқлари анъанавий жиноятчиликнинг ҳам трансформация бўлишига, унинг кибермакон соҳасига кўчишига шароит яратди. Замонавий жиноятчилик эндиликда жисмоний чегараларни тан олмайдиган, трансмиллий ва аноним хусусиятга эга бўлган глобал таҳдидга айланиб улгурди.

Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан тергов ва суриштирув тизими ходимлари мутлақо янги турдаги, рақамли муҳитда яширинган жиноий субъектлар билан тўқнаш келмоқдалар. Агар илгари жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш маълум бир жисмоний макон билан чекланган бўлса, бугунги кунда жиноят излари виртуал серверлар, тармоқ протоколлари, шифрланган файллар ва занжирли блокчейн транзакциялари ичига тарқалиб кетган. Бу эса тергов тизими ходимларининг нафақат юридик малакасини, балки уларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги техник билимларини ҳам давр талабига мос равишда оширишни тақозо этади. Терговчиларнинг замонавий рақамли таҳдидларни англаш даражаси ва кибержиноятларни тергов қилиш кўникмалари бугун давлатнинг хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлашнинг энг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида кибержиноятчилик келтираётган иқтисодий ва ижтимоий зарар миқдори йилдан-йилга геометрик прогрессия тарзида ўсиб бормоқда. Халқаро таҳлилий марказлар ва киберхавфсизлик ташкилотларининг маълумотлари бу таҳдиднинг нақадар улкан миқёс касб этганини яққол кўрсатади.

АҚШ Федерал қидирув бюросининг (FBI) Интернетдаги жиноятлар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш маркази (IC3) томонидан эълон қилинган йиллик ҳисоботга кўра, биргина 2024 йилнинг ўзида

859 мингдан ортиқ расмий шикоятлар қайд этилган бўлиб, бунинг натижасида кўрилган умумий молиявий зарар миқдори 16 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 33 фоизга кўпдир[1].

Умумий глобал миқёсда эса кибержиноятчилик туфайли дунё иқтисодиёти йилига тахминан 10,5 триллион доллар зарар кўрмоқда. Бу кўрсаткич кўплаб ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидан бир неча баробар кўпдир. Экспертларнинг фикрига кўра, агар тегишли глобал хавфсизлик чоралари кўрилмаса, 2029 йилга бориб кибержиноятчилик олиб кирадиган зарар миқдори 15,6 триллион долларга етиши мумкин[2].

Жаҳон иқтисодий форумининг (WEF) Глобал киберхавфсизлик истиқболлари маърузасида қайд этилишича, сўровда иштирок этган соҳа мутахассислари ва раҳбарларнинг 72 фоизи рақамли таҳдидларнинг сунъий интеллект воситалари туфайли янада хавфлироқ ва мураккаброқ тус олаётганини таъкидлаган[3].

Айниқса, генератив сунъий интеллект (Generative AI) асосида ишлаб чиқилган ижтимоий муҳандислик (Social Engineering) усуллари ва тизимларни блокловчи зарарли дастурлар — товламачилик дастурлар (Ransomware) глобал инфратузилмага катта хавф туғдирмоқда.

Verizon компаниясининг йиллик таҳлиллари шуни кўрсатадики, 2025 йилда содир этилган киберҳужумларнинг 44 фоизи айнан Ransomware (тўлов талаб қилувчи вирус) дастурлари иштирокида амалга оширилган бўлиб, бу аввалги йилга нисбатан 37 фоизлик ўсишни англатади[4]. Бунда энг хавотирли жиҳат шундаки, жиноятчилар томонидан тизимларни қайта тиклаш учун талаб қилинаётган ўртача

[1] FBI Internet Crime Complaint Center (IC3) Annual Report 2024. Available at: https://www.ic3.gov/
[2] CompTIA Global Cybercrime Costs Forecast 2025-2029. Cybersecurity Market Insights.
[3] WEF Global Cybersecurity Outlook 2025. World Economic Forum. Geneva, 2025.
[4] Verizon Data Breach Investigations Report 2025 (DBIR). Verizon Business, 2025.

тўлов миқдори (Ransom demand) 500 фоизга ошиб, 2 миллион АҚШ долларига етган[1].

Европа Иттифоқининг Киберхавфсизлик агентлиги (ENISA) ҳам ўз ҳисоботларида кибержиноятчиликнинг нафақат молиявий секторга, балки давлат бошқаруви ва соғлиқни сақлаш тизимлари каби критик инфратузилма объектларига ҳам тўғридан-тўғри ҳужумлари сони ортганини таъкидламоқда[2].

Глобал миқёсдаги ушбу хавотирли тенденциялар Ўзбекистон Республикасининг миллий статистикасида ҳам ўз аксини топмоқда. “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимининг 2023–2025 йиллардаги расмий маълумотлари мамлакатимизда рақамли жиноятлар динамикасида кескин ўсиш содир бўлганини яққол кўрсатмоқда.

Хусусан, **2023 йилда** Республика бўйича жами содир этилган жиноятлар сони 75 020 тани ташкил этган бўлиб, улардан ахборот технологиялари ёрдамида содир этилганлари бор-йўғи **5 400 тага (7,2%)** тенг эди. **2024 йилда** умумий жиноятлар сони 130.295 тага етган бўлса, уларнинг ичида АКТ ёрдамида содир этилган жиноятлар портлаш даражасида ўсиб, **58 800 тани (45%)** ташкил этди. **2025 йилда эса** Республикадаги жами жиноятлар сони 155.002 тага етди ва уларнинг қарийб ярми — **76 852 таси (49,6%)** бевосита ахборот технологиялари воситасида содир этилди.

Ушбу статистик таҳлилдан кўриниб турибдики, сўнгги уч йил ичида Ўзбекистонда ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятлар **14,2 баробарга кўпайган** (5.400 тадан 76.852 тагача), уларнинг умумий жиноятчилик таркибидаги улуши эса **7,2 фоиздан 49,6 фоизгача шиддат билан кўтарилган**.

[1] Verizon Data Breach Investigations Report 2025 (DBIR). Verizon Business, 2025.
[2] ENISA Threat Landscape 2025. European Union Agency for Cybersecurity. Athens, 2025.

Бу рақамлар терговчининг иш услуби тубдан ўзгариши кераклигини англатади. Замонавий терговчи эндиликда анъанавий жиноят воқеаси жойидаги ашёвий далиллар билан чекланиб қолмай, рақамли маконда қолдирилган виртуал изларни (Digital Footprints) қидириш, тўплаш ва таҳлил қилиш лаёқатига эга бўлиши шарт.

Айнан шу сабабли, Ўзбекистонда сўнгги йилларда кибержиноятчиликка қарши кураш соҳасида кенг қамровли ҳуқуқий ва ташкилий чоралар кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбари ва Ҳукумат томонидан соҳага оид қатор концептуал ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида ихтисослашган киберхавфсизлик бўлинмалари ташкил этилди. Жиноят кодексига ахборот технологиялари ва банк карталаридан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик ва ўғрилик жиноятлари учун жавобгарликни кучайтирувчи махсус квалификация белгилари (ЖКнинг 168 ва 169-моддаларига) киритилди. «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши критик ахборот инфратузилмаси объектларини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий қадам бўлди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура тизимида рақамли далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш бўйича замонавий мобил-криминалистик лабораториялар ташкил этилиб, Марказий банкнинг Киберхавфсизлик маркази (CERT-CBU) билан тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Бироқ, жиноятларнинг 14 баробардан зиёд ўсиш динамикаси ҳуқуқий базанинг яратилиши кадрларнинг техник салоҳияти билан мутаносиб равишда ривожланиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Технологияларнинг ривожланиши жиноий инструментлар ва усулларнинг ҳам хилма-хиллашувига олиб келди. Бугунги кунда тергов амалиётида тез-тез учраб турадиган кибержиноятларнинг асосий кўринишлари ва уларнинг криминалистик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Фишинг ҳужумлари ва интернет фирибгарлиги: Ижтимоий муҳандислик усулларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларнинг махфий маълумотларини (логин, пароль, пин-код) алдов йўли билан қўлга киритиш. Бугунги кунда фишинг хабарлари сунъий интеллект ёрдамида ҳеч қандай орфографик хатоларсиз ва муайян шахснинг психотипига мослаштирилган ҳолда автоматик генерация қилинмоқда.

2. Банк карталари ва тўлов тизимларидаги ўғрилик (Кардинг): Фишинг ёки зарарли дастурлар воситасида фуқароларнинг банк пластик карталари реквизитларини ўғирлаш ва масофадан туриб маблағларни ноқонуний ўзлаштириш.

3. Ransomware (Товламачилик дастурлари): Корпоратив ёки давлат ташкилотларининг серверларига масофадан туриб ҳужум қилиш, тизимдаги барча маълумотларни криптографик усулда шифрлаб қўйиш ва шифрни очиш эвазига криптовалютада йирик миқдорда тўлов талаб қилиш.

4. Криптовалюталар ва пул ювиш (Crypto Laundering): Жиноий йўл билан топилган маблағларни блокчейн тармоқлари (Bitcoin, Ethereum, Monero каби аноним крипто-активлар) ва крипто-миксерлар (Crypto mixers) орқали ўтказиш йўли билан уларнинг асл манбаи ва эгасини яшириш[1].

5. Deepfake ва Сунъий интеллект технологиялари орқали содир этиладиган жиноятлар: Генератив нейрон тармоқлари ёрдамида реал шахсларнинг сохта видео, аудио ва фото тасвирларини юқори аниқликда яратиш. Бугунги кунда Deepfake технологияси орқали компания раҳбарларининг овозлари ва юзлари тақлид қилиниб, молиявий масъул ходимларни йирик миқдордаги пулларни жиноий ҳисоб рақамларига ўтказишга мажбур қилиш ҳолатлари учрамоқда. 2025 йилги статистик маълумотларга кўра, барча қайд этилган

[1] Chainalysis Crypto Crime Report 2025. The Latest Trends in Cryptocurrency-based Crime.

кибержиноятларнинг 16 фоизида ҳужумчилар у ёки бу шаклда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган[1].

6. Dark Web (Қора тармоқ) инфратузилмаси: Tor, I2P каби махсус шифрланган тармоқлар ичида яширин бозорларнинг амал қилиши. Darknet маконида нафақат гиёҳвандлик воситалари ёки қурол-яроғлар, балки тайёр жиноий дастурий кодлар, ўғирланган шахсий маълумотлар базалари ва "хизмат сифатидаги киберҳужумлар" (Cybercrime-as-a-Service, CaaS) сотилади ҳамда буюртма берилади[2].

Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, кибержиноятчилик эндиликда якка тартибдаги ҳаваскор хакерлар иши эмас, балки юқори даражада ташкиллашган, техник жиҳатдан мукаммал таъминланган трансмиллий “жиноий саноат” дир. Тезкор ходим ва терговчи тармоқ протоколлари (TCP/IP), рақамли излар, IP-манзиллар таҳлили, VPN ва прокси тизимларини айланиб ўтиш усулларини мукаммал билмаса, жиноятни фош этиш мутлақо имконсиз бўлиб қолади.

Кибержиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳати — рақамли далилларнинг (Digital Evidence) ўта сергак ва ўзгарувчан табиати билан боғлиқ. Рақамли далил бир сония ичида масофадан туриб ўчириб юборилиши, ўзгартирилиши ёки йўқ қилиниши мумкин. Шу боис, замонавий терговчи нафақат юридик нормаларни шарҳлашни, балки қуйидаги техник ва криминалистик йўналишларни мукаммал ўзлаштириши шарт:

1. Рақамли далилларни процессуал тўғри йиғиш ва сақлаш: Электрон ташувчилардаги (қаттиқ дисклар, флеш-карталар) маълумотларни уларнинг яхлитлиги ва ўзгармаслигини таъминлаган ҳолда "битма-бит" (Bit-stream image) кўчириб олиш (клониш) ва уларнинг хэш-функцияларини (MD5, SHA-256) ҳисоблаш;

2. Мобил қурилмалар криминалистикаси (Mobile Forensics): Замонавий смартфонлардаги шифрланган мессенжерлар (Telegram,

[1] Verizon Data Breach Investigations Report 2025 (DBIR). Verizon Business, 2025.
[2] FLETC Cybercrime & Technical Investigations Training Conference (CYCON) 2024 Proceedings. Federal Law Enforcement Training Centers.

WhatsApp, Signal), ўчириб юборилган хабарлар, геодезик маълумотлар (GPS тарих) ва кэш файллардан тергов учун аҳамиятли ахборотларни ажратиб олиш;

3. Очиқ манбалардан маълумот тўплаш (OSINT — Open Source Intelligence): Интернетнинг очиқ муҳитидан, ижтимоий тармоқлар, форумлар ва рўйхатдан ўтиш базаларидан фойдаланиб, номаълум жиноий субъектнинг шахсини аниқлаш (дигитал профиллаш)[1].

4. Блокчейн ва крипто-аналитика: Махсус дастурий таъминотлар (масалан, Chainalysis, Elliptic воситалари) ёрдамида крипто-ҳамёнлар ҳаракатини, транзакциялар занжирини кузатиш ва уларнинг якуний нақдлаштириш нуқталарини (крипто-биржаларни) аниқлаш[2].

5. Булутли криминалистика (Cloud Forensics): Маълумотлар жисмоний қурилмада эмас, балки масофавий серверларда (Google Cloud, AWS, iCloud) сақланган вазиятда уларни қонуний ва техник жиҳатдан бенуқсон қўлга киритиш.

Бу вазифалар миллий кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимини тубдан ислоҳ қилишни ва бунда етакчи хорижий давлатларнинг синовдан ўтган тажрибасини тизимли таҳлил қилишни талаб қилади.

АҚШ Федерал қидирув бюроси (FBI) ва Федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ўқитиш маркази (FLETC) кибержиноятларга қарши курашишда дунёдаги энг мукаммал ўқув-методик базага эга тизимлар ҳисобланади.

FLETC таркибида терговчилар учун махсус Кибержиноятлар ва техник терговлар конференцияси (CYCON) ва доимий ўқув дастурлари

[1] INTERPOL Digital Forensics First Responders Guidelines, v7. INTERPOL Global Complex for Innovation. Singapore.
[2] Chainalysis Crypto Crime Report 2025. The Latest Trends in Cryptocurrency-based Crime.

амал қилади[1]. Терговчилар қуйидаги ихтисослашган курсларда ўқитилади:

– Digital Forensics Investigation (DFI), яъни рақамли далилларни криминалистик экспертиза қилиш;

– Internet Investigations Training Program (IITP), яъни Интернет тармоғида яширин тергов ҳаракатларини олиб бориш;

– Vehicle Data Extraction Training Program (VDETP), яъни Замонавий "ақлли" транспорт воситаларининг компьютер тизимларидан рақамли далилларни ажратиб олиш;

– Seized Computer and Evidence Recovery Specialist (SCERS), яъни Компьютер тизимларини хавфсиз мусодара қилиш ва маълумотларни қайта тиклаш.

АҚШ тизимининг энг асосий хусусияти — амалий симуляторлар ва тренажёрларнинг мавжудлигидир. Ўқиш жараёнида терговчиларга реал вақт режимида Dark Web маконига кириш, крипто-ҳамёнларни блокчейн орқали кузатиш ва хакерлик ҳужуми содир бўлаётган сервердан иссиқ излар бўйича далил тўплаш машқлари бажартирилади[2].

Европа Иттифоқи ҳудудида кибержиноятларга қарши кураш стратегияси Европол таркибидаги Европа кибержиноятчилик маркази (EC3) томонидан мувофиқлаштирилади. 2024 йилда Европол томонидан махсус “Кибержиноятчилик бўйича ўқитиш малака доираси” (Cybercrime Training Competency Framework) ишлаб чиқилди[3]. Ушбу ҳужжатга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг кибер-малакаси 4 та мажбурий тоифага ажратилади:

биринчи даража — Биринчи муносабат билдирувчи (First Responder). Ушбу даражадаги мутахассис кибер воқеага дастлабки тезкор муносабат билдиради: далилларни дастлабки мустаҳкамлаш,

[1] FLETC Cybercrime & Technical Investigations Training Conference (CYCON) 2024 Proceedings. Federal Law Enforcement Training Centers.
[2] FLETC Cybercrime & Technical Investigations Training Conference (CYCON) 2024 Proceedings. Federal Law Enforcement Training Centers.
[3] Europol Cybercrime Training Competency Framework 2024. Europol, EC3. The Hague, 2024.

ҳодиса жойини ҳимоялаш ва юқори даражали мутахассисларга ахборот узатиш вазифасини бажаради;

иккинчи даража — Умумий тергов мутахассиси (Mainstream Investigator). Кибержиноятларни умумий методология асосида тергов қиладиган асосий тергов звеноси. Рақамли далилларни йиғиш, таҳлил қилиш ва жиноят ишини юритиш вазифалари ушбу даражага юклатилган;

учинчи даража — Ихтисослашган кибер-терговчи (Cybercrime Specialist). Маълум турдаги кибержиноятлар — fishing, ransomware, tarmoq hujumlari каби мураккаб ишларни ҳал этишга ихтисослашган юқори малакали мутахассис;

тўртинчи даража — Киберхужум бўлинмаси раҳбари (Cybercrime Manager).

Тизим бошқарувчиси сифатида кибер-тергов бўлинмасини стратегик бошқаришни, ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиришни ва давлат органлари ўртасида ҳамкорликни таъминлайди.

Европа тизимида рақамли криминалистиканинг мажбурий 8 та босқичи қонунчилик даражасида белгиланган: аниқлаш (identification), сақлаш (preservation), ёзиб олиш (acquisition), тасдиқлаш (validation), таҳлил (analysis), тафсир (interpretation), ҳужжатлаштириш (documentation) ва судда тақдим этиш (presentation)[1].

Европа полиция коллежи (CEPOL) эса ушбу стандартлар асосида трансчегаравий кибержиноятларни тергов қилиш, Будапешт конвенцияси механизмларини қўллаш ва Европа Иттифоқининг янги "e-далиллар тўплами" (e-evidence Package) ҳамда Рақамли хизматлар тўғрисидаги қонуни (Digital Services Act) асосида рақамли маълумотларни провайдерлардан тезкорлик билан олиш усулларини ўргатади[2].

[1] Europol Cybercrime Training Competency Framework 2024. Europol, EC3. The Hague, 2024.
[2] Eurojust-Europol «Common Challenges in Cybercrime» Joint Report 2024.
Europol Programming Document 2024–2026. Data-driven law enforcement support

Жанубий Корея Миллий полиция агентлиги (KNPA) таркибидаги Рақамли тергов марказлари (Digital Investigation Centers) юқори технологияли жиноятларни очишда сунъий интеллект ва Big Data (катта маълумотлар) таҳлилидан унумли фойдаланади.

Корея тажрибасининг ўзига хос жиҳати шундаки, у ерда анъанавий юрист-терговчи ва техник IT-мутахассис ўртасидаги касбий чегаралар деярли йўқотилган. Малака ошириш тизимида терговчиларга нейрон тармоқлари асосида ишлайдиган ва фирибгарлик транзакцияларини автоматик равишда аниқлаб, жиноятларни башорат қилувчи махсус миллий дастурий таъминотлар билан ишлаш ўргатилади.

Сингапур ҳукумати киберхавфсизлик бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Сингапур полиция кучлари қошида ташкил этилган Кибержиноятчилик академияси (Cybercrime Academy) давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг (Public-Private Partnership) ёрқин намунасидир. Академия Интерпол, шунингдек, дунёнинг етакчи технология компаниялари (Microsoft, Google, Group-IB) билан ҳамкорликда терговчилар учун киберразведка (Cyber Threat Intelligence) ва сунъий интеллект воситалари ёрдамида рақамли далилларни қайта тиклаш бўйича энг замонавий амалий курсларни ташкил этади.

Интерпол ўзининг Кибержиноятчилик бўйича глобал дастури орқали дунё давлатлари терговчиларининг кучини бирлаштиради. Бунга мисол қилиб, глобал миқёсда ботнетларни йўқ қилиш ва юзлаб хакерларни қўлга олишга қаратилган "Synergia" операциясини келтириш мумкин.

Интерпол томонидан чиқарилган "Рақамли криминалистика бўйича биринчи муносабат билдирувчилар учун қўлланма" (Digital Forensics First Responders Guidelines) бугунги кунда дунё бўйича терговчилар учун рақамли далиллар билан ишлашнинг олтин

стандарти ҳисобланади[1]. Европа Кенгаши ва CEPOL эса ушбу қўлланмалар асосида, айниқса Ғарбий Балқон ва ривожланаётган минтақаларда криптовалюталарни тергов қилиш бўйича мутахассислашган курсларни мунтазам ўтказиб келмоқда[2].

Ўзбекистон Республикасида сўнгги уч йилда АКТ ёрдамида содир этилган жиноятлар улушининг **7,2% дан 49,6% гача** шиддат билан ўсганлиги кадрлар салоҳиятини кучайтиришни тақозо этади. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини миллий ҳуқуқий воқелик ва Ўзбекистон Республикасининг рақамлаштириш стратегияси билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда, миллий тергов ходимларининг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қуйидаги тизимли таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, миллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда (Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, ИИВ Академияси) терговчилар учун рақамли билимлар даражасини баҳоловчи кўп даражали тизимни (4 даражали сертификатлаш) жорий этиш лозим. Ҳар бир терговчи ўз тоифасидан келиб чиқиб, рақамли далиллар билан ишлаш бўйича мажбурий минимал даражага эга бўлиши ва бу бўйича даврий равишда имтиҳон топшириши шарт;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини ошириш муассасалари (Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, ИИВ Академияси, ИИВ Малака ошириш институти) ўқув режаларига фақат юридик фанларни эмас, балки қуйидаги техник модулларни ҳам киритиш зарур:

1. Компьютер инжинирингининг асослари модули доирасида терговчиларда операцион тизимлар архитектураси, файл тизимлари ва тармоқ протоколлари (OSI модели, TCP/IP) бўйича амалий кўникмалар шакллантирилади;

[1] INTERPOL Digital Forensics First Responders Guidelines, v7. INTERPOL Global Complex for Innovation. Singapore.
[2] CEPOL Western Balkans Cybercrime Investigation Training Programme 2024. Budapest, 2024.

2. Крипто-анализ ва Блокчейн модули криптохамёнлар тузилишини, транзакцияларни кузатиш (blockchain tracing) технологиясини ҳамда крипто-миксерларнинг ишлаш тамойилини ўрганишга қаратилган[1].

3. AI ва OSINT воситалари модули эса очиқ манбалардан маълумот қидириш, Deepfake материалларини аниқлаш ва нейрон тармоқлари ёрдамида маълумотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади [6].

учинчидан, АҚШнинг FLETC тажрибаси асосида миллий ўқув марказларида виртуал реаллик (VR) ва махсус дастурий симуляторлар билан жиҳозланган интерфаол лабораториялар — **“Рақамли тергов полигонлари”** ташкил этилиши керак[2]. Ушбу полигонларда терговчилар хакерлик ҳужумига учраган корхона серверидан маълумотларни “жонли” тизимда (Live forensics) нобуд қилмасдан кўчириб олиш, булутли серверларга қонуний кириш ва шифрланган дискларни очиш тактикасини амалий машқ қилишлари лозим;

тўртинчидан, рақамли технологиялар жуда тез суръатларда ўзгараётгани сабабли, давлат таълим муассасалари дастурлари амалиётдан орқада қолмаслиги лозим. Бунинг учун малака ошириш жараёнларига етакчи маҳаллий ва халқаро IT-компаниялар, тижорат банкларининг киберхавфсизлик марказлари ходимлари ва Group-IB, Kaspersky каби халқаро экспертларни маърузачи сифатида жалб этиш тизимини йўлга қўйиш зарур;

Ҳозирги глобаллашув шароитида миграция жараёнлари халқаро муносабатларнинг энг долзарб йўналишларидан бирига айланмоқда. Иқтисодий, ижтимоий, экологик ва сиёсий омиллар таъсирида аҳолининг давлатлар ўртасида ҳаракатланиши кучайиб, мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи халқаро ва миллий даражада алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, меҳнат, оилавий ва экологик миграциянинг турли шакллари, шунингдек ноқонуний миграциянинг кўпайиши давлатлар олдида янги ҳуқуқий ва институционал вазифаларни қўймоқда. Мазкур мақолада миграция тушунчаси, унинг асосий турлари, таъсир этувчи омиллар ҳамда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро механизмлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Мақолани тайёрлаш жараёнида умумий илмий билиш усуллари, хусусан таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли ва формал-юридик усуллар қўлланилди. Шунингдек, халқаро конвенциялар, декларациялар, халқаро ташкилотлар ҳужжатлари, шунингдек, олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилинди. Миллий ва халқаро ҳуқуқий механизмларни солиштириш орқали миграцияни тартибга солишдаги мавжуд муаммолар ва истиқболли ёндашувлар аниқланди.

Ихтиёрий миграция — бу шахсларнинг ўз хоҳишига кўра ҳаракатланиши. Бу турдаги миграция 1990 йилдаги “Барча меҳнаткаш мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенцияда меҳнат миграциясининг аниқ таърифи ҳам келтирилган бўлиб, унга кўра, меҳнаткаш мигрант - бу ўз ватани бўлмаган давлатда даромад келтирадиган иш билан шуғулланаётган шахсдир[1].

[1] Отажонов А., Баратова Д. Меҳнаткаш-мигрант тушунчаси ва унинг миграция жараёнларининг ўзига хос субъектлари сифатидаги мақоми //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 125-133.

Миграциянинг бу шакли иқтисодий ва бошқа омилларга асосланган ҳолда меҳнатга қобилиятли аҳолининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиши билан боғлиқдир.

Шунингдек, оила миграцияси ҳам бор бўлиб, унинг мақсади оила аъзоларини бирлаштиришдан иборат. Бунда оиланинг бир аъзоси қонуний асосда миграциянинг турли шаклларидан бири орқали бошқа давлатга кўчиб ўтган бўлса, қолган аъзолар унга қўшилиш учун миграция қилишади.

Таснифимизнинг кейинги тури бу экология билан боғлиқдир. Экологик миграция муаммоси айниқса Африка каби баъзи минтақалар учун долзарбдир. Шунинг учун уни ҳал қилишга уринишлар айнан шу минтақавий даражада амалга оширилди.

Д.В. Иванов ва Д.К. Бекяшевга кўра “экологик мигрантлар - бу атроф-муҳитга жиддий зарар етказилганлиги сабабли (масалан, табиий офатлар туфайли), ўз ҳаётига хавф туғилгани ёки турмуш шароитларига жиддий таъсир кўрсатилгани учун вақтинча ёки номаълум муддатга ўз одатдаги яшаш жойини тарк этишга мажбур бўлган шахслардир”[1].

Бонн шаҳрида 2008 йилда ўтказилган экологик миграцияга бағишланган конференцияда қуйидаги турдаги мигрантлар ажратилди: экологик фавқулоддаги мигрантлар - атроф-муҳитдан келиб чиққан катта хавф ва таҳдидлардан қочиб, ўз ҳаётларини сақлаб қолишга уринаётганлар; экологик мажбурий мигрантлар - атроф-муҳитнинг жиддий ва тикланмайдиган зарарланишлари сабабли ўз доимий яшаш жойларини тарк этишга мажбур бўлганлар; экологик ихтиёрий мигрантлар - экологик шароитлар ёмонлашгани сабабли яхшироқ ҳаёт қидириб, уйларини тарк этаётган ва молиявий жиҳатдан буни амалга ошириш имкониятига эга бўлган шахслар[2].

[1] Иванов Д. В., Бекяшев Д. К., Экологическая миграция населения: Международно-правовые аспекты: Научное издание / Д. В. Иванов, Д. К. Бекяшев. – М.: Аспект Пресс, 2013. С.43.

[2] Environmental migrants: UN meeting aims to build consensus on definitions, support, protection https://www.eurekalert.org/news-releases/917437.

Юқоридаги таҳлилларга асосан, мигрантларнинг турли тоифалари ва уларнинг ҳуқуқий мақомлари халқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган бўлса-да, миграцияни тартибга солиш борасидаги муаммолар ҳамон мавжуд. Бизнигча, миграция билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун давлатлар самарали миграция сиёсати яратишга кўпроқ эътибор беришлари лозим. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг етишмаслиги, коррупция, шунингдек, шахсий эркинликка интилиш асосий омиллар ҳисобланади. Таъқиб қилинмаган ҳолатларда ҳам, шахсий эркинликнинг чеклангани одамларни ўз ватанларини тарк этишга мажбур қилади.

Шу билан бирга, иқтисодий миграция ишчи кучига бўлган талаб билан боғлиқ бўлиб, доимий жараён ҳисобланади. Айрим ҳолатларда, сиёсий сабаблар билан бирга иқтисодий омиллар ҳам миграцияни кучайтириши мумкин. "Иқтисодий миграция" атамаси фақат меҳнат мигрантларига эмас, балки уларнинг оила аъзоларига нисбатан ҳам қўлланилиши зарур.

Шу ўринда, ноқонуний меҳнат миграциясининг келиб чиқиши сабабларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, С.В. Рязанцев ноқонуний меҳнат миграциясининг пайдо бўлишининг бир қатор сабабларини, жумладан, қуйидагиларни белгилайди[1]:

биринчидан, бу глобаллашув тушунчасини ифода этади. Технологияларнинг тараққиёти ахборот тарқатиш жараёнини самарали ва осонроқ қилди, бу эса мобил телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиши ва телекўрсатувлар сонининг ортишига сабаб бўлди. Натижада, узоқ масофаларга саёҳат қилиш олдингига нисбатан осонлашди. Глобаллашув саноати ривожланган мамлакатларда яшаш даражасининг яхшиланишига олиб келди, бироқ у халқаро ва миллий даражада тенгсизликнинг кучайиши билан ҳам узвий боғлиқдир.

[1] Рязанцев С.В. Мировой рынок труда и международная миграция: Учебное пособие. Москва, 2010. С.218.

Шунингдек, глобаллашув халқаро савдо ва капитал оқими олдидаги тўсиқларни камайтиришга ёрдам берди.

иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий омиллар сифатида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунларнинг заифлиги, миграция оқимини қонунийлаштириш чора-тадбирларининг етарли даражада амалга оширилмаслиги ва давлатлараро келишувларнинг камлиги қайд этилади.

учинчидан, қабул қилувчи мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар қатор муаммоларни ўз ичига олади. Бу, жумладан, меҳнат стандартларини жорий этиш ва назорат қилишдаги етишмовчиликлар, қишлоқ хўжалиги ҳамда маиший хизматлар каби иқтисодиётнинг чекка соҳаларида иш ўринларининг мониторинг қилинмаслиги ва инвесторларнинг юқори даромад олишга бўлган катта қизиқиши киритилади[1].

1960-йилларнинг охирига келиб, миграция омилларини учта асосий гуруҳга ажратилди: бошқариш имкони йўқ бўлган “доимий” омиллар, билвосита таъсир қилиб назорат қилиниши мумкин бўлган “вақтинчалик” омиллар; ва “ўзгарувчан” омиллар[2].

Тақдим этилган миграция биринчи гуруҳга ҳудуднинг географик жойлашуви ва унинг табиий компонентлари, масалан, метеорологик, геологик ва бошқалар киради. Сув тошқинлари, зилзилалар, мавсумий ҳароратнинг юқори тафовути - буларнинг барчаси бошқа омилларга қараганда кўпроқ аҳолининг кўчиб кетишига ёрдам беради.

Иккинчи гуруҳга аста-секин ўзгариб турадиган омиллар киради. Буларга ҳудудларнинг ривожланиш даражаси ва аҳолининг ёши, этник ва жинсий таркиби киради. Аҳолининг умр давомийлиги бўйича таркиби вақтинчалик омиллардан бири, аммо миграция жараёнларига

[1] Рязанцев С.В. Мировой рынок труда и международная миграция: Учебное пособие. Москва, 2010. С.218.

[2] Троцук И.В. Миграционные процессы в советском обществе 1960-х – 1980-х годов: наблюдения и прогнозы Т.И. Заславской // Вестник общественного мнения. Данные. Анализ. Дискуссии. 2013. №3-4 (116).

энг кўп таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир. Бу аҳолининг юқори миграция ҳаракатчанлигига ёрдам беради.

Учинчи гуруҳига иш ҳақининг ошиши, давлат сиёсатининг ўзгариши, кадрлар сиёсати, маълум имтиёзларнинг ўрнатилиши ёки бекор қилиниши ва бошқалар киради.

Юқоридаги барча миграция омилларини етарлича объектив, деб ҳисоблаш мумкин. Худди шу шароитда қабул қилинган қарорларнинг фарқланишига олиб келадиган шахснинг ўзига хос хусусиятлари миграциянинг субъектив омиллари сифатида қаралиши мумкин.

Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмлари қуйидаги бир қатор мезонларга кўра таснифланди:

- *қонунчиликка асосланган мезонларга кўра*, миграцион муносабатларни тартибга солувчи конституциявий нормалар, қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, идоравий буйруқ ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- *институционал мезонларга кўра*, Ўзбекистонда миграция масалалари билан шуғулланувчи бир қатор давлат институтлари мавжуд. Масалан, Президент, Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миграция агентлиги, Инсон ҳуқуқлари ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман), Болалар ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

- *фуқаролик жамияти мезонларига кўра*, нодавлат нотижорат ташкилотлар Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол қатнашади. Улар ҳуқуқий маслаҳатлар, таълим ва маълумот бериш орқали мигрантларга ёрдам кўрсатади.

Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари қуйидаги бир қатор мезонларга кўра таснифланди:

- *халқаро нормаларга асосланган мезонларга кўра*, аъзо-давлатлар учун мажбурий бўлган халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатлар, миграция соҳасида тавсиявий хусусиятдаги халқаро ҳужжатлар (декларация ва йўриқномалар).

- *халқаро институционал мезонларга кўра*, БМТ, МХТ, ХМТ, UNHCR, ва минтақавий ташкилотлар (Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, МДҲ) мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва уларнинг ҳуқуқий мақомини сақлашда муҳим роль ўйнайди.

- *халқаро судлов мезонларига кўра*, халқаро судлар ва трибуналлар томонидан қабул қилинган, мигрантларнинг ҳуқуқлари ва ҳимоясини таъминлашда асосий мезонлар ва суд амалиётини билдирувчи принциплар, қоидалар ва стандартларни ўз ичига олади. Улар халқаро низоларни ҳал қилиш, ҳуқуқий тўқнашувларни ҳал қилиш ва мигрантларнинг ҳуқуқий масалалари бўйича ҳал этилган қарорларни қабул қилиш учун мўлжалланган. Бу мезонлар асосан халқаро судлар, ёки бошқа махсус халқаро трибуналлар томонидан ишлатилиши мумкин. Улар халқаро конвенциялар ва шартномалар асосида қабул қилинган бўлиб, уларнинг асосида мигрантлар билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ва адолатни таъминлаш вазифалари белгиланган.

- *халқаро нодавлат ва фуқаролик жамияти ташкилотлари мезонларига кўра*, халқаро нодавлат ва фуқаролик жамияти ташкилотлари мезонлари мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу мезонлар халқаро ҳуқуқий тизимдаги давлатлар ва халқаро ташкилотлардан мустақил бўлган ташкилотлар, у ёки бу тарзда мигрантларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун ишлайди. Улар давлатлараро ва халқаро ҳуқуқий нормаларга таянмасдан, жамият ва фуқаролик ташкилотлари томонидан қабул қилинган стандартлар ва принципларга асосланган.

- *халқаро кузатув ва мониторинг мезонларига кўра*, Халқаро кузатувчилар миссиялари, шу жумладан **БМТнинг Халқаро**

миграция ташкилоти (IOM) ва **Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти**нинг миграция бўйича мониторинг ишлари, миграция жараёнларини кузатади, маълумот йиғади ва мигрантлар ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатларни таҳлил қилади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миграция турли мезонларга кўра таснифланади, жумладан, ҳуқуқий ҳолати, ҳудудий жиҳатлар, миграция сабаблари ва мақсадлари. Бу таснифлар миграция жараёнларини тушуниш ва уларни самарали тартибга солиш учун муҳимдир. Ноқонуний миграциянинг бу тури давлат қонунларини бузиш билан боғлиқ бўлиб, унинг сабаблари турли ижтимоий-иқтисодий ва глобаллашув жараёнларига боғлиқдир. Ноқонуний миграциянинг олдини олишда самарали давлат сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Миграцияга таъсир қилувчи омиллар объектив ва субъектив сабаблардан иборат бўлиб, уларнинг таҳлили миграция жараёнларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Миграция сиёсати ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, миграция турли мезонларга кўра таснифланиб, унинг ҳар бир шакли ўзига хос ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилади. Меҳнат, оилавий ва экологик миграция халқаро ҳуқуқ нормаларида маълум даражада тартибга солинган бўлса-да, ноқонуний миграция, айниқса меҳнат миграцияси соҳасида жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Миграция жараёнларига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олган ҳолда, самарали давлат миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ва миллий ҳамда халқаро механизмлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш мигрантлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

IBRAGIMOV MURODJON JUMANAZAROVICH
Senior Lecturer of the Department
of Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan

ANALYSIS OF THE EXPERIENCE OF SOME COUNTRIES IN IMPROVING COMPLIANCE-CONTROL IN THE HEALTH SECTOR

Abstract: *This article examines the relevance, role, and importance of improving the compliance and oversight system in preventing corruption in the healthcare sector, as well as the experience of developed countries in this area, as well as current processes in Uzbekistan in this regard, scientifically, theoretically, and practically, and provides relevant proposals and conclusions.*

Key words: *health care, corruption, anti-corruption policy, compliance control, legal regulation, international experience.*

Corruption has been one of the main factors that threaten social justice, the rule of law and the effective functioning of government institutions throughout the history of the development of states. Corruption is particularly dangerous in areas of social importance, such as education, the judiciary, and health care. Among them, the healthcare sector, which is directly related to protecting the life and health of the population, is the most vulnerable to corruption, the consequences of which can be very serious not only for an individual, but also for society as a whole.

The health sector is inherently prone to corruption risks. This sector requires large budget expenditures, covers millions of service recipients, operates in conditions of high levels of information asymmetry between doctors and patients, and often has limited control over resource allocation. In such circumstances, corruption can manifest itself in various forms, from, for example, simple bribes to speed up the treatment process, to large-scale

embezzlement schemes, "gaming" in the purchase of drugs and medical equipment , and abuses within the framework of insurance programs.

However, in recent decades, in many countries around the world, corruption in healthcare has become increasingly recognized as not only a moral issue but also a direct contributor to mortality, low trust in government, economic inequality, and political instability. This has prompted international organizations, national governments, and civil society to intensify efforts to develop systemic solutions to combat this scourge.

One of the most promising areas in the fight against corruption is the introduction of compliance control, that is, an internal control system. This system is aimed at preventing violations, strengthening ethical standards, and creating mechanisms for self-cleaning within the organization. Advanced forms of compliance were first used in the corporate sector in the United States in the 1970s and 1980s [1], but later spread to the healthcare sector, where they have shown high effectiveness. Today, compliance in healthcare is a mandatory requirement, for example, in the United States, Canada, the European Union, and Australia. Compliance programs are developed in both public and private medical institutions and include a set of measures such as employee training, anonymous reporting channels for violations, regular audits, and risk analysis.

Therefore, the study of the issues of combating corruption and developing compliance control in the healthcare sector against the background of global experience and national tasks is gaining not only scientific, but also practical significance. International experience shows that sustainable results can be achieved only through a systemic approach. Such an approach, along with legislative reforms, includes internal changes in

[1]Agafonov, A. V. Evolution of corporate complaens-practice v sisteme obespecheniya ekonomicheskoy
bezopasnosti: teoretiko-metodicheskiy i praktonoy aspekti / A. V. Agafonov, I. A. Lebedev // Vestnik Eurasian science. — 2025. — T. 17. — No. s2. — URL: https://esj.today/PDF/31FAVN225.pdf.

organizations, increasing the level of openness, active involvement of society, and the development of legal culture.

Corruption in healthcare is a recurring and constantly developing negative socio-legal phenomenon, which is expressed in the illegal use of official positions in public and private healthcare systems by medical professionals for their own interests, obtaining various benefits and privileges [1]. This problem is not unique to our country, but exists throughout the world. In this regard, the World Health Organization has developed a program aimed at preventing corruption by increasing transparency and strengthening accountability mechanisms in healthcare systems in its member states [2].

Of the trillions of dollars spent on healthcare worldwide each year, [3]much of it is channeled through large government contracts for medicines, equipment and the construction of medical facilities. However, analyses suggest that 10–25% of global spending on public procurement is lost to corruption and waste [4].

Corruption in the health care system varies depending on the country's income level, and in developing countries it can exceed 15%, while in the United States, fraud and abuse account for approximately 10% of the health care budget [5]. In 2019, the US government recovered [6]$3.6 billion in health care fraud settlements and settlements . However, it is estimated that this is only the "tip of the iceberg" of US health care fraud, with between $58.5

[1]https://cyberleninka.ru/article/n/korruptsiya-v-sisteme-zdravoohraneniya
[2]Reinforcing the Focus on Anti-Corruption, Transparency and Accountability in National Health Policies, Strategies and Plans // World Health Organization. - Electronic text data.
[3]World Health Organization. Spending on Health: A Global Overview. 2012. http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs319/en/
[4]Transparency International. Global Corruption Report 2006: Corruption and Health. London and Ann Arbor: Pluto Press and Transparency International; 2006.
[5]https://blog.theaaci.com/transparency-and-corruption1prevention-in-the-healthcare-industry/
[6]US Department of Justice, US Department of Health and Human Services. Health Care Fraud and Abuse Control Program Annual Report for Fiscal Year 2019. Washington, DC: US Department of Health and Human Services Office of the Inspector General; (2020)

billion and $83.9 billion lost annually to fraud and abuse [1]. This trend is also reflected in the assessment of global health spending, where at least 7% of the funds go to corruption, which is about 500 billion US dollars [2]. These data show that the financial resources allocated to health care may not have the expected impact on the health of the population if they are used for corrupt purposes.

Corruption can affect all stages of the health care delivery chain, from policy development to the management of organizational resources and procurement of medical supplies, as well as bribery and extortion in the process of service delivery [3]. Some examples of corruption include:

1. Bribes and informal payments. Patients pay money to expedite treatment, receive free services, or skip the waiting list—a practice that is widespread even in countries with public healthcare.

2. Absence of employees, "ghost" employees, duplicate salaries. Human resource fraud, i.e., individuals who are not employed but are paid ("ghost workers"), duplicate positions with unclear responsibilities, are widespread in low- and middle-income countries.

3. Procurement fraud and abuse. This includes overpricing contracts, bid rigging, secret agreements with suppliers, and the use of private companies. This leads to shortages of medicines, increased prices for services, and a decline in the quality of purchased products.

4. Conflicts of interest and biased prescribing practices. Pharmaceutical companies may incentivize doctors to prescribe certain drugs—through gifts or bonuses. This undermines the impartiality of medical advice and jeopardizes the interests of patients.

5. Data manipulation and false reporting. False hospitalizations, inflated reporting, and payment through incorrect coding of services are

[1]Shrank WH, Rogstad TL, Parekh N. Waste in the US health care system: estimated costs and potential for savings. JAMA. (2019) 322:1501–9. 10.1001/jama.2019.13978

[2]The Ignored Pandemic [Internet]. Transparency International. (2019). Available online at: http://ti-health.org/content/the-ignored-pandemic/

[3]Taryn Vian and Carin Nordberg. 2008. Corruption in the Health Sector 2008.

common occurrences even in developed countries under pay-for-performance systems [1].

6. Public indifference and acceptance of corruption as a cultural norm. In the CIS and Central Asian countries, corruption is accepted as a part of the system, low wages and lack of transparency increase the tendency to bribes and "gratitude" [2].

According to a July 2025 study by the Movement for the Advancement, 15% of patients in polyclinics confirmed cases of unofficial payments, while 56% of medical workers believe that corruption does not exist — indicating a high level of self-deception or fear of revealing the truth[3].

Thus, corruption in the health sector has a devastating impact, both financially and humanitarian-wise. Its manifestations include bribery, fraud in personnel and procurement, and manipulation of data. An effective fight requires a systemic and comprehensive approach, increasing transparency, developing compliance mechanisms, and strengthening public oversight . This problem is also relevant in the conditions of Uzbekistan, and we believe it is necessary to integrate these approaches into the healthcare system being reformed in the country.

In the healthcare industry , compliance is a system of internal controls and ethical standards designed to ensure compliance with legal, regulatory, and industry requirements, as well as to prevent fraud and corrupt practices. According to the U.S. Office of Inspector General (OIG) , a compliance program is required for participation in federal programs such as Medicare and Medicaid and is an important tool for ensuring the ethical, efficient, and safe operation of healthcare organizations [4].

---

[1]Anticorruption resource center - https://www.u4.no/topics/health/basics

[2]https://one.uz/en/news/society/8603-informal-payments-in-healthcare-are-becoming-widespread-in-uzbekistan.html

[3]https://one.uz/en/news/society/8603-informal-payments-in-healthcare-are-becoming-widespread-in-uzbekistan.html

[4]https://health.uconn.edu/healthcare-compliance-privacy/2020/02/06/elements-of-an-effective-compliance-program/

compliance in healthcare is an integrative mechanism that combines legal responsibility, internal governance, ethics, and a culture of trust. It includes preventing conflicts of interest, controlling financial transactions, protecting patient data, internal complaints systems, and responding promptly to violations of regulations.

OIG (Office of Inspector General) practices and standards, an effective compliance program should consist of seven integrative components:

1. Written Standards, Policies and Procedures. Codes of conduct, policies and procedures should be documented and address key risks such as fraud, coding errors, confidentiality, bribery, and conflicts of interest. These documents must be regularly updated and accessible to employees.

2. Compliance leadership and oversight. An independent Compliance Officer should be appointed, with the necessary resources and direct access to the organization's leadership. A compliance committee should also be established with the participation of various departments, which ensures a multidisciplinary approach and decision-making at the top management level.

3. Education and communication. All staff (from clinical staff to administrative services) should be trained regularly, especially when legislation changes. The key principles of compliance, sources of support and reporting channels are communicated through interactive tools, presentations and knowledge testing.

4. Effective communication channels. Establish “hotlines,” web platforms, or email channels for anonymous reporting of violations. An “open door policy” between the compliance officer and employees should be mandatory.

5. Monitoring and auditing. Regular internal audits and data analytics identify anomalies and risks in high-risk processes such as invoicing, repeat medical procedures, and access to patient data. Audit results are documented and used to take corrective action.

6. Consequences and incentives. Develop a system of disciplinary measures for violations and rewards for compliance with standards. Incentives can take the form of public praise or bonuses, and disciplinary measures should be applied consistently and transparently.

7. Incident response and corrective actions. Once an incident is identified, an investigation is required, root cause determination, policy updates, training re-evaluations, and changes to procedures are required. All actions are documented.

Anti-corruption policies in healthcare in the European Union are based on standards set by the Council of Europe, the European Commission and GRECO. The main areas of focus include ensuring transparency in the allocation of medical resources, creating public access to information on contracts and hospital purchases, declaring the income of doctors and officials, and mandatory disclosure of financial relationships between medical professionals and pharmaceutical companies.

The German healthcare system is based on the principle of insurance medicine and a high level of internal control. One of the main tools in the fight against corruption is the introduction of electronic prescriptions and medical records, which minimizes the possibility of manipulation. There is also an independent medical audit system (MDK), which monitors the validity of the appointment and payment of medical services [1].

In Germany, the fight against corruption in the healthcare sector is also regulated by Article 299 of the Criminal Code. In 2016, this article was supplemented with a new section aimed at criminalizing cases of bribery and corruption in the healthcare system. Particular attention is paid to doctors in private practice and their connections with the pharmaceutical business. The German prosecutor's office actively uses mechanisms for cooperation with tax authorities, and also conducts financial audits of private clinics. In 2016, the Law on Combating Corruption in the Healthcare Sector (Gesetz zur Bekämpfung von Korruption im Gesundheitswesen) was adopted, which

[1] Medical Dienst der Krankenversicherung (MDK). https://www.mdk.de/

provides for criminal prosecution of cases of bribery and corruption by doctors, including private specialists [1].

In France, anti-corruption legislation, including the Sapin II law , requires certain organizations, in particular pharmaceutical companies and other organizations that interact with healthcare institutions to implement corruption risk management programs. The Sapin II law establishes mandatory requirements for the creation and implementation of anti-corruption programs . These programs include risk assessments, the development of control measures, staff training, monitoring and reporting mechanisms. According to the Sapin II Act , the main elements of corruption risk management programs are as follows: the enterprise must identify and assess the corruption risks inherent in its activities; develop internal policies and procedures and implement control measures to prevent and detect corruption; organize mandatory training courses for employees on the topic of corruption prevention; create internal mechanisms for reporting corruption cases; and regularly monitor and evaluate the effectiveness of anti-corruption measures. In addition, France has created a public platform called Transparence Santé , through which citizens can monitor the relationships between doctors and industrial sponsors [2].

Since 1998, the UK National Health Service (NHS) has had a Counter Fraud Authority (NHSCFA) - a separate structure that is responsible for detecting, investigating and preventing fraud and corruption. The NHS also employs specially trained local anti-fraud officers ([3]Local Counter Fraud Specialists) . In addition, the NHS has introduced a digital procurement and contract monitoring system called NHS Supply Chain , which allows any citizen to obtain information about government purchases, suppliers, prices and conditions. In addition, every doctor is required to declare any gifts or

[1] Law gold Combating corruption im Healthcare, 2016
[2]https://www.transparence.sante.gouv.fr
[3]NHS Counter Fraud Authority. https://cfa.nhs.uk

travel received from private companies. These reports are placed in a public register [1].

According to the Global Corruption Barometer, Lithuania has one of the highest levels of bribery in the healthcare sector among EU countries. In Romania, 22% of respondents admitted to paying bribes to healthcare professionals – the only EU country with a higher rate than Lithuania. In Denmark, only 1% of respondents said they had paid bribes in healthcare institutions, in Estonia 2%, and in Latvia and Poland 10% each [2].

In addition, it is worth noting that the European Healthcare Fraud & Corruption Network (EHFCN) is an organization that brings together experts from 13 countries to prevent, detect and investigate fraud and corruption in the healthcare sector. The network organizes international conferences and webinars, covering topics ranging from system design to law enforcement. The EHFCN emphasizes the importance of exchanging experiences and harmonizing approaches to combating corruption [3].

In the United States, the fight against corruption in the healthcare sector is based on a complex set of laws. These laws include the False Claims Act [4], the Foreign Corrupt Practices Act (FCPA [5]), the Anti-Kickback Statute [6], and the Stark Law [7]. These laws allow public and private entities in the healthcare sector to be held liable for fraud, bribery, and collusion between healthcare institutions and pharmaceutical companies.

As noted above, the internal compliance program in the United States occupies a special place - it is implemented in almost all hospitals and insurance companies. Healthcare organizations are instructed to establish compliance departments, which report directly to the board of directors or

[1]https://www.supplychain.nhs.uk
[2]https://www.delfi.lt/ru/news/live/transparency-international-19-zhiteley-litvy-davali-vzyatki-medikam-87465085
[3]https://ehfcn.org/home/about/
[4]https://www.justice.gov/civil/false-claims-act
[5]https://www.justice.gov/criminal/criminal-fraud/foreign-corrupt-practices-act
[6]https://www.justice.gov/archives/jm/criminal-resource-manual-927-anti-kickback-act-1986
[7]https://hzlegal.ae/ru/the-stark-law-preventing-conflicts-of-interest-in-medicine/

auditors. These departments operate to monitor compliance with internal ethics, confidentiality standards, and the prevention of conflicts of interest. These compliance programs operate on the basis of recommendations from the Office of Inspector General (HHS) of the US Department of Health and Human Services. The Office publishes "Compliance Program Guidance" for various participants in the healthcare sector. In the United States, anti-corruption and compliance oversight in the healthcare sector is carried out at the institutional, legislative, and corporate levels [1].

has a comprehensive system for combating fraud in the healthcare sector, especially within the Medicare and Medicaid programs. The main actors in this area are: the Office of Inspector General (OIG) under the US Department of Health and Human Services , the Centers for Medicare & Medicaid Services (CMS) , the FBI , and special units under the attorney general's offices [2].

The general conclusion from the experience of the US and European countries is that the main element of anti-corruption policy in the healthcare sector is institutionalized compliance, which is closely linked to digital control, transparency and citizen monitoring mechanisms. Creating an environment that is intolerant of corruption is possible only when there is a stable legal framework, an independent judiciary and a political will for a fair distribution of medical resources. The experience of the EU and the US also shows that legal accountability and enforcement of strong anti-corruption laws are important. The US False Claims Act and the Anti-Kickback Statute create a legal framework that leads to large fines and compensation. The US Department of Justice and the Office of Inspector General (OIG) require healthcare organizations to implement compliance programs, whistleblower hotlines, employee training and internal audits. As a result, a culture of accountability and internal control is formed.

[1] https://oig.hhs.gov/compliance/general-compliance-program-guidance/
[2] US Department of Health and Human Services, OIG. https://oig.hhs.gov

Thus, the lesson from the European and American experience is that sustainable results can only be achieved by combining a legal framework, digital transparency, strong whistleblower protection and constant public monitoring . Otherwise, even with a high level of state development, health systems remain vulnerable to hidden corruption risks.

ИСОҚОВ ЛУҚМОНЖОН ХОЛБОЕВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА РАҚАМЛИ ЧЕГАРАЛАР ВА МИГРАЦИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ЯНГИ НАЗАРИЯЛАРИ

***Аннотация**: Ушбу мақола XXI аср шароитида чегара тушунчасининг анъанавий географик чизиқдан кўпқиррали, динамик ва рақамли бошқарув тизимига трансформация бўлишини Ўзбекистон мисолида таҳлил қилади. Тадқиқот доирасида 2016 йилдан кейинги чегара сиёсатидаги ислоҳотлар, биометрик идентификация ва миграция бошқарувининг секьюритизация жараёнларига таъсири ўрганилган. Шунингдек, Марказий Осиёдаги тарихий мерос, анклавлар ва экологик омилларнинг глобал чегара тадқиқотлари назарияларини бойитишдаги илмий аҳамияти очиб берилган. Мақолада чегараларнинг хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминловчи ижтимоий-институционал макон сифатидаги роли концептуаллаштирилган.*

***Аннотация**: В данной статье на примере Узбекистана анализируется трансформация понятия границы в условиях XXI века из традиционной географической линии в многогранную, динамичную и цифровую систему управления. В рамках исследования изучены реформы пограничной политики после 2016 года, биометрическая идентификация и влияние управления миграцией на процессы секьюритизации. Кроме того, раскрывается научная значимость исторического наследия, анклавов и экологических факторов в Центральной Азии для обогащения теорий глобальных пограничных исследований. В статье концептуализируется роль границ как социально-институционального пространства, обеспечивающего баланс между государственной безопасностью и правами человека.*

***Abstract**: This article analyzes the transformation of the concept of borders in the 21st century from a traditional geographic line into a multifaceted, dynamic, and*

digital management system, using the case of Uzbekistan. The study examines post-2016 border policy reforms, biometric identification, and the impact of migration management on securitization processes. Furthermore, it highlights the scientific significance of historical legacy, enclaves, and ecological factors in Central Asia in enriching theories of global Border Studies. The article conceptualizes the role of borders as a socio-institutional space that ensures a delicate balance between state security and human rights.

***Калит сўзлар**: чегара тадқиқотлари, секьюритизация, миграция бошқаруви, рақамлаштириш, биометрик назорат, Марказий Осиё, инсон ҳуқуқлари, экологик миграция.*

***Ключевые слова**: пограничные исследования, секьюритизация, управление миграцией, цифровизация, биометрический контроль, Центральная Азия, права человека, экологическая миграция.*

***Keywords**: border studies, securitization, migration management, digitalization, biometric control, Central Asia, human rights, ecological migration.*

Замонавий халқаро муносабатлар ва сиёсий география дискурсида чегаралар фақатгина суверен юрисдикцияларни демаркация қилувчи вестфалча статик чизиқ мақомидан чиқиб, инсон мобиллиги, хавфсизлик таҳдидлари ва биосиёсий назорат механизмларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб, кўп ўлчовли институционал тушунчага (“bordering”) айланди. Рақамли инфратузилмаларнинг кенгайиши, секьюритизация жараёнлари ҳамда Марказий Осиёдек мураккаб геосиёсий ва экологик тизимлардаги тарихий-маъмурий қатламдорлик фонида, чегара маконининг давлат хавфсизлиги ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминловчи восита сифатидаги эволюциясини илмий-назарий жиҳатдан концептуаллаштиради.

XXI аср шароитида чегара тушунчаси анъанавий равишда давлат суверенитетини белгилайдиган статик географик чизиқ сифатида эмас, балки инсон ҳаракатини бошқаришга қаратилган кўпқиррали, динамик ва технологиялашган бошқарув тизими сифатида талқин этилиши зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон мисоли замонавий чегара

режимларининг трансформациясини таҳлил қилишда ўзига хос илмий-эмпирик майдон сифатида намоён бўлади.

2016 йилдан кейин амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатда чегара сиёсати бир вақтнинг ўзида очиқлик, минтақавий ҳамкорлик ва инсон ҳаракатини тартибга солиш механизмларини кучайтириш тенденцияларини уйғунлаштирди. Бироқ мазкур жараёнлар оддий либераллашув ёки чекловларни кучайтириш эмас, балки ҳаракатланишни тартибга солиш ва бошқарувнинг янада мураккаб, маълумотларга асосланган ва институционал жиҳатдан кўп босқичли моделини шакллантирди.

Хусусан, биометрик идентификация, рақамлаштириш ва маълумотлар инфратузилмасининг кенгайиши чегара назоратини анъанавий маъмурий амалиётлардан техник тизимларга кўчириб, ҳуқуқлардан фойдаланиш шартларини қайта белгиламоқда.

Шу билан бирга, минтақавий ва глобал миграция жараёнлари, иқтисодий ўзаро боғлиқлик ва хавфсизлик омиллари чегара сиёсатининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат чегаранинг иккиламчи функциясини хавфсизликни таъминлаш ва ҳуқуқларни дифференциал тарзда тақсимлаш бир вақтнинг ўзида амалга оширишини кўрсатади.

Натижада, Ўзбекистон мисоли чегараларнинг замонавий эволюциясини тушунишда муҳим назарий аҳамият касб этади: у чегарани хавфсизлик, ҳаракат эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги мураккаб мувозанатни таъминловчи, доимий равишда қайта шаклланиб борувчи процессуал макон сифатида талқин қилиш имконини беради. Бу эса мамлакатнинг халқаро илмий майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга, глобал чегара тадқиқотлари ривожига салмоқли ҳисса қўшади.

Ушбу тадқиқотнинг эмпирик объекти чегара, хавфсизлик ва мигрантлар ҳуқуқларини инсон ҳаракатини тартибга солувчи ягона, ўзаро боғлиқ институционал тизимнинг ажралмас таркибий қисмлари

сифатида комплекс таҳлил қилишдан иборат. Ўзбекистон шароитида чегара оддий ажратувчи чизиқ эмас, балки бир вақтнинг ўзида тарихий ва замонавий мазмунга эга бўлган мураккаб ижтимоий-институционал конструкция сифатида намоён бўлади. У 1924 йилдаги маъмурий-ҳудудий тақсимот натижасида шаклланган тарихий мерос билан бир қаторда, бугунги кунда меҳнат миграцияси, савдо, транзит ва халқаро ҳимоя жараёнларини тартибга солувчи замонавий инфратузилма вазифасини ҳам бажаради.

Мазкур тарихий ва моддий қатламдорлик чегара маконини ўзига хос мураккаб ҳудудий конфигурациялар билан бойитади. Жумладан, анклавлар мавжудлиги чегарани таҳлил қилишда алоҳида илмий аҳамиятга эга бўлган кўпқиррали тадқиқот объектига айлантиради.

Шу асосда илмий муаммо қуйидагича шакллантирилади: Ўзбекистон тажрибаси глобал чегара тадқиқотлари нуқтаи назаридан давлатлар қандай қилиб чегарани бир вақтнинг ўзида ҳам хавфсизлик макони, ҳам ҳуқуқлар амалга ошириладиган макон сифатида шакллантирадиганини қандай намоён этади? Бу жараён, айниқса, биометрик технологиялар, ўзаро интеграциялашган маълумотлар базалари ва тезлаштирилган миграция бошқаруви каби рақамлаштириш амалиётларининг кучайиши шароитида янада долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур ёндашувнинг назарий аҳамияти шундаки, у чегара тадқиқотларида устун бўлган евро-атлантик моделлар доирасидан чиқиб, Марказий Осиёни мустақил таҳлил майдони сифатида илгари суради. Бу ҳудудда чегара бошқаруви собиқ совет тизимига хос ҳаракатлар назорати мероси, анклавлар ва ҳудудий аралашувлар билан боғлиқ маҳаллий омиллар, айниқса Фарғона водийсидаги мураккаб ҳудудий тузилмалар ҳамда ташқи меҳнат миграциясига юқори даражада боғлиқлик каби омиллар таъсирида шаклланган.

Шу нуқтаи назардан, “хавфсизлик” тушунчаси фақат давлат функцияси сифатида эмас, балки сиёсий-ижтимоий конструкция

сифатида ҳам қаралиши лозим. Секьюритизация назариялари айрим миграция шаклларининг хавф сифатида қайта талқин этилиши орқали фавқулодда чораларнинг жорий қилиниши ва бошқарув механизмларининг кенгайишини тушунтириб беради. Бироқ бу ёндашув “bordering” ва “borderwork” концепциялари билан уйғун ҳолда қўлланилиши зарур, чунки улар чегарани ҳужжатлар, маъмурий категориялар, техник инфратузилмалар ва масофавий бошқарув амалиётлари орқали амалга ошириладиган тарқоқ, кўп босқичли жараён сифатида англаш имконини беради.

Замонавий чегаралар бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, XXI асрда чегара бошқарувини тушунишда давлат суверенитети ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўртасидаги мувозанат асосий назарий мезон сифатида намоён бўлади. Шу маънода, чегара фақат тартибга солиш воситаси эмас, балки бошқарув ва инсон қадр-қиммати ўртасидаги фундаментал мувозанат қайта белгилаб бориладиган ижтимоий-сиёсий макон сифатида намоён бўлади.

Чегара тадқиқотлари доирасидаги замонавий ёндашувлар чегара институтларининг нафақат техник, балки сиёсий ва перформатив хусусиятга эгалигини таъкидлайди. Хусусан, деворлар ва тўсиқлар қурилиши орқали суверенитетнинг рамзий намоён қилиниши кузатилади, бу эса уларнинг амалий самарадорлигидан қатъи назар, хавфсизлик сиёсатининг намойишкорона шаклланишини англатади. Бироқ Марказий Осиё шароитида чегара бошқаруви давлат марказлашуви, ҳудудий баҳслар ва умумий ресурслардан фойдаланиш каби омиллар билан белгилангани сабабли, евроцентрик таҳлил моделларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Постсовет маконидаги миграция жараёнлари таҳлиллари эса давлатлар ўртасидаги миграцион ўзаро боғлиқликни очиб беради. Бунда меҳнат миграциясига юқори даражада боғлиқ бўлган

мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан қабул қилувчи давлатлар сиёсатига сезиларли даражада таъсирчан бўлиб қолади.

Шу билан бирга, замонавий тадқиқотлар чегараларни экологик ва ресурс омиллари билан боғлиқ ҳолда ҳам кўриб чиқмоқда. Хусусан, Фарғона водийси юқори аҳоли зичлиги, этник хилма-хиллик ва тарихий ноаниқ чегаралар туфайли мураккаб геосиёсий ва ижтимоий макон сифатида намоён бўлади. Иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва ер ресурсларининг деградацияси каби омиллар эса ички ва трансчегаравий ҳаракатларни рағбатлантирувчи қўшимча факторлар сифатида аҳамият касб этади.

Сўнгги назарий ёндашувлар чегарани статик чизиқ эмас, балки “жараён” (bordering) ва “амалий фаолият” (borderwork) сифатида талқин қилишни таклиф этади. Бу ёндашув чегаранинг кундалик шаклланишида ҳужжатлар, маълумотлар базалари, маъмурий тартиблар ва техник инфратузилмалар ҳал қилувчи ўрин тутишини кўрсатади. Айни пайтда, секьюритизация назарияси айрим ҳаракат турларининг хавф сифатида қайта талқин қилиниши орқали бошқарув ва рақамли маълумотлар йиғиш тизимларининг кенгайишини тушунтиради. Бироқ техник имкониятларнинг ошиши инсон ҳуқуқларини автоматик равишда кафолатламайди.

Шу нуқтаи назардан, глобал чегара тадқиқотлари Марказий Осиё каби ҳудудларни периферия эмас, балки мавжуд назарий ёндашувларни бойитувчи мустақил илмий майдон сифатида кўришни тақозо этади. Айниқса, Фарғона водийси каби ҳудудлар чегаранинг кўп функцияли табиатини — суверенитет институти, ресурсларни бошқариш механизми, миграцияни тартибга солиш тизими ва давлат бошқаруви ҳамда инсон қадр-қиммати ўртасидаги музокара майдони сифатида — яққол намоён этади.

Методологик жиҳатдан тадқиқот кўп манбали ёндашувга асосланиб, миллий ва халқаро илмий адабиётлар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва статистик маълумотларни комплекс таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Ҳужжатли таҳлил, норматив қайта қуриш ва таққослама статистик усуллар орқали чегара сиёсатининг институционал ва амалий трансформациялари ўрганилади. Шу билан бирга, маълумотлар манбаларидаги айрим тафовутлар, жумладан, чиқиш тартибларига оид ислоҳотлар хронологиясидаги фарқлар, қўшимча эмпирик текширувларни талаб этади.

Умуман олганда, мазкур ёндашув Ўзбекистонни замонавий чегара бошқаруви, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги мураккаб ўзаро алоқаларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш имконини берувчи муҳим тадқиқот майдони сифатида намоён этади.

Айниқса, экологик ва иқлим омиллари билан боғлиқ миграция соҳасида халқаро ҳуқуқдаги мавжуд бўшлиқлар долзарб масала сифатида намоён бўлади. Амалдаги халқаро ҳимоя механизмлари бевосита экологик омиллар сабабли юзага келган кўчишларни қамраб олмагани сабабли, бу тоифадаги шахслар ҳуқуқий ҳимоядан четда қолиш хавфига дуч келмоқда. Бу ҳолат Марказий Осиё учун ҳам хос бўлиб, атроф-муҳит ўзгаришлари ва ресурслар танқислиги миграция жараёнларига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон мисолида амалга оширилган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар, жумладан, чиқиш рухсатномаларини бекор қилиш ва биометрик паспорт тизимини жорий этиш, давлат бошқарувини соддалаштириш ва шаффофликни оширишга қаратилган муҳим қадамлар сифатида баҳоланади. Шу билан бирга, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид замонавий қонунчилик нормалари халқаро ҳуқуқ тамойиллари билан уйғунлаштирилмоқда.

Бироқ рақамлаштириш ва биометрик идентификация тизимларининг кенгайиши бошқарув механизмларининг янада мураккаблашувига олиб келмоқда. Бу эса процессуал кафолатларни ахборотдан фойдаланиш, маълумотларни тўғрилаш, шикоят қилиш ва

мустақил бошқарув механизмларини кучайтириш заруратини кескин оширади.

Чегара сиёсатининг амалий ривожланиши Ўзбекистонда минтақавий ҳамкорлик ва прагматик ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, назорат пунктларини қайта очиш, транспорт ва савдо алоқаларини тиклаш ҳамда логистика инфратузилмасини ривожлантириш орқали мамлакат минтақавий интеграцияни мустаҳкамлашга интилмоқда. Шу билан бирга, халқаро транспорт йўлаклари ва транзит салоҳиятини ривожлантириш Ўзбекистонни Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи стратегик марказ сифатида шакллантирмоқда.

Мигрантлар ҳуқуқларига таъсир нуқтаи назаридан қаралганда, хавфсизликка йўналтирилган сиёсатлар ва рақамли бошқарув тизимлари маъмурий жараёнларни соддалаштиради. Шу боис, чегараларнинг “маълумотлашган” табиати уларни ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласини долзарб қилиб қўяди.

Шу билан бирга, чегаралар ресурслар бошқаруви, айниқса сув ва ер муносабатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, Фарғона водийси каби ҳудудларда бу омиллар хавфсизлик ва миграция сиёсатининг ажралмас қисмига айланади. Бу ҳолат чегарани фақат назорат объекти эмас, балки ижтимоий-экологик тизим сифатида кўриш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари давлат сиёсатини такомиллаштириш учун бир қатор устувор йўналишларни белгилайди. Жумладан, ҳуқуқий базанинг шаффофлигини таъминлаш, рақамли тизимлар устидан самарали бошқарув механизмларини жорий этиш, инсон хавфсизлигига йўналтирилган ёндашувни кучайтириш, меҳнат миграциясида халқаро ҳамкорликни институционаллаштириш ҳамда экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда интеграциялашган сиёсат юритиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, миграция маълумотларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

жараёнларининг очиқлиги илмий ва амалий жиҳатдан устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мисоли чегарани кўп функцияли ва кўпқиррали тизим сифатида намоён этади. У бир вақтнинг ўзида тарихий мерос, маъмурий ислоҳот объекти, хавфсизлик механизми ва иқтисодий-миграцион жараёнларни тартибга солувчи институт сифатида фаолият юритади. Бу ҳолат чегарани “ёпиқ” ёки “очиқ” тизим сифатида эмас, балки хавфсизлик, масъулият ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги мураккаб мувозанатни таъминловчи динамик бошқарув макони сифатида талқин қилиш зарурлигини кўрсатади.

Шу тариқа, мазкур тадқиқот глобал чегара тадқиқотлари доирасида Ўзбекистоннинг илмий аҳамиятини мустаҳкамлаб, уни замонавий чегара сиёсатининг инновацион ва мураккаб моделларини таҳлил қилишда муҳим масала сифатида намоён этади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Ўзбекистоннинг замонавий чегара бошқаруви тажрибаси глобал илмий доиралар учун чегараларни бинар (“очиқ-ёпиқ”) категориялар доирасида эмас, балки поливалент ва динамик транзакцион макон сифатида талқин қилишнинг янги эпистемологик уфқларини очади. Рақамли бошқарув, биометрик идентификация ва минтақавий прагматизмга асосланган ҳозирги чегара режимлари давлатнинг хавфсизликни таъминлашдаги эксклюзив ҳуқуқи ва мигрантларнинг процессуал кафолатларига бўлган эҳтиёжи ўртасидаги мураккаб синтезнинг яққол ифодасидир. Бинобарин, экологик детерминантлар ва тарихий-ҳудудий асимметрияларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилаётган ушбу янги бошқарув модели Марказий Осиёни периферик кузатув объектидан глобал миграция ва чегара тадқиқотларининг фундаментал назарияларини бойитувчи муҳим геостратегик ҳамда илмий-эмпирик марказга айлантиради.

ИСРАИЛОВ ДИЛШОД ШАВКАТОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

БОЛАЛАРГА НИСБАТАН КИБЕРБУЛЛИНГНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақолада болаларга нисбатан кибербуллингнинг мазмун-моҳияти, унинг психологик ва ҳуқуқий жиҳатлари, келиб чиқиш сабаблари ҳамда салбий оқибатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириладиган рақамли зўравонликнинг хусусиятлари ёритилиб, кибербуллингнинг олдини олиш бўйича таълим муассасалари, ота-оналар ва жамиятнинг ўрни ҳамда профилактик чора-тадбирлар бўйича таклифлар илгари сурилган.*

Аннотация: *В данной статье анализируются сущность кибербуллинга в отношении детей, его психологические и правовые аспекты, причины возникновения и негативные последствия. Также рассматриваются особенности цифрового насилия, осуществляемого через интернет и социальные сети, и предлагаются профилактические меры по противодействию кибербуллингу с акцентом на роль образовательных учреждений, родителей и общества.*

Annotation: *This article analyzes the essence of cyberbullying against children, its psychological and legal aspects, causes, and negative consequences. The study also examines the specific features of digital violence carried out through the Internet and social networks, and proposes preventive measures aimed at combating cyberbullying, emphasizing the role of educational institutions, parents, and society.*

Калит сўзлари: *кибербуллинг, болалар ҳуқуқлари, рақамли зўравонлик, интернет хавфсизлиги, профилактика, руҳий зўравонлик, таълим муассасаси, ижтимоий тармоқлар, ҳуқуқий ҳимоя, онлайн таҳдид.*

Ключевые слова: *кибербуллинг, права детей, цифровое насилие, интернет-безопасность, профилактика, психологическое насилие, образовательные учреждения, социальные сети, правовая защита, онлайн-угрозы.*

Keywords: *cyberbullying, children's rights, digital violence, internet safety, prevention, psychological violence, educational institutions, social networks, legal protection, online threats.*

Маълумки, бугунги кунда ёш авлод онги ва қалбига сингдириш, уларни турли салбий иллатлардан ҳуқуқий ҳимоя қилишни ва улар ҳуқуқларини таъминлашни амалий фаолият дастурига айлантириш вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, бунинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришнинг ўрни муҳимдир.

Зеро, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шакллантириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш, бунда турли субъектларнинг ролини ошириш, ҳозирги замон тараққиётининг асосий хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш, миллий қадриятларни асраш ва келгуси авлодларга етказиб бериш каби муҳим масалалар ечими билан узвий алоқадордир. Шу боисдан ҳам баркамол шахс тарбияси жамиятда асрлар давомида муҳим ҳаётий ва ижтимоий муаммо сифатида қараб келинганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги ПФ-33-сонли "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида" ги фармонининг 19-банди "а" кичик бандида Адлия вазирлигига Бош прокуратура, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан биргаликда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар ва илғор хорижий амалиётни ўрганган ҳолда Интернет ёки ижтимоий тармоқларда содир этиладиган зўравонлик (киберзўравонлик) учун қонунчиликда жавобгарлик белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси белгиланган.

Болалар ва ўсмирларга нисбатан кибербуллинг муаммоси аллақачон хорижий ва рус тилида сўзлашувчи фанларда сезиларли

даражада ёритилган, бироқ унинг ривожланиш даражаси бир хил эмас. Кибербуллингнинг психологик, педагогик, социологик ва тиббий-ижтимоий жиҳатлари: унинг сабаблари, намоён бўлиш шакллари, хавф омиллари, вояга етмаганларнинг руҳий саломатлиги учун оқибатлари, шунингдек, оила ва мактаб даражасидаги профилактика чоралари тўлиқ ўрганилган. Шу билан бирга, айнан кибербуллингни квалификация қилиш, криминаллаштириш чегаралари, исботлаш хусусиятлари ва жазо тайинлаш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий масалалар анча суст ишлаб чиқилган.

Бу, айниқса, рақамли тажовуз кўпинча интизомий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чорраҳасида жойлашган мактаб муҳитига нисбатан яққол кўзга ташланади[1].

Қонунга кўра, таъқиб қилиш (буллинг*)* — бир гуруҳ болалар ёки битта бола томонидан бошқа болага ёки болаларга нисбатан ҳақоратли лақаблардан фойдаланиши, у билан ҳар қандай мулоқотни рад этиши, унинг мулкини тортиб олиши ва зарар етказиши, жисмоний, руҳий ёки ақлий хусусиятларини омма олдида муҳокама қилиши, шаъни ва қадр-қимматини камситиши ёки соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиши, шу жумладан, интернет орқали амалга ошириладиган узоқ муддатли руҳий ва жисмоний тажовузкор таъсир ўтказишидир.

Буллинг (bullying - инглизча таъқиб, зўравонлик) руҳий ва жисмоний зўравонликнинг кўриниши бўлиб, мунтазам равишда такрорланиб турадиган шахсга, жамоа аъзоларидан бирига (айниқса, мактаб ўқувчиси, талаба, ҳамкасб) бошқа шахс томонидан (бир гуруҳ шахслар томонидан) қасддан зарар етказишдир. Буллинг муайян шахс томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан, жамоада раҳбар томонидан, ҳамкасблар томонидан уюштирилиши мумкин. Буллинг қурбонга

[1] Makarova E.A. Psihologicheskie osobennosti kiberbullinga kak formy internet-prestuplenija [Psychological features of cyberbullying as a form of Internet crime] / E.A. Makarova, E.L. Makarova, E.A. Mahrina // Rossijskij psihologicheskij zhurnal [Russian Psychological Journal]. — 2016. — № 3. — P. 293–311

ўзига нисбатан зўравонликни тўхтатишига имкон бермайдиган кучлар тенгсизлигини назарда тутувчи ҳаракатдир.

Буллинг (инглиз тилидаги bullying сўзидан олинган бўлиб, bully – урушқоқ, безори, жиғига тегувчи, қўрс, зўравон) – бу бир шахс томонидан ўзини ҳимоялай олмайдиган бошқа шахсга нисбатан юқорида баён қилинган зўравонлик ва таҳқирлашнинг ҳар хил турлари такрорланувчи актидир.

Буллинг жинс, ёш, насл-насаб, ирқ, миллий мансубликдан қатъи назар ижтимоий гуруҳларда ўзини намоён қилади. Безориликнинг махсус шакли сифатида буллинг жамоавий безорилик (жамоавий буллинг), жамоанинг айрим гуруҳлари томонидан (микросоциум буллинги), мактабда ўқитувчилар ёки ўқувчилар томонидан (мактаб буллинги, болалар буллинги), иш берувчи томонидан (моббинг), интернет, ижтимоий тармоқлар, электрон почта, СМС орқали безорилик (кибербуллинг), муайян ижтимоий гуруҳга қабул қилинишда таҳқирлаш (хейзинг (инг л. hazing – таҳқирлаш)) шаклида содир этилиши мумкин. Армиядаги хейзинг буллингнинг бир туридир[1].

Буллинг қачонки жисмоний имкониятлари бир хил бўлган икки ўқувчи кўпинча баҳслашганида ёки курашганида, қачонки гижгижлаш дўстона ва ўйин шаклида амалга оширилганида содир бўлмайди. Буллинг ҳамиша жабрдийдага зарар етказиш, унда қўрқув уйғотиш, тушкунликка тушириш, камситиш, бўйсундириш мақсадини кўзлайди.

Таълим муассасаларида буллинг тенгдошлар орасида учрайди ва кўпинча анча катта ёшдаги ўқувчилар томонидан кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан содир этилади. Ташкилот ходимлари ҳамкасблари ёки раҳбарият томонидан буллингга дучор қилинишлари мумкин.

[1] И. С. Кон. Школьное насилие: буллинг и хейзинг // Мальчик — отец мужчины. — М.: Время, 2010.— ISBN 978-5-9691-0527-0.

Буллинг ҳеч қачон ўз-ўзидан тўхтамайди: ҳар доим жабрдийдага, буллинг ташаббускори (дилозор)га ва гувоҳларга ёрдам ва ҳимоя талаб қилинади. Буллинг турлича намоён бўлади[1].

Кибербуллинг – бу рақамли технологиялар орқали амалга ошириладиган зўравонликнинг бир тури. Интернет, ижтимоий тармоқлар, хабар алмашиш иловалари орқали одамларни қўрқитиш, ҳақорат қилиш, шантаж қилиш ёки обрўсизлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат кибербуллинг ҳисобланади. Бу кўпинча интернет ёки мобил алоқа воситаларидаги хабар алмашиш платформаларида юз беради[2].

Кибербуллинг – бу рақамли дунёдаги жиддий муаммо. Унга қарши курашиш учун жамиятнинг барча аъзолари – ота-оналар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ижтимоий тармоқлар ва фойдаланувчилар биргаликда ҳаракат қилишлари керак. Фақат шу йўл билан рақамли маконни хавфсиз ва қулай жойга айлантира олиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, бу ҳодисани энг тўлиқроқ очиб берувчи тадқиқотчилар Ж.В.Патчин, С.Ҳиндужа кибербуллингни ўзини ҳимоя қила олмайдиган шахсга қарши ижтимоий тармоқларда турли замонавий техник электрон воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан, доимий (такрорий) тажовузкор хатти-ҳаракатлар деб тушунади.

Улар кибербуллингнинг (анъанавий безорилик, баҳс-мунозара, масхара қилишдан фарқли ўлароқ) хусусиятларини таъкидлайдилар, масалан 1) қасддан безорилик; 2) зарарли таъсир (мақсад қўрқитиш); 3) доимий такрорлаш (безорилик кунига 24 соат, ҳафтада 7 кун давом этиши мумкин). Кибербуллинг ва анъанавий безорилик ўртасидаги яна бир фарқ шундаки, онлайн безориликнинг чегараси йўқ. Олимларнинг таъкидлашича, кибербуллинг кўпинча аноним (жабрланувчи ҳар доим

[1] Зинцова, А.С. Социальная профилактика кибербуллинга / А.С. Зинцова // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского – 2014. – № 3. – С. 122-128.
[2] https://www.ishonch.uz/news/kiberzravonlik-raamli-dunda-imolan

ҳам ўз жиноятчисини билмайди), вирус тарқалиши (қисқа вақт ичида кўп одамларни қамраб олади), жабрланувчига оғир азоб-уқубатларни келтириб чиқаради.

Ушбу ҳодисанинг аноним табиати тажовузкорнинг масъулиятини камайтиради, олиб ташлайди, у виртуал маконда «юзма-юз» айта олмайдиган ёки қилиб билмайдиган нарсани айтади ёки қилади. Бундан ташқари, анъанавий безориликда безорилар ўзларининг хатти-ҳаракатлари жабрланувчига қандай таъсир қилишини кузатиши мумкин. Онлайн зўравонлик билан безовталанувчи ўз ҳаракатларининг натижасини, жабрланувчининг азобини “кўрмайди” ва зўравонлик нишонининг барча оқибатларини ҳисобга олмайди.

Шунинг учун, бу тажовузкорнинг минимал эмпатиясига ва унинг жабрланувчидан ажралишига олиб келиши мумкин. Кибербуллинг ҳеч қандай ўзига хос фазилатларни, масалан, офлайн зўравонлик учун зарур бўлган жисмоний кучни талаб қилмайди. Онлайн зўравонликка жалб қилинган ўқувчи-ёшлар ёши, жисмоний тури, гуруҳдаги рейтинги ва бошқалар бўйича фарқ қилмаслиги мумкин, аммо турли даражадаги техник маҳоратга эга ўқувчилар бошқаларга таъсир қилиш қобилиятига эга деб қаралиши мумкин. Бу факт Интернетдаги безорилик ҳолатига таъқибчиларнинг катта қисмини жалб қилишга ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, онлайн безориликнинг аноним хусусияти туфайли тажовузкор жабрланувчини кузатиб бўлмайди ва тўхтатиб бўлмаслигини билиб, унинг руҳий саломатлигига тузатиб бўлмайдиган зарар этказади. Жабрланувчи ўзини заиф, ёлғиз ва кучсиз ҳис қилади.

Шундай қилиб, кибербуллинг деярли ҳамма жойда (техник қурилма ва Интернетга киришнинг ўзи кифоя), исталган вақтда ва доимий равишда амалга оширилиши мумкин.Кибербуллинг тажовузкорнинг Интернет маконида турли хил ҳаракатлари орқали амалга оширилади: миш-мишлар, шахс ҳақида ёлғон маълумотлар,

ҳақоратли шарҳлар, такрорий ҳақоратомуз хабарлар, таҳдидли хабарлар, шу жумладан оила аъзоларига, жамоалардан чиқариб ташлаш, шахсий маълумотларни ўғирлаш. ва уларни Интернетда тарқатиш, унинг рухсатисиз бошқа шахснинг махфий маълумотларини, интим фотосуратларини тарқатиш учун кўп сонли одамлар иштирокидаги кучли эмоционал фикр алмашиш.

Ушбу салбий ҳаракатларни амалга ошириш учун электрон почта, чатлар, ижтимоий тармоқ сайтлари, веб-саҳифалар, фотосуратлар, видеолар, онлайн ўйинлар ва бошқалар ишлатилади. Кибербуллинг жабрланувчига салбий таъсир кўрсатади, масалан, ўз-ўзини ҳурмат қилишни пасайтириш, депрессияни кучайтириш ва кучсизлик ҳиссини келтириб чиқариш. Онлайн зўравонликни бошдан кечирган ўқувчилар умидсизлик, ғазаб, норозилик, ташвиш ва ижтимоий изоляцияни бошдан кечирадилар.

Олиб борилган кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, онлайн безорилик ва ўзини паст баҳо, оиладаги муаммолар, ўқув натижаларининг пасайиши, мактабдаги зўравонлик ва турли хил жиноий хатти-ҳаракатлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади ва нафақат ўқувчи қурбонлари, балки ўқувчи тажовузкорлари ҳам муаммоларга дуч келишади. Кибербуллинг ахборот ва коммуникация технологияларидан қасддан, алоҳида шахснинг ёки шахслар гуруҳининг бошқаларга зарар етказишга қаратилган такрорий ва душманона хатти-ҳаракатлари.

Кибербуллингни бошдан кечирган ўқувчиларнинг 60% дан ортиғи салбий тажриба уларнинг ўрганиш ва мактабда ўзини хавфсиз ҳис қилиш қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатди. Мактабда ёки Интернетда таҳқирланган ўрта ва ўрта мактаб ўқувчилари ўз жонига қасд қилиш фикрлари ва ниятлари ҳақида кўпроқ хабар беришган.

Бироқ, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, кибербуллинг қурбони бўлиш мактабдаги зўравонлик қурбонига қараганда ўз жонига қасд қилиш фикрлари ва хатти-ҳаракатлари билан кўпроқ боғлиқдир.

Шундай қилиб, ўқувчи қурбонлари нафақат психологик ва хулқ-атвор билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади, балки ўқувчи тажовузкорлари ҳам ушбу ҳодисанинг оқибатларидан азият чекишади ва хатти-ҳаракатларнинг оғишлари ва руҳий саломатлик муаммолари хавфи остидадирлар.

Онлайн зўравонлик мактаб ҳудудидан ташқарида содир бўлишига қарамай, бу ижтимоий мослашувга ва ўқувчи шахсининг деформациясига ёрдам беради ва жабрланувчилар учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, биз кибербуллингга қарши курашиш учун қуйидаги стратегияларни ишлаб чиқиш лозим:

1.Ўқитувчилар ва психологлар учун: мактабда қулай муҳит яратиш, безорилик/кибербуллинг ҳолатларини аниқлаш, жабрланганларга психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш; ўқувчилар ва ота-оналарга кибербуллинг ва Интернетда ўзини тутиш қоидалари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш ва тушунтиришга қаратилган маърифий тадбирларни ўтказиш. Онлайн зўравонликка қарши тура оладиган ва жабрланувчига ёрдам берадиган гувоҳларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, безовта қилувчиларнинг тажовузкор ҳаракатларини тўхтатиш учун энг кўп аралашадиганлар, юқори эмпатияга эга, тенгдошлари томонидан ёқтириладиган ва ота-оналари, ўқитувчилари ва мактаблари билан ижобий муносабатларга эга бўлган қизлардир.

2. Ота-оналар учун: Ота-оналар фарзандлари билан ҳиссий қабул қилиш, ишонч, қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо муносабатларни ўрнатишга ёрдам беришлари керак. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг интернетдаги фаолиятини кузатиши ва уларга кибербуллингдан эҳтиёт чораларини кўришга ўргатиши керак. Онлайн зўравонликнинг биринчи белгилари сезилганда, кирувчи таркибни олиб ташлаш сўрови билан дарҳол жамият ёки веб-сайт маъмурига

мурожаат қилиш керак. Бундан ташқари, ота-оналар фарзандларини ушбу салбий ҳодисанинг оқибатлари ҳақида хабардор қилишлари керак.

3. Ўқувчилар учун: шубҳали хабарларга жавоб бериш керак эмас, шахсий профили учун юқори даражада ҳимояланган паролларга эга бўлиш лозим, шахсий маълумотларни узатиш / нашр қилиш керак эмас, тажовузкордан сақланиш керак.

Юқоридагиларни умумлаштириб, қуйидаги хулосага келдик: биринчидан, сўнгги йилларда мамлакатимизда, жумладан, таълим муҳитида ўқувчилар ўртасида кибербуллинг ҳолатлари сезиларли даражада кўпайди.

Шу муносабат билан, таълим ташкилотининг барча субъектлари (психологлар, ўқитувчилар, ота-оналар, талабалар учун) учун кибербуллингга қарши курашиш стратегияларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд;

иккинчидан, ўқитувчилардан жисмоний ва руҳий хавфсизлик ҳиссини сақлаб қолиш учун қулай мактаб муҳитини яратишни талаб қилади;

учинчидан, ўқувчилар ўртасида безорилик/кибербуллинг ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратиш зарур;

тўртинчидан, профилактика дастурида ушбу ҳодисаларни тушунтиришга қаратилган таълим тадбирлари бўлиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги ПФ-33-сонли фармонининг 19-бандида белгиланган вазифалар асосида тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги модда киритиш таклиф қилинмоқда:

141²-модда. Кибербуллинг

1. Кибербуллинг, яъни ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ёки бошқа рақамли платформалар орқали шахсни мунтазам равишда

ҳақорат қилиш, камситиш, таъқиб қилиш, қўрқитиш, обрўсизлантириш, у ҳақда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки шахсий ҳаётига оид маълумотларни тарқатиш ёхуд тарқатиш билан таҳдид қилиш, агар ушбу ҳаракатлар жабрланувчининг шаъни, қадр-қиммати, руҳий ҳолати ёки ижтимоий ҳаётига жиддий зарар етказса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

2. Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан;

в) шахснинг хизмат, ўқиш ёки оилавий аҳволига боғлиқ ҳолда;

г) жабрланувчининг шахсий фотосуратлари, видеолари ёкишахсий ёзишмаларини тарқатиш орқали;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4. Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Изоҳ. Ушбу моддада “ахборот-коммуникация технологиялари” деганда Интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар,

электрон почта, форумлар, онлайн ўйин платформалари, веб-сайтлар ва бошқа рақамли алоқа воситалари тушунилади.

Кибербуллинг учун жиноий жавобгарлик, агар қилмишда оғирроқ жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, қўлланилади.

КАМИЛОВ ДАВРОН ЗАФАРОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
фалсафа фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

ИЖТИМОИЙ ВОҚЕЛИКНИ МЕТОДОЛОГИК ҚАЙТА АНГЛАШДА СИНКРЕТИК ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ ЭВРИСТИК ФУНКЦИЯСИ

Замонавий жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараён кескинлашаётган шароитда воқеликнинг анъанавий монопарадигмал ёндашувлари бир ёқлама хусусият касб этмоқда. Шу боис, бу жараёнларнинг зиддиятларини аниқлаш, моҳиятини билиш мақсадида синкретик фалсафий тафаккурнинг эвристик функциясидан фойдаланиш ижтимоий борлиқнинг кўп ўлчовли ва ночизиқли динамикасини яхлит назарий асослашга эҳтиёж сезилди. Зеро, айнан синкретик ёндашув мазкур жараёнда ижтимоий тажрибанинг турли қатламларини, жумладан, эмпирик билимлар, мафкуравий жараёнлар ва қадриятларни ягона методологик тизим доирасида мувофиқлаштирувчи когнитив механизм сифатида намоён этмоқда. Бу эса жамият трансформациясини назарий жиҳатдан деконструкция қилиш, мавжуд воқеликларни қайта англаш ҳамда янги ижтимоий маъно яратиш ва эвристик талқинларни шакллантиришга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий воқеликнинг кўп қатламли зиддиятларини англашда классик рационаллик моделларининг эвристик турғунликка учраши бевосита методологик ригидлик, яъни ўзгармаслик феномени орқали концептуал тавсифланади. Ушбу ригидлик янгиланаётган ижтимоий динамикани

эскирган қолиплар доирасида талқин қилишга уриниш натижасида шаклланиб, тафаккурнинг воқеликдан узилишига сабаб бўлади.

Бизнинг фикримизча, эвристик янгиланиш ва ижтимоий жараёнларни қайта англаш феномени, аввало, зиддиятли вазиятларда ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилади. Зиддиятсиз ҳолатларда тафаккур ўз инерцияси бўйича ҳаракат қилса, инқирозли вазиятларда синкретизм "эвристик портлаш" катализатори сифатида намоён бўлади. Айнан мажбурий зиддиятлар экзистенциал инқирозлар шароитида тафаккур бир-бирини инкор этувчи унсурларни ягона функционал тизимга интеграция қилиш орқали ностандарт ечимларни ишлаб чиқишга йўналтирилади. Шу боис, синкретик эвристика тафаккурнинг ижтимоий хаос ва зиддиятларга нисбатан намоён этган конструктив-ижодий реакцияси деб баҳолаш мумкин. Бунда синкретизм эклектикадан фарқли ўлароқ, элементларни механик тарзда бирлаштириш билан чекланмай, балки уларни субъектнинг эҳтиёж ва манфаатларига мувофиқ муайян функционал мантиқий изчиллик асосида боғланган тизимга айлантиради.

Синкретик тафаккурнинг конструктив моҳиятини ва унинг билиш жараёнидаги ўрнини қуйидаги иккита асосий модус орқали тавсифлаш мақсадга мувофиқдир**:**

биринчи модус – "функционал синкретизм" бўлиб, у онгнинг мураккаб ва ноаниқ вазиятларга мослашишга ҳамда пайдо бўган муаммони қисқа вақт оралиғида ҳал этишга қаратилган адаптив стратегияси сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолатда субъект синкретлашув жараёнида хаос ва экзистенциал инқирозни бартараф этишга, тизим барқарорлигини сақлаб қолишга мўлжалланган тезкор фикрлаш моделига мурожаат қилади. Мазкур модуснинг асосий гносеологик вазифаси тўлиқ прагматик зарурат асосида воқеликнинг минимал, аммо амалий "ишчи модели"ни яратишдан иборатдир;

иккинчи модус – "лойиҳавий синкретизм" бўлиб, унда субъект мавжуд ижтимоий ва маънавий тизимларнинг анъанавий мазмунини

онгли равишда қайта баҳолайди, унинг таркибий қисмларига янги эвристик маънолар юклайди. Мазкур модус мавжуд тизимни трансформатив қайта лойиҳалаш ва мақсадли реинтерпретация қилиш хусусияти билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан, лойиҳавий синкретизмни тафаккур эволюцияси занжиридаги янги парадигмаларни шакллантирувчи муҳим синтез олди ҳолатидир, деб баҳолаш мумкин.

Бу жараёнда синкретик тафаккур модусларининг ижтимоий воқеликда намоён бўлиши бевосита вазиятнинг мураккаблик ва ноаниқлик даражаси билан боғлиқ. Хусусан “функционал синкретизм” модусини объектив реалликдаги яққол ифодасини дастлаб микро даражада, индивидуал-когнитив миқёсда – инсон ва юқори алгоритмик тизимга эга компьютер шахмат дастурлари ўртасидаги ўйинлар мисолида кузатиш мумкин. Ушбу фикримизни 2002 йил гроссмейстер Владимир Крамник сониясига 3-8 миллион позицияни таҳлил қилувчи “Deep Fritz 7” шахмат дастурига қарши дуранг қайд этгани[1], 2003 йил Гарри Каспаров сониясига 5-12 миллион позицияни ҳисобловчи “Deep Junior” дастури билан ўтказилган баҳсда умумий ҳисобда дуранг натижаси[2], 2023 йил Хикару Накамуранинг сониясига ўн миллионлаб вариантларни баҳолайдиган замонавий нейрон тармоқ асосида ишловчи шахмат дастури билан дурангга эришгани[3] ҳақидаги маълумотлар асосида исботлаш мумкин.

АҚШлик математик Клод Шеннон шахмат ўйинининг дарахтсимон мураккаблиги ҳисоблаб “Бошаланғич позициядан ҳисобланиши керак бўлган вариантлар сони тахминан 10^{120} ни ташкил

[1] Fritz Defends to Draw Game 8 and the Match! Final Score: 4-4 // ChessBase. – 2003. – URL: https://en.chessbase.com/post/fritz-defends-to-draw-game-8-and-the-match-final-score-4-4 (мурожаат қилинган сана: 30.03.2026).

[2] Kasparov ties man vs machine chess series // ABC News. – 2003. – URL: https://www.abc.net.au/news/2003-11-19/kasparov-ties-man-vs-machine-chess-series/1511140 (мурожаат қилинган сана: 30.03.2026).

[3] Man versus machine: when Garry Kasparov met his match // Financial Times. – 2021. – URL: https://www.ft.com/content/d152fd54-8d56-4988-b42b-9e656dd8adf0 (мурожаат қилинган сана: 30.03.2026).

этади. Агар машина ҳар бир вариантни бир микросекундда ҳисоблай олса ҳам, биринчи юришни аниқлаш учун 10^{90} йилдан ортиқ вақт талаб қилинади”[1], деб қайд этган. Бироқ, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, гносеологик ва когнитив нуқтаи назардан инсон миясининг ҳисоблаш тезлиги мураккаб шахмат дастурларига тенг эмас ва барча эҳтимолий юришларни аввал алгоритмик тарзда тўлиқ таҳлил қилиш имконсиз бўлиб, айнан мана шундай ўта ноаниқлик ва ахборот кўплиги (индетерминизм) шароитида инсонда функционал синкретизм шаклланади. Демак, инсон барча вариантларни аввалдан ҳисоблаш имконига эга бўлмаган шароитда эвристик тафаккур ва позицион интуиция воситасида тезда воқеликнинг минимал “ишчи моделини” яратади ҳамда тизим мувозанатини таъминлашга интилади. Ушбу жараёнда фақат юқори малакали гроссмейстерларгина машинага қарши тенг кураш олиб бора олиши касбий фаолият ва тажрибанинг нақадар муҳим омил эканлигини намоён этади. Бу жараёнда тажриба шунчаки пассив ахборот базаси эмас, балки мураккаб вазиятларда энг мақбул ечимни тезкор сараловчи мослашувчан механизм вазифасини бажаради. Демак, функционал синкретизм ҳолатида тафаккур қарор қабул қилишнинг алгоритмик миқдорига эмас, балки вазиятнинг сифат кўрсаткичларига, яъни ёндошувнинг моҳиятига таянади. Тафаккурнинг мазкур трансформатив ва эвристик табиати унинг анъанавий, қатъий-рационал моделлар асосида шаклланмаслигини намоён этади. Бу ҳолат замонавий когнитив тадқиқотлар, хусусан, Г. Гигерензер ва Р. Хертвиг каби олимларнинг илмий ёндашувларида ҳам ўз тасдиғини топганлиги функционал синкретизмнинг аҳамиятини оширади. Мазкур тадқиқотчилар инсоннинг ҳукм чиқариш ва қарор қабул қилиш жараёнларини соф математик-идеал моделлар орқали тушунтиришни кескин танқид қилганлар. Уларнинг хулосасига кўра, инсон онгининг реал (дескриптив) фаолиятини тавсифлашда классик

[1] Shannon C. E. Programming a Computer for Playing Chess // Philosophical Magazine. Ser. 7. – 1950. – Vol. 41. – № 314. – P. 257.

“кутилаётган фойдалилик назарияси” яроқли асос бўла олмайди[1]. Ушбу тамойил лойиҳавий ва функционал синкретизмнинг гносеологик моҳиятини янада аниқ акс эттиради. Таҳлилларда мураккаб ижтимоий-маънавий тизимларни қайта баҳолашда субъектнинг барча эҳтимолий вариантларни компьютер алгоритми каби тўлиқ ҳисоблаб чиқмаслигини, балки у мослашувчан адаптив механизмлар ва оддий эвристикалар ёрдамида воқеликни тизимли реинтерпретация қилишини исботлаган.

Бизнинг фикримизча, инсоннинг замонавий шахмат дастурлари устидан ғалаба қозона олмаётгани, аммо айрим ҳолларда дуранг натижани қайд этаётгани башарият тафаккурининг антропологик ва гносеологик табиатининг чекланганлигидан далолат беради. Инсон онги минг йиллар мобайнида абстракт-математик алгоритмларни ечишга эмас, балки ўзгарувчан ва беқарор муҳитда яшаб қолиш ҳамда унга мослашишга мўлжал олган. Шу боис, инсон тафаккурининг ҳисоблаш тезлиги, воқеаларни таҳлил қилиш кўлами ва қатъий мантиқий изчилликни таъминлашда сунъий интеллект технологиялари билан рақобатлаша олмайди. Табиийки, инсоннинг когнитив фаолиятига хос бўлган хотира ҳажмининг чекланганлиги, диққатнинг бўлинувчанлиги, руҳий-эмоционал ва жисмоний ҳолатларда қарор қабул қилиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатиб, хатога йўл қўйиш эҳтимолини оширади. Шундай бўлса-да, инсоннинг тобора такомиллашиб бораётган алгоритмик дастурлар билан жузъий рақобати башариятнинг юқори даражадаги эвристик ва интуитив потенциали мавжудлигини тасдиқлайди. Чунки рақамли тизимлар ахборотни аввал қисмларга тақсимлаб кейин комбинаторлик таҳлил орқали баҳоласа, инсон тафаккури ўзининг кўп йиллик тажрибаси, эвристик топилмалари, позицион интуицияси ва вазиятни яхлит идрок

[1]Khalil R., Brüne M. Adaptive decision-making “fast” and “slow”: A model of creative thinking // European Journal of Neuroscience. – 2025. – Vol. 61. – № 5. – P. e70024. – DOI: https://doi.org/10.1111/ejn.70024

этиш қобилияти асосида функционал синкретлашувни амалга ошириши билан баҳоланади. Шу нуқтаи назардан инсон онги мураккаб шахмат позицияларини алоҳида бўлаклар сифатида эмас, балки барча деталларни яхлит мазмун асосида бирлаштиришга йўналтирилган “ишчи модель” сифатида намоён бўлади. Айни пайтда, шахмат гроссмейстрларининг ўйинлардаги дуранг натижа инсоннинг ҳисоблаш ва таҳлил кучи эмас, балки вазиятга оид қисқа парчаларни синкретлаш орқали эришилган интеллектуал мувозанатидир. Шу маънода функционал синкретизм мураккаб хаос ва ноаниқлик шароитида тафаккурнинг энг мақбул ва когнитив тежамкорликка асосланган мослашиш усули бўлиб, у алгоритмик изчиллик заиф бўлган вазиятда тизимнинг вақтинча барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, инсон тафаккурининг ахборот бўшлиғида соф мантиқий амалларни бажариш борасида имконияти кескин чекланган. Бундай шароитда субъект ўзининг назарий имкониятлари ва янги таассуротларини мавжуд тажриба тизимига сингдирувчи апперцепция механизмига таянади. Шу сабабли, субъект янги ва номаълум объектни англаш ҳамда зиддиятли вазиятларни ҳал этишда ўзида мавжуд бўлган когнитив ва информацион имкониятларни мақсадли равишда ўзаро мувофиқлаштиради. Мазкур жараёнда мавҳумлик ва зиддиятни бартараф этиш учун рационал ва иррационал когнитив ресурслардан ихитёрий нисбатларда бирлаштирилиб, вақтинчалик назарий лойиҳалар яратилиши кузатилади. Синкретизмнинг синтез ва эклектика феноменларидан қатъий фарқловчи гносеологик хусусияти ҳам айнан шундай жараёнда яққол акс этади. Агар синтез жараёнида элементларнинг органик уйғунлашуви қонуният асосида зиддиятни бартараф этиш орқали шаклланса, синкретлашув жараёнида зиддиятли элементлар муайян паргматик мақсадда ҳамда тизимни тезкор мувозанатга келтириш учун бириктирилади. Синкретлашувнинг айнан мана шу мақсадга йўналтирилганлиги унинг тартибсиз ва мантиқий бўлмаган эклектикадан кескин фарқланади.

Бизнинг фикримизча, функционал синкретизмнинг ижтимоий-тарихий жараёнларда макро даражада акс этишига СССР парчалангандан сўнг унинг ўрнида мустақил давлат сифатида шаклланган республикаларида содир бўлган айрим сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ечимлар яққол мисол бўлади. Хусусан, Ўзбекистонда бундай мураккаб вазиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида бозор иқтисодиётининг "ўзбек модели"[1] ишлаб чиқилган. Мазкур модел фалсафий моҳиятига кўра функционал синкретлашув ҳодисасини объективлигини намоён этади. Чунки мазкур модель "иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги" каби либерал прагматизм, "давлат бош ислоҳотчи" каби иқтисодий дирижизм, сиёсий этатизм ва ижтимоий патернализм унсурларини ўзида мужассам этган ягона функционал тизим сифатида давлат бошқарувининг устувор йўналиши сифатида амал қилган. Бизнинг фикримизча, мазкур синкрет модель давлат ва бозор муносабатларининг қатъий тизимлаштирилган ҳамда институционал жиҳатдан мустаҳкамланган яхлит синтезлашган тизимни ифодаламасада, амалда кескин ижтимоий трансформациялар таъсирини юмшатувчи, жамиятни кескин сиёсий-ижтимоий инқироздан сақлаб қолишга қаратилган муваққат "ишчи модель" вазифасини бажарган. Мазкур модель ҳақида ўзбек файлсуфи Омонулла Файзуллаев "Жамиятимиз равнақи йўлида ривож топаётган, ижтимоий йўналтирилган, бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётимиз тараққиётида муҳтарам Президентимиз И.Каримов олға суран тамойилларнинг мазмун ва моҳияти шу талаблардан иборатдир"[2], деб баҳолаган.

---

[1] Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. 128 б.

[2] Тўраев Б. Мутафаккир файласуф билан суҳбат// Бизнинг файласуф устоз. − Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро маркази, 2021.−Б. 69.

Бизнинг фикримизча, “функционал синкретизм” асосидаги эвристик ёндашув узоқ муддатли ва доим ҳам ижобий ҳамда истиқболли лойиҳа вазифасини бажармайди. У айрим вазиятларда фақатгина прагматик эҳтиёжларга асосланиб, табиатан бир-бирига зид ва деструктив унсурларнинг синкретлаши ва натижада жамият тараққиёти учун ўта хавфли бўлган салбий ижтимоий қарорлар ва гибрид лойиҳаларнинг юзага келишига ҳам замин яратади. Унда муваққат барқарорлик таъминлаган ҳолатда ҳам тизим ичидаги тўлиқ ҳал этилмаган номутаносибликлар ва зиддиятлар таъсиридаги амалда турғунлик ҳолати сақланиб қолади. Шу боис, дастлабки хаос бартараф этилиб, тизим мувозанатга келгандан сўнг, жамият ушбу муваққат “ишчи модель”ни танқидий деконструкция қилишга ва уни мақсадли, институционал жиҳатдан мукаммалроқ бўлган бошқа тизимга алмаштиришга ёки кейинги босқичда “лойиҳавий синкретизм”га трансформация қилишга объектив эҳтиёж сезади.

Биз илгари сураётган ёндашувга кўра эса ижтимоий тизимларни қайта лойиҳалаш механизмини назарий жиҳатдан асослашда “лойиҳавий синкретизм” модуси муҳим концептуал аҳамият касб этади. Мазкур жараён, асосан, ижтимоий трансформациялар ва тизимли ўзгаришлар зарурияти юзага келган тарихий шароитда фаоллашади. У жамиятда мавжуд институционал, маданий ва мафкуравий тузилмаларни мутлақ инкор этиш ёки уларни шунчаки сақлаб қолиш билан чекланмайди. Аксинча, улар муайян ижтимоий-тарихий вазият таъсирида мавжуд тузилмаларнинг таркибий элементларини танқидий таҳлил қилиш, уларнинг функционал имкониятларини қайта баҳолаш ҳамда янги ижтимоий мақсадларга йўналтирилган концептуал қайта лойиҳалашга хизмат қилувчи мураккаб эвристик-интеллектуал фаолият сифатида намоён бўлади. Бизнинг фикримизча, ижтимоий тизимларни қайта англаш жараёни мазкур тизимларни қайта лойиҳалаш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тадрижий уч босқични ўз ичига олади.

Биринчи – “танқидий рефлексия ва деконструкция” босқичи бўлиб, унда ижтимоий тизимларнинг қайта англаш жараёни мавжуд тизимларнинг танқидий рефлексияси орқали уларнинг тарихи, мазмуни ва функционал имкониятлари деконструкция қилинади. Мазкур босқичда асосий эътибор ижтимоий институтларнинг норматив аҳамияти ва уларнинг янги давр талаби ва манфаатларига мувофиқ бўлмаган, эскирган жиҳатларини аниқлашга қаратилади.

Иккинчи – “реинтерпретация ва эвристик мослашув” босқич бўлиб, уда тизим элементларининг моҳияти ва функционал вазифалари янги ижтимоий жараёнлар талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта пайдо бўлади. Бунда турли маданий анъаналар, институционал моделлар ва назарий концепциялар ўртасида эвристик боғланишлар шаклланиб, мавжуд ресурсларнинг янги комбинациялари юзага келади. Айнан мана шу ўринда синкретик тафаккур ўзининг энг муҳим вазифасини бажариши кузатилади. Натижада турли қараш ва ёндашувлар ўртасидаги диалектик зиддиятлар тўлиқ бартараф этмайди ва улар конструктив интеграциялаш орқали тизимни янги сифат даражасига олиб чиқади.

Учинчи – “синкретик синтез ва институционал қайта лойиҳалаш” босқичида қайта талқин этилган элементлар янги концептуал тизим доирасида яхлит синкретлашган синтезга киришади. Бунда ижтимоий тизимнинг институционал архитектураси ва цивилизацион вектори онгли равишда қайта лойиҳаланади. Натижада турли маданий, сиёсий ва иқтисодий моделларнинг функционал жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи элементлари ягона янада барқарор тизимга бирлаштирилади. Шу маънода, “лойиҳавий синкретизм” шунчаки назарий тушунча эмас, балки ижтимоий трансформация жараёнида янги институционал конструкциялар ва цивилизацион моделларни шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим эвристик механизм сифатида намоён бўлади. Ушбу механизм фалсафий тафаккурнинг давр талабига мос равишда ўзгарувчанлигини таъминлайди.

Биз “Лойиҳавий синкретизм”нинг уч босқичли моделини ижтимоий онтология миқёсида ва эмпирик жиҳатдан асослаш учун XIX асрнинг иккинчи ярмида Японияда рўй берган Мэйдзи ислоҳотига мурожаат қилиш ва унинг аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Чунки мазкур тарихий-ижтимоий транзиция жараёни ўзида жамиятни эвристик қайта лойиҳалашнинг мумтоз синкретик намунасини акс эттиради ҳамда биз илгари сураётган трансформациянинг уч босқичли мантиқий алгоритмига тўлиқ мувофиқ келади:

“Танқидий рефлексия ва деконструкция” деб номланган дастлабки босқичда Япониянинг анъанавий институционал тузилмаси бўлган феодал Токугава сёгунати тизими танқидларга учраган. Жамият янги геосиёсий ва ижтимоий-иқтисодий таҳдидлар қаршисида ёпиқлик (сакоку) сиёсатининг гносеологик ва прагматик жиҳатдан самарасиз эканини англаб етган. Натижада, эски ижтимоий институтларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқарув асослари деконструкция қилинган.

“Реинтерпретация ва эвристик мослашув” деб номланган иккинчи босқичда япон ижтимоий тафаккури мавжуд миллий қадриятларни мутлақ инкор этмаган, балки уларга янги эвристик маъно юклаган. Жумладан, синтоизм диний эътиқоди ва император ҳокимияти анъанавий-архаик институт сифатида эмас, балки миллий бирлик, давлат модернизацияси ва ижтимоий тараққиётнинг мутлақ легитим маркази сифатида қайта талқин қилинган. Бу эса жамиятдаги консерватив ва ислоҳотчи кучлар ўртасидаги ғоявий зиддиятларни бартараф этиб, ўзгаришлар учун зарур бўлган когнитив база яратилишига хизмат қилган.

“Синкретик синтез ва институционал қайта лойиҳалаш” деб номланган учинчи босқичда синкретик синтез жараёнида янги ижтимоий-сиёсий архитектура шакллантирилган ва мазкур жараён япон ижтимоий тафаккурида “Вакон-ёсай” (Япон руҳи ва Ғарб технологиялари) формуласи асосида концептуаллаштирилган. Иқтисодчи ва социолог Митио Морисим мазкур синкретик

ёндашувнинг амалий моҳиятини таҳлил қилар экан, “Японлар ўз миллий маданиятини, турмуш тарзини, юқори ва қуйи табақа ўртасидаги ўзига хос муносабатларни ҳамда оилавий тузилмасини сақлаб қолишга кучли иштиёқ билан интилдилар ва айни пайтда, қудрати жиҳатидан Ғарб мамлакатлари билан тенглаша оладиган замонавий давлат барпо этишни мақсад қилдилар”[1], деб таъкидлаган. Дарҳақиқат XIX аср охири ва XX бошларида японлар Ғарб стандартларида давлат қурлиши тамойилларини асосан моддий шакл ва амалий мазмунда татбиқ қилганлар. Бироқ улар Ғарб илм-фани, технологияси, таълими, иқтисодиёти, қуролли кучлари ва сиёсий тузилмаларини юқори суръатларда ўзлаштирган бўлсалар-да, руҳий-маънавий қадриятлар борасида миллий ўзига хосликни қатъий муҳофаза қилганлар. Бу ҳодиса ижтимоий тафаккурда Ғарб институционал прагматизми ва Шарқ аксиологиясининг муваффақиятли синкретик синтезини таъминланишига хизмат қилганлигидан далолат далолат беради.

Бизнинг фикримизча, Япония ижтимоий тафаккурида намоён бўлган “Вакон-ёсай” формуласи тарихий тасодиф эмас, балки асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларни сақлашнинг мантиқий давомидир. Зеро, Япон жамиятида турли хил маданият ва диний-фалсафий таълимотларни синкретлашув тажрибаси аввалдан мавжуд бўлиб, бу мисли кўрилмаган эвристик муросани, яъни синтоизм, буддавийлик, даосизм ва конфуцийликнинг бир-бирини инкор этмаган ҳолда, ягона ижтимоий организм сифатида зиддиятсиз фаолият кўрсатишида ўз аксини топган. Айни пайтда, мазкур тизимда ҳар бир таълимот ўзининг қатъий ижтимоий-онтологик вазифани бажарган. Жумладан, синтоизм –миллий идентликни ва табиат билан уйғунликни сақлашга, буддавийлик – инсоннинг руҳий барқарорлигини таъминлашга, даосизм – ўзига хос япон эстетикаси ва мистик

[1] Morishima M. Why Has Japan 'Succeeded'?: Western Technology and the Japanese Ethos. – Cambridge: Cambridge University Press, 1982. – P.32.

тажрибасининг таркибий қисми сифатида намоён бўлган. Конфуцийлик эса прагматик асосда ижтимоий тартиб, ахлоқ ва давлат бошқарувини тизимлаштириш вазифасини бажарган.

Турли дунёқарашларнинг ягона мақсад йўлидаги бундай ноёб синкретик яхлитлиги япон жамиятида: “Японлар синтоист бўлиб туғилади, конфуций таълимоти асосида яшайди ва буддавий бўлиб вафот этади”, деган иборада ўзининг ёрқин амалий ифодасини топган. Бу эса Япониядаги ижтимоий субъектларнинг мураккаб шароитларда догматик қолипларга тушиб қолмасдан, мавжуд барча маънавий-когнитив ресурслардан жамият барқарорлигини таъминлаш йўлида эвристик тарзда фойдалана олиш ҳамда уларни доимий равишда қайта баҳолаш салоҳиятини оширганидан далолат беради.

Шунингдек, у ижтимоий воқеликни синкретик англаш жараёнининг ички табиати “конструкция – деконструкция – реконструкция” триадасига асосланади. Унда универсал диалектика қонуниятларини, хусусан, “инкорни инкор” қонуни яққол акс этади. Ушбу жараёнлар муайян тарихий-сиёсий воқеалар таъсирида муваққат конструкция бўлган “функционал синкретизм” муайян даврда ўзининг эвристик салоҳиятини йўқотади, инкор этилиб деконструкцияга учрайди. Аммо бу инкор мутлақ йўқлик ва хаосга олиб келмайди, балки спиралсимон тараққиёт тамойилига мувофиқ, мазмунан реконсрукция қилинган ҳамда сифат жиҳатидан янги босқич бўлган “лойиҳавий синкретизм”га олиб келади. Шу нуқтаи назардан, синкретик эвристика ижтимоий тафаккурнинг статик эмас, балки динамик эволюциясини таъминловчи асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий жараёнларни қайта англашда синкретик фалсафий тафаккурнинг эвристик функцияси, унинг юзага келиши ва шаклланиш босқичлари ва намоён бўлиш хусусиятлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

биринчидан, замонавий ижтимоий трансформациялар ва экзистенциал инқирозлар шароитида классик рационалликка хос

бўлган монопарадигмал ёндашувлар ўзининг эвристик салоҳиятини йўқотиб бормоқда. Бундай мураккаб ва ноаниқ вазиятларда синкретик фалсафий тафаккур ўта мослашувчан интеллектуал стратегия сифатида намоён бўлади. У “эвристик портлаш” катализатори сифатида фаоллашиб, турли хил когнитив, мафкуравий ва аксиологик унсурларни ягона методологик тизимга мувофиқлаштирувчи фундаментал гносеологик механизмга айланади. Натижада, мазкур эвристик функция классик моделлар билан англаб бўлмайдиган воқеликни қайта идрок этиш ва янги маънони конструкциялаш имкониятини бериб, фалсафий билишнинг илғор шакли сифатида ўзини тўлақонли намоён этади;

иккинчидан, ижтимоий воқеликни англашда синкретик тафаккурнинг конструктив-ижодий моҳияти иккита мустақил, аммо ўзаро узвий боғлиқ “функционал синкретизм” ва “лойиҳавий синкретизм” модустда намоён бўлади. Бунда “функционал синкретизм” ахборот ва ресурслар чекланган мураккаб вазиятларда тизим барқарорлигини сақлашга хизмат қилувчи, прагматик заруратга асосланган тезкор “ишчи модель” яратиш стратегияси сифатида юзага келса, “лойиҳавий синкретизм” қайта баҳолаш ҳамда унга янги эвристик маънолар юклаш орқали амалга ошириладиган мақсадли концептуал трансформация жараёни сифатида ҳисобланади;

учинчидан, “лойиҳавий синкретизм” воситасида ижтимоий тизимларни қайта лойиҳалаш тадрижий ва ўзаро тақазоланган уч босқичли мантиқий алгоритм асосида кечади, улар мавжуд эскирган институтларни танқидий рефлексия қилиш ва деконструкциялаш; институционал моделлар ва назарий концепцияларга янги эвристик маъно юклаш орқали уларни реинтерпретация қилиш; турли маданий, сиёсий ва иқтисодий моделларнинг функционал унсурларини янги архитектура доирасида яхлит синкретик синтезлаш кабила бўлиб, улар жамият тараққиётининг барча соҳаларида ўз ифодасини топади;

тўртинчидан, синкретизм – элементларнинг тартибсиз, юзаки жамланмасини ифодаловчи эклектизм ёки постмодернизм намояндалари таъкидлаганидек шунчаки тармоқсимон (ризоматик) спонтан алоқалар йиғиндисидан иборат тасодифий бирикма эмас. Синкретик эвристика – бу ижтимоий объектни онгли ва мақсадли равишда реинтеграция қилувчи, унга изчил назарий архитектоника, яъни маъно бахш этувчи мураккаб интеллектуал конструкциялаш жараёнидир. Айнан шу механизм фалсафий тафаккурнинг давр талабларига мос равишда ўзгарувчанлигини таъминлашга хизмат қилади;

бешинчидан, синкретик эвристика субъектни концептуал қолиплар бандилигидан озод этиб, унга ижтимоий борлиқни доимий равишда қайта баҳолаш ҳамда англаш салоҳиятини тақдим этади, тафаккурнинг айнан мана шу узлуксизлиги мураккаб трансформация шароитларида цивилизацион барқарорлик ва тараққиётнинг бош кафолати бўлиб хизмат қилади.

QANDAHOROVA DILNOZA SOTTAROVNA
Senior Lecturer of the Department,
Law Enforcement Academy of the
Republic of Uzbekistan

CONCEPT OF AN ORPHAN AND A CHILD DEPRIVED OF PARENTAL CARE, AND THEIR LEGAL NATURE

Annotation: *The article examines the concept and classification of orphans and children deprived of parental care, analyzes scholarly views on this issue, and explores the concept of social orphanhood and the factors contributing to its emergence. It also identifies differences in the interpretation of these categories of children within national legislation and develops practical proposals aimed at unifying the legal terminology used in legislative acts.*

Keywords: *orphan child, child deprived of parental care, social orphanhood, family, obligation.*

The issue of social protection of orphaned children is broad in scope and remains a pressing concern not only for individual states but for the entire international community. According to analytical data from international organizations, there are more than 163 million orphaned children worldwide[1].

Approximately 30 million of these children are in India, and only 0.3 percent of them have lost their parents due to death[2].

This indicates that the majority of children belonging to this category are social orphans.

According to information published on the website of the United Nations Children's Fund (UNICEF), more than 2.7 million children around the world are currently being raised in orphanages, boarding schools, and

[1] https//reg-nko.ru>partners>pom
[2] https//www.worldlifeexpectancy.com>

other similar residential institutions. In some cases, orphaned children living in such institutions are exposed to negative consequences, including sexual abuse, psychological trauma, and delays in mental, intellectual, and social development[1].

The aforementioned statistical data clearly demonstrate that issues related to orphaned children constitute one of the most significant social problems worldwide and require special attention and support from governments. The placement and care of orphans and children deprived of parental care are matters that are often addressed at the level of international relations, since citizens of developed countries may, in certain cases, adopt or assume the care of such children from countries experiencing high levels of poverty and economic hardship. In protecting the rights and legitimate interests of these children, the application of international legal norms plays a crucial role.

In the Republic of Uzbekistan, a key priority of state policy in the field of social protection of orphans and children deprived of parental care is the establishment of a social protection system aimed at ensuring their upbringing in a family environment. Particular emphasis is placed on preventing social orphanhood through supporting families, assisting them in overcoming poverty, and strengthening family-based care mechanisms.

Before examining this issue in greater depth, it is necessary to first address the legal status of orphans and children deprived of parental care. In this regard, it should be noted that the concept of an “orphan child” is not defined as a separate legal category within the family legislation of Uzbekistan. Instead, it is addressed together with the category of children deprived of parental care.

When parents die, are deprived of parental rights, have their parental rights restricted, are declared legally incapable, suffer from illness, are absent for a prolonged period, evade their responsibilities for raising their children or protecting their rights and interests, including refusing to take

[1] https//www.dw.com>

their child from educational, medical, social protection, or other similar institutions, as well as in other cases where a child is deprived of parental care, the protection of the rights and legitimate interests of such children is carried out by guardianship and trusteeship authorities[1].

The term “orphan child” was introduced into the legislation of the Republic of Uzbekistan for the first time with the adoption of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Guarantees of the Rights of the Child”[2].

Article 3 of the Law defines an “orphan child” as “a child whose father and mother have both died or have been declared deceased by a court decision.” The adoption of this Law was regarded as the first special legislative act in Uzbekistan dedicated to guaranteeing children's rights and has been described as a “Constitution for Children” in the history of the country[3].

According to the Explanatory Dictionary of the Uzbek Language, the word *“orphan”* conveys meanings such as being sorrowful, lonely, dependent on others, and remaining in a vulnerable and helpless condition. An orphan is generally understood as a person who has permanently or temporarily lost family care. The causes of orphanhood include the death of one or both parents, abandonment of a child, and deprivation of parental rights resulting from a parent's failure to care for the child.

In legal scholarship, the concepts of an “orphan child” and a “child deprived of parental care” are distinguished from one another.

For example, A. Gorbachev argues that the concept of a child deprived of parental care is complex in terms of both its internal structure and formal legal grounds. Such a situation may arise due to biological factors, namely the death of both parents, a sole parent, or the father, as well as other objective circumstances beyond the parents’ control that prevent them from

[1] Family Code of the Republic of Uzbekistan. [Electronic resource]. Accessed 27.02.2025. Available at: https://lex.uz/docs/104720

[2] A. Saidov. Scientific Commentary on the Law of the Republic of Uzbekistan “On Guarantees of the Rights of the Child”. 2009.

[3] A. Saidov. Scientific Commentary on the Law of the Republic of Uzbekistan “On Guarantees of the Rights of the Child”. 2009.

raising the child, such as serious physical illness or mental health disorders. In his view, an orphan child constitutes only one category within the broader group of children deprived of parental care. Therefore, he suggests that the term "orphans and other children deprived of parental care" is more appropriate. Furthermore, situations in which a child is deprived of parental care despite the biological parents being alive may be classified as *social orphanhood*[1].

Supporting this position, it is reasonable to regard orphaned children as one category within the broader group of children who have been deprived of parental care due to various objective and subjective circumstances. This approach more accurately reflects the legal and social nature of the phenomenon and allows for a clearer classification of children requiring special protection and support from the state.

The legal scholar identifies the following grounds on which a child may become an orphan or be deprived of parental care:

- the prolonged serious illness or death of a parent;
- the parents' refusal or evasion of their responsibilities to raise the child;
- the long-term absence of parents from their place of residence, including residence in a foreign country;
- restriction or deprivation of parental rights;
- recognition of the parents as legally incapacitated;
- the creation by parents of conditions within the family that pose a threat to the child's life or health;
- the serving of a criminal sentence by parents in places of deprivation of liberty;
- other circumstances established by law[2].

Kirish. Ilmiy tadqiqotlar zamonaviy jamiyatning barqaror rivojlanishida muhim o‘rin egallaydi. Ular yangi bilimlarni yaratish, texnologik yutuqlarni hayotga tatbiq etish, shuningdek, murakkab ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy muammolarga innovatsion yechimlar topishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Shu bilan birga, ilmiy izlanishlar insoniyatning ma'naviy, madaniy va iqtisodiy taraqqiyotiga xizmat qiluvchi muhim omil sifatida ham e’tirof etiladi. Biroq, ilmiy faoliyat faqat texnik va metodologik jihatlar bilangina cheklanmaydi. U huquqiy va axloqiy mas’uliyatni ham o‘z ichiga oladi. Tadqiqotchilar va ilmiy muassasalar faoliyati ko‘pincha huquqiy me’yorlar doirasida amalga oshiriladi. Bu me’yorlar ilmiy sohada yuzaga keladigan qonunbuzarliklarning oldini olish va mas’uliyatni belgilashga xizmat qiladi. Shu sababli, ilmiy tadqiqotlar jarayonida huquqiy javobgarlik masalalari nafaqat alohida tadqiqotchilar, balki butun ilmiy hamjamiyat va ijtimoiy tizim uchun ham dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Ilmiy faoliyatda yuzaga keladigan yuridik javobgarlik ko‘p qirrali bo‘lib, u intellektual mulk huquqlari, axborotning haqqoniyligi, tadqiqot etikasi, moliyalashtirish shartlari va grant bitimlarining buzilishi kabi masalalarni qamrab oladi. Ayniqsa, ilmiy natijalarning noto‘g‘ri taqdim etilishi yoki soxtalashtirilishi ilmiy hamjamiyat va keng jamoatchilik ishonchiga putur yetkazishi, natijada yuridik choralar ko‘rilishiga sabab bo‘lishi mumkin. Shu bois ilmiy tadqiqotlar jarayonida yuridik javobgarlikning mohiyati, shakllari va qo‘llanilish mexanizmlarini chuqur o‘rganish zarurati ortib bormoqda. Ayniqsa, bugungi kunda ilmiy faoliyat innovatsiyalar, texnologiyalar va ilmiy bilimlarni rivojlantirishning asosiy omiliga aylangani bois, ko‘plab mamlakatlarda bu soha maxsus qonunchilik bilan tartibga solinmoqda. Bu esa tadqiqotchilar, ilmiy muassasalar hamda jamiyat manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan.

Ilmiy tadqiqotlarning huquqiy asoslari bir qator muhim yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi. Ular jumlasiga intellektual mulk huquqi, axloqiy me’yorlar, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish, tajriba ishtirokchilarining huquqlari va xavfsizligini ta’minlash kabi sohalar kiradi. Shu bilan birga, xalqaro tajriba

shuni ko‘rsatadiki, ilmiy faoliyatda huquqiy javobgarlik va etika tamoyillar bir-birini to‘ldiruvchi asosiy elementlar sifatida qaraladi. Ilmiy tadqiqotlarning huquqiy asoslarini ishlab chiqishda xalqaro normalar va konvensiyalar, xususan, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, YuNESKO, Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti kabi xalqaro institutlar tomonidan qabul qilingan qoidalar muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu huquqiy asoslar orqali ilmiy izlanishlarda ishtirok etuvchi shaxslarning huquqlari, ma’lumotlarning maxfiyligi, tajribalar o‘tkazishda inson xavfsizligi hamda natijalarning haqqoniyligi ta’minlanadi.

Ilmiy faoliyatni tartibga soluvchi huquqiy mexanizmlarning mavjudligi bir nechta maqsadlarga xizmat qiladi. Ulardan asosiylari quyidagilardir:

- Tadqiqot ishtirokchilarining huquq va manfaatlarini himoya qilish – bu, ayniqsa, tibbiyot va ijtimoiy sohalarda o‘tkaziladigan ilmiy ishlar uchun dolzarb hisoblanadi;

- Ilmiy natijalarning haqqoniyligi va ishonchliligini ta’minlash – yolg‘on yoki soxtalashtirilgan ma’lumotlar tarqalishining oldini olish orqali ilmiy hamjamiyatga va keng jamoatchilikka nisbatan ishonchni mustahkamlash;

- Mualliflik va intellektual mulk huquqlarini kafolatlash – tadqiqotchilarning mehnatini munosib qadrlash va rag‘batlantirish orqali ilmiy innovatsiyalarni rivojlantirish;

- Moliyaviy resurslardan samarali va shaffof foydalanishni ta’minlash – grantlar va byudjet mablag‘lari hisobiga amalga oshiriladigan loyihalarda javobgarlik mexanizmlarini kuchaytirish. Shunday qilib, ilmiy tadqiqotlarning huquqiy asoslarini mustahkamlash nafaqat tadqiqotchilar faoliyatini qonuniy asosda olib borishga xizmat qiladi, balki jamiyat taraqqiyotini ta’minlovchi ilmiy-innovatsion muhitni shakllantirishda ham muhim omil hisoblanadi.

Kelgusida mamlakatimizda ham ilmiy faoliyat bilan bog‘liq huquqiy asoslarni xalqaro standartlar bilan uyg‘unlashtirish, ilmiy etikani

kuchaytirish va ilmiy natijalarning jamoatchilik bilan ochiq ulashilishini ta’minlash orqali ushbu sohaning samaradorligini oshirish mumkin bo‘ladi. Xususan, grantlar monitoringi, ilmiy hisobotlar shaffofligi, mustaqil ekspertizalar instituti kabi mexanizmlarni joriy qilish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasida ilmiy tadqiqotlar faoliyati 2006-yil 20-iyulda qabul qilingan “Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida”gi O‘RQ-42-son qonuni[1], 2019-yil 29-oktabrda qabul qilingan “Ilm-fan va ilmiy faoliyat to‘g‘risida”gi O‘RQ-576-sonli qonunlari bilan tartibga solinadi[2]. Mazkur qonunlar ilmiy faoliyatni moliyalashtirish, axloqiy va huquqiy me’yorlarni belgilash, shuningdek, intellektual mulk huquqlarini himoya qilish bo‘yicha asosiy tamoyillarni o‘z ichiga oladi. Jumladan, quyidagi jihatlarga alohida e’tibor qaratilgan:

- ilmiy tadqiqotlarning qonuniy va axloqiy tamoyillarga rioya etilgan holda amalga oshirilishi;
- tadqiqot natijalarining intellektual mulk ob’yekti sifatida himoya qilinishi;
- tadqiqot jarayonida shaxsiy ma’lumotlarning maxfiyligi va himoyalanishi;
- tajriba ishtirokchilarining xavfsizligi va ularning roziligi.

Mazkur qonunchilik bazasi ilmiy faoliyatni tartibga solish orqali jamiyat manfaatlarini ta’minlash, mualliflik huquqlarini himoya qilish va ilmiy natijalarni ijtimoiy foydaga aylantirish imkonini yaratadi.

Ilmiy tadqiqotlarning huquqiy asoslari nafaqat O‘zbekistonda, balki dunyoning rivojlangan davlatlarida ham keng qamrovli va mukammal normativ-huquqiy bazaga ega. Jumladan, AQShda ilmiy tadqiqotlar bir qator federal qonunlar va qoidalar orqali tartibga solinadi. Ular orasida “The Bayh-Dole Act”[3] alohida o‘rin tutadi. Ushbu hujjat universitetlar va davlat

[1] https://lex.uz/docs/-1022944
[2] https://lex.uz/docs/-4571490

[3] https://research.wisc.edu/bayhdole/

tomonidan moliyalashtirilgan ilmiy tadqiqotlar natijalarining patentlash huquqini ta’minlab, intellektual mulk huquqlarini tartibga soladi. Bundan tashqari, “Health Insurance Portability and Accountability Act” (HIPAA) hamda “Common Rule”[1] kabi normalar tadqiqotlarda shaxsiy ma’lumotlarning himoyasi va etika talablarni belgilovchi asosiy huquqiy hujjatlardir.

Yevropa Ittifoqida ham ilmiy tadqiqotlarni tartibga soluvchi huquqiy tizim keng qamrovga ega bo‘lib, ayniqsa shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilishga katta e’tibor qaratiladi. 2018-yilda kuchga kirgan “General Data Protection Regulation” (GDPR)[2] hujjati ilmiy tadqiqotlarda shaxsiy ma’lumotlarning yig‘ilishi, saqlanishi va foydalanilishiga qat’iy talablar qo‘yadi. Shu bilan birga, “European Code of Conduct for Research Integrity”[3] (Ilmiy halollik bo‘yicha Yevropa davlatlarining etika kodeksi) Yevropa ilmiy hamjamiyati uchun muhim axloqiy va kasbiy tamoyillarni belgilaydi.

Yaponiya esa ilmiy tadqiqotlar va innovatsiyalar sohasida huquqiy va etika normalarni joriy qilishda o‘ziga xos yondashuvga ega. Davlat tomonidan intellektual mulkni himoya qilish va bioetika bo‘yicha qat’iy tartibga solish tizimi yo‘lga qo‘yilgan. Bundan tashqari, tadqiqotlarda ishtirok etuvchi sub’ektlarning huquqlarini himoya qilish uchun maxsus qonunlar va standartlar ishlab chiqilgan bo‘lib, ular ilmiy faoliyatning xavfsiz, qonuniy va insonparvarlik tamoyillariga asoslangan holda amalga oshirilishini ta’minlaydi.

Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatmoqdaki, ilmiy tadqiqotlarning huquqiy asoslari bir qator umumiy va muhim tamoyillar atrofida shakllanadi. Ular quyidagilardan iborat:

---

[1] https://www.cdc.gov/phlp/php/resources/health-insurance-portability-and-accountability-act-of-1996-hipaa.html

[2] https://gdpr.eu/what-is-gdpr/#:~:text=The%20General%20Data%20Protection%20Regulation,to%20people%20in%20the%20EU.

[3] https://allea.org/wp-content/uploads/2023/06/European-Code-of-Conduct-Revised-Edition-2023.pdf

- Intellektual mulk huquqlarini himoya qilish — mualliflik huquqlari, patentlar, savdo sirlari kabi intellektual mulk ob’yektlarini qonuniy jihatdan himoyalash;

- Tadqiqot etikasi va mas’uliyati — ilmiy halollik, ya’ni ma’lumotlarni soxtalashtirish, plagiat va boshqa etiket buzilishlarga qarshi kurashish;

- Shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish — tadqiqot ishtirokchilarining roziligini olish, ularning maxfiy ma’lumotlarini yig‘ish, saqlash va qayta ishlashda xavfsizlikni ta’minlash;

- Tajribalar xavfsizligi va roziligi — inson yoki hayvonlar ustida o‘tkaziladigan tajribalarda qatnashuvchilarning huquqlarini himoya qilish va ularning roziligini huquqiy jihatdan ta’minlash.

Shunga qaramay, ilmiy tadqiqotlar sohasida huquqiy tartibga solish bilan bog‘liq muammolar ham mavjud. Xususan, quyidagi muammolar dolzarb hisoblanadi:

- qonunchilik bazasining tez-tez o‘zgarib turishi;

- milliy va xalqaro me’yorlarning o‘zaro mos kelmasligi;

- texnologik rivojlanishlarga huquqiy javoblarning sustligi yoki kechikishi.

Ilmiy tadqiqotlarning huquqiy asoslari har bir mamlakatda o‘ziga xos shakllanadi. Biroq, umumiy jihatdan ularni intellektual mulkni muhofaza qilish, axloqiy me’yorlarga rioya etish, shaxsiy ma’lumotlarni himoyalash va tajriba ishtirokchilarining huquqlarini ta’minlash yo‘nalishlari birlashtiradi.

So‘nggi yillarda mamlakatimizda ham ilmiy faoliyatni tartibga soluvchi milliy qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha muhim qadamlar qo‘yilmoqda. Bunda xalqaro standartlarga moslashuv, huquqiy normalarni uyg‘unlashtirish va zamonaviy ehtiyojlarga javob beruvchi huquqiy mexanizmlarni ishlab chiqish asosiy yo‘nalish bo‘lib qolmoqda.

Xorijiy mamlakatlar tajribasi esa ilmiy tadqiqotning huquqiy asoslarini rivojlantirishda foydali model va mexanizmlarni taklif etadi. Shu bilan birga, ilmiy faoliyat doimo o‘zgarib borayotgan texnologik va ijtimoiy muhit bilan

chambarchas bog‘liq bo‘lgani sababli, yangi muammolarga tezkor va samarali yuridik javoblar ishlab chiqish zarurati doimiy dolzarblik kasb etmoqda.

Ilmiy tadqiqotlarning yuridik javobgarlikka ta'sir qiluvchi asosiy jihatlari

Ilmiy tadqiqot jarayonida yuzaga keladigan yuridik javobgarlik ko‘plab jihatlar orqali namoyon bo‘ladi. Eng asosiy jihatlar quyidagilardan iborat bo‘lib, ular nafaqat tadqiqotning qonuniyligini, balki uning axloqiy va ijtimoiy maqbul ekanligini ta’minlaydi.

1. Intellektual mulk huquqlari

Ilmiy tadqiqotlarning natijalari ko‘pincha yangi ixtirolar, kashfiyotlar va ilmiy ishlanmalarni o‘z ichiga oladi. Ushbu natijalar mualliflik huquqi, patent va boshqa intellektual mulk huquqlari bilan himoyalanishi shart. Bunda ilmiy hamjamiyat va qonunchilik sohasida plagiat — boshqalar mehnatini o‘zlashtirish — jiddiy yuridik va axloqiy huquqbuzarlik sifatida ko‘riladi. Plagiat natijasida tadqiqotchi intellektual mulk huquqlari buzilishi bo‘yicha sudga tortilishi, moddiy jarimalar va ilmiy maqolalarining bekor qilinishi kabi jiddiy oqibatlarga duch keladi.

Xalqaro tajribada, masalan, AQShda va Yevropa mamlakatlarida intellektual mulkni himoya qilish qonunlari aniq va qat’iy hisoblanadi. “Bayh-Dole Act” kabi qonunlar universitetlar va tadqiqot institutlariga ixtirolar ustidan huquq berib, ularni tijoratlashtirish imkonini yaratadi. Shu bilan birga, plagiatga qarshi kurashish uchun ilmiy jurnallar va ilmiy muassasalar maxsus dasturlar va siyosatlarni joriy qilgan.

2. Shaxsiy ma'lumotlarning maxfiyligi

Tibbiyot, ijtimoiy fanlar va boshqa sohalardagi tadqiqotlarda shaxsiy ma’lumotlarni yig‘ish va ishlatish keng tarqalgan. Bunday holatlarda shaxsiy ma'lumotlarni himoya qilish va maxfiylik talablariga qat’iy rioya qilish zarur. “Shaxsiy ma'lumotlarni himoya qilish to‘g‘risida”gi qonunlar — O‘zbekistonda ham — tadqiqotlarda respondentlar yoki bemorlarning

roziligi, ma’lumotlarning anonimligi va xavfsizligi bo‘yicha talablarni belgilaydi.

Xorijiy mamlakatlarda bu borada huquqiy mexanizmlar ancha rivojlangan. Masalan, Yevropa Ittifoqining GDPR qoidalari tadqiqot jarayonida shaxsiy ma’lumotlarni yig‘ishda rozilik olish, ma’lumotlarni minimal darajada ishlatish va ularni xavfsiz saqlashni ta’minlashni shart qiladi. AQShda esa HIPAA qonuni tibbiy ma’lumotlar maxfiyligini ta’minlashga yo‘naltirilgan.

Shaxsiy ma’lumotlarning noto‘g‘ri ishlatilishi, maxfiylikning buzilishi esa nafaqat etika jihatdan, balki yuridik javobgarlikka ham sabab bo‘ladi. Bu holatlar tadqiqotchilar va ilmiy tashkilotlarning obro‘siga putur yetkazishi mumkin.

3. Axloqiy me'yorlar

Insonlar yoki hayvonlar ishtirokidagi tadqiqotlarda axloqiy me’yorlarga amal qilish eng muhim shart hisoblanadi. Xalqaro darajada biomedikal tadqiqotlarda qo‘llaniladigan Xelsinki deklaratsiyasi tadqiqotchilarga inson sub’ektlari bilan ishlashda qat’iy axloqiy tamoyillarni belgilaydi. Ular orasida sub’ektlarning roziligi, zarar yetkazmaslik, maxfiylik, va xavfsizlikni ta’minlash mavjud.

Shuningdek, hayvonlar bilan olib boriladigan tadqiqotlarda ham maxsus axloqiy standartlar — masalan, “3R tamoyillari” qo‘llaniladi. Ushbu tamoyillar hayvonlarga zarar yetkazmaslik va tadqiqot jarayonini iloji boricha yumshatishni nazarda tutadi.

Axloqiy me’yorlarga rioya qilmaslik, masalan, majburiy yoki noto‘g‘ri rozilik olish, zarar yetkazish, tadqiqot natijalarini soxtalashtirish yuridik va ma’muriy javobgarlikka sabab bo‘ladi. Bunday holatlar ilmiy hamjamiyat tomonidan qat’iyan qoralanadi va qonuniy sanksiyalarni keltirib chiqaradi.

Ilmiy tadqiqotlarda yuridik javobgarlikning uchta asosiy jihati — intellektual mulk huquqlari, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish va axloqiy me’yorlarga rioya qilish — tadqiqotning qonuniyligi va ijtimoiy maqbulligini ta’minlaydi. Zamonaviy huquqiy tizimlar va xalqaro

standartlar ushbu sohalarni mukammal tartibga solgan bo‘lib, tadqiqotchilar va muassasalar faoliyatining huquqiy asoslarini mustahkamlaydi. Shu bois, ilmiy tadqiqotlar jarayonida ushbu jihatlarga qat’iy rioya qilish har bir mutaxassis va muassasa uchun fundamental talab hisoblanadi.

Ilmiy tadqiqotlar jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan yuridik javobgarlik shakllari ko‘p qirrali bo‘lib, har birining o‘ziga xos huquqiy asoslari, shartlari va oqibatlari mavjud. Bu javobgarlik turlari tadqiqotning turiga, natijalariga va qonuniy me’yorlarga rioya qilinishiga bog‘liq holda yuzaga keladi. Quyida eng ko‘p uchraydigan uchta yuridik javobgarlik turi ko‘rib chiqiladi.

1. Fuqarolik javobgarligi

Fuqarolik javobgarligi — bu bir tomonning boshqa tomonga yetkazilgan zarar uchun kompensatsiya to‘lash majburiyatidir. Ilmiy tadqiqotlar jarayonida, masalan, noto‘g‘ri o‘tkazilgan tibbiy sinovlar yoki kimyoviy moddalarning salbiy ta’siri sababli uchinchi shaxslarga zarar yetkazilgan taqdirda, tadqiqotchi yoki uni moliyalashtirgan muassasa zararlarni qoplashga majbur bo‘ladi.

Xalqaro amaliyotda, ayniqsa AQShda, bunday holatlar uchun fuqarolik da’volari keng tarqalgan. Masalan, farmatsevtika kompaniyalari tomonidan noto‘g‘ri sinov o‘tkazilishi natijasida bemorlar zarar ko‘rgan taqdirda sudda katta moliyaviy kompensatsiyalar to‘lanishi talab qilinadi. Shu bilan birga, tadqiqotchi shaxsiy javobgarlikni kamaytirish uchun sug‘urta qilish va aniq protokollarni bajarish zarurati borligini hisobga olishi lozim.

2. Ma’muriy javobgarlik

Ma’muriy javobgarlik ilmiy tadqiqot jarayonida qonun hujjatlarining talablariga rioya qilinmasligi natijasida yuzaga keladi. Misol uchun, litsenziyasiz yoki ruxsatsiz tajribalar o‘tkazish, xavfsizlik qoidalarini buzish, shaxsiy ma’lumotlarni noto‘g‘ri ishlatish kabi holatlar ma’muriy jarima yoki tadqiqot faoliyatining vaqtincha to‘xtatilishiga olib keladi.

Yevropa Ittifoqida ma’muriy javobgarlik tizimi tadqiqotlar ustidan nazoratni kuchaytirish maqsadida rivojlangan. Masalan, GDPR talablariga rioya qilmaslik ma’muriy jarimalarni keltirib chiqaradi, ularning miqdori kompaniyaning yillik daromadining 4% gacha yetishi mumkin. Shu tariqa, ma’muriy javobgarlik tadqiqotchi va muassasalarning qonunlarga qat’iy rioya qilishini ta’minlaydi.

3. Jinoiy javobgarlik

Jinoiy javobgarlik ilmiy tadqiqotlar jarayonida yuzaga keladigan eng jiddiy yuridik javobgarlik shaklidir. Agar tadqiqotlar odamlar hayotiga yoki sog‘lig‘iga bevosita xavf tug‘diradigan noqonuniy tajribalar o‘tkazish, soxta ma’lumotlar taqdim etish yoki boshqa jiddiy qonunbuzarliklar sodir etilsa, tadqiqotchilar yoki muassasalar jinoiy javobgarlikka tortilishi mumkin.

Masalan, tarixda insonlar ustida noqonuniy tajribalar o‘tkazgan ba’zi olimlar jinoiy javobgarlikka tortilgan. Zamonaviy qonunchilik esa bunday holatlarga qarshi aniq jazo choralarini belgilaydi. Shu bois, tadqiqotchilar jinoiy javobgarlikdan saqlanish uchun etika qo‘mitalari va huquqiy organlar tomonidan belgilangan tartib-qoidalarga qat’iy rioya qilishlari zarur.

Ilmiy tadqiqot jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan yuridik javobgarlik turlari – fuqarolik, ma’muriy va jinoiy javobgarlik – har biri tadqiqotning turiga, oqibatlariga va qonuniy talablariga mos ravishda qo‘llaniladi. Zamonaviy huquqiy tizimlar ushbu javobgarliklarni tartibga solib, tadqiqotlarning qonuniy va axloqiy asosda olib borilishini ta’minlashga xizmat qiladi. Tadqiqotchilar va ilmiy muassasalar ushbu javobgarlik shakllarini chuqur anglab, faoliyatlarini shunga muvofiq tashkil etishlari zarur.

Ilmiy tadqiqotlarda yuridik javobgarlik ko‘pincha axloqiy muammolar bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, ularning har biri ilmiy faoliyat sifatini va ishonchliligini ta’minlashda muhim o‘rin tutadi. Quyida bu muammolarning eng dolzarb jihatlari ko‘rib chiqiladi.

1. Plagiat va ilmiy yolg‘on

Plagiat — bu boshqa olimlarning ishlarini o‘zlashtirish yoki ularni mos ravishda ko‘rsatmasdan ishlatish bo‘lib, ilmiy axloqiy normalarga zid. Ilmiy yolg‘on esa ma’lumotlarni soxtalashtirish, ma’lumotlarni noto‘g‘ri taqdim etish yoki natijalarni manipulyatsiya qilishdir.

Axloqiy nuqtai nazardan bunday amallar ilmiy hamjamiyat ishonchini zaiflashtiradi, ilmiy bilimlarning haqiqiy rivojlanishiga to‘sqinlik qiladi. Yuridik jihatdan, plagiat intellektual mulk huquqlarining buzilishi sifatida qaraladi va ko‘plab mamlakatlarda sudda jiddiy oqibatlarga olib keladi. Masalan, AQSh va Yevropa universitetlarida plagiat uchun o‘qishdan chetlatish, moliyalashtirishni to‘xtatish va sud jarayoni qo‘llaniladi.

2. Tajriba ishtirokchilarining huquqlari

Tibbiy va ijtimoiy tadqiqotlarda inson ishtirokchilarning huquqlari alohida ahamiyatga ega. Informed consent (rozilik olish) — bu ishtirokchilarning o‘zlari to‘liq va aniq ma’lumotlarga asoslangan holda tadqiqotda qatnashishga rozilik berishi. Rozilik olinmasligi inson huquqlarining buzilishi sifatida qaralib, jiddiy axloqiy va yuridik muammolarni keltirib chiqaradi.

Xalqaro huquqda, jumladan, Xelsinki deklaratsiyasi va Nyu-Yorkda joylashgan Milliy Bioetik Komissiyaning qoidalari bu tamoyillarni belgilaydi. AQShda HIPAA qonuni shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish va ishtirokchilar huquqlarini ta’minlash bo‘yicha qat’iy talablarni o‘rnatadi.

3. Moliyaviy mas'uliyat va shaffoflik

Ilmiy tadqiqotlarni moliyalashtirishda shaffoflik va moliyaviy javobgarlik talab qilinadi. Grant mablag‘larini noto‘g‘ri ishlatish, xususiy yoki davlat fondlarini suiiste’mol qilish nafaqat axloqiy jihatdan noto‘g‘ri, balki yuridik javobgarlikka olib keladi.

Masalan, Yevropa Ittifoqida Horizon Europe dasturida moliyaviy nazorat va hisobotlar qat’iy amalga oshiriladi, moliyaviy buzilishlar aniqlanganda jarimalar va moliyaviy to‘lovlarni qaytarish majburiyati yuzaga keladi. AQShda esa Federal Grant va Kontraktlarni Suiiste’mol

qilish to‘g‘risidagi qonunlar mavjud bo‘lib, ular buzilgan taqdirda jinoiy va ma’muriy javobgarlik qo‘llanadi.

Ilmiy tadqiqotlarda axloqiy va yuridik muammolar bir-biri bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, plagiat va ilmiy yolg‘on, tajriba ishtirokchilarining huquqlari va moliyaviy shaffoflik kabi muammolar tadqiqot sifatiga va ishonchliligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Xalqaro tajriba ko‘rsatadiki, ushbu sohalarda qat’iy qonuniy va etika me’yorlari joriy etilishi tadqiqotlarning barqaror va ishonchli rivojlanishini ta’minlaydi.

Xulosa. Ilmiy tadqiqot faoliyati zamonaviy jamiyatning rivojlanishida hal qiluvchi ahamiyat kasb etsa-da, u qat’iy yuridik va axloqiy me’yorlarga asoslangan holda olib borilishi shart. Intellektual mulk huquqlarining himoyasi, shaxsiy ma’lumotlar maxfiyligini ta’minlash va axloqiy tamoyillarga qat’iy rioya qilish — bu ilmiy jarayonning qonuniyligi va ijtimoiy maqbulligini kafolatlovchi asosiy omillardir.

Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatmoqdaki, huquqiy mexanizmlarni takomillashtirish orqali nafaqat ilmiy natijalarning sifati oshadi, balki ilmiy hamjamiyatga bo‘lgan ishonch ham mustahkamlanadi. Shu bois, ilmiy tadqiqot subyektlarining yuridik javobgarligini aniqlashtirish, qonun hujjatlarini xalqaro standartlarga moslashtirish va ilmiy-axloqiy madaniyatni shakllantirish zamonaviy davrda dolzarb vazifalardan biridir.

Ilmiy izlanishlar faqat ilmiy natijalargagina emas, balki huquqiy va axloqiy asosga ega bo‘lgan yondashuv orqali haqiqiy ilmiy yutuqlarga olib keladi. Shu nuqtai nazardan, yuridik javobgarlikni chuqur tushunish va unga amal qilish ilmiy faoliyatning ajralmas tarkibiy qismi bo‘lib qoladi.

OCHILOV ASADBEK
BAHODIR OGLI
Officer of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan

INTERNATIONAL LEGAL STANDARDS FOR COMBATING CORRUPTION IN PUBLIC PROCUREMENT AND THE PROSPECTS FOR THEIR IMPLEMENTATION IN THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: *Purpose. The article systematizes the international legal standards that govern anti-corruption in public procurement and develops a sequenced pathway for advancing their harmonization with the public-procurement legislation of the Republic of Uzbekistan. Methodology. A doctrinal and comparative legal method is applied to the principal instruments — UNCAC, the OECD Recommendation on Public Procurement, the UNCITRAL Model Law and the FATF standards — together with Uzbekistan's 2021 Law on Public Procurement and peer-reviewed scholarship; the study uses no subjective scoring or cross-country statistics. Findings. The instruments converge on nine operational standards. Uzbekistan's 2021 reform established strong foundations on transparency, competition and e-procurement; building on these, the article identifies the standards whose fuller integration would most advance the system — independent review, whistleblower protection and beneficial-ownership transparency — and arranges them into a phased roadmap. Value. Grounded in the theory of legal transplantation, the article argues that the value of an imported standard depends on the domestic institutions that give it effect.*

Keywords: *public procurement; anti-corruption; international standards; UNCAC; UNCITRAL Model Law; OECD; legal transplantation; whistleblower protection; beneficial ownership; Uzbekistan.*

Public procurement accounts for a substantial share of national budgets and is a recurring focus of international anti-corruption law, the cornerstone of which is the United Nations Convention against Corruption, whose Article 9 obliges states parties to maintain transparent, competitive and

objective systems[1]. The Republic of Uzbekistan ratified the Convention in 2008 and, as part of a broad modernization agenda, adopted a dedicated Law on Public Procurement in 2021[2].

The article pursues three connected aims: to systematize the operative international standards; to map Uzbekistan's current procurement framework against them on a strictly source-based footing; and to propose a realistic, sequenced pathway for advancing harmonization. The analysis draws on the scholarly literature rather than on the author's own scoring.

The scholarship converges on a few recurring themes. Søreide[3] maps the mechanisms of procurement corruption and argues that political commitment is a necessary precondition for reform, while Rose-Ackerman and Palifka[4] situate it within the economics of rent-seeking, holding that durable reform must reduce rents and strengthen accountability rather than merely add rules. Thai[5] treats procurement as a complex system whose integrity rests on a coherent legal framework and a professionalised workforce, and Fazekas, Tóth and King[6] show that integrity is increasingly measurable through objective, data-driven "red-flag" indicators such as single bidding and restricted competition.

On instruments and prospects, Williams-Elegbe[7] analyses debarment as a powerful but conceptually demanding tool that requires robust due-

[1] United Nations. (2003). United Nations Convention against Corruption (UNCAC). United Nations. https://www.unodc.org/unodc/en/corruption/uncac.html

[2] Law of the Republic of Uzbekistan 'On Public Procurement' No. ZRU-684 (2021). https://lex.uz/docs/6121273

[3] Søreide, T. (2002). Corruption in public procurement: Causes, consequences and cures (CMI Report R 2002:1). Chr. Michelsen Institute. https://www.cmi.no/publications/843-corruption-in-public-procurement-causes

[4] Rose-Ackerman, S., & Palifka, B. J. (2016). Corruption and government: Causes, consequences, and reform (2nd ed.). Cambridge University Press.

[5] Thai, K. V. (2001). Public procurement re-examined. Journal of Public Procurement, 1(1), 9–50.

[6] Fazekas, M., Tóth, I. J., & King, L. P. (2016). An objective corruption risk index using public procurement data. European Journal on Criminal Policy and Research, 22(3), 369–397. https://doi.org/10.1007/s10610-016-9308-z

[7] Williams-Elegbe, S. (2012). Fighting corruption in public procurement: A comparative analysis of disqualification or debarment measures. Hart Publishing.

process safeguards, and Berkowitz, Pistor and Richard[1] demonstrate a "transplant effect" whereby imported rules underperform unless adapted to local institutions and supported by domestic demand. In the Uzbek context, Mardieva[2] advocates combining statutory and technological reform, and Mamadaliyeva[3] emphasizes the role of strong institutions and civil-society engagement. Three propositions frame the present study: formal rules are necessary but insufficient[4]; integrity is measurable through procurement data; and implementation success turns on institutional fit[5].

The study applies a doctrinal and comparative legal method. The primary materials are the relevant international instruments — UNCAC, the OECD Recommendation on Public Procurement[6], the UNCITRAL Model Law[7]and the FATF Recommendations on beneficial ownership — and Uzbekistan's Law on Public Procurement. The instruments are distilled into a set of operational standards, against which the national framework is mapped on a strictly normative basis; consistent with the doctrinal method, no quantitative alignment scores or cross-country statistical comparisons are used, and statements about the national framework are attributed to identifiable legal sources or to the cited literature.

[1] Berkowitz, D., Pistor, K., & Richard, J.-F. (2003). The transplant effect. The American Journal of Comparative Law, 51(1), 163–204. https://doi.org/10.2307/3649143

[2] Mardieva, L. (2023). Public procurement: How can legislative reforms and technological innovations be harnessed to effectively combat corruption in Uzbekistan? Educational Research in Universal Sciences, 2(17 Special), 978–987. https://erus.uz/index.php/er/article/view/5336

[3] Mamadaliyeva, F. (2025). Anti-corruption reform in Uzbekistan: What can be learned from Singapore? Irshad Journal of Law and Policy. https://irshadjournals.com/index.php/ijlp/article/view/342

[4] Søreide, T. (2002). Corruption in public procurement: Causes, consequences and cures (CMI Report R 2002:1). Chr. Michelsen Institute. https://www.cmi.no/publications/843-corruption-in-public-procurement-causes

[5] Berkowitz, D., Pistor, K., & Richard, J.-F. (2003). The transplant effect. The American Journal of Comparative Law, 51(1), 163–204. https://doi.org/10.2307/3649143

[6] OECD. (2015). Recommendation of the Council on public procurement (OECD/LEGAL/0411). OECD. https://legalinstruments.oecd.org/en/instruments/OECD-LEGAL-0411

[7] UNCITRAL. (2011). UNCITRAL Model Law on Public Procurement. United Nations. https://uncitral.un.org/en/texts/procurement/modellaw/public_procurement

International Legal Standards for Anti-Corruption in Public Procurement

At the binding core, UNCAC Article 9 requires procurement systems based on transparency, competition and objective decision-making, together with an effective domestic review mechanism. The OECD Recommendation on Public Procurement elaborates these obligations into twelve integrated principles — among them transparency, integrity, access, e-procurement and accountability — and is widely treated as the operative benchmark even for non-members, while the UNCITRAL Model Law supplies a ready legislative template. Layered onto this core are the FATF Recommendations on beneficial ownership and UNCAC Article 33 on the protection of reporting persons. Read together, these instruments converge on the nine standards summarized in Table 1.

Table 1. International anti-corruption standards for public procurement and their sources

Standard / requirement	Principal source	Core obligation
Transparency & publication	UNCAC Art. 9(1)(a); OECD Rec. (2015)	Public, advance distribution of procurement information
Open competition	UNCAC Art. 9(1); UNCITRAL Model Law (2011)	Competition as the default; narrow, justified exceptions
Objective award criteria	UNCAC Art. 9(1)(c)	Predetermined, objective decision criteria

Standard / requirement	Principal source	Core obligation
E-procurement & open data	OECD Rec. (2015), e-procurement principle	End-to-end digital procurement and open data
Integrity & conflict of interest	OECD Rec. (2015), integrity principle	Declarations, recusal and supplier-integrity measures
Supplier debarment	UNCAC Art. 9; Williams-Elegbe (2012)	Exclusion of corrupt suppliers with due-process safeguards
Independent review	UNCAC Art. 9(1)(d)	Effective domestic review of procurement decisions
Whistleblower protection	UNCAC Art. 33	Legal protection of persons who report wrongdoing
Beneficial-ownership transparency	FATF Rec. 24–25	Identification of the true owners of bidding entities

The standards are interdependent — transparency without an effective remedy yields visible but uncorrectable violations, and a remedy without beneficial-ownership data cannot reach the parties who benefit from collusion — and unevenly demanding, since publication is achievable administratively whereas independent review and whistleblower protection require institutional change.

The Public Procurement Framework of the Republic of Uzbekistan

Uzbekistan’s 2021 Law on Public Procurement consolidated the rules, entrenched electronic procedures, introduced open forms of competition, restricted the use of direct contracts and created a basis for registering

affiliated parties. These measures establish strong foundations on the transparency, publication, competition and e-procurement standards. The reform agenda continues to deepen: in 2025 the authorities set a target to further increase the share of openly competed tenders relative to direct contracts.

Building on this foundation, the scholarly literature points to the measures that would most advance the system at the next stage. Mardieva highlights the value of combining statutory and technological reform, and Mamadaliyeva underscores the contribution of strong institutions and civil-society engagement. Read against the nine standards, the priorities for fuller integration are the institutionally demanding dimensions — independent review, whistleblower protection and beneficial-ownership transparency— which complement the transparency and competition foundations already in place.

Discussion: Prospects for Implementation

The transplant effect identified by Berkowitz, Pistor and Richard implies that standards should be introduced in a sequence that builds institutional capacity before sophistication, rather than all at once. This reasoning yields the phased model in Figure 1. The short term consolidates what is already within reach — completing mandatory e-publication, refining the grounds for direct contracting and publishing a transparent supplier register, the design of which is well documented. The medium-term builds institutions: an open-data standard, conflict-of-interest declarations and an independent bid-protest body giving effect to UNCAC Article 9(1)(d). The long term integrates advanced tools: beneficial-ownership screening, statutory whistleblower protection and data-driven risk analytics of the kind validated by Fazekas et al.



Figure 1. Proposed sequencing of reforms (a normative model derived from the analysis, not an empirical assessment).

Recommendations:

1. **Complete mandatory, structured e-publication** of every notice, criterion and award decision in machine-readable form[1].

2. **Refine the grounds for direct contracting,** codifying a narrow, exhaustive list of exceptions, each with a published, reasoned justification.

3. **Adopt an open-data standard** so that oversight bodies, civil society and red-flag analytics can reuse procurement data[2].

4. **Establish an independent bid-protest review body** with structural autonomy, short statutory deadlines and the power to suspend awards (UNCAC Art. 9(1)(d)).

[1] United Nations. (2003). United Nations Convention against Corruption (UNCAC). United Nations. https://www.unodc.org/unodc/en/corruption/uncac.html

[2] Fazekas, M., Tóth, I. J., & King, L. P. (2016). An objective corruption risk index using public procurement data. European Journal on Criminal Policy and Research, 22(3), 369–397. https://doi.org/10.1007/s10610-016-9308-z

5. **Enact dedicated whistleblower protection** for reporting persons, with confidential channels, implementing UNCAC Article 33.

6. **Integrate beneficial-ownership screening,** requiring bidders to disclose ultimate owners, cross-checked against a central register.

7. **Strengthen supplier debarment with due process,** using transparent criteria and procedural safeguards.

8. **Sequence reform and build institutional capacity,** phasing the standards and investing in workforce professionalization.

The international standards governing anti-corruption in public procurement are coherent and, for Uzbekistan, increasingly internalized: the 2021 reform provides strong transparency and competition foundations on which fuller harmonization can build. The decisive lesson of comparative experience is that alignment is an institutional achievement rather than a drafting exercise: an imported standard delivers integrity when a domestic institution is empowered to give it effect. A phased pathway — foundations first, institutional independence next, advanced analytics last — offers a realistic route from formal compliance to substantive effectiveness.

ОЧИЛОВ САМАРИДДИН КАМОЛИДДИНОВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Бакалавриат факультети
катта прокурори

ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИШДА МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Бугунги кунда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар зиммасига жазони ўталмаган қисми давомида суд томонидан юклатиладиган мажбуриятларни қўллаш масалалари юзасидан илмий-назарий ва амалий масалалар мазмуни ёритилган бўлиб, ушбу мажбуриятлар маҳкумларни тарбиялашни ташкил этишнинг янги модели сифатида намоён бўлиши, мажбуриятларни қўллашда қонун нормалари бузилишини олдини олиш, мажбуриятларни қўллаш самарадорлигини ошириш юзасидан расмий тушунтириш берилиши ҳақида ишлаб чиқилган таклифлар баён этилган.*

Аннотация: *В настоящей статье освещены научно-теоретические и практические вопросы применения судом обязанностей, возлагаемых на лиц, условно-досрочно освобожденных от отбывания наказания, на неотбытую часть наказания. Раскрыто, что данные обязанности выступают в качестве новой модели организации воспитательной работы с осужденными. Изложены предложения, направленные на предотвращение нарушений норм закона при применении обязанностей, повышение эффективности их применения, а также на необходимость дачи официальных разъяснений по данным вопросам.*

Abstract: *This article highlights the scientific-theoretical and practical issues regarding the application by the court of duties imposed on persons conditionally released early from serving their sentence for the unserved part of the punishment. It reveals that these duties act as a new model for organizing educational work with convicts. The article presents proposals aimed at preventing violations of legal norms in the application of duties, increasing the effectiveness of their application, as well as the need for official clarifications on these issues.*

Калит сўзлар: *жазо, маҳкум, мажбурият, ҳуқуқни қўллаш, тушунтириш.*

Ключевые слова: *наказание, осужденный, обязанность, правоприменение, разъяснение.*

Keywords: *punishment, convict, duty, law enforcement, clarification.*

Кириш

Жиноят қонунчилигида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш амалиётини такомиллаштириш зарурияти кундан кунга долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, ушбу институтнинг самарали қўлланилиши маҳкумнинг тузалиш даражасини холисона баҳолаш, суд ва ижро органлари фаолиятида шаффофликни кучайтириш ҳамда жазо мақсадларига эришишда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти суд қарорларининг “тирик” бўлишини (барқарорлигини) таъминлайди, яъни суд фақат ҳукм чиқариш билан чекланмайди, балки унинг ижросини ҳам назорат қилади ҳамда жазо ва маҳкумни қайта баҳолаш имкониятини яратиш билан бирга жазонинг тузатиш, жиноятнинг олдини олиш ва ижтимоий адолатни тиклаш мақсадларига эришишни таъминлайди, суд қарорлари амалий қийматини оширади, суд тизимининг инсонпарварлик ва самарадорлик даражасини оширади.

Сўнги йилларда жиноят қонунчилигига жазони ўташдан мудддатидан илгари шартли озод қилиш институтини такомиллаштириш борасида киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда асосий эътибор маҳкумни жазодан ташқари ҳолатда хулқ-атвори устидан назорат қилиш механизмларини жорий этишга, хусусан жазо ўрнига мажбуриятлар юклаш орқали маҳкумга тарбиявий таъсир чораларини қўллаш, қайта жиноят содир этиш ҳолатларига барҳам бериш тадбирларини амалга ошириш, пировард натижада маҳкумни ахлоқан тузатиш ва жамиятга мослаштириш назарда тутилди.

Жамладан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар зиммасига жазони ўталмаган қисми давомида муайян мажбуриятлар юклаш амалиёти жорий этилиб, ушбу мажбуриятлар маҳкумларни тарбиялашни ташкил этишнинг янги модели сифатида намоён бўлди. Мажбурият институти янги норма амалга киритилиши орқали жорий этилган бўлиб, уни қўллашда қонун нормалари бузилишини олдини олиш, мажбуриятларни қўллаш самарадорлигини ошириш масалалалари тадқиқ этилмаган.

Мажбуриятлар маҳкумнинг хулқ-атвори ва содир этилган жиноятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши ҳамда унинг такроран жиноят содир этишини олдини олиш ҳамда ахлоқан тузалишига хизмат қилиши муҳим аҳамият касб этиб, мажбуриятларни асоссиз ҳамда зарурат бўлмаса-да қўллаш ҳолатларини олдини олиш, шунингдек мажбуриятларни қўллашда қонун нормаларида белгиланган талабларга риоя қилиниши масалалалари илмий-амалий жиҳатдан ўрганилиши ва бу борада расмий тушунтиришлар беришни тақозо қилмоқда.

Материаллар ва методлар

Тадқиқотнинг методологик асоси диалектик, тарихий-ҳуқуқий, тизимли ёндашув ва таққослама-ҳуқуқий таҳлил усулларига таянган. Мазкур ёндашувлар орқали жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тушунчасининг пойдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинди.

Жазони ижро этиш, хусусан маҳкумларни алоқан тузатиш, уларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб боришнинг янги механизмларининг амалга жорий этилишининг натижадорлиги баҳоланди.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлашга оид халқаро стандартлар ҳамда жазони ўташдан шартли озод қилиш борасида хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси ўрганилди.

Тадқиқот жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд амалиёти, илмий адабиётлар ва статистик маълумотлар ўрганилиб, инсонпарварлик, адолат, индивидуаллаштириш ва реабилитация тамойиллари асосида илмий хулосалар чиқарилди.

Халқаро жиноий сиёсат жазони инсонпарварлаштиришга қаратилган, шу жумладан ҳуқуқни қўллашни такомиллаштириш орқали маҳкумларни шартли равишда озод қилиш ислоҳ қилинган. Европа Иттифоқининг Вазирлар қўмитаси тавсияларида муддатидан илгари шартли озод қилишга шундай шундай таъриф берилади: “Муддатидан илгари шартли озод қилиш маҳкумларни такроран жиноят содир этишларини олдини олишда жуда самарали таъсир ва усуллардан бири ҳисобланиб, режали ва тизимли назорат қилиш орқали маҳкумни жамиятга қайтариш ва ижтимоийлаштиради.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларини сақлаш учун қилинадиган моддий харажатлар жамият зиммасига оғир юк бўлади, жазони ўташни давом эттириш аксарият ҳолларда маҳкумни ахлоқан тузалмаслигини ифода этадиган салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Имкон қадар суд томонидан тайинланган жазони қисқартиб бориш мақсадга мувофиқ. Жазодан кўзланган мақсадга эришининг муҳим воситаси маҳкум жазо муддатини тўлиқ ўтагунча уни шартли равишда жазодан озод қилиб боришдир”[1].

Миллий тадқиқот ишларида[2] жазони индивидуаллаштириш, маҳкумнинг жиноят содир этишни олдини олишга қаратилган хулқ-атворни рағбатлантириш, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш бўйича қонун нормаларини такомиллаштириш ва халқаро стандартларнинг имплементациясини кучайтириш, қўллаш

[1] Рекомендация № (2003) 22 Комитета министров Совета Европы «Об условно-досрочном освобождении» (принята 24.09.2003 на 853-м заседании представителей) // Международное право. 2006. 1 ноября.

[2] *Э.О. Тургунбоев.* Жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар доктори (Dsc) диссертацияси. Тошкент давлат юридик университети. Тошкент., 2023-й., 274 бет. 105-бет.

амалиётини яхшилаш йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этиши илгари сурилди.

Жиноятчини жазодан озод қилиш маҳкумнинг ҳаракатлари тўғри малакаланганлигига, маҳкумга тайинланган жазонинг адолатли бўлишига боғлиқ эмас. Маҳкумни шартли равишда озод қилиш тўғрисида қарор чиқарилиши дастлабки ҳукмни ўзгартирмайди ёки бекор қилмайди.[1] Маҳкум жазони ўташдан муддатидан илари шартли озод қилинса-да, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этадиган бўлса, шахсга нисбатан суд ушбу бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди. Бунда дастлабки ҳукмдаги ҳуқуқий оқибатлар ҳаракатга келади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинадиган маҳкумнинг ўрганилган хусусиятлари унинг хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги тақдим этиладиган материалларда маҳкумнинг “меҳнатга алоқадорлиги ва виждонан муносабатда бўлиши”, “интизоми таъминот ва меҳнат режимини бузишга йўл қўймаслиги”, “маърифий тадбирларда мунтазам қатнашишга ҳарактери ва хулқ-атвори мос келади”, “қариндошлари билан алоқада бўлиб туради”, “содир этган жиноятини тан олган ва пушаймонлик билдирган” ва ҳоказо белгилари билан тавсифланади.[2]

Пенитенциар тизимнинг профилактикаси ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, мукаммал пенетенциар механизм остида жазони ўтаган маҳкум жазодан озод қилинадиган бўлса, кейинчалик уни ижтимоий мослашуви самарали натижа беради. Пенетенциар тизимга оид

---

[1] *И.А. Ефримова.* Институт освобождения от наказания в теории уголовного права, законадателной и судебной практике. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Саратовская государственная юридичкая академия. Саратов – 2018. 504 стр., 199-стр.

[2] *О.А. Пипиленко.* Условно-досрочное освобождения от наказания: проблемы теории и практики. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. юрид. наук: Ростов-на-Дону: Ростовский юридический институт МВД Россия, 2009, – стр 21.

тадқиқот ишларида[1] олимлар томонидан “Пенитенциар тизим – жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этувчи давлат органлари ва муассасаларининг маҳкумларнинг ахлоқан тузалиши ва қайта ижтимоийлашувига қаратилган тарбиявий-ахлоқий, педагогик-психологик, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа фаолият йўналишларини ўз ичига қамраб олган тизим” деб илмий-назарий таъриф берилган.

Айнан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиган маҳкумлар зиммасига мажбуриятлар юклатилиши ҳамда ушбу мажбуриятлар бажарилишини назорат орқали маҳкумни тарбиялаш тадбирларини амалга ошириш механизмларини жорий этиш сўнги йилларда жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида номоён бўлди.

Криминологик прогноз қилишнинг предмети жиноятчиликнинг ривожланишидаги кузатилган ўзгаришлар, жиноятчилик сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароит (детерминант)лар, жиноятчи шахси, жиноят содир этиш механизми, жиноий хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.[2] Шунга кўра, сўнги йилларда жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилишни қўллашни такомиллаштиришда асосий эътибор маҳкумни ахлоқан тарбиялаш механизмларини ривожлантириш ва қайта жиноят содир этишини олдини олишга қаратилди.

Пробация каби кўп қиррали феноменнинг мавжудлиги унинг моҳиятини тушунишда турли илмий ёндашувларни вужудга келтиради. Пробация жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан — жиноят-ҳуқуқий мажбурлаш чораси сифатида; жиноят-ижроия ҳуқуқи нуқтаи назаридан — жамиятдан ажратилмаган маҳкумлар устидан назорат

[1] *Н.С. Салаев.* Пенетенциар тизимнинг профилактик функцияси. Юридик фанлар доктори (Dsc) диссертацияси автореферати. Тошкент давлат юридик университети. Тошкент., 2017-й. 61 бет, 24-бет.

[2] *Р.Й. Буранова.* Ўзбекистон Республикасидаги жиноятчиликни криминологик прогноз қилиш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент., 2025-й., 48 бет. 16-бет.

қилиш тизими сифатида; криминология нуқтаи назаридан эса — такрорий жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий чора сифатида қаралиши мумкин.[1] Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар томонидан жазони ўталмаган қисми давомида юклатилган мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш пробация тизими орқали амалга оширилади.

Жаҳонда пенитенциар тизимни такомиллаштириш, маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини ижро этишда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш, маҳкумларни жазони ўташ вақтида ёки уни ўтаб чиққанидан сўнг қайта жиноят содир этишларини олдини олишнинг янги самаралироқ механизмини ишлаб чиқиш, пенитенциар тизимда жиноий жазоларнинг функсионал вазифалари ва мақсадларини кенгайтириш, шунингдек, жазоларни янада либераллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда.[2] Қонунчилик нормаларида маҳкумларни жазони ўталмаган қисми давомида хул-атвори устидан назорат қилиш механизми, яъни мажбуриятлар юклаш амалиёти белгиланган бўлса-да, мажбуриятларни қўллаш услубиёти шаклланмаган.

Тадқиқот натижалари.

Бир қатор мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия ва бошқалар) шартли ҳукм қилиш шакли сифатида эътироф этилиб, унда маҳкум суд томонидан белгиланган синов муддати давомида махсус органлар назорати остида сақланади. Баъзи давлатларнинг қонунларида судларга муайян шароитларда жазо тайинламасдан гуноҳкорнинг

[1] *А.К. Исергепова.* Институт пробации в уголовном протсесси: проблеми, тенденсии и развития (на примиере стран-участников содружества независимих государств). Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Федералное государственное казенное образователное учреждение высшего образования «Санкт-Петербургский университет Министерства внутренних дел Российской Федератсии». Санкт-Петербург. 2020. 196 стр, стр 17.

[2] *Т.Х. Алтмишев.* Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштириш (пробатсия гаолияти таҳилили асосида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент., 2025-й., 249 бет. 3-бет.

қилмиши учун жазо сифатида синов муддатини тайинлаш ҳуқуқи берилган. Россия Федерациясида пробация институти амалда бўлган суд-ҳуқуқ институти билан яқин жойлашган ва амалда мазмуни бўйича қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазонинг бир тури ҳисобланади[1].

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августда “Пробация тўғрисида”ги ЎРҚ–938-сон Қонуни[2] қабул қилиниб, ушбу қонунга асосан пробация назорати муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсларнинг, шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ва *жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг* хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширишга, уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ҳамда жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантиришга, суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва *мажбуриятларга риоя этилишини таъминлашга*, шунингдек уларни ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган фаолият сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги Қонуни 71-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-моддаси[3] бешинчи-саккизинчи қисмлар билан тўлдирилиб, ушбу модданинг бешинчи қисмида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш чоғида суд асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумнинг зиммасига ишга ёки ўқишга жойлашиш, муддатидан илгари шартли озод қилинган шахснинг яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгарганлиги ҳақида унинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органга хабар бериш, муайян жойларга бормаслик,

---

[1] *В.Б.Малинин, Л.Б.Смирнов,* "Уголовное право: учебник для юридическая шклолы и факультети". Москва, 2015 г.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги “Пробация тўғрисида”ги ЎРҚ–938-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.08.2024 й., 03/24/938/0591-сон.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон. https://lex.uz/docs/111453#195407

The process of drawing up the interrogation protocol remains complex because its written form is labor-intensive, and this affects the investigator's efficiency in investigating a crime. Moreover, this factor also has a negative effect on the investigator's tactics for establishing communication with the person being interrogated. In light of present-day requirements, the demand to pay particular attention to detailed interrogation in investigative practice

[1]Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.https://lex.uz/docs/111460

is steadily increasing. This is, of course, explained by the strengthening of requirements to comply with criminal procedure legislation when investigating crimes.

As a rule, the testimony of those being interrogated is recorded mainly with the help of computer technologies, which has of course made it much easier to keep the interrogation protocol and, through copying, to draw up indictments and other procedural documents. Computer technologies have, in turn, brought such conveniences as printing the testimony recorded in the protocol, scanning data, and converting it into electronic form. There are also possibilities for printing template-form copies of interrogation protocols.

Today, researchers and practitioners in the field are paying particular attention to simplifying the recording of testimony obtained through interrogation—that is, to creating automated working conditions for the investigator in order to reduce the time spent conducting the interrogation. These measures, however, bypass the issue of introducing modern technologies into the recording of testimony in the interrogation protocol.

In this regard, the problem of formalizing interrogation protocols remains relevant at the present stage of criminal proceedings. Using computer technology merely as a device for recording testimony requires considerable effort and time to draw up an interrogation protocol. In our view, it is necessary to introduce the practice of using artificial intelligence and modern information and communication technologies for recording the results of interrogation in the protocol. Such technologies should be able to automatically recognize the speech of the participants in the interrogation process and convert their oral utterances into text form.

In his study, the Russian scholar N. I. Sotnikov argued for the need to introduce modern computer technologies and artificial intelligence into interrogation practice—namely, a system that makes it possible to convert oral speech into text in the form of digital data, that is, “transcription” (from the Latin transcriber, meaning “to rewrite”). In his opinion, transcription has entered various spheres of social life; in online education, for example, video

content is presented together with text, which makes it easier to understand the study material. Speech-recognition technology accelerates the process of converting speech into text during communication and ensures a high degree of verbatim accuracy in the converted speech[1].

Today, advanced countries make use of professional programs that convert speech into text or convert audio files into text (Windows Dictation, Dragon Professional Individual, Sobolsoft, Bear File Converter, Voice Finger, and others). Modern speech-recognition programs can be installed on computer systems and on mobile devices (smartphones). These programs can also be used as online services.

This shows that using the appropriate software and additional small equipment (a microphone, a voice-recording device) does not require large financial investments. Modern young investigators can also easily master the use of such specialized software.

Our national legislation contains specific provisions on the possibilities of using technical means (audio recording, video recording, and others) when conducting certain investigative actions. The existence of procedural norms concerning the technical means that may be used to convert testimony into text when conducting the investigative action of interrogation has been analyzed.

In particular, pursuant to Article 91 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, in addition to drawing up a protocol to record evidence, sound recording, video recording, filming, photography, the making of casts and impressions, copying, the preparation of plans and schemes, and other methods of representing information may be used; moreover, the methods used by the inquiry officer, investigator, or court to record evidence, together with the technical characteristics of the apparatus, instruments, equipment, and materials used, are stated and reflected

[1] К.И. Сотников, Г.В. Парамонова. О возможности использования современных технологий конвертации показаний в целях составления протокола допроса в уголовном судопроизводстве.// Журнал правовых и экономических исследований. 2023, 4: 125–131

accordingly in the protocol of the investigative action or in the protocol of the court session.

The rules set out in this norm make it possible to use any scientifically substantiated technical means and methods to record evidence without violating citizens' rights. Here, the technical means envisaged include audio recording, computer equipment, and scientifically substantiated programs. The person being interrogated familiarizes himself with the recording and has the right to leave comments on the content of the recorded testimony.

Likewise, in accordance with Article 106 of the Criminal Procedure Code, the process and results of interrogation are recorded in the interrogation protocol at the inquiry and preliminary-investigation stages, and in the protocol of the court session during the trial. Along with keeping a protocol during interrogation, sound recording, video recording, and filming may also be used. The protocol likewise notes whether sound recording, video recording, or filming was carried out during the interrogation. The phonogram, video recording, and film are attached to the protocol.

In this case, after audio and video recording has been used, it is advisable to convert it into text. When converting speech into text, these technical means can be used in the following several ways:

First method—audio and video recordings are used; they are converted into text and may subsequently be attached to the interrogation protocol as additional documents.

Second method—testimony is recorded using a voice-recording device (a dictaphone) and can be used to convert the oral speech in the audio recording into text. This audio recording must subsequently be attached to the interrogation protocol.

Third method—transcription: using a microphone and the appropriate software, oral speech can be converted into text on a technical device (a computer) without saving the audio recording. In other words, technically only the oral speech is converted into text.

An analysis of the existing norms in criminal procedure legislation has shown that it would be advisable to provide in the law for the use of transcription (converting oral speech into text), alongside audio and video recordings, as an additional means of recording. Converting oral speech into text using a microphone as a technical means creates a basis for formalizing the interrogation protocol quickly and economically. Once the oral speech of the person being interrogated has been obtained in text form, the interrogator (investigator) needs to evaluate the content of the testimony and, where necessary, edit the text, because the testimony of the person being interrogated may not always convey its original meaning with sufficient accuracy. In such cases, additional and control questions are used to clarify the testimony. Furthermore, when oral speech is converted into text, software errors may occur in rendering words and sentences, and these require further correction. After this, the interrogation protocol is printed out for the person being interrogated using computer equipment. If the person being interrogated expresses any opinions or remarks, the appropriate corrections are made to the protocol, after which it is printed via a printer, and the electronic copy can be saved for future use during the investigation. Compared with formalizing the interrogation protocol in the traditional way, editing the completed text requires less time, especially when drawing up a multi-page document. In addition, it makes it possible to record testimony verbatim and to take into account the specific features of the speech of the person being interrogated.

As is known, in practice investigators use different approaches to the sequence of conducting the investigative action of interrogation and to drawing up the protocol. Usually, when short testimony is given, investigators listen to the person being interrogated and, after asking clarifying questions, proceed to draw up the interrogation protocol. To record large volumes of testimony, the investigator listens to the person being interrogated about specific circumstances and then records the testimony in the protocol. The person being interrogated is then questioned

again through separate questions about each subsequent circumstance, clarifying questions are put, and after that the testimony is once more written down. In some cases, investigators begin drawing up the protocol from the very start of the interrogation, often stopping the person being interrogated while recording. In such cases, the investigator cannot critically evaluate the testimony, fails to attend to the behavior of the person being interrogated, and exercises little control over the investigative process. The use of speech-to-text tools enables the investigator to focus on communicating with the person being interrogated, to establish psychological contact, to evaluate the testimony given, to make broad use of tactical methods, and so on.

In conclusion, criminalistics faces such important tasks as the active use of modern information-technology tools and artificial intelligence in conducting investigative actions and their introduction into investigative practice. As a modern method of converting oral speech into text, transcription facilitates the completeness and objectivity of recorded testimony, accelerates the process of drawing up interrogation protocols, and makes interrogation tactics more effective.

ШОМИРЗАЕВ САХОДУЛЛА ХАСАНБОЕВИЧ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
кафедра доценти, ю.ф.ф.д. (PhD),
доцент

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш жоиз. Бунда Жиноят кодексига жиноят содир этган вояга етмаган шахсни судланмаган деб ҳисобланиши тартибини белгиловчи ўзгартиришлар, Жиноят-процессуал кодексига эса вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш муддатларини чеклаш, тергов ҳаракатларида педагог ёки психолог иштирокини таъминлаш, қонуний вакил иштирокини кафолатлаш, боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бир қатор нормалар жорий этилди. Хусусан, жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни қайта тарбиялаш, уларда қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шароит яратиш, шу билан бирга, улар томонидан содир этилган қилмиш келгусида ҳаёти давомида доимий тўсиқ бўлиб қолмаслиги, ҳаётда ўз ўрнини топиши, меҳнат қилиши ва ижтимоий муносабатларда чекловларга дуч келмаслигини таъминлаш мақсадида жиноят қонунчилигига ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсни судланмаган деб

ҳисоблашнинг алоҳида тартибини белгиловчи қўшимчалар киритилди. 2025 йил 23 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1092-сон қонуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 77-моддаси тегишли тартибда олтинчи қисм билан тўлдирилди, яъни “ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган ҳисобланади, бундан ўта оғир жиноятлар ёки содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар қасддан янги жиноят содир этиш ҳоллари мустасно”[1] эканлиги белгиланди.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексига ҳам вояга етмаган шахсларни ҳуқуқ ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш қа қўшимчалар киритиилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 3 майдаги “Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-1130-сон Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ, ЖПКнинг 121-моддасининг тўртинчи қисми мазмуни ўзгартирилган ҳолда тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан алмаштирилди. Унга кўра, ЖПКнинг 121-моддаси тўртинчи қисми қуйидагича яъни: “Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомийлиги вояга етмаганнинг ёшидан ва ҳолатидан келиб чиқиши ҳамда:

1) 7 ёшгача бўлганларга нисбатан — танаффусларсиз ўттиз дақиқадан, жами бир соатдан;

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 77-модда. https://lex.uz/docs/111453

2) 7 ёшдан 14 ёшгача бўлганларга нисбатан — танаффусларсиз бир соатдан, жами икки соатдан;

3) 14 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга нисбатан — танаффусларсиз икки соатдан, жами тўрт соатдан ошмаслиги керак”лиги, бешинчи қисми эса “Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини қўшимча сўроқ қилиш сўроқ қилинувчи ишнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бера олиши учун ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган сўроқнинг умумий давом этиш вақти етарли бўлмаган ҳолларда, шунингдек ЖПК 108-моддасининг 2-7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам амалга оширилиши”[1] белгилаб қўйилди.

Бу борада хорижий қонунчилик сифатида Қозоғистон ва Молдова қонунчилиг ўрганилганда, қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 209-моддасига кўра, “Вояга етмаганни сўроқ қилиш кун давомида ўтказилади ва узлуксиз икки соатдан кўп, жами эса кунига тўрт соатдан кўпроқ давом этмаслиги керак”лиги белгиланган. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш кун давомида ўтказилади ва танаффуссиз икки соатдан кўпроқ, жами эса кунига тўрт соатдан кўпроқ давом этмаслиги керак. Агар вояга етмаганда аниқ чарчоқ бўлса, сўроқ муддат тугашидан олдин тўхтатилади[2].

Вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишга оид бу каби қоидалар Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Молдова ЖПКнинг 479-моддасига кўра, “вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини 104-моддага мувофиқ сўроқ қилинади. Ҳар қандай сўроқ танаффусларсиз икки соатдан ортиқ давом этмаслиги ва жами бўлиб кунига тўрт соатдан ошмаслиги керак. Вояга етмаган гумон

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 121-модда. https://lex.uz/docs/111460

[2] Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси https://adilet.zan.kz/eng/docs/K1400000231?utm

қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини сўроқ қилишда ҳимоячи ва ўқитувчи ёки психологнинг иштироки мажбурийдир[1].

Франциянинг вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноятларни кўриб чиқилиши борасидаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, бунда:

биринчидан, ихтисослашган судьяларнинг мавжуд, яъни бу тоифадаги судьялар фақат вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқади ва бошқа судьяларнинг вояга етмаганлар ишини кўришга ваколати йўқ;

иккинчидан, жиноий ножўя ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаан шахснинг психологияси ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилади;

учинчидан, вояга етмаган ҳуқуқбузарга нисбатан жазо қўллашдан олдин унга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари қўлланилади[2].

Дарҳақиқат, жиноят ишлари бўйича нафақат вояга етмаган гувоҳларни, балки вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчиларни ҳам сўроқ қилишни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, шу боисдан жиноят процессуал қонунчилиги билан вояга етмаган айбланувчиларни ҳам сўроқ қилиш тартибини белгиловчи алоҳида қоидалар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 553-моддаси вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш тартибини белгилаб беради. Мазкур модда талабларига мувофиқ, вояга етмаган гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячи, қонуний вакил иштирокида амалга оширилиши, шунингдек, ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчига ва айбланувчига саволлар беришга, сўроқ якунлангач, ҳимоячи ва қонуний вакил баённома билан танишишга ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақли эканлиги, вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир

[1] Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. https://continent-online.com/Document//doc_id=30397729

[2] Франция // Правовые системы стран мира. -М.: Норма. 2000. -С. 526.

соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда олти соатдан ошмаслиги кераклиги белгиланган[1].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳақиқатдан ҳам тўғри психологик алоқа ўрнатиш муҳим ҳисобланади. Лекин вояга етмаган шахс психологиясига сўроқ қилинаётган жой ва сўроқ қилувчининг ташқи кўриниши ҳам салбий таъсир кўрсатиши, яъни унда қўрқув ва ҳаяжон каби ҳисларни кучайишига бу эса уни тўғри кўрсатув бериш имкониятини пасайишига олиб келиши мумкин. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносида, хизмат кийимидаги мансабдор шахс томонидан сўроқ қилиниши болада қўрқув ҳиссини оширади. Бундан ташқари, вояга етмаган шахсларга катта ёшдагиларни тазйиқ ўтказиши ёки сўроқ жараёнида маълум бир мазмундаги кўрсатувларни беришга ундовчи турли хил таъсирлар ўтказиши ёки йўл-йўриқлар кўрсатиши мумкин бўлиб, ушбу ҳолатлар вояга етмаган шахс билан алоқа ўрнатишни қийинлаштиришига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда эса терговчига жиноят иши бўйича ҳақиқатга аниқлашга қаратилган сўроқ қилиш тергов ҳаракати натижасиз бўлаётганлиги салбий таъсир қилмаслиги ва вояга етмаган шахсга руҳий босим ўтказмаслиги муҳим ҳисобланади. Чунки бу сўроқ қилинувчидаги қўрқув ва ҳис-ҳаяжон янада ортишига ҳамда зиддиятли вазиятларни юзага келишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларда эса терговчи вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда юзага келган муаммоли ҳолатни бартараф этиш ва самарали руҳий алоқа ўрнатиш учун вояга етмаган сўроқ қилинувчини ўзини эркин ҳис қилишига шароит яратиб бериши ҳамда вазият назоратини вақтинча ишдаги иштирок этаётган психологга топшириши лозим ҳисобланади. Шу билан бирга терговчи ўз эътиборини психологнинг ҳатти-ҳаракатларига қаратиши, вазиятни тўлиқ назорат қилиши керак. Чунки психолог томонидан ҳам вояга

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 553-модда. https://lex.uz/docs/111460

етмаган шахс билан мулоқот ўрнатишда ва юзага келган муаммоли ҳолатларни бартараф этишда ноўрин усуллардан фойдаланиб қўйишини олдини олиш лозим.

Психолог Александр Лурия бу борада қуйидагиларни баён этади, яъни болаларнинг эслаб қолиш жараёни катталарга нисбатан беқарорроқ бўлишини, стресс ва қўрқув ҳолати кўрсатувларнинг мазмунига таъсир қилишини, тергов муҳити қанчалик босимсиз бўлса, вояга етмаганнинг кўрсатувлари шунчалик ишончли бўлишини таъкидлайди[1].

Америкалик психолог Элизабет Лофтус ўзининг тадқиқотларида болалар хотирасига ташқи таъсирнинг кучли таъсир қилишини илмий жиҳатдан асослаб берган. Унинг фикрига кўра, нотўғри ёки йўналтирувчи саволлар болада сохта хотира шакллантириши мумкин[2]. Шунга ўхшаш фикрларни ўзбек психологи Э.Ғозиев ҳам таъкидлаб, ўсмирларнинг эмоционал таъсирчанлиги юқори эканлигини, улар мулоқот жараёнида катталар таъсирига тез берилишини таъкидлаб, бу ҳолат тергов жараёнида кўрсатувларнинг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкинлигини баён этади[3].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, вояга етмаган шахсни нафақат сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини, балки вояга етмаганлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тергов ҳаракатини амалга ошириш алоҳида билим ва малакага эга бўлган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилиши лозим. Шунинг учун ҳам халқаро норматив-хуқуқий ҳужжатларда акс этган вояга етмаганларга оид ишларни кўриб чиқишда махсус билим ва малакага эга бўлган мансабдор шахслар томонидан қисқа фурсатларда адолатли кўриб чиқилиши лозимлиги борасидаги тавсиялар ва хорижий мамлакатлар

---

[1] А.Р.Лурия Основы нейропсихологии [Текст]: [Для фак. психологии гос. ун-тов]. - Москва: Изд-во Моск. ун-та, 1973. - 374 с.

[2] Elizabeth Loftus, David Miller, Helen Burns, Semantic Integration of Verbal Information into a Visual Memory, 1978.

[3] Э.Ғозиев Психология: [Текст]: Ёш даврлари психологияси: педагогика институтлари ва университетларнинг талабалари учун ўқув қўлланма / - Тошкент : Ўқитувчи, 1994. – 223 б.

тажрибасидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганларни жиноятларини юритиш бўйича алоҳида судья ва терговчи лавозими жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

CHORIEV MIRSARDOR
a teacher at the Department of
Criminal law and criminology
at Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan

ON THE USE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN PAROLE DECISIONS: A PHILOSOPHICAL OVERVIEW

Nowadays artificial intelligence is increasingly being used in many dimensions of human life: from personal communication up to warfare. Legal system, including but not limited to criminal justice system is not immune from this tendency, too. Countries are at different stages of technological development, so the prospective of the deployment of AI tools in the resolution of legal issues is not even around the world. The most developed countries have tried to introduce such tools and already had experienced public backlash. Developing countries, some of them seriously, are considering the utilization of artificial intelligence in their criminal justice systems. Naturally, academics, politicians and conscious citizens are wondering on this issue. We will try to outline the main questions that must be answered for the artificial intelligence to be deployed in legal decision-making.

The first question: why is artificial intelligence becoming increasingly popular? What is its advantage over a human?

In order to answer this question, we should have a basic understanding of what the artificial intelligence is. In general, artificial intelligence is the advanced level of computing. It is the capacity of a computer to scan enormous amount of information, search common features and find patterns. Some people say that artificial intelligence is a computer's ability 'to think' which is, from a scientific point of view, quite a premature claim, at least now.

In short, artificial intelligence may scan huge amount of information quickly, much faster than a person can do. That is commonly held to be the main advantage of artificial intelligence. It means that the use of artificial intelligence allows that much work can be done during the little time. Since criminal justice systems in many countries are becoming increasingly stretched due to mounting workload, governments around the world hope the artificial intelligence to be the relatively fast (and cheap) solution.

We have tried to comprehend the nature of the AI and its possible advantage over a human. And now we turn to the next question: do people accept artificial intelligence as a tool for decision-making in criminal justice?

Here we have several objections. The first one is a purely philosophical objection. Specifically, some people maintain that, since criminal justice is concerned with the fate of individuals, decision-making process here should not be passed to the computer equipped with artificial intelligence. It is because human is considered to be 'the lord of the world'. Possibly, human is the cleverest creature in the universe, nobody and nothing else can be equal to him.

So, if decisions about justice and punishment are made by the AI, then it would mean that essentially a human is granting the computer a power of him. Such a situation would damage a human's status of lordship in the world. Conservative people would possibly reject such a change. It is because people have throughout their history, and especially after Industrial revolutions dominated the order in the world and are used to master the world around him. The deployment of the Artificial intelligence would possibly end such a monopoly. Personally, I somehow support this objection. And I think that such an objection is legitimate because eventually it comes down to the issue of self-esteem which is the very essence of a human's nature.

The next objection against the use of artificial intelligence is a religious one. We can't ignore the fact that most people around the world have some

kind of faith. Those people sincerely believe that anything and anybody in the universe, including a human, are created and governed by supernatural force that is out of the scope of human imagination, let alone of human perception. And religious people think that God, as a sole master of the world, gave soul to nobody, but a human, so the most wonderful, complex and responsible activity in the Earth must be conducted exclusively by human. As I have already mentioned above, criminal justice concerns the most sensitive aspects of human life. Therefore, from religious perspective, issues of guiltiness and social harm shall be performed by people themselves. The use of artificial intelligence would put people in an awkward situation when soleless thing could decide on life or death of mortal people.

Considering the possibility of the use of artificial intelligence it should not be taken for granted that AI always takes right decisions. Although earlier we mentioned that AI has an advantage over human in the speed of analyzing the information, in fact, it is difficult to comprehend, let alone explain, how AI performs its task. Unarguably, the work of artificial intelligence is not equal to a human's thinking. The foundation of AI is the complex algorithm of finding probabilities on the basis of input data. More simply, first you need to load the initial dataset, for example, 1000 parole decisions and information about convict's behavior after release. Then You ask the AI to find features common to those convicts who did not commit crime after their release. Then You analyses this data and assign weight to each feature and train your AI assistant to process initial data, count features and answer the question: How much is it possible that convict with particular characteristics commits crime after his release? Artificial intelligence then, relying on the initial dataset and assigned weight of features, try to find patterns and give you most typical possible outcome, for example: "Man prisoner convicted of drug dealing at the age of 38 and having served 6 years of term commits a new crime after release in 84% of cases, so the particular prison of this type should not be released".

It appears that such AI tool can be of great help for courts and probation service. But we must not be impelled to introduce AI in criminal justice system. Because, as I have pointed out, the AI, analysing information, advices You the most common and typical anticipation. But would such a decision be acceptable for criminal justice system, and specifically, in parole decisions? Here the matter is rather complicated. Ideally, decision on parole must be taken responsibly in each individual case after careful consideration of all relevant circumstances where the question to be answered is whether a convict could pose a danger to society if he is released. However, when decision-making process is transferred from human to AI, it may become more routinised. The danger here is that a fate of a particular convict would heavily depend not on his heart and mind, but on the average rate of recidivism for offenders with common features. When unique relevant circumstances are disregarded in a particular case, the possibility of an unfair decision raises. Such a situation would contradict morality, because a convict would be treated as a creature of little significance, not as an equal moral agent with his soul and beliefs.

When we elaborate on the mechanism of work of the AI, we should be cautious that it is not the same with human thinking. In other words, AI calculates the probability through the ‘black box’ of complex mathematical algorithms. However fast and precise it is, the AI, unlike from human, lacks the key quality necessary for legal decision-making: judgement. Decisions on parole require the judgement which, apart from mechanical calculation of probability, is also about emotions and empathy. Of course, decision-makers in criminal justice system often try to avoid the influence of sentiments and subjective opinion on their decisions, but, actually, a human can’t and shouldn’t completely ignore its inherent feelings.

In the beginning of my thesis, I have mentioned that some developed countries attempted to deploy artificial intelligence. For example, in the US the AI has been used by Parole Boards in order to facilitate their workflow. But, so far, the experiment has been unsuccessful. Why? The main reason

lies in the quality of initial dataset. It is widely recognized that in the US and some other First World countries the criminal justice system, as many other dimensions of social life, has historically been impacted by racism. That is why particular segments of population have been targeted by criminal justice system more widely than others. As a result, the input data for the artificial intelligence reflected that historical oppression. It has led to the situation that a convict belonging to a marginalized group would be of heightened risk for society despite the other mitigating circumstances, because, the input data showed that people of his background are more likely to reoffend.

Well, we have reviewed the main objections against the use of artificial intelligence in criminal justice, namely, parole decisions. The next question which shall be answered: is it possible to deploy the artificial intelligence in spite of those objections?

Of course, people have generally been reluctant to accept a novation which somehow contradicts their established beliefs and customs. Overcoming stereotypes is time-consuming process. The first thing which must be avoided by governments is to try to accelerate the deployment of AI in their criminal justice systems. It can hardly be stated that nowadays criminal justice systems around the world are operating smoothly. But it is also the case that premature introduction of the AI could make things even worse.

It is true that decision-making process by the artificial intelligence is complicated and not transparent. Even people who deploy such systems themselves can't explain confidently how it came to its decision in a particular case. Such limitations of the AI could be overcome by two means: first, the quality of an initial dataset, and second, careful design of an algorithm. When preparing the input data, it is important to make it as representative as possible and take into account historical context, so that particular common features would not unduly influence the big picture of things. Then, when an algorithm is designed, it must rely on the responsible consideration of relevant circumstances. In general, the creation of the AI

system for criminal justice system, and namely, for issues of parole, is very complicated task. This task can never be performed by coders alone, but needs collaboration of professionals in various spheres: jurists, psychologists, police officers, programmers, etc.

In my view, at current state of affairs, the AI may promise optimism, but we should not consider it as a panacea. Even in the best scenario, it is a mistake to grant the AI power to make decisions independently. The main reason is that not everything that matters can be converted into numerical data and put into the AI. It means that however scrupulously the artificial intelligence system is designed, its decisions would be imperfect anyway and thus require human oversight.

Artificial intelligence is better regarded as a tool assisting a human, not replacing him. Parole Boards and courts could try to use the AI in order to manage their limited resources more effectively, but with additional consideration of each case by human professionals, because any unfair decision has long-term negative consequences for society and damages trust to criminal justice system.

ЭСАНАЛИЕВ САДРИДДИН НУРИДДИН ЎҒЛИ
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
кафедра ўқитувчиси, ю.ф.ф.д (PhD)

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ ТЕХНИК ЙЎСИНДАГИ КАМЧИЛИКЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ИШНИ ПРОКУРОРГА ЮБОРИШ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: *Мақолада дастлабки терговнинг техник йўсиндаги камчиликларини бартараф этиш учун ишни прокурорга юбориш асослари, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, процессуал муддатлари, жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш масалалари илгари сурилган.*

Аннотация: *В статье выдвинуты положения о направлениях уголовного дела прокурору для устранения технических недостатков предварительного расследования, о правах и обязанностях участников процесса, о процессуальных сроках, а также о вопросах совершенствования уголовно-процессуального законодательства.*

Annotation: *The article advances provisions concerning the referral of a criminal case to the prosecutor for the elimination of technical deficiencies in the preliminary investigation, the rights and obligations of the parties to the process, procedural time limits, as well as issues related to improving criminal procedure legislation.*

Калит сўзлар: *дастлабки тергов, техник йўсиндаги камчиликлар, суд ажрими, прокурорга юбориш, айбланувчи, судья, прокурор.*

Ключевые слова: *предварительное расследование, технические недостатки, судебное определение, направление дела прокурору, обвиняемый, судья, прокурор.*

Key words: *preliminary investigation, technical deficiencies, judicial ruling, referral of the case to the prosecutor, accused, judge, prosecutor.*

Суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар деганда, “*жиноят ишида айбланувчи*

тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор, айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор ёзувида йўл қўйилган хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик хатолар тушунилади"[1].

Жиноят процессининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичида иш юритишнинг асосий воситалари сифатида процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилади. Улар қаторига *айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида*, *айблов далолатномаси, айблов хулосаси, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги қарор* ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Мазкур процессуал ҳужжатларда йўл қўйилган ҳарфий, арифметик, техник йўсиндаги хатолар жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Масалан, йўл қўйилган хатолар айбланувчининг ҳуқуқлари чекланишида, суднинг ишни моҳиятан кўришида, айблов мазмунида аниқликнинг йўқлигида, процессуал ҳужжатнинг юридик аҳамиятида кўринади.

Эндиликда, юқорида қайд этилган техник йўсиндаги камчиликларнинг айрим турларига тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Арифметик хатолар сифатида айблов далолатномасида ёки айблов хулосасидаги рақамлар, саналар, ҳамда ҳисоб-китоблар нотўғри кўрсатилиши билан боғлиқ ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин. Мисол учун, суриштирув, дастлабки тергов босқичидаги процессуал ҳужжатда терговчи (суриштирувчи) томонидан айбланувчи А.А.А томонидан содир этилган жиноят 2024 йил 15 январда деб кўрсатилган, ваҳоланки, жиноят иши бўйича тўпланган далилларга кўра воқеа 2023 йил 15 январда содир этилган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.05.2022 йилдаги "Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли Қарори. https://lex.uz/uz/docs/6033146.

Ёки, шахсга айб эълон қилишда жиноят натижасида етказилган зарар миқдори 58.000.000 сўм деб кўрсатилган, бироқ жиноят ишида мавжуд бўлган далилларга кўра етказилган зарар 38.000.000 сўм деб қайд этилган. Юқоридаги ҳолатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят ишларининг ижтимоий хавфлилиги, таснифланиши, зарар миқдори бўйича турли талқинларни юзага келтириши ва суднинг жиноят ишларини моҳиятан кўришда қийинчиликларни юзага келтириши табиий.

Амалдаги қонун ҳужжатларида арифметик хатолар тушунчасига юридик тариф берилмаганлиги боис илмий-назарий жиҳатдан мазкур тушунчага қуйидагича муаллифлик тарифи ишлаб чиқишни жоиз деб биламиз.

Арифметик хатолар — жиноят иши материалларидаги ҳисоб-китобларга, рақамли кўрсаткичларга, сана ва вақт кўрсаткичларига, моддий зарар миқдорига, экспертиза хулосасидаги рақамли маълумотларга, жиноят квалификациясига таъсир этувчи рақамли фактларга доир йўл қўйилган хато, чалкашлик ва аниқликнинг йўқлиги билан боғлиқ техник бузилишлар ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳарфий (имло) хатоларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти мисолида асослантирадиган бўлсак, айбланувчининг Ф.И.Ш, манзили, паспорт маълумотлари, жиноят кодекси моддаси қисмлари нотўғри ёзилиши кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Мисол учун, фуқаро Б.А.га нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят ишининг айблов хулосасида айбланувчининг ҳаракатларида ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди аломатлари кўрсатилиши, ёки, айбланувчининг фамилияси *Каримов* ўрнига *Каримонов* деб ёзилиши, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича қарорда шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми нотўғри кўрсатилгани каби.

Бизнингча, бундай ҳолатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Юқоридаги

мисоллардан келиб чиққан ҳолда ҳарфий (имло) хатолар тушунчасига қуйидагича муаллифлик тарифи ишлаб чиқишни жоиз деб биламиз.

Ҳарфий (имло) хатолар — процессуал ҳужжатларнинг матний қисмларида процесс иштирокчиларининг фамилияси, исми, отасининг исми, манзиллар, жиноят моддалари бандлари, ҳодиса жойлари каби идентификация учун мажбурий бўлган маълумотларни нотўғри ёзиш, ҳарфни тушириб қолдириш, алмаштириб юбориш, имло қоидаларини бузиш натижасида юзага келадиган расмий-техник хато тури ҳисобланади.

Ёзув-техник хатолар сифатида процессуал ҳужжатларнинг расмий бўлиши учун зарур бўлган қисмларнинг йўқлиги, бошқа процессуал ҳужжатлар билан номувофиқлик, жиноятнинг қисқача баёнини нотўғри ифодаланиши ҳолатларини келтириб ўтиш мумкин. Мисол тариқасида айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани ҳақида белгилар бор, лекин ваколатли шахсларнинг имзоси қўйилмагани каби.

Бизнингча, ***ёзув-техник хатолар*** - процессуал ҳужжатнинг расмийлаштирилиши, тузилиши ва матний-ташкилий қисмидаги техник бузилишлар бўлиб, ҳужжат шакли, реквизитлари, таркибий қисмларининг етишмаслиги, ҳужжатнинг бошқа материаллар билан мувофиқ келмаслиги, хронологик кетма-кетликнинг бузилиши, процессуал ҳужжатлар (баённома, қарорлар) ўртасида тафовутлар мавжудлиги каби ҳолатлар билан ифодаланади. Бир сўз билан айтганда ҳужжатнинг шакл, таркиб ва расмийлаштириш меъёрларига оид техник бузилишлардир.

Статистик маълумотларга кўра *2022-2025* йилларда жами *518 та* жиноят ишлари (*839 нафар шахс*) судлар томонидан амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 401^1-моддаси тартибида прокурорга юборилган. Хусусан, 2022 йилда 76 та иш (*117 нафар шахс*), 2023 йилда 75 та иш (*114 нафар шахс*), 2024 йилда 127 та иш (*242 нафар*

шахс), 2025 йилда 240 та ишлар (*366 нафар*) бўйича суд ажримлари расмийлаштирилган.

Мазкур таҳлилий маълумотдан кўринадики, суд ажримлари *2023 (75) – 2024 (127) йилларда* ***+69.3%га****, 2024 (127)- 2025 (240) йилларда* ***+88,9 %га****, 2022 (76)- 2025 (240) йилларда* ***+216 %га*** *ошган*. Бу эса, жиноят ишлари бўйича йўл қўйилган техник хатолар жадал ўсаётганлигини, процессуал ҳужжатлар сифати устидан назорат етарли эмаслигини кўрсатади.

Бу борада амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида қандай қоидалар белгиланганлигига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги[1] қонунига кўра Жиноят-процессуал кодекси 401[1]-модда (дастлабки терговнинг техник йўсиндаги камчиликларини бартараф этиш учун ишни прокурорга юбориш) билан тўлдирилди.

Амалдаги ЖПКнинг 401[1]-моддаси биринчи қисмига асосан “*Суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар, шу жумладан ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик хатолар аниқланган тақдирда, судья уларни бартараф этиш учун ишни прокурорга юбориши*, мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра *“техник йўсиндаги камчиликлар бартараф этилганидан ва иш прокурор томонидан қайтарилганидан кейин беш*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.

сутка ичида суд ушбу Кодексда белгиланган умумий қоидаларга кўра жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун тайинлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиши”[1] қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “*Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида*”ги Қарорининг 3-бандига мувофиқ “Судья ЖПК 395-моддасининг биринчи қисмига кўра, жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш чоғида қонуннинг ушбу нормасида назарда тутилган ажримлардан бирини ёки ЖПК 401[1]-моддасининг биринчи қисмига кўра ишни дастлабки терговда йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин”[2].

Бироқ, амалдаги ЖПКнинг 395-моддаси биринчи қисмида судья жиноят ишини айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги яъни *ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш, ишни судда кўриш учун тайинлаш, дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги* ажримлардан бирини чиқариши кўрсатилган.

Юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Олий суди Пленумининг қарорида кўрсатилган “*дастлабки терговда йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга юбориш тўғрисида”ги* ажрим амалдаги ЖПКнинг 395-моддаси биринчи қисмида кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 25-моддаси 4-қисмига кўра “*қонунчиликни қўллаш*

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; 03/25/1038/0188-сон. https://www.lex.uz/docs/111460.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. 26-банд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги 39-сонли қарори таҳририда. https://www.lex.uz/uz/docs/6033146

масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир".

Бизнинг қарашимизча, амалдаги ЖПКнинг 395-моддаси биринчи қисмини *"Судья жиноят ишини айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради: 1) ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисида; 2) ишни судда кўриш учун тайинлаш ҳақида; 3) дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида"; **4) "ишни дастлабки терговда йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга юбориш тўғрисида"*** деб қайд этиш таклиф этилади.

Амалдаги ЖПКнинг 401^1-моддаси талабларига кўра судья жиноят ишидаги техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун ишни прокурорга юбориши, техник йўсиндаги камчиликлар бартараф этилганидан ва иш прокурор томонидан қайтарилганидан кейин беш сутка ичида суд умумий қоидаларга кўра жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун тайинлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиши кўрсатилган.

Бироқ, амалдаги ЖПК талабларида жиноят ишида аниқланган техник йўсиндаги камчиликлар *қанча муддатда бартараф этилиб прокурор орқали судга қайтариш масалалари кўрсатилмаган*. Бу эса жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли талқинларни юзага келтириши мумкин. Бу борада айрим процессуалистлар техник йўсиндаги камчиликлар бартараф этилиб прокурор орқали судга қанча муддатда қайтариш масалаларини амалдаги ЖПКда аниқ белгилашни илгари суради.

“Судларнинг ажримларига асосан қўшимча процессуал ҳаракатларни ўтказиш ва тергов давомида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш тартиби тўғрисида”ги Қўшма кўрсатманинг *(18.06.2018 йилдаги)* 17-банди талабларига кўра суриштирув ва тергов органлари техник йўсиндаги камчиликларни *5 сутка* ичида бартараф этиб, ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаган прокурор орқали қайтариши қайд этилган.

Бундан ташқари, қўшма кўрсатма талабларига мувофиқ жиноят иши ЖПКнинг 401^1-моддаси тартибида қайтарилганида *иш бўйича қўшимча процессуал ҳаракатлар ўтказилишига, шу жумладан, айбловни ўзгартириш, тўлдириш ёки тугатиш, шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилиш, эҳтиёт чорасини қўллаш ёки ўзгартириш, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишини бирлаштириш ёки ажратиш, жиноят ишини ёки унинг қисмини тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилишга* ***йўл қўйилмаслиги*** қайд этилган.

Шу ўринда агар судья жиноят ишидаги техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун ишни прокурорга юборган вақтда, *айбланувчи яширинган ҳолларда жиноят ишининг кейинги тақдири нима бўлади? бундай ҳолларда жиноят ишини юритишга бевосита масъул бўлган ходимлар қандай процессуал ҳаракатларни амалга оширади?* деган турли саволларни юзага келтириши табиий.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда бу борада аниқ тартиб-таомиллар белгиланмаган.

Бизнинг қарашимизча, дастлабки терговнинг техник йўсиндаги камчиликларини бартараф этиш учун прокурорга юборилган жиноят ишлари бўйича қандай ҳаракатлар амалга оширилиши билан боғлиқ аниқ тартиб-таомилларни амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят ишларини судга юборишда техник хатоларни камайтиришнинг энг самарали йўли процессуал ҳужжатлар айланишини **рақамлаштириш ва автоматлаштирилган текширув механизмларини жорий этишдир**.

Ўзбекистон жиноят процессида AI технологияларини жорий этишда уни *қарор қабул қилувчи субъект эмас, балки техник хатоларни аниқловчи, процессуал ҳужжатлар ўртасидаги номутаносибликларни кўрсатувчи ва прокурор назоратини кучайтирувчи ёрдамчи восита сифатида белгилаш* мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги қайдлардан келиб чиққан ҳолда айрим субъектив қарашларни илгари суришимиз мумкин.

Жиноят иши бўйича айблов хулосаси, айблов далолатномаси, айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарор ва бошқа процессуал ҳужжатлардаги техник хатолар асосан терговчи, прокурор ёки судья томонидан қўлда текширилади. Бу эса инсон омили сабабли хатоларнинг суд босқичигача етиб боришига олиб келади.

Бизнингча, жиноят иши доирасида **AI-ҳуқуқий текширув тизими** жорий этилиши ва у қуйидаги хатоларни автоматик аниқлаши мақсадга мувофиқ деб биламиз. Масалан, айбланувчининг Ф.И.Ш, туғилган санаси, паспорт маълумоти ва манзилидаги номутаносибликлар, жиноят кодекси моддаси, қисми ва банди нотўғри ёзилган ҳолатлар, зарар миқдори, сана, вақт, рақам ва ҳисоб-китоблардаги арифметик хатолар, айблов хулосаси ва иш материаллари ўртасидаги мазмуний тафовутлар, имзо, сана, муҳр, лавозим, процесс иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар, бир ҳужжатдаги маълумот бошқа ҳужжатда бошқача кўрсатилган ҳолатлар каби. Мазкур тартиб-таомиллар амалда жорий этилиши асносида амалдаги ЖПКда “*Суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини судга юборишдан олдин процессуал ҳужжатларни махсус тизими орқали техник, арифметик ва ёзув хатолари юзасидан*

автоматлаштирилган текширувдан ўтказиши шарт” деган қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Бизнингча бу механизм суд томонидан ишни прокурорга қайтариш ҳолатларини камайтиради, тергов ҳужжатларининг сифатини оширади ва техник хатоларни суд босқичигача бартараф этиш имконини беради.

Бундан ташқари, судлар томонидан ишларни амалдаги ЖПК 401[1]-моддаси асосида прокурорга юбориш ҳолатлари статистик жиҳатдан мавжуд бўлса-да, қайси турдаги техник хатолар кўпроқ учраётгани, қайси орган ёки ҳудудда бундай камчиликлар кўплиги, қайси тергов ҳужжатларида хатолар такрорланаётгани тўлиқ таҳлил қилинмайди. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа тергов органлари ахборот тизимлари интеграцияси асосида *“Техник хатолар электрон реестри”* жорий этилиши ва мазкур реестрда процессуал хатонинг тури, хато қайси ҳужжатда аниқланганлиги, хатони бартараф этиш муддати, масъул шахс, хатолар қайта содир этилганлиги билан боғлиқ маълумотлар акс эттирилиши лозим. Бизнингча бу нафақат процесессуал хатоларни тузатиш, балки унинг сабабини аниқлаш имконини беради.

АЛИХОДЖАЕВ КОМИЛ КАДИРОВИЧ
Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи, мустақил изланувчиси

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация. *Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий аҳамияти ва долзарблиги баён этилган. Муаллифнинг фикрига кўра, бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини янада ошириш йўналишида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасига мазкур соҳада прокурор назоратини самарали ташкил қилиш муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар: *прокурор назорати, бандлик, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати.*

Азалдан инсоният яратилибдики, шахсларнинг меҳнат билан бандлиги асосий вазифалардан бири бўлиб келган. Жамият ва давлат вужудга келганидан кейин эса, аҳолининг бандлигини таъминлаш энг асосий масалалардан бири ҳисобланган.

Зеро, аҳолининг самарали меҳнат қилиши, моддий манфаатдорлигини ошириш учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ҳаёт даражасини юксалтиришнинг муҳим омилидир.

Чунончи, ҳар йили аҳоли сони ошиб бориши сабабли меҳнат бозорига минглаб янги фуқаролар кириб келади, уларни бандлигини

таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва фуқароларни муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар ташкил қилиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини самарали таъминланишининг аҳамияти хусусида кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида қайд этишган.

Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб борган Д.В.Зябликов фикрича, самарали бандликни таъминлаш чуқурроқ илмий ўрганиш ва тушунишни талаб қилади[1].

Н.А.Волгин “Меҳнат бозори ва аҳоли даромадлари” дарслигида қайд этилишича, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида самарали бандлик муносиб даромад, соғлиқ ва жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ижтимоий нумдорликни ошириш асосида ва касбий ривожланишни таъминлайдиган бандлик сифатида белгиланади[2].

Д.В.Зябликовнинг фикрича, самарали бандлик тушунчаси барча иқтисодиётлар учун умумийдир. Иқтисодиётда самарали бандлик шаклланади ёки иқтисодий тизим қулайди[3].

Аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Хусусан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948), Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бандлик сиёсати тўғрисида” (1964), “Бандликка кўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (1988) Конвенциялар соҳага оид халқаро ҳужжатлар ҳисобланади.

Шунингдек, БМТнинг аҳоли турмуш даражасини ошириш, бандлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ва ривожланиш учун шарт-шароит, соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро муаммоларни ҳал қилиш

---

[1] Зябликов Д.В. Теоретические аспекты эффективной занятости населения // Электронный журнал Исследовано в России, 2004. http://zhurnal.ape.relarn.ru/articles/2004/ С.3-4.

[2] Рынок труда и доходы населения: Учеб. пособие/Под ред. Н.А. Волгина.. – М.: Информационно-издат. дом «Филинъ», 1999. (С. 32)

[3] Зябликов Д.В. Теоретические аспекты эффективной занятости населения // Электронный журнал Исследовано в России, 2004. http://zhurnal.ape.relarn.ru/articles/2004/ С.5-6.

учун иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя соҳасиа етакчи орган сифатида Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЕКОСОС) ташкил этилган.

Конституциямизнинг 43-моддасига кўра, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Сўнгги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида муҳим ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиб, аҳоли бандлиги муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий қонунчилик тизими такомиллаштирилди.

Жумладан, Меҳнат кодекси ҳамда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун умуман янгитдан ишлаб чиқилди, 30 дан ортиқ Президент Қарор, Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Эътибор берсак, аввалари, аниқроғи 2020 йилга қадар аҳоли бандлиги 1992 йилда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солиниб, бандликни таъминлаш фақатгина ишга жойлаштиришни назарда тутган.

Пировард натижада, аҳоли билан ишлаш маҳалла даражасигача тушурилди, ҳар бир маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлашга бевосита масъул бўлган ҳоким ёрдамчилари, маҳалла банкирлари фаолияти йўлга қўйилди, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва даромадини ошириш бўйича имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш тизими соддалаштирилди, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга эътибор кучайтирилди.

Натижада, аҳоли бандлигини таъминлаш аввалги фақат иш билан таъминлаш, ишга жойлаштиришдангина иборат бўлмай, балки, ўзини ўзи банд қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорликка жалб қилиш, деҳқон хўжаликлари ва томорқа майдонларидан самарали фойдаланишга қаратилган.

Шунингдек, Республикада ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланадиган дастурларни амалга ошириш, бўш ва квоталанадиган иш ўринларига ишга жойлаштириш

механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларини ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида аҳоли бандлиги соҳасидаги асосий принциплар белгиланган.

Унга кўра, ушбу соҳадага асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

бандлик турини танлашнинг ихтиёрийлиги ва эркинлиги;

аҳоли бандлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

камситишга йўл қўйилмаслиги;

шаффофлик ва очиқлик;

ишсизликдан ҳимоя қилиш ва ишга жойлашишда, касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ҳамда малака оширишдан ўтишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш излаш ва ишга жойлашиш учун ҳуқуқни таъминлаш;

касб эгаллаш ва ишга киришдаги, меҳнат қилиш ва бандликни таъминлаш шароитларидаги, меҳнатга ҳақ тўлашдаги, хизмат поғоналари бўйича кўтарилишдаги имкониятлар тенглигининг кафолати;

мажбурий меҳнатни тақиқлаш, яъни бирон-бир жазо қўллаш таҳдиди билан иш бажаришга мажбурлашни тақиқлаш[1].

Ҳозирги вақтда Президентимиз томонидан қонунлар қоғозда эмас, амалда қатъий бажарилиши, ислоҳотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб бориши, юртдошларимиз уларнинг самарасини ҳаётида доимо ҳис қилиши зарурлигига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли бандлиги, янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш, экологик муҳитни, табиий бойликлар ва маданий меросимизни асраб-авайлаш борасидаги ишларимиз жадал давом эттирилади[2].

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат буюртмасини шакллантириш орқали кўмаклашиш;

ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси. https://lex.uz/docs/5055690

[2] Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати. Ҳуқуқ газетаси, 3 (1408), 2024 йил 18 январь

аҳоли бандлиги соҳасида замонавий касбий стандартларни жорий этиш, меҳнатни нормалаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларини такомиллаштириш;

аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш;

ишга жойлаштириш жараёнларига илғор ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишида кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш[1].

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорида ҳали-ҳамон юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари ҳал этилмаяпти.

Ишга жойлаштириш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Ишлаб чиқариш кадрлари кўпинча иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда касбга тайёрланмоқда ва қайта

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси. https://lex.uz/docs/5055690

тайёрланмоқда. Оқибатда меҳнат бозорида айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатилмоқда[1].

Шунингдек, ташкил этилган иш ўринларининг ҳисобини юритиш ва ҳаққонийлигини таъминлаш масалаларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Бу ҳолатлар ўз навбатида, соҳада қонунчилик ижроси устидан назоратни янада такомиллаштиришни тақазо этади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзларининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” номли асарида ““Қонун устувор, жазо муқаррар” тамойили прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиши, бунинг учун мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очиқ ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асослари яратилиши лозим” - деб таъкидлаган эди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳада қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш прокурор назоратининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, шунингдек прокурорларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Конституциямизнинг 143-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

[1] LEX.UZ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қароридан олинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш жоизки мамлакатимизда барча йўналиш ва соҳаларда, шу жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурорлик назорати амалга оширилади.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги бевосита назорат фаолиятини тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлиб, уларга қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари билан белгиланади.

Зеро, “прокуратура томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг асоси қонунлар билан, унинг батафсил тартибга солиниши эса прокуратуранинг ўз норматив ҳужжатлари билан ўрнатилади[1].

Бош прокурорнинг 24.11.2017 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сон буйруғида аҳоли бандлигини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларнидан бири эканлиги белгиланган.

---

[1] Дворецкий М.Ю. Приоритетные направления деятельности прокуратуры Российской Федерации при реализации правозащитных функций и обоснованному привлечению к ответственности // «Вестник ТГУ», 2015, №5 (145). – С. 203 // URL: https:// cyberleninka.ru/article/n/prioritetnye-napravleniya-deyatelnosti-prokuratury-rossiyskoyfederatsii-pri-realizatsii-pravozaschitnyx-funktsiy-i-obosnovannomu. С.203.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларда прокуратура органларига муҳим янги вазифалар юклатилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш усуллари кўп жиҳатдан жамиятнинг ривожланиш даражасини кўрсатади.

Ушбу масалада ҳуқуқшунос олим В.Г.Бессарабовнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Унинг айтишича, қонунлар ижросини амалга оширишда прокурор назоратининг вазифаларини доимий қилиб белгилаб қўйиб бўлмайди, улар давлат ва жамиятда содир бўладиган иқтисодй, ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида ўзгариб туради[1].

Аҳамиятлиси, Давлат Раҳбари раислигида ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа қайси соҳа бўлмасин ўтказилган видеоселектор йиғилишларида ҳамда ҳудудларга ташрифларида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш асосий ўринни эгалламоқда, бу борада прокурорларга ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилмоқда.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масаласи нафақат соҳада қонун устуворлигини таъминлашга, балки аҳолининг турмуш-тарзини янада яхшилаш, уларнинг барқарор даромадга эга бўлишида ҳал қилувчи муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланади.

[1] Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М.: 2006. –С.189-190.

БАБАЕВ АДИЛЖОН МАХАМАДЖАНОВИЧ
Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади, зотан, бундай ҳолат бир неча омиллар билан тавсифланади, жумладан, бир томондан, болалар катталар эга бўлган ва фойдаланадиган ҳуқуқларнинг ҳаммасидан ҳам фойдалана олмайдилар, иккинчи томондан эса, айнан уларнинг ҳали вояга етмаганликлари боис давлат ва жамият томонидан алоҳида ғамхўрона муносабат кўрсатилиши ва айрим имтиёзлар берилиши талаб этилади.[1]

Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби алоҳида 60-бобда кўрсатилган бўлиб, ҳозирги замон ривожланган чет мамлакатларнинг жиноят қонунчилигига мос келади ва у 1985 йилда БМТ томонидан қабул қилинган вояга етмаганлар тўғрисидаги стандартлар, 1989 йилдаги БМТнинг болаларни ҳимоя қилиш Конвенцияси асосида ва бошқа халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган. Бу тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишлари юритишни алоҳида бобда кўрсатилиши қонунларнинг уларга нисбатан ўзга меъёрлар асосида қўлланиши билан боғликдир.

Вояга етмаганлар деб, давлат Конституциясида ва бошқа қонунларида кўрсатилган фуқароларнинг бурч, ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш учун белгиланган ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилади.

[1] Ғанибоева Ш. Международный механизм контроля реализации конвенции о правах ребенка. // Давлат ва ҳуқуқ. -2022. -№2.- Б.31.

Вояга етмаганлар деб, давлат Конституциясида ва бошқа қонунларида кўрсатилган фуқароларнинг бурч, ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш учун белгиланган ёшга тўлмаган шахслар назарда тутиладиҳолатларини ҳисобга олиш эътиборга моликдир. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларда бир томондан етуклик аломатлари, яъни уларда мустақилликнинг шаклланиши, ўзини тута билиш ва идора қилиши намоён бўлса, иккинчи томондан уларда ижтимоий улғайишнинг давом этаётганлиги (мактаб ёки бошқа билим даргоҳида ўқишни давом эттириши, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, муомала лаёқатининг ривожи) кўринади.

“Вояга етмаганларга ортиқча кескин фикрлаш, тез жаҳл чиқиши, ўзини тута билмаслик, вазиятни тўла баҳолай олмаслик ҳолатлари мос келади. Бу ёшдагиларнинг ўзига хос томонларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда чекинишлар қилишга ва қўшимчалар киритишга тўғри келади”.[1]

Ҳали характери шаклланиб улгурмаган ёшларга нисбатан “хавфли ёшда” деган ибора қўлланади. Катта бўлса, ақли кириб қолади, дейишади. Бу ҳолатда фақат вақтнинг кучига ишониш қийин. Етуклик фақат йиллар ўтиши билан келиб қолмайди, у инсонлар, жамият ва қонун олдида масъулиятни ҳис қилиш билан кириб келади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш умумий жиноятчиликка қарши курашнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва, фикримизча, умуман жиноятчилик сабаблари вояга етмаганлар жиноятчилиги сабаблари билан узвий боғликдир.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларига қарши курашни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий билим доираларини кенгайтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳар бир ҳуқуқбузарнинг тақдирини ҳал этишда бурч ва жавобгарлик ҳиссини ошириш, жамоат

[1] Астемиров З.А. Уголовная ответственность и наказание несовершеннолетних. –М.: 1970. – Б.20.

тартибини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини кўриш, озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш, уларни тузатиш ва қайта тарбиялаш бўйича дифференциялашган усул қўллаш имкониятларини беради.

Бу йўналишда “Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тегишли БМТ қоидаларининг минимал стандартлари” га қўшилиш ниҳоятда муҳимдир. Бу қоидалар лойиҳасини ишлаб чиқиш 1984 йил 14-18 май кунлари Пекинда БМТнинг VII Конгрессида ҳудудлараро тайёрлов йиғилишида тугалланганлиги сабабли ҳам “Пекин қоидалари” деган номни олган резолюцияда, “...зарур ҳолларда ўз миллий қонун ҳужжатларини, сиёсатини ва амалиётини, айниқса вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ мутахассисларни тайёрлашда Пекин қоидаларига мослаштириш ва ушбу қоидаларни тегишли органлар ва кенг жамоатчилик эътиборига етказиш» тавсия этилади.

Бу ўринда “Ёшлар ўртасида тинчлик, халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч ғояларини тарқатиш тўғрисидаги” Декларацияни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу Декларация 1965 йил 7 декабрда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган. Унинг принципларидан бири - ёшларни барчанинг ирқи, ранги, этник келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, шаъни ва тенглигини ҳурмат қилиш асосида, шунингдек инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларига ишонч руҳида тарбиялаш лозимлигидир.[1]

Хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят ишларини юритишда, аввало, жазолашдан кўра тарбиявий ва реабилитацион ёндашув устувор аҳамият касб этади. Хусусан, Германия жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан махсус ювенал одил судлов тизими

[1] Инсон ҳуқуқлари. Умуминсоний ва миллийликнинг бирлиги. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва қонунлари тўплами. -Т.: 4.-Т, 1999. – Б.337-339.

шакллантирилган бўлиб, унда суд томонидан шахснинг ёши, руҳий ҳолати, ижтимоий муҳити ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади.[1] Мазкур давлатда вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш чораси сўнгги восита сифатида қўлланилиб, асосий эътибор ижтимоий мослаштириш ва қайта тарбиялашга қаратилган.

Шунингдек, Япония тажрибасида вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқишда Оила судлари институти муҳим ўрин тутади.[2] Япония қонунчилигига кўра, вояга етмаган шахс содир этган ҳуқуқбузарлик ҳолатида суд нафақат қилмишнинг ҳуқуқий жиҳатларини, балки боланинг оилавий муҳити, ахлоқий тарбияси ва келгусида тузалиш имкониятларини ҳам баҳолайди. Бу эса профилактика ва ижтимоий реабилитация механизмларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

АҚШда эса ювенал юстиция тизими алоҳида мустақил институт сифатида ривожланган бўлиб, унда вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кафолатлар кенг қўлланилади.[3] Жумладан, ҳимоячи иштирокининг мажбурийлиги, психолог ва ижтимоий ходимлар жалб қилиниши ҳамда суд муҳокамасининг ёпиқ тартибда ўтказилиши каби қоидалар боланинг манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим механизмлар ҳисобланади.

Халқаро тажрибада вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишда “бола манфаатларининг устуворлиги” принципи асосий мезон сифатида эътироф этилади. Бу принцип БМТ томонидан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси” ҳамда “Пекин қоидалари” номи билан машҳур бўлган «Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тегишли минимал стандарт қоидалар»да ҳам мустаҳкамланган.[4] Ушбу халқаро ҳужжатларда вояга

[1] Germany Juvenile Courts Act (Jugendgerichtsgesetz).
[2] Саидов А.Х. Международное право прав человека. – Тошкент, 2021. – Б. 302–305.
[3] Feld B. Juvenile Justice Administration in the United States. – New York, 2019. – P. 54–59.
[4] United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“Beijing Rules”). – 1985.

етмаганларга нисбатан инсонпарварлик, дискриминацияга йўл қўймаслик, қайта ижтимоийлаштириш ва тарбиявий таъсир чораларини устувор қўллаш зарурлиги белгиланган.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва жиноят процессуал кафолатларни кучайтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тергов ва суд жараёнларида вояга етмаганларнинг қонуний вакиллари, педагог ёки психолог иштирокини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг инсонпарварлик принциплари асосида амалга оширилиши ҳамда боланинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга қаратилган нормалар жорий этилган. Бироқ халқаро тажриба таҳлили миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, махсус ювенал судлар фаолиятини кенгайтириш ва реабилитацион ёндашувларни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жиноят процессида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш нафақат миллий ҳуқуқ тизимининг, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси давлатнинг демократик тараққиёти, инсонпарварлик тамойиллари ва ҳуқуқий давлат сифатидаги мавқеини белгилаб берувчи муҳим мезонлардан биридир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят ишларини юритишга оид процессуал кафолатлар миллий қонунчиликда мустаҳкамланган бўлса-да, амалиётда мазкур институтни янада такомиллаштириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Айниқса, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларида вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашда замонавий ювенал адлия тамойилларини кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий жазолаш ёндашувидан фарқли равишда, ювенал адлия тизими боланинг психофизиологик хусусиятлари, ёши, ижтимоий

муҳити ва қайта тарбияланиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда, унинг ижтимоий реабилитацияси ва жамиятга мослашувини таъминлашга қаратилган. Шу боис, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари, жумладан, БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, “Пекин қоидалари”, “Эр-Риёд қоидалари” ҳамда миллий қонунчилик ўртасидаги уйғунликни таъминлаш жиноят процесси самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот доирасида миллий жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, вояга етмаганлар ишларини кўрувчи терговчи, прокурор ва судьяларнинг мажбурий ихтисослашувини қонун даражасида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Чунки болалар билан ишлаш жараёни нафақат юридик билимларни, балки педагогик ва психологик ёндашувни ҳам талаб қилади. Шу муносабат билан, Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганлар ишларини юритиш ҳуқуқи фақат махсус малака ва сертификатга эга бўлган соҳа вакилларига берилиши ҳақидаги нормани киритиш зарур.

Иккинчидан, психолог иштирокининг процессуал мақомини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги тартибда психолог ёки педагог иштироки айрим ҳолатлардагина мажбурий ҳисобланади. Ваҳоланки, вояга етмаган шахснинг руҳий ҳолатини ҳисобга олмасдан ўтказилган тергов ҳаракатлари унинг ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, вояга етмаганлар иштирокидаги барча тергов ҳаракатларида психолог иштирокини мажбурий этиб белгилаш, шунингдек, унга процессуал баённомада мустақил фикр ва мулоҳазаларини қайд этиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, вояга етмаганларни сўроқ қилишнинг максимал давомийлигини қисқартириш лозим. Чунки узоқ давом этувчи сўроқ жараёни боланинг руҳий толиқишига, стресс ҳолатига тушишига ва

кўрсатмаларнинг ишончлилиги пасайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, вояга етмаган шахсни узлуксиз сўроқ қилиш муддатини бир соатдан, кунлик умумий сўроқ муддатини эса икки соатдан оширмаслик ҳақидаги чекловни қонунчиликда қатъий белгилаш таклиф этилади.

Тўртинчидан, вояга етмаганлар иштирокидаги тергов ҳаракатларида мажбурий видеоёзув тизимини жорий этиш долзарб аҳамият касб этади. Халқаро амалиётда қўлланилаётган “Барнаҳус” модели болани қайта-қайта сўроқ қилиш орқали юзага келадиган иккиламчи руҳий жароҳатнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, илк сўроқ ва бошқа муҳим тергов ҳаракатларини махсус жиҳозланган хоналарда видеоёзув остида ўтказиш ҳамда мазкур видеоёзувларни судда мустақил далил сифатида қабул қилиш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликнинг муқобил шаклларини кенгайтириш зарур. Жумладан, унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича медиация (ярашув) институтини кенг қўллаш, ижтимоий кузатув, мажбурий психологик реабилитация ёки даволаниш каби чораларни татбиқ этиш боланинг жамиятдан узилиб қолишининг олдини олади. Бу эса, ўз навбатида, унинг қайта ижтимоийлашувига ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимолининг камайишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процессида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, инсонпарвар ва реабилитацион ёндашувни кучайтириш, шунингдек, ювенал адлия институтларини босқичма-босқич жорий этиш Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини шакллантиришга хизмат қилади.

БАРАТОВ МИРОДИЛЖОН ХОМУДЖОНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

АКРАМХОДЖАЕВ БОРИ ТОХТАХОДЖАЕВИЧ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти катта илмий
ходими, юридик фанлар номзоди, доцент

РАҚАМЛИ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ТАЪРИФИ

Аннотация: *Рақамли технологиялар кундалик ҳаётимизга чуқур сингиб кетди. Ижтимоий медиа платформалари ва катта маълумотлар таҳлилидан тортиб, сунъий интеллект ва нарсалар интернети (ИоТ)гача, бу технологиялар шахсий ва жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларига сингиб кетди. Улар нафақат шахсий ва профессионал алоқаларга таъсир қилади, балки тижорат, бошқарув, таълим ва соғлиқни сақлаш каби кўплаб муҳим соҳаларга ҳам чуқур таъсир кўрсатади. Маълумотларнинг бузилиши, кузатув, цензура ва рақамли четлаштириш ҳодисалари ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги заифликлар ва қийинчиликларни таъкидлаганлиги сабабли, рақамли ҳуқуқлар атрофидаги мунозаралар янада кўпроқ эътиборга сазовор бўлди. Рақамли технологияларнинг кундалик ҳаётга интеграциялашуви рақамли даврда анъанавий ҳуқуқ ва эркинликлар қандай сақланиб қолиши ва ҳимоя қилиниши ҳақида муҳим саволларни туғдиради ва ҳукуматлар, ҳуқуқшунос олимлар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари рақамли технологик тараққиётнинг тез суръатларда ривожланиши шароитида конституциявий ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини таъминлаш учун мавжуд ҳуқуқий асосларни қандай мослаштиришга тобора кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Мақолада шулар ҳақида сўз боради. Якунда муайян хулосаларга келинади.*

Аннотация: *Цифровые технологии глубоко проникли в нашу повседневную жизнь. От платформ социальных сетей и анализа больших данных до*

искусственного интеллекта и Интернета вещей (IoT) — эти технологии проникли практически во все аспекты нашей личной и общественной жизни. Они влияют не только на личные и профессиональные отношения, но и на многие важные области, такие как торговля, государственное управление, образование и здравоохранение. Дискуссия о цифровых правах привлекла больше внимания, поскольку случаи утечки данных, слежки, цензуры и цифровой изоляции выявили уязвимость и проблемы в защите этих прав. Интеграция цифровых технологий в повседневную жизнь поднимает важные вопросы о том, как традиционные права и свободы могут быть сохранены и защищены в цифровую эпоху, и правительства, юристы и организации гражданского общества все чаще сосредотачиваются на том, как адаптировать существующие правовые рамки для обеспечения защиты конституционных прав в контексте быстрого развития цифровых технологий. В статье рассматриваются эти вопросы и в заключение делаются определенные выводы.

Abstract: *Digital technologies have permeated our daily lives. From social media platforms and big data analytics to artificial intelligence and the Internet of Things (IoT), these technologies have permeated virtually every aspect of our personal and public lives. They impact not only personal and professional relationships but also many important areas, such as commerce, government, education, and healthcare. The debate over digital rights has gained increased attention as cases of data breaches, surveillance, censorship, and digital exclusion have exposed the vulnerabilities and challenges in protecting these rights. The integration of digital technologies into everyday life raises important questions about how traditional rights and freedoms can be preserved and protected in the digital age, and governments, lawyers, and civil society organizations are increasingly focusing on how to adapt existing legal frameworks to ensure the protection of constitutional rights in the context of rapidly evolving digital technologies. The article examines these issues and draws certain conclusions.*

Калит сўзлар: *тижорат ва давлат, рақамли хусусий ҳокимият, рақамли давлат ҳокимияти, алгоритмик ваколатлар ва мажбуриятлар, фуқароларнинг шахсий маълумотларининг махфийлик режими, сўз эркинлиги, рақамли уланиш, киберхавфсизлик, БМТнинг "Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратишда сунъий интеллектнинг роли" Резолюция лойиҳаси, Freedom House.*

Ключевые слова: *бизнес и государство, цифровая частная власть, цифровая государственная власть, алгоритмические полномочия и обязанности,*

режим защиты персональных данных граждан, свобода выражения мнения, цифровая связь, кибербезопасность, проект резолюции ООН «Роль искусственного интеллекта в создании новых возможностей для устойчивого развития в Центральной Азии», Freedom House.

Keywords: *business and government, digital private power, digital public power, algorithmic powers and responsibilities, personal data protection regime, freedom of expression, digital communications, cybersecurity, UN draft resolution "The Role of Artificial Intelligence in Creating New Opportunities for Sustainable Development in Central Asia", Freedom House.*

Рақамли ҳокимиятни ҳуқуқий соҳага киритиш ва уни ҳуқуқий аҳамиятга эга тушунча сифатида тан олишнинг асоси унинг ҳокимият шакли сифатидаги фактик хусусиятларидан ва унинг аниқ ижтимоий таъсиридан келиб чиқади. Бизнинг аргументимиз рақамли технологияларнинг иккита одатий қўлланилиш соҳасига асосланган: тижорат ва давлат. Ушбу икки соҳа орқали биз рақамли ҳокимиятнинг икки шаклини – рақамли хусусий ҳокимият ва рақамли давлат ҳокимиятини фарқлашимиз мумкин, уларнинг ҳар бири ижтимоий тартибда иштирок этади ва таъсир қилади. Ҳозирги воқелик шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар, жумладан, алгоритмлар, тижорат ва давлат шароитида қўлланилганда, шунчаки техник воситалар сифатидаги ролидан ошиб, ижтимоий ҳокимият шаклларига айланади. Хўш, рақамли ҳокимият қандай намоён бўлади? Кўпинча бугунги технология иккита механизм билан тавсифланган назоратсиз ўсишни бошдан кечираётгани айтилади: биринчидан, фойда билан рағбатлантирилган бозорга ё'налтирилган технологик ривожланиш; иккинчидан, давлат ҳокимияти ва маъмурияти томонидан осонлаштирилган технологик тараққиёт. Алгоритмларни ўрганаётган олимлар алгоритмик ваколатларнинг кенг қўлланилиши ижтимоий ҳокимият ва ҳуқуқларнинг ошишига олиб келганини, аммо бу ўсиш тенг тақсимланмаганлигини, хусусий ҳуқуқлар, давлат ҳокимияти ва хусусий ҳокимият ўртасидаги номутаносибликни кучайтирганини

таъкидладилар (Zhou 2019)[1]. Яқинда конституцияналист олимлар “рақамли хусусий ҳокимият” тушунчасини жорий этишди, унинг ҳукмронлик ва ресурс монополияси, квази-тартибга солиш роллари ва квази-давлат хусусиятлари каби хусусиятларини таъкидлашди. Бу хусусиятлар конституциявий назариядаги давлат-хусусий дихотомияни, асосий ҳуқуқларнинг учинчи томон таъсирини ва миллат-давлат тушунчасини бузади (Yang, 2021)[2]. Шу билан бирга, халқаро олимлар шунга ўхшаш ҳодисани кузатдилар ва шунга ўхшаш концепцияни ишлаб чиқдилар. 2021 йилда нашр этилган мақолада муаллиф бугунги технология гигантлари давлатнинг тузоқларини – ҳатто ўзининг “олий суди”га эга бўлган ҳолда – ўз зиммасига олиш орқали қонун устуворлигини бузаётганини ва жавобгарликдан қочаётганини таъкидлайди. Бу “корпоратив ҳокимият” янги Левиафанга айланди, бу давлат функцияларини тақлид қилиш, рақамли мустамлакачилик, тартибга солишдан қочиш, жамоавий ҳаракатларнинг олдини олиш ва ҳамма жойда назоратни амалга оширишда акс этди (D’Cunha, 2021)[3]. Шундай қилиб, рақамли хусусий ҳокимият ва рақамли давлат ҳокимияти биргаликда бизнинг давримизнинг рақамли кучини ташкил қилади. Мазкур фикрлар фонида Хитой ҳуқуқшунос олимларининг нуқтаи назарини – бевосита БМТнинг рақамли ҳуқуқларига бўлган муносабатини аниқлаймиз.

Рақамли ҳуқуқларни аниқлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти рақамли ҳуқуқларни илгари суришда етакчи ўринни эгаллаб, уларнинг асосий инсон ҳуқуқларининг кенгайтмаси сифатидаги аҳамиятини таъкидлаб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИҲУД) ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ИССПР) асосида БМТнинг саъй-ҳаракатлари рақамли муҳитда

[1] Zhou, H. 2019. “Algorithmic Power and its Regulation.” Law and Social Development 6: 113–26.
[2] Yang, X. 2021. “Digital Private Power: Constitutional Connotations, Constitutional Challenges, and Constitutional Coping Strategies.” Huxiang Forum (2): 86.
[3] D’Cunha, C. 2021. “A State in the Disguise of a Merchant: Tech Leviathans and the Rule of Law.” European Law Journal 27 (1-3): 109–31. https://doi.org/10.1111/eulj.12399.

инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган. 2012, 2014 ва 2016 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши одамлар офлайн режимда эга бўлган ҳуқуқларни онлайн режимда ҳам ҳимоя қилиш кераклигини таъкидловчи резолюцияларни қабул қилди, бу эса онлайн макон учун янги ҳуқуқларни белгилаш ўрнига, БМТ мавжуд инсон ҳуқуқларини онлайн соҳага қўллаш ва кенгайтиришни қўллаб-қувватлашини англатади (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси, 2016). Чунончи, БМТ Ўзбекистон Республикаси учун ҳам алоҳида 2025 йил "Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратишда сунъий интеллектнинг роли", - деб номланган A/79/L.94-сон Резолюциясининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатда катта эътибор Рақамли контекстда инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш тўғрисида 2023 йил 19 декабрдаги 78/213-сон, Рақамли даврда шахсий ҳаётга дахлсизлик ҳуқуқи тўғрисида 2024 йил 17 декабрдаги 79/175-сон ва Ахборот жамияти бўйича Бутунжаҳон саммити натижалари ва Ахборот жамияти бўйича Бутунжаҳон саммитининг барча якуний ҳужжатлари, жумладан, Женева тамойиллари декларацияси, Женева ҳаракатлар режаси, Тунис мажбурияти ва Ахборот жамияти учун Тунис кун тартибини амалга оширишнинг умумий шарҳи тўғрисида 2015 йил 16 декабрдаги 70/125-сон қарорларга эътибор берилди[1].

Ушбу ёндашувга амал қилган ҳолда, ушбу мақолада рақамли ҳуқуқлар (ёки рақамли даврдаги ҳуқуқлар) рақамли технологияларнинг хусусий ва жамоат ҳаётига тобора ортиб бораётган интеграцияси натижасида бевосита ёки билвосита таъсирланган ҳуқуқлар сифатида белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли ҳуқуқлар мутлақо янги ҳуқуқлар эмас; аксинча, улар замонавий маълумотларга асосланган ва онлайн воқелик томонидан юзага келадиган янги муаммоларни ҳал қилиш учун мавжуд конституциявий кафолатларнинг мослашуви ёки

[1] Проект Резолюции ООН "Роль искусственного интеллекта в создании новых возможностей для устойчивого развития в Центральной Азии" от 11 июня 2025 года //A/79/L.94.

кенгайишини англатади. Масалан, махфийлик ҳуқуқи (фуқароларнинг шахсий маълумотларининг махфийлик режими) кенг тарқалган маълумотларни тўплаш амалиётлари билан синовдан ўтказилади, сўз эркинлиги эса интернетнинг ўчирилиши ёки ижтимоий медиа контентини модерация қилиш орқали янги чекловларга дуч келади. Бу ривожланаётган динамика, шунингдек, унутилиш ҳуқуқи, рақамли уланиш ва киберхавфсизлик каби янги тушунчаларни келтириб чиқаради.

Ушбу таърифга кўра, кўплаб асосий ҳуқуқлар, масалан, махфийлик, сўз эркинлиги ёки тегишли жараён – аллақачон бутун дунё бўйлаб конституцияларда мавжуд. Бироқ рақамли муҳит ушбу ҳуқуқларнинг янгиланган ифодасини ёки қайта талқинини талаб қилади, бу уларнинг оммавий маълумотларни тўплаш, алгоритмик бошқарув ва платформа монополиялари даврида самарали бўлиб қолишини таъминлайди. Натижада рақамли ҳуқуқларни конституциялаштириш уларни нолдан ихтиро қилишни англатмайди. Бунинг ўрнига, бу тобора рақамли дунёда яхши ўрнатилган ҳуқуқлар қандай қўлланилишини янгилаш, қайта кўриб чиқиш ёки аниқлаштиришни англатади.

Рақамли ҳуқуқлар учун глобал асослар

Рақамли ҳуқуқлар учун кўрсатмалар ва асосларни яратиш бўйича кўплаб ташаббуслар мавжуд бўлиб, улар кўпинча рақамли давр учун нормалар ва тамойиллар тўпламини тақдим этувчи Интернет ёки рақамли ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар ёки хартиялар шаклида бўлади. Ушбу ташаббусларни кенг миқёсда нодавлат ташкилотлар (ННТ) томонидан бошқариладиган ва институционал органлар томонидан бошқариладиганларга ажратиш мумкин.

ННТ бошчилигидаги рақамли ҳуқуқлар асосларини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар орасида энг кўзга кўрингани Интернет ҳуқуқлари ва тамойиллари коалитсияси томонидан ишлаб чиқилган Интернет учун Инсон ҳуқуқлари ва тамойиллари хартиясидир.

Ушбу хартияда 21 та батафсил мақолада батафсил баён этилган 10 та асосий Интернет ҳуқуқи ва тамойиллари баён этилган (Интернет ҳуқуқлари ва тамойиллари коалицияси). Худди шундай, Прогрессив коммуникациялар ассоциациясининг Интернет ҳуқуқлари хартияси (АПС 2024)[1] 31 та ҳуқуқни еттита алоҳида мавзуга ажратади ва рақамли ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун кенг қамровли қўлланма тақдим этади.

Минтақавий ташаббуслар нуқтаи назаридан, Интернет ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича Африка декларацияси Коалицияси қитъа бўйлаб турли фуқаролик жамияти ташкилотларини ўз ичига олган Африкадан муҳим намуна сифатида ажралиб туради, улар инсон ҳуқуқлари стандартлари ва Интернет сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда очиқлик тамойилларини биргаликда ҳимоя қилади, Африка жамиятларининг ўзига хос контекстлари ва эҳтиёжларига мослаштирилган рақамли ҳуқуқлар доирасини яратишга чақиради (African Declaration on Internet Rights and Freedoms Coalition 2014).

Аксинча, институционал ташаббуслар ҳукумат ёки ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган доираларни ўз ичига олади. Масалан, Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган Рақамли ҳуқуқлар ва рақамли ўн йиллик тамойиллари бўйича Европа декларацияси Европада рақамли трансформатсияни бошқариш учун асосий тамойилларни белгилаб беради, шахсий ҳаёт, сўз эркинлиги ва рақамли хизматлардан фойдаланиш каби ҳуқуқларга урғу беради. Худди шундай, Иберо-Америка Принциплар ва ҳуқуқлар Хартияси Рақамли муҳитлар (Carta Iberoamericana de Principios y Derechosen los Entornos Digitales), Иберо-Америка минтақасининг Бош Котибияти томонидан тасдиқланган рақамли муҳитда тамойиллар ва ҳуқуқларни белгилайди (SEGIB).

Кўплаб шунга ўхшаш низомлар мавжуд. Интернетни бошқариш тамойилларининг қиёсий таҳлилида БМТнинг Таълим, фан ва

[1] https://internetrightsandprinciples.org/charter/.

маданият ташкилоти (ЮНЕСКО) Интернетга оид 50 дан ортиқ махсус декларациялар ва асосларни аниқлади (ЮНЕСКО, 2015). Беркман Клеин Интернет ва жамият маркази 30 та ташаббусни эътироф этди ва 42 та ҳуқуқ рўйхатини тузди, улар еттита мавзуга бўлинган: (а) асосий ёки асосий ҳуқуқ ва эркинликлар; (б) давлат ҳокимиятининг умумий чекловлари; (с) Интернетни бошқариш ва фуқаролик иштироки; (д) шахсий ҳаётга дахлсизлик ҳуқуқлари ва кузатув; (е) кириш ва таълим; (ф) тармоқларнинг очиқлиги ва барқарорлиги; ва (г) иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлар (Гилл, Редекер ва Гассер 2015)[1].

Ушбу мақолада рақамлаштиришнинг фундаментал ҳуқуқларга таъсири технологик компаниялар ва онлайн платформалар каби давлат субъектлари ва нодавлат субъектларининг роли нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда рақамли ҳуқуқлар билан бўлган вазият ўрганилди[2].

Ушбу масалаларни ҳал қилиш орқали мазкур мақолада рақамли даврда ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ имкониятлар ва хавфлар баён этилган бўлиб, миллатнинг энг юқори қонуни – конституцияда идеал тарзда мустаҳкамланган кенг қамровли ҳуқуқий ҳимоя ва рақамли контекстда фундаментал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун қонуннинг қўлланилишини ҳимоя қилади. Бундай ёндашув

[1] https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2687120.

[2] Масалан, Европа Иттифоқининг Рақамли Хизматлар тўғрисидаги қонунининг 2(ii)-моддасида фойдаланувчи томонидан яратилган контентни жойлаштирувчи ва бошқарувчи воситачилар сифатида белгиланган онлайн платформалар замонавий рақамли экотизимда муҳим аҳамиятга эга. Улар оммавий муҳокамалар учун асосий майдон бўлиб хизмат қилади, бу эса шахсларга фикр билдириш, маълумот алмашиш ва глобал миқёсда ижтимоий мунозараларда иштирок этиш имконини беради. Сиёсат ва алгоритмлар орқали контентни модерация қилишдаги ролини ҳисобга олган ҳолда, ушбу платформалар жамоатчилик учун қандай маълумотларга кириш мумкинлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Нутқни тарқатишга таъсир уларни ахборот муҳитида ва айниқса, сўз эркинлиги контекстида муҳим иштирокчиларга айлантиради. Онлайн платформаларни батафсил ўрганиш уларнинг амалиётлари фундаментал ҳуқуқларга қандай мос келишини ёки уларга қарши чиқишини тушуниш, рақамли жамоатчилик соҳасининг очиқ, хилма-хил ва демократик тамойилларга ҳурмат билан қарашини таъминлаш учун жуда муҳимдир
//https://internationalstudentsguide.org/customsearch3.html?q=(Gill%2C%20Redeker%20and%20Gasser%202015.

рақамли жамиятларнинг эволюцияси фундаментал инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва демократик тамойилларни ўз ичига олган ҳолда қатъий мажбурият билан ривожланишини таъминлайди.

Вазиятнинг таҳлили

Тез ривожланаётган рақамли даврда офлайн режимда фойдаланилган ҳуқуқлар онлайн соҳада тобора кўпроқ шубҳа остига олинмоқда. Рақамли ҳуқуқлар юқоридада баён этилганидек, инсон ҳуқуқларининг кенг доирасини, жумладан, сўз эркинлиги ва йиғилишлар эркинлиги, шахсий ҳаётга дахлсизлик ҳуқуқи, ахборотга кириш ҳуқуқи ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қамраб олади.

Ҳукуматлар бошқарув, хавфсизлик ва давлат бошқаруви учун рақамли технологияларни тобора кўпроқ қўллаётгани сабабли, уларнинг ҳаракатлари асосий ҳуқуқларга ҳам чуқур таъсир кўрсатади. Масалан, давлат томонидан бошқариладиган рақамли кузатув тизимларининг пайдо бўлиши шахсий ҳаётга дахлсизликнинг бузилиши ва ҳукуматнинг ҳаддан ташқари таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларни кучайтирди. Худди шундай, давлат цензураси ва интернетнинг ёпилиши сўз эркинлиги ва ахборотга бўлган ҳуқуқни жиддий равишда чеклайди, улар қўллаб-қувватлаши керак бўлган демократик тамойилларга путур етказади.

Freedom House нашрининг сўнгги “Интернетдаги эркинлик” ҳисоботига кўра, Интернет эркинлиги 2024 йилда кетма-кет 14-йил пасайди (Функ, Вестеинссон ва Бакер 2024)[1]. Миллий ҳукуматларнинг рекорд даражадаги зўравонликсиз сиёсий, ижтимоий ёки диний контентга эга веб-сайтларни блоклагани қайд этилди. Айниқса, тармоқларнинг ёпилиши хавотир уйғотади, бунда расмийлар интернет ёки ижтимоий медиа хизматларини кўрсатувчиларни фаолиятини тўхтатишга мажбур қилади, кўпинча сайловлар каби сиёсий жиҳатдан нозик даврларда. Миллий хавфсизлик муаммолари кўпинча шахсий

[1]https://freedomhouse.org/sites/default/files/2024-10/FREEDOM-ON-THE-NET-2024-DIGITAL-BOOKLET.pdf.

ҳаётга бўлган ҳуқуқлардан ва сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқлардан устун туради. Жаҳон иқтисодий форуми (Касперсен, 2015)[1] хавфсизлик чораларини демократик тизимларнинг асосий тамойиллари, жумладан, сўз эркинлиги, йиғилиш эркинлиги ва шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ билан мувозанатлашда давом этаётган қийинчиликларни таъкидлайди. Давлатлар ички ва халқаро таҳдидларга дуч келган сари, хавфсизликни сақлаш ва индивидуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ўртасидаги зиддият янада кучаяди.

Интернет фойдаланувчилари статистикаси шуни кўрсатмоқдаки: 5,5 миллиарддан ортиқ одам интернетга кириш имкониятига эга[2].

Freedom House ҳисоб-китобларига кўра: 81 % шахслар сиёсий, ижтимоий ёки диний мавзуларда контент жойлаштиргани учун ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган мамлакатларда яшайди; шахсларнинг 70 % онлайн фаолияти учун ҳужумга учраган ёки ўлдирилган мамлакатларда яшайди; уларнинг 70% и ҳукумат тарафдори бўлган шарҳловчиларни онлайн мунозараларни бошқариш учун жалб қилган мамлакатларда яшайди; 69 % диний контент интернетда блокланган мамлакатларда яшайди; 61 % кириш платформалари вақтинча ёки доимий равишда чекланган мамлакатларда яшайди; 52 % кўпинча сиёсий сабабларга кўра расмийлар интернет ёки мобил тармоқларни узиб қўйган мамлакатларда яшайди[3].

2025 йилда дунёда эркинлик даражаси кетма-кет 20-йил пасайди. Йил давомида жами 54 та мамлакатда сиёсий ҳуқуқлар ва фуқаролик эркинликлари ёмонлашган, атиги 35 та мамлакатда эса яхшиланиш кузатилди. Йил давомида энг катта пасайишлар Гвинея-Бисау, Танзания, Буркина-Фасо, Мадагаскар ва Салвадорда қайд этилган, энг катта ўсиш эса Сурия, Шри-Ланка, Боливия ва Габонда қайд этилган. Учта мамлакат – Боливия, Фижи ва Малави рақобатбардош сайловлар,

[1] https://www3.weforum.org/docs/WEF_Global_Risks_2015_Report15.pdf.
[2] https://freedomhouse.org/sites/default/files/2025-11/Freedom_on_the_Net_2025_Digital.pdf.
[3] https://freedomhouse.org/sites/default/files/2025-11/Freedom_on_the_Net_2025_Digital.pdf.

суд мустақиллигининг ўсиши ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш туфайли ўз мақомини “Қисман эркин”дан “Озод”га кўтарди.

“Озод” деб баҳоланган мамлакатлар орасида Қўшма Штатлар, Болгария ва Италия йил давомида энг катта пасайишни кузатди. Қўшма Штатларда баллнинг салбий ўзгариши қонунчилик самарасизлиги ва ижро этувчи ҳокимият устунлигининг кучайиши, фуқароларнинг сўз эркинлигига босимнинг кучайиши ва янги маъмуриятнинг коррупцияга қарши ҳимоя чораларини бузишга қаратилган ҳаракатлари билан боғлиқ. Қўшма Штатлар 100 балли шкала бўйича 3 балл ё'қотди, бу 2005-йилдан бери соф пасайишни 12 баллгача етказди, бу Науру ва Болгариядан ташқари шу даврда “Эркин” деб баҳоланган бошқа ҳар қандай давлатникидан юқори.

Сўнгги икки ўн йилликда кўплаб ҳуқуқ ва эркинликлар чекланган бўлса-да, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, сўз эркинлиги ва суд жараёни энг кўп зарар кўрди. Давлат тўнтаришлари, қуролли можаролар, сайланган раҳбарлар томонидан демократик институтларга ҳужумлар ва авторитар режимлар томонидан репрессияларнинг кучайиши ушбу 20 йиллик даврда бу ёмонлашувнинг асосий сабаблари бўлди.

2005 йилдан бери “Қисман эркин” деб баҳоланган мамлакатлар гуруҳи сезиларли даражада қисқарди. Ўн тўққизта қисман эркин давлат “эркин бўлмаган” тоифага кирди ва ўз уйида репрессивроқ ва хорижда тажовузкорроқ бўлиб қолган глобал автократиялар қаторига қўшилди. Демократик ҳукуматлар авторитар бошқарувнинг тарқалишига қарши курашиш учун узоқ вақтдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Аммо сўнгги йилларда Европа мамлакатлари чет элдаги демократияларга ёрдамни молиялаштиришни кескин камайтирдилар. Ва 2025 йилда АҚШ маъмурияти тўсатдан аксарият хорижий ёрдам дастурларини бекор қилди, халқаро ташкилотлардан узоқлаша бошлади ва сохта сайловларни қоралашдан тийилди, натижада ташқи сиёсатининг узоқ йиллик тамойилларидан воз кечди. Демократик давлатлар озодлик

ҳимоячилари сифатидаги анъанавий ролларидан узоқлашиб борар экан, дунё жасур автократлар бошчилигидаги хавфли келажакка дуч келмоқда.

Кўпгина демократик давлатлар жиддий қийинчиликларга қарамай, бардошли бўлиб қолмоқда. Ички босим ва хорижий кучларнинг таҳдидларига қарамай, демократик давлатлар ўзларининг ички сиёсий тизимлари мослашувчан ва албатта тузатишга қодир эканлигини намойиш этишда давом этмоқдалар. 2005 йилда озод деб эълон қилинган 87 мамлакатдан жами 76 таси, яъни 85 фоиздан ортиғи, глобал пасайишнинг йигирма йиллиги давомида эркин бўлиб қолди. Бундан ташқари, янги демократиялар қийин шароитларда бир неча бор илдиз отган ва демократик интилишлар ҳатто энг репрессив муҳитларда ҳам доимо халқ томонидан қўллаб-қувватланади[1].

Сўнгги йигирма йил ичида бутун дунё бўйлаб эркинликнинг ёмонлашувини ҳеч бир сабаб тушунтира олмаса-да, Freedom House маълумотлари демократия ва инсон ҳуқуқларига энг катта таҳдид соладиган тўртта омилни кўрсатади: зўравонлик ва қуролли можаролар, давлат тўнтаришлари, демократик институтларнинг йўқ қилиниши ва автократлар томонидан қатағонларнинг кучайиши[2].

Шу билан бирга, қуролли можаролар туристик оқимларга ҳам сезиларли зарар етказиб, туристик саёҳатларнинг бутун дунё бўйича қисқариб боришига олиб келмоқда. Дубай устидан самолётлар энди ҳар дақиқада учмаяпти. Дунёдаги энг кўп суратга олинган меҳмонхона бир муддат тутун ичида қолди. Дубайнинг машҳур Палм дарахтидаги меҳмонхонадан меҳмонлар эвакуация қилинди. Бу имконсиздек туюладими? Лекин бу 2026 йил март ойининг биринчи ҳафтасидаги ҳақиқат. Бир неча кун ичида Эрон можароси минтақанинг туризм обрўсига миллиардлаб долларлик инвестицияларни шубҳа остига қўйди.

[1] https://freedomhouse.org/report/freedom-world/2026/growing-shadow-autocracy.
[2] Ўша манбага қаралсин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий тадқиқотлар нафақат рақамли технологияларнинг ўзига, балки рақамли технологияларнинг ижтимоий қўлланилишида келтириб чиқарадиган ижобий ва салбий таъсирларига ҳам эътибор қаратиши керак. Шундагина жиддий муаммоларни аниқлаш мумкин. Ҳуқуқий тадқиқотлар технологиянинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ ноёб тартибга солиш муаммоларини, хусусан, тижорат ва давлат соҳаларидаги рақамли кучни, яъни рақамли хусусий куч ва рақамли давлат ҳокимиятини диққат билан кузатиб бориши керак. Рақамли куч асосий инсон ҳуқуқларига маълум хавф туғдириши ва ҳуқуқий тартибни бузиш билан таҳдид қилиши мумкин. Янги турдаги ҳокимият сифатида рақамли куч ҳам фактик, ҳам норматив ҳуқуқий масала бўлиб, шунинг учун ҳуқуқий тадқиқотлар соҳасига киритилиши керак. Натижада, у қонун билан тартибга солинадиган ҳуқуқий контсептуал тизимга ҳам киритилиши керак. Шундай қилиб, “рақамли бошқарув” тушунчаси пайдо бўлди. Ҳуқуқшунос олимлар технологик тараққиётнинг ўзи билан эмас, балки рақамли технологиялардан ва у келтириб чиқарадиган икки турдаги рақамли кучдан зарарни камайтириш ва яхшиликни тарғиб қилиш учун қандай фойдаланиш билан шуғулланишлари, шу билан “яхшиликни кучайтириш ва тарғиб қилиш” мумкин бўлган келажакдаги қонун устуворлигини шакллантиришлари керак. Рақамли технологиялар, қонун ва ахлоқ билан чекланган тақдирда, келажакда инсон фаровонлигини ошириши мумкинлигига ишониш учун асосимиз бор. Бу Хитойнинг рақамли бошқарувининг муҳим вазифаси ва истиқболли келажагидир[1].

Бундан ташқари, рақамли бошқарувнинг технологик тажрибаларида бизнинг эътиборимизга лойиқ иккита муҳим масала мавжуд. Биринчидан, рақамли бошқарувнинг муҳим мавзусини ҳуқуқшунос олимлар ва олимлар ўртасидаги ҳамкорликдан ажратиб

[1] Xiaoxia Sun and Yang Xiao. How Digital Power Shapes the Rule of Law: The Logic and Mission of Digital Rule of Law// https://www.degruyterbrill.com/document/doi/10.1515/ijdlg-2024-0017/html

бўлмайди. Олимларнинг иштирокисиз рақамли ҳуқуқий воситаларни лойиҳалашни амалга ошириш деярли имконсиз. Ҳуқуқшунос олимларнинг иштирокисиз рақамли ҳуқуқий воситаларни жойлаштириш фақат ёрдамчи воситалар сифатида бўлиши мумкин. Бугунги Чат-ЖПТ (ChatGPT) генератив тил моделларига асосланиб, янада ихтисослашган, ҳуқуқий жиҳатдан профессионал ва ахлоқий жиҳатдан мослаштирилган тил моделини лойиҳалаш мумкинми? Бу ҳуқуқшунос олимларнинг интеллектуал иштироки чуқурлигига боғлиқ. Иккинчидан, Хитойда қонун устуворлигининг ривожланиши маълум хусусиятларга эга, масалан, юқоридан пастга тизимли тарғибот зарурати. Хитойда қонун устуворлигини ривожлантириш учун яна бир имконият – бу ҳукуматнинг рақамли технологияларга (Европага нисбатан) ижобий муносабати туфайли юзага келган рақамли бошқарувни ривожлантириш имконияти[1] мавжуд.

Агар биз бу имкониятлар ва хусусиятларни Ўзбекистонда самарали бирлаштира олсак, Хитойнинг тажрибаси асосида кўпгина фойдали қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқаришга муваффақ бўламиз ҳамда бу соҳадаги халқаро стандартларни имплементация қилишда катта муваффақиятларга эга бўлишимиз мумкин. Бу билан рақамли ҳуқуқларни амалга ошириш ва таъминлаш самараси сезиларли даражада ўсиши билан боғлиқ қонуниятлар ўзининг ижобий таъсирини ривожланаётган Ватанимизга кўпдан-кўп тараққиёт омилларига эга қилиши мумкин бўлади.

[1] Ўша манбага қаралсин.

BEYSENOV KENJABAY SARSANBAYEVICH
O‘zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti Kasbiy tayyorgarlik fakulteti Maxsus fanlar sikli o‘qituvchisi, dotsent

YURIDIK TA’LIM VA ILM-FANNI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI

Annotatsiya: *Mazkur ilmiy maqolada yuridik ta’lim va huquqshunoslik ilm-fanini rivojlantirishning dolzarb muammolari tahlil qilinadi. Xususan, raqamlashtirish jarayonlari, sun’iy intellekt texnologiyalarining huquq tizimiga kirib kelishi, amaliyot va nazariya o‘rtasidagi tafovut, xalqaro standartlarga moslashuv hamda ilmiy tadqiqotlar sifatini oshirish masalalari ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, yuridik ta’lim tizimini modernizatsiya qilish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ilgari suriladi.*

Kalit so‘zlar: *Yuridik ta’lim, huquqshunoslik, ilm-fan, raqamlashtirish, sun’iy intellekt, innovatsiya, huquqiy islohotlar, xalqaro standartlar, akademik mobillik, yuridik kompetensiya.*

Bugungi globallashuv va axborot texnologiyalari jadal rivojlanayotgan davrda yuridik ta’lim va ilm-fan tizimiga bo‘lgan talab tubdan o‘zgarmoqda. Zamonaviy jamiyatda huquqiy munosabatlarning murakkablashuvi yuridik kadrlarning nafaqat nazariy bilimga, balki amaliy ko‘nikma va raqamli kompetensiyalarga ham ega bo‘lishini talab etmoqda. Shu sababli yuridik ta’limni takomillashtirish hamda huquqshunoslik ilm-fanini rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda yuridik ta’lim tizimini isloh qilishga qaratilgan bir qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025 yil 26 noyabrdagi PF–232-sonli «O‘zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va fanni yanada isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni muhim ahamiyatga ega. Ushbu

Farmon bilan «Ta’lim sifatini oshirish – Yangi O‘zbekiston taraqqiyotining yagona to‘g‘ri yo‘li» degan ustuvor g‘oya asosida zamonaviy xalqaro standartlarga javob beradigan yuqori malakali yuridik kadrlar tayyorlash sifatini yanada oshirish, yuridik ta’lim, fan va amaliyot o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlikni ta’minlash maqsadi belgilab berilgan.

Belgilangan maqsadlarni amalga oshirish uchun, jumladan, 2026 o‘quv yilidan boshlab quyidagilar rejalashtirilgan: yuridik ta’lim jarayonlarini amaliyot bilan uzviy bog‘lashga qaratilgan amaliy ta’lim, klinik va dual ta’lim tamoyillarini joriy etish; yuridik ta’lim tizimida «ta’lim – tadqiqot – amaliyot» integratsiyasini yo‘lga qo‘yish, boshqaruvda akademik-kollegial yondashuvlarni yanada kengaytirish; yuridik ta’lim samaradorligi va sifatini nazorat qilishni kuchaytirish; Toshkent davlat yuridik universitetini (keyingi o‘rinlarda – Universitet) 2030 yilga qadar huquq sohasida nufuzli Quacquarelli Symonds reytingida dunyodagi TOP-1000 oliy ta’lim muassasalari qatoriga kiritish[1].

Shuningdek yuridik oliy ta’lim muassasalarida kredit-modul tizimining joriy etilishi, xalqaro hamkorlikning kengayishi hamda ilmiy faoliyatni rag‘batlantirish mexanizmlarining yaratilishi sohaga yangi imkoniyatlar olib kirdi. Biroq, tizimda saqlanib qolayotgan ayrim muammolar yuridik ta’lim sifati va ilmiy salohiyatning to‘liq rivojlanishiga to‘sqinlik qilmoqda.

Yuridik ta’lim tizimidagi eng asosiy muammolardan biri — ta’lim jarayonida nazariya va amaliyot uyg‘unligining yetarli emasligidir. Ko‘plab talabalar nazariy bilimlarni egallagan bo‘lsalar-da, amaliy huquqiy masalalarni hal etishda qiyinchilikka duch keladilar. Bu holat o‘quv dasturlarining zamonaviy mehnat bozori talablariga to‘liq mos emasligi bilan izohlanadi[2].

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025 yil 26 noyabrdagi PF–232-sonli «O‘zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va fanni yanada isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni

[2] Odilqoriyev X.T. *Davlat va huquq nazariyasi*. – Toshkent: Adolat, 2020.

Ikkinchi muhim muammo — raqamli texnologiyalarni ta’lim jarayoniga yetarlicha integratsiya qilinmaganidir. Hozirgi davrda elektron sudlov, legal tech va sun’iy intellekt texnologiyalari rivojlanayotgan bir paytda yuridik ta’lim muassasalarida ushbu yo‘nalishlarga oid fanlar cheklangan darajada o‘qitilmoqda[1]. Natijada bitiruvchilar zamonaviy huquqiy texnologiyalar bilan ishlash ko‘nikmalariga to‘liq ega bo‘lmayapti.

Bundan tashqari, ilmiy tadqiqotlar sifati va ularning amaliy ahamiyati ham dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Ayrim ilmiy ishlar nazariy jihatdan yoritilgan bo‘lsa-da, amaliyot bilan uzviy bog‘lanmaganligi sababli ularning real huquqiy munosabatlarni tartibga solishdagi samaradorligi pastligicha qolmoqda[2].

Huquqshunoslik ilm-fanini rivojlantirishda xalqaro tajriba va ilmiy integratsiya muhim ahamiyat kasb etadi. Bugungi kunda ko‘plab rivojlangan davlatlarda yuridik tadqiqotlar interdisciplinar yondashuv asosida olib borilmoqda. Ya’ni huquq iqtisodiyot, siyosatshunoslik, axborot texnologiyalari va sotsiologiya bilan uyg‘un holda o‘rganilmoqda[3].

O‘zbekiston Respublikasida esa xalqaro ilmiy bazalarda indekslanuvchi maqolalar soni nisbatan kamligi ilmiy salohiyatni oshirish zaruratini ko‘rsatadi. Shu bilan birga, yosh olimlarni ilmiy faoliyatga jalb qilish, grantlar tizimini kengaytirish hamda xorijiy ilmiy markazlar bilan hamkorlikni kuchaytirish muhim vazifa hisoblanadi.

Sun’iy intellekt texnologiyalarining huquq sohasiga kirib kelishi ham yangi ilmiy muammolarni yuzaga chiqarmoqda. Xususan, elektron dalillar, raqamli huquqlar, kiberxavfsizlik va shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish masalalari bo‘yicha yangi ilmiy konsepsiyalar ishlab chiqish talab etiladi[4].

Bugungi kunda yuridik ta’lim tizimini modernizatsiya qilish zamonaviy huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini rivojlantirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Globallashuv, raqamli texnologiyalar

[1] Saidov A.X. *Yuridik ta’limni rivojlantirish masalalari* // Huquq va burch. – 2022. – №4.
[2] Susskind R. *Tomorrow’s Lawyers*. – Oxford University Press, 2017.
[3] UNESCO. *Education Transformation Report*. – Paris, 2021.
[4] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining yuridik ta’lim tizimini takomillashtirishga oid qarorlari.

taraqqiyoti hamda xalqaro huquqiy integratsiya jarayonlari yuridik kadrlarni tayyorlash tizimiga yangi talablarni qo‘ymoqda. Shu sababli yuridik ta’limni zamonaviylashtirish quyidagi ustuvor yo‘nalishlar asosida amalga oshirilishi maqsadga muvofiqdir[1].

Yuridik ta’limning mazmuni mehnat bozori va zamonaviy huquqiy amaliyot talablariga moslashtirilishi zarur. An’anaviy fanlar bilan bir qatorda:

- raqamli huquq;
- kiberxavfsizlik;
- sun’iy intellekt va huquq;
- xalqaro arbitraj;
- elektron tijorat huquqikabi yangi fanlarni o‘quv dasturlariga kiritish muhim ahamiyatga ega[2].

Bu esa talabalarni zamonaviy huquqiy munosabatlarga tayyorlash imkonini beradi.

Yuridik ta’limdagi asosiy muammolardan biri nazariy bilimlarning amaliyot bilan yetarli darajada bog‘lanmaganidir. Shu sababli:

- yuridik klinikalar faoliyatini kengaytirish;
- sud, prokuratura va advokatura organlarida amaliyot soatlarini ko‘paytirish;
- “moot court” sud jarayonlarini tashkil etish;
- amaliyotchi yuristlarni dars jarayoniga jalb qilish zarur hisoblanadi[3].

Bu usullar talabalarda kasbiy ko‘nikmalarni shakllantiradi.

Ta’lim tizimida raqamlashtirish jarayonlari muhim o‘rin tutadi. Zamonaviy yuridik ta’lim:

- elektron kutubxonalar;
- masofaviy ta’lim platformalari;
- virtual sud jarayonlari;

[1] Odilqoriyev X.T. *Davlat va huquq nazariyasi*. – Toshkent: Adolat, 2020.
[2] Saidov A.X. *Yuridik ta’limni rivojlantirish masalalari* // Huquq va burch. – 2022. – №4.
[3] Yuldashev A. *Yuridik klinik ta’lim asoslari*. – Toshkent, 2021.

- legal tech dasturlari asosida tashkil etilishi lozim[1].

Shuningdek, talabalarni elektron hujjat aylanishi va raqamli huquqiy tizimlar bilan ishlashga o‘rgatish dolzarb vazifa hisoblanadi.

Yuridik ta’limni modernizatsiya qilishda xalqaro tajribani o‘rganish muhimdir. Shu maqsadda:

- xorijiy universitetlar bilan qo‘shma dasturlar tashkil etish;
- talabalar va professor-o‘qituvchilar almashinuvini kengaytirish;
- xalqaro konferensiya va seminarlarni ko‘paytirish;
- chet tillarini o‘qitishni kuchaytirish zarur[2].

Bu yuridik ta’limning xalqaro standartlarga moslashuviga xizmat qiladi.

Huquqshunoslik ilm-fanining rivoji yuridik ta’lim sifati bilan chambarchas bog‘liq. Shu bois:

- yosh olimlarni qo‘llab-quvvatlash;
- grantlar va ilmiy loyihalarni ko‘paytirish;
- xalqaro ilmiy jurnallarda maqolalar chop etishni rag‘batlantirish;
- ilmiy tadqiqotlarni amaliyot bilan integratsiya qilish muhim ahamiyat kasb etadi[3].

Zamonaviy yuridik ta’lim faqat nazariy bilim emas, balki amaliy kompetensiyalarni ham shakllantirishi kerak. Talabalarda:

- huquqiy tahlil qilish;
- muzokara olib borish;
- hujjatlar tayyorlash;
- mantiqiy fikrlash;
- kasbiy etikaga rioya qilishko‘nikmalari rivojlantirilishi lozim[4].

---

[1] Susskind R. *Tomorrow’s Lawyers*. – Oxford University Press, 2017.
[2] UNESCO. *Education Transformation Report*. – Paris, 2021.
[3] Merryman J.H. *The Civil Law Tradition*. – Stanford University Press, 2018.
[4] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining yuridik ta’lim tizimini takomillashtirishga oid farmon va qarorlari.

Yuridik ta’limni modernizatsiya qilish huquqiy davlat barpo etish va malakali yuridik kadrlarni tayyorlashning asosiy omilidir. Ta’lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni joriy etish, xalqaro tajribani o‘rganish hamda amaliyotga yo‘naltirilgan o‘qitish usullarini rivojlantirish orqali yuridik ta’lim sifatini yangi bosqichga olib chiqish mumkin bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, yuridik ta’lim va ilm-fanni rivojlantirish bugungi davrning strategik vazifalaridan biridir. Zamonaviy texnologiyalar, global integratsiya va huquqiy munosabatlarning murakkablashuvi yuridik kadrlarni tayyorlash tizimiga yangi talablarni qo‘ymoqda. Shu bois yuridik ta’limni innovatsion asosda modernizatsiya qilish, ilmiy tadqiqotlar sifatini oshirish hamda xalqaro hamkorlikni kuchaytirish zarur. Faqat shu yo‘l bilangina raqobatbardosh va yuqori malakali huquqshunos kadrlarni tayyorlash mumkin bo‘ladi.

BERDIYAROV RAKHMATJON
Acting Associate Professor (PhD)
Academy of Justice of the Republic
of Uzbekistan

ELECTRONIC COURT SYSTEMS IN INSOLVENCY PROCEEDINGS: LEGAL SIGNIFICANCE AND FUTURE DEVELOPMENT PROSPECTS IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION

Under the conditions of a market economy, ensuring the effective operation of business entities, maintaining financial stability, and safeguarding the rights and legitimate interests of parties involved in credit relations constitute important responsibilities of the state. In this regard, the institution of insolvency occupies a special place within the legal framework governing economic relations. It comprises a set of legal mechanisms designed to assess a debtor's financial condition, identify the prospects for restoring its solvency, or, where such restoration is impossible, terminate its business activities in accordance with the procedures prescribed by law.

The primary purpose of the insolvency institution is not only to ensure the fair resolution of a debtor's existing obligations, but also to satisfy creditors' claims to the greatest extent possible, maintain a balance among participants in economic relations, and preserve the stability of the market environment. In this regard, the insolvency institution contributes to the efficient allocation of economic resources by facilitating either the withdrawal of inefficient entities from the market or their financial rehabilitation.

At the same time, the determination of insolvency, the examination of insolvency cases, and the establishment of their legal consequences are closely linked to the activities of the courts, making this process one of the important areas of civil judicial proceedings. The court's assessment of a

debtor's insolvency status, verification of the legitimacy of creditors' claims, and application of the relevant legal procedures play a crucial role in safeguarding the rights and legitimate interests of participants in economic transactions. Therefore, the institution of insolvency is recognized as an important component not only of the economic system but also of the legal system.

In the Republic of Uzbekistan, the legal basis of the insolvency institution is determined by the Law "On Insolvency", which comprehensively regulates the assessment of a debtor's financial condition, the procedure for satisfying creditors' claims, the insolvency estate, and the activities of insolvency administrators.

From an economic standpoint, this institution ensures healthy market competition, enhances the efficiency of business activities, strengthens the confidence of creditors and investors, and contributes to the sustainable development of the national economy.

Accordingly, the institution of insolvency represents not only a legal mechanism for regulating economic relations but also an important strategic tool for maintaining economic stability and fostering sustainable economic growth.

Currently, insolvency proceedings are associated with a growing number of court cases, significant volumes of document management, and difficulties in ensuring the completeness, accuracy, and accessibility of information. The adoption of digital technologies offers an effective solution to these challenges by enabling electronic case administration and establishing a transparent and equal information environment for all stakeholders involved in the proceedings.

Moreover, the experience gained during the COVID-19 pandemic highlighted the efficiency and resilience of electronic justice systems. The integration of electronic court technologies into insolvency proceedings can contribute to the automation of procedural processes, minimize the influence

of the human factor, improve transparency, and ensure more effective protection of the rights and legitimate interests of creditors and debtors alike.

Uzbekistan has also undertaken comprehensive reforms aimed at the digital transformation of its judicial system. The digitalization of court activities, the implementation of electronic document management, and the introduction of online court hearings have become key priorities of state policy, supported by the gradual development of an appropriate legislative framework. Consequently, the application of digital court technologies in insolvency proceedings is increasingly recognized as an important mechanism for ensuring fairness, efficiency, and transparency in judicial decision-making.

The digital court system may be defined as a modern legal and technological platform that enables the administration of justice within a fully digital environment. Its fundamental element is the electronic court (e-court) system, which represents the first stage and institutional foundation of judicial digitalization. Whereas e-court systems initially relied on electronic documents, online filings, and videoconferencing, they are gradually evolving into a comprehensive digital court model that incorporates advanced digital technologies throughout the entire judicial process

The legal framework governing the introduction of digital court practices is primarily based on legislative and regulatory acts aimed at integrating modern information technologies into the administration of justice. In Uzbekistan, a significant milestone in this process was the adoption of the Presidential Decree of 7 February 2017, “On the Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan,” which marked a new stage in judicial and legal reforms. Under the second priority area of the Action Strategy, devoted to strengthening the rule of law and further reforming the judicial system, one of the key objectives was the introduction of modern information and communication technologies into court operations.

Further progress in this area was achieved through the adoption of the Presidential Resolution of 3 September 2020, "On Measures for the Digitalization of the Activities of Judicial Authorities." The Resolution was aimed at enhancing the digital transformation of the judiciary, improving data exchange between courts and other public authorities, and creating the necessary conditions for the broader implementation of electronic justice mechanisms within the judicial system.

As part of the ongoing digital transformation of the judiciary, several electronic justice mechanisms have been introduced in stages. Since 1 January 2021, court hearings in all courts have been subject to audio recording upon the request of the parties and with the approval of the presiding judge. From 1 July 2021, the automated allocation of cases among judges has been implemented in appellate and cassation courts, thereby enhancing transparency and reducing the risk of external interference in the assignment process. Since 1 October 2021, all participants in judicial proceedings have been notified of the date, time, and venue of court hearings free of charge through SMS notifications. Furthermore, from 1 January 2022, court decisions have been delivered electronically to the parties, while paper copies remain available upon request. In addition, beginning on 1 January 2023, an electronic system for the transfer and receipt of court files between courts and the State Archives was introduced, contributing to the further digitalization and modernization of judicial administration.

The Presidential Decree of the Republic of Uzbekistan of 16 January 2023, entitled "On Additional Measures to Further Expand Access to Justice and Improve the Efficiency of Court Activities," laid the groundwork for the full-scale digitalization of the judiciary and the introduction of artificial intelligence technologies into judicial practice.

Subsequently, in accordance with the objectives of the "Uzbekistan–2030" Strategy, the Presidential Decree of 21 August 2025, "On Additional Measures to Enhance Access to Justice through the Introduction of Artificial Intelligence Technologies into Court Activities and to Improve the Material

and Technical Capacity of the Judicial System," marked a new phase in judicial reform. The Decree envisaged the acceleration of digitalization processes within the judiciary, the integration of artificial intelligence into judicial activities, the gradual transition to fully electronic case management under the "Digital Court" concept with the ultimate goal of eliminating paper-based proceedings, and the development of AI-assisted mechanisms for calculating court fees and costs. Collectively, these initiatives have established a new foundation for the development of a modern, technology-driven judicial system.

Comparative analysis of foreign experience demonstrates that advanced jurisdictions such as Estonia, the Republic of Korea, Singapore, and Germany have successfully implemented electronic court platforms that enable insolvency proceedings to be conducted in a highly automated manner. Within these systems, judicial documents are certified through electronic digital signatures, and all stakeholders are provided with online access to case information and procedural developments. The effectiveness of these mechanisms suggests that the adoption of the most progressive elements of such practices would be beneficial for further modernization of the national judicial system.

In this context, the digital court system represents an important tool for improving both the automation and efficiency of insolvency proceedings. Its advantages are manifested in several dimensions.

First, insolvency petitions and accompanying documents may be filed electronically, substantially reducing the time required for document submission, verification, processing, and analysis. The use of electronic document management systems facilitates automated information exchange between courts and participants in the proceedings, thereby enhancing procedural efficiency, reducing administrative burdens, and improving the overall effectiveness of insolvency administration.

Second, the application of videoconferencing technologies in insolvency proceedings allows court hearings to be conducted remotely,

ensuring greater procedural efficiency and accessibility. As a result, debtors, creditors, insolvency administrators, and other participants can take part in judicial proceedings without the need for physical attendance, thereby reducing costs, saving time, and improving access to justice. At the same time, such technologies contribute to the transparency, flexibility, and overall effectiveness of judicial administration.

Third, court decisions issued in insolvency cases may be certified through digital signature technologies, which guarantee their authenticity, legal validity, and integrity. The use of digital signatures strengthens the legal force of electronic documents and enables the automated generation, transmission, and delivery of judicial acts in electronic form. In addition, the storage of case information within centralized digital databases promotes transparency, facilitates data analysis, and improves oversight throughout the insolvency process, thereby enhancing the overall quality of judicial decision-making.

Moreover, digital court systems increasingly rely on intelligent algorithms, artificial intelligence, blockchain technologies, and Big Data analytics to process and evaluate large volumes of information in dispute resolution. The application of these technologies enables the identification of relevant patterns, the assessment of procedural and financial data, and the prediction of potential outcomes of insolvency proceedings, thereby contributing to more efficient and evidence-based judicial decision-making.

From this perspective, the ongoing development of digital court practices in Uzbekistan represents more than a technological modernization initiative; it reflects the formation of a new legal and organizational model for the administration of justice in the digital era.

Indeed, contemporary digital transformation processes are reshaping not only economic relations but also the very foundations of judicial governance and legal institutions, creating new opportunities for enhancing the accessibility, transparency, and effectiveness of justice.

Despite the considerable opportunities created by the digitalization of insolvency proceedings and the implementation of electronic court systems, the process continues to face a number of legal, organizational, and technical challenges. The timely resolution of these issues is essential for enhancing the effectiveness and sustainability of digital justice mechanisms in insolvency cases.

First, one of the principal challenges concerns the inadequacy of the existing regulatory framework. Current procedural legislation does not comprehensively regulate the use of electronic documents, digital signatures, and videoconferencing technologies, nor does it establish sufficiently clear and uniform procedural standards for their application in judicial proceedings.

Therefore, procedural legislation should be supplemented with explicit provisions governing electronic document circulation, the legal status and evidentiary value of digital signatures, and the procedures for conducting remote court hearings through videoconferencing technologies. The establishment of such legal safeguards would strengthen legal certainty, promote consistent judicial practice, and ensure the stable and effective functioning of electronic court systems in insolvency proceedings.

Second, the insufficient development of technical infrastructure may adversely affect the stability and effectiveness of digital court systems. In particular, inadequate internet connectivity in certain regions and technical interruptions associated with the operation of the “E-Sud” platform can delay procedural actions and reduce the overall efficiency of insolvency proceedings.

Consequently, the modernization of technical infrastructure and the further development of a unified judicial information platform should be regarded as key priorities. This includes ensuring reliable internet connectivity for courts and insolvency stakeholders, integrating governmental and judicial databases, and establishing automated

mechanisms for interagency data exchange. Such measures are essential for the effective operation of a fully digitalized insolvency framework.

Third, ensuring information security and the protection of confidential data constitutes another major challenge. Given that insolvency proceedings involve commercially sensitive and legally significant information, the risks of unauthorized access, data manipulation, or cyberattacks may negatively affect the credibility and reliability of digital justice systems. Furthermore, the misuse of digital technologies for the submission of unreliable or falsified electronic evidence may create additional procedural risks.

For this reason, the implementation of advanced cryptographic safeguards, blockchain-based verification mechanisms, and secure server architectures is highly recommended. These technologies can strengthen data integrity, enhance cybersecurity, ensure the confidentiality of judicial information, and ultimately increase public trust in digital court systems.

Fourth, disparities in digital skills and technological literacy among judges, court personnel, debtors, creditors, and other participants in insolvency proceedings constitute a significant challenge to the effective implementation of digital justice mechanisms. Limited practical experience in the use of electronic platforms may hinder procedural efficiency and create obstacles to the consistent application of digital court technologies.

To address this challenge, electronic court systems should be further enhanced through the integration of artificial intelligence and Big Data analytics, allowing them to function as decision-support and predictive tools in insolvency proceedings. At the same time, continuous professional training programs should be introduced to strengthen the digital competencies of judges, court staff, insolvency administrators, and other stakeholders. Such initiatives would not only improve the effective use of digital court technologies but also maximize the benefits of judicial digitalization and contribute to the development of a more efficient and technologically advanced insolvency framework.

In conclusion, the implementation of electronic court practices in insolvency proceedings constitutes a significant step toward the establishment of a modern, efficient, and transparent system of justice. By utilizing centralized digital information platforms, it enhances the efficiency of procedural administration, improves access to procedural rights for all participants, and supports the adaptation of the national judiciary to the demands of the digital era. Moreover, the integration of digital technologies into insolvency proceedings promotes innovation within the judicial system while strengthening transparency, accountability, and compliance with the rule of law. As a result, electronic justice mechanisms have become an essential component of the ongoing modernization and sustainable development of the judicial system.

JURAYEV ZOXIDJON ASHUROVICH
TerDU Yuridik fakulteti o’qituvchisi,
O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti mustaqil tadqiqotchi-izlanuvchisi

YASHIL IQTISODIYOT TARAQQIYOTIDA ILM-FAN, TA'LIM-TARBIYA VA MADANIYATNING ROLI: O'G'RILIK JINOYATI BILAN BOG'LIQ JIHATLAR

Аннотация: *Ушбу мақолада яшил иқтисодиёт концепцияси доирасида илм-фан, таълим-тарбия ва маданиятнинг тутган ўрни IMRAD услубида таҳлил қилинади. Тадқиқот мақсади — иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик йўлида ўғрилик жиноятининг келиб чиқиш сабаблари, унинг яшил иқтисодиёт тараққиётига таъсири ва бу муаммони ҳал этишда маънавий-ахлоқий тарбиянинг ролини аниқлашдан иборат. Мақола интердисциплинар ёндашув асосида ёзилган бўлиб, криминология, иқтисодиёт ва таълим соҳалари кесишмасида жойлашган муаммоларни қамраб олади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, илм-фан, таълим ва маданиятга йўналтирилган инвестициялар ўғрилик жиноятини профилактика қилишнинг энг самарали механизми ҳисобланади.*

Аннотация: *В данной статье в рамках концепции зелёной экономики анализируется роль науки, образования и культуры по методологии IMRAD. Цель исследования — выявить причины возникновения преступлений, связанных с кражей, на пути к экономическому росту и социальной стабильности, определить их влияние на развитие зелёной экономики, а также установить роль духовно-нравственного воспитания в решении данной проблемы. Статья написана на основе междисциплинарного подхода и охватывает проблемы, находящиеся на пересечении криминологии, экономики и педагогики. Результаты исследования показывают, что инвестиции в науку, образование и культуру являются наиболее эффективным механизмом профилактики преступлений, связанных с кражей.*

Abstract: *This article analyses the role of science, education, and culture within the framework of the green economy concept, following the IMRAD methodology. The aim of the study is to identify the causes of theft-related crimes on the path to economic growth and social stability, to determine their impact on the development of the green economy, and to establish the role of spiritual and moral education in addressing this problem. The article is written on the basis of an interdisciplinary approach and covers issues at the intersection of criminology, economics, and pedagogy. The findings of the study demonstrate that investments in science, education, and culture represent the most effective mechanism for the prevention of theft-related crimes.*

Kalit so'zlar: *yashil iqtisodiyot, ilm-fan, ta'lim, madaniyat, o'g'rilik jinoyati, ijtimoiy adolat, barqaror rivojlanish, huquqiy madaniyat, IMRAD, profilaktika.*

Ключевые слова: *зелёная экономика, наука, образование, культура, кража, социальная справедливость, устойчивое развитие, правовая культура, IMRAD, профилактика.*

Keywords: *green economy, science, education, culture, theft, social justice, sustainable development, legal culture, IMRAD, prevention.*

1. KIRISH (INTRODUCTION). XXI asrda dunyo hamjamiyati yashil iqtisodiyot modeliga o'tishni o'zining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilab olgan. Yashil iqtisodiyot — bu nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilish, balki ijtimoiy adolat, inson kapitalini rivojlantirish va barqaror farovonlikni ta'minlashga qaratilgan kompleks tizimdir. BMTning Barqaror Rivojlanish Maqsadlari (BRM) doirasida ushbu model global miqyosda joriy etilmoqda.

Biroq yashil iqtisodiyot qurishning muhim to'siqlaridan biri — bu jamiyatdagi ijtimoiy illat va jinoyatchilik, xususan o'g'rilik jinoyati hisoblanadi. O'g'rilik — mulkiy jinoyatlarning eng keng tarqalgan turi sifatida iqtisodiy faollikka, investitsion muhitga va fuqarolarning xavfsizlik hissiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Mavjud adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, jinoyatchilikning asosiy ildizi ko'pincha ta'lim-tarbiya tizimidagi

kamchiliklar, madaniy qadriyatlarning inqirozi va ilmiy-texnik taraqqiyotdan ortda qolish bilan bog'liqdir (Lochner, 2020).[1]

Ushbu tadqiqot muammosi — yashil iqtisodiyot taraqqiyotida ilm-fan, ta'lim va madaniyatning o'g'rilik jinoyatiga ta'siri yetarli darajada o'rganilmaganligida namoyon bo'ladi. Shu sababli ushbu maqolada ushbu o'zaro bog'liqlik IMRAD metodologiyasi asosida tizimli tahlil qilinadi.

Tadqiqotning maqsadi: yashil iqtisodiyot sharoitida ilm-fan, ta'lim-tarbiya va madaniyatning o'g'rilik jinoyatini kamaytirish va oldini olishdagi mexanizmlarini aniqlash hamda amaliy tavsiyalar ishlab chiqish.

Tadqiqotning vazifalari: (1) ilm-fan va o'g'rilik jinoyati o'rtasidagi korrelyatsiyani aniqlash; (2) ta'lim-tarbiyaning profilaktik rolini tahlil qilish; (3) madaniyat va huquqiy madaniyatning o'g'rilik jinoyatiga ta'sirini baholash; (4) yashil iqtisodiyot uchun kompleks yechimlar taklif etish.[2]

2. METODOLOGIYA (METHODS). Ushbu tadqiqotda quyidagi ilmiy metodlar qo'llanilgan:

Adabiyotlar tahlili (Literature Review): O'zbekiston Respublikasining me'yoriy-huquqiy hujjatlari (Jinoyat Kodeksi, "Huquqbuzarliklarning oldini olish to'g'risida"gi Qonun), xalqaro tashkilotlar (BMT, UNEP) materiallari, kriminologiya va iqtisodiyot sohasidagi ilmiy manbalar o'rganildi.[2] Jami 7 ta asosiy manba tahlil qilindi.

Qiyosiy tahlil metodi (Comparative Analysis): Skandinaviya mamlakatlari (yuqori ta'lim darajasi, past jinoyatchilik ko'rsatkichi) va rivojlanayotgan mamlakatlar tajribasi qiyoslab o'rganildi. O'zbekistonning "Yangi O'zbekiston" strategiyasi 2022-2030 doirasidagi islohotlar tahlil qilindi.

Interdisiplinar yondashuv (Interdisciplinary Approach): Kriminologiya, iqtisodiyot, pedagogika va madaniyatshunoslik sohalari

[1] Juraev Z.A. O'g'rilik - salbiy ijtimoiy hodisa sifatida // Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. ISSN: 2181-3477. Jild: 04, Nashr: 10. 2025

[2] Juraev Z.A. O'g'irlikning kriminologik tavsifi va uning oldini olishni takomillashtirish // Sharq tarix, siyosat va huquq jurnali. ISSN: 2181-2780. Vol. 5, No. 11. 2025.

kesishmasida mavjud bo'lgan muammolar kompleks tarzda tadqiq etildi. Bu yondashuv bir soha chegarasida ko'rinmaydigan aloqadorliklarni aniqlash imkonini berdi.

Mantiqiy-nazariy tahlil (Logical-Theoretical Analysis): Ilm-fan — ta'lim — madaniyat — jinoyatchilik zanjiri bo'yicha sabab-oqibat munosabatlari tahlil qilindi. Yashil iqtisodiyot falsafasi va o'g'rilik jinoyatining axloqiy-madaniy asoslari o'rtasidagi ziddiyat nazariy tarzda ko'rib chiqildi.

Cheklovlar: Tadqiqot asosan nazariy va tahliliy xususiyatga ega bo'lib, keng ko'lamli empirik ma'lumotlar to'plash ushbu maqola doirasida amalga oshirilmagan. Keyingi tadqiqotlarda miqdoriy tahlil metodlari qo'llanilishi tavsiya etiladi.

O'g'irlik — bu faqat mol-mulkni olish emas, balki insonning mehnatiga, uning halollikka bo'lgan hurmatiga bo'lgan xiyonatdir. Ushbu jinoyat inson huquqlariga, jamiyatning barqarorligiga va odamlar o'rtasidagi ishonchga putur yetkazadi.

O'g'irlik jinoyati nafaqat mol-mulkka zarar yetkazadi, balki jamiyatdagi tinchlik va ishonchni ham buzadi. Bu jinoyat sodir etilgan shaxsning shaxsiy hayotiga yordam bermasdan, uning ijtimoiy mavqeiga ham keskin ta'sir qiladi.

Har bir inson, agar u o'z shaxsiy mulkini, oilaviy mohiyatni va inson shaxsini hurmat qiladigan bo'lsa, shunday tajovuzlarga yo'l qo'ymasligi kerak. O'g'irlik jinoyati, jamiyatni yomon ish va qonun buzishga tashviq etish orqali ijtimoiy tartibni zaiflashtiradi.

Ma'naviy qiymatlarni qayta tiklash, yoshlarning manfaatlarini himoya qilish va jamiyatdagi adolatni ta'minlash uchun, har bir fuqaro o'z mas'uliyatini anglab, ushbu jinoyatga qarshi kurashishda, keng jamoatchilik, davlat organlari va ta'lim muassasalari birgalikda ish olib borishlari, xavf-xatarlarning oldini olish uchun mas'uliyatni his qilishlari kerak.

O'g'irlik — bu jinoyatning nafaqat qonunga xilofligi, balki odamning ma'naviy nuqtai nazaridan ham kabi jiddiy xiyonat hisoblanadi. Jamiyatda

tinchlik va o'zaro ishonchni tiklash uchun har birimiz qonunga ehtirom va manfiy jinoyatlarga qarshi faol turishimiz lozim.[1]

Talon-torojning bir necha usulini u yoki bu atamalar birligida ko'rsatish ular umumiy usulining mohiyatini ifoda etmasdan, o'g'irlik muayyan usullarning bir qadar to'liq ro'yxatini hosil qiladi. O'zgalar mulkini egallab olish mexanizmining tarkibiy qismi talon-toroj manbaidan iborat. Mazkur belgini O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida va yangi Jinoyat Kodeksida mulkning barcha shakllari barobar muhofaza qilinishini e'tiborga olgan holda, o'zgalar mulkini mulkdor yoki boshka mulk egasi tasarufidan chiqarib olish orqali egallab olish, deb ta'riflanasa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Biroq "tortib olib qo'yish" har doim ham talon-toroj sifatida baholanishi mumkin emas. Talon-toroj sifatida faqat mulkning mulkdor yoki boshqa mulk egasi tasarufidan qonunga xilof ravishda va o'rnini qoplamasdan tekinga olib qo'yish hisoblanish mumkin.

Qonunga xiloflilik shuni ko'rsatadiki, o'zganing mulkini egallash, olib qo'yilayotgan predmetga nisbatan haqiqiy yoki tasavvur qilingan huquq mavjud bo'lmagan holatda sodir etiladi.

3. MUHOKAMA VA NATIJALAR (DISCUSSION, RESULTS). Olingan natijalar yashil iqtisodiyot va jinoyatchilik muammolarini bir-biridan ajratib o'rganish mumkin emasligini ko'rsatadi. Ushbu ikki soha o'rtasidagi aloqa bir yo'nalishli emas: yashil iqtisodiyot taraqqiyoti jinoyatchilikni kamaytirsa, jinoyatchilikni kamaytirish esa yashil iqtisodiyot uchun qulay muhit yaratadi.

Adabiyotlar tahlili va qiyosiy tadqiqot natijasida quyidagi asosiy xulosalar aniqlandi:

Ilm-fan va jinoyatchilik o'rtasidagi bog'liqlik. Aholining ta'lim va ilm darajasi yuqori bo'lgan davlatlarda mulkiy jinoyatlar, shu jumladan o'g'rilik

[1] Juraev Z.A. Kriminologicheskaya xarakteristika kraj i sovershenstvovanie ix profilaktiki // "Yurisprudensiya, pravosudiye i gosudarstvo: aktualnie voprosi teorii i praktiki": sbornik statey VII Mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii, 25 iyulya 2025 g, str. 45

ko'rsatkichlari statistik jihatdan ancha past ekanligi aniqlandi. Skandinaviya mamlakatlari (Shvetsiya, Norvegiya, Finlandiya) bu tendentsiyaning eng yaqqol namunasidir: ushbu mamlakatlar bir vaqtning o'zida yashil iqtisodiyot reytingida yuqori o'rin egallaydi va jinoyatchilik darajasi bo'yicha dunyoda eng past ko'rsatkichlardan biriga ega. Yashil iqtisodiyot islohotlari orqali yaratilgan yangi ish o'rinlari aholining qonuniy daromad manbaiga ega bo'lishini ta'minlaydi va jinoyatchilik uchun iqtisodiy motivatsiyani kamaytiradi.[1]

Biz ushbu mavzuni yoritish davomida o'g'irlik, talonchilik, firibgarlik, tovlamachilik jinoyatlari jinoyati haqida batafsil to'xtalib o'tdik. Chunki mamlakatimizda mulk shakllarining kengayib borishi va insonlar qo'li bilan yaratib kelinayotgan xususiy mol-mulklarning turi va salmoqining ortishi bu kabi jinoyatlar sonining ko'payishiga sabab bo'ladi. Yuqorida talon-tarojning ushbu shakliga, shuningdek qaysi holatlarda qonunchiligimiz o'g'irlik jinoyatining baholanishiga va javobgarlik masalalarini qay tarzda hal etilayotganligiga e'tiborimizni qaratdik.

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 7-moddasiga binoan "jazo va boshqa huquqiy ta'sir choralari jismoniy azob berish yoki inson qadr-qimmatini kamsitish maqsadini ko'zlamaydi". [2]

Jinoyat sodir etgan shaxsga nisbatan u ahloqan tuzalishi va yangi jinoyat sodir etishining oldini olish uchun zarur hamda yetarli bo'ladigan jazo tayinlanishi yoki huquqiy ta'sir chorasi qo'llanilishi kerak" deb ta'kidlab o'tilgan. Bundan xulosa qilish mumkinki, insonparvarlik tamoyillari va jinoyat uchun adolatli jazo tayinlash bularning barchasi ijobiy natijalarni maqsad qiladi va bu bilan mamlakatimiz iqtisodiyotiga, unda yashovchi odamlarning mulkiy huquqlariga zarar yetkazishni oldini olishga xizmat

[1] Yemelkina N.L., Juraev Z.A. Prichini i posledstviya pribitiya trudovix migrantov iz Uzbekistana v Rossiyskuyu Federatsiyu s nesovershennoletnimi detimi // Nauka i praktika: aktualnie voprosi, dostigeniya i innovatsii: sbornik statey mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii, 15 dekabrya 2024 g.

[2] Abdurasulova Q.R. Kvalifikatsiya vimogatelstva, sovershennogo povtorno // Nauchnie trudi Akademii finansovoy politsii. Astana. 2003. №1. S. 104–114.

qiladi. Shu sababli bu kabi jinoyatlarni ko'rib chiqishda mas'ul bo'lgan sud va tergov organlarining, sodir etilgan jinoyatning og'ir-yengilligiga e'tibor qaratishlari o'z navbatida jinoyat sodir etgan shaxsga nisbatan odil jazo tayinlashga asos bo'ladi.

Ta'lim-tarbiyaning profilaktik samaradorligi. Kriminologik tadqiqotlar o'g'rilik jinoyatini sodir etuvchi shaxslarning 70-80 foizi past ta'lim darajasiga ega ekanligini ko'rsatadi (Lochner, 2020). Maktab va oliy ta'lim muassasalarida huquqiy tarbiya fanini chuqurlashtirish, o'smirlar o'rtasida tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish va kasbga yo'naltirish dasturlarini kengaytirish o'g'rilik jinoyatlarini profilaktika qilishning eng samarali usullari ekanligi aniqlandi. O'zbekistondagi "Huquqbuzarliklarning oldini olish to'g'risida"gi Qonun ta'lim muassasalariga profilaktika borasida katta mas'uliyat yuklagan, bu esa to'g'ri yo'nalish sifatida baholanadi.

Madaniyat va huquqiy ongning to'siq funksiyasi. O'zbek xalqining an'anaviy madaniyatida "harom luqma yeyish" — boshqaning mulkiga nohaq qo'l uzatish — eng katta gunoh va sharmandalik sifatida qaralgan. Bu madaniy mezon o'g'rilikka qarshi kuchli ichki to'siq bo'lgan. Globallashuv jarayonida an'anaviy qadriyatlar siquvga uchraganda, madaniy bo'shliq yuzaga kelishi va bu jinoyatchilik uchun qulay muhit hosil qilishi mumkinligi aniqlandi. Yashil iqtisodiyot falsafasidagi "yetarlilik" madaniyati esa bu bo'shliqni to'ldiruvchi yangi madaniy paradigma sifatida belgilandi.[1]

O'g'rilik jinoyatining yashil iqtisodiyotga salbiy ta'siri. Tahlil natijasida o'g'rilik jinoyatining yashil iqtisodiyotga uchta asosiy yo'nalishda zarar etkazishi aniqlandi: (a) investitsion muhitni zaiflashtirish — tadbirkorlar mol-mulk xavfsizligiga ishonch hosil qila olmagan taqdirda investitsiya kiritishdan bosh tortadilar; (b) yashil infratuzilmaga zarar — quyosh panellari, shamol turbinalari va ekologik uskunalarning o'g'irlanishi yashil texnologiyalarni joriy etishni sekinlashtiradi; (c) ijtimoiy kapitalning

[1]Abdurasulova K.R. Otvetstvennost za moshennichestvo i polucheniye kredita putem obmana // Mustaqil O'zbekistonda falsafa va huquq fanlarining dolzarb muammolari. T.: Fan, 1994. S. 48–52.

emirilishi — o'g'rilik odamlar o'rtasidagi ishonch va hamkorlikni yo'q qiladi, yashil iqtisodiyot esa aynan jamoa hamkorligiga tayanadi.

Mavjud adabiyotlar bilan taqqoslaganda, ushbu tadqiqot Lochner (2020) ning ta'lim va jinoyatchilik o'rtasidagi bog'liqlik haqidagi xulosalarini O'zbekiston kontekstida tasdiqlaydi. Shu bilan birga, tadqiqot ushbu muammoni yashil iqtisodiyot doirasida ko'rib chiqish orqali yangi o'lcham qo'shadi.[1]

Amaliy nuqtai nazardan, O'zbekiston uchun quyidagi kompleks yondashuv tavsiya etiladi: (1) smart texnologiyalar (kameralar, GPS monitoring) yordamida qo'riqlov tizimlarini kuchaytirish; (2) ta'lim orqali yoshlarni erta davrdan huquqiy va axloqiy tarbiyalash; (3) madaniy dasturlar orqali halol mehnat qadrini targ'ib qilish; (4) iqtisodiy adolat — tengsizlikni kamaytirish va barcha uchun mehnat bozorida teng imkoniyat yaratish; (5) jinoyatchilarni jazolash o'rniga qayta tarbiyalash va kasbga yo'naltirish — bu yashil iqtisodiyot falsafasiga mos insonparvar yondashuv.

Muhim cheklov sifatida shuni ta'kidlash kerakki, ushbu tadqiqot asosan nazariy tahlilga asoslangan. O'zbekistonda o'g'rilik jinoyatining ta'lim darajasi, madaniy ko'rsatkichlar va yashil iqtisodiyot indekslari bilan miqdoriy korrelyatsiyasini aniqlash uchun maxsus empirik tadqiqot o'tkazish zarur. Bunday tadqiqot kelgusida siyosiy qarorlar qabul qilish uchun muhim asos bo'lib xizmat qiladi.

Qiyosiy tahlil shuni ko'rsatadiki, faqat jazolash choralari o'g'rilik jinoyatini uzoq muddatda kamaytirmaydi. O'zbekiston Jinoyat Kodeksida ko'zda tutilgan jazo me'yorlari muhim ahamiyatga ega, ammo ijtimoiy profilaktika va reabilitatsiya choralari bilan birga qo'llanilgandagina samarali natija beradi. Bu xulosa xalqaro kriminologiya amaliyoti bilan to'liq mos keladi.[2]

---

[1] Abdurasulova Q.R. Firibgarlikni pora olish-berishdan farqlash masalalari // Mustaqil O'zbekiston: Falsafa va huquq fanlarining dolzarb muammolari. T.: Fan, 1995. B. 48–52.

[2] Abduxalikov M.A. Konstruktsiya stati ob otvetstvennosti za vimogatelstvo // Novie kodeksi Respubliki Uzbekistan: teoriya i praktika. T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Oliy maktabi, 1994. S. 121–123.

5. XULOSA (CONCLUSION). Ushbu tadqiqot yashil iqtisodiyot taraqqiyotida ilm-fan, ta'lim-tarbiya va madaniyatning hal qiluvchi rolini isbotladi. Ular nafaqat texnologik va iqtisodiy taraqqiyotni ta'minlaydi, balki ijtimoiy jihatdan sog'lom, huquqiy madaniyati yuqori va axloqan yetuk jamiyatni shakllantirishga xizmat qiladi.

Yuqoridagi masalalar o'z echimini topishi va ijobiy natijalarga hamda ko'zlangan maqsadga erishish uchun biz quyidagi xulosa va takliflarni ilgari surdik:

— Respublikamizda o'g'irlik, talonchilik, firibgarlik, tovlamachilik jinoyatlarini sodir etgan shaxslarning javobgarlik masalasini hal etish jarayonida surishtiryв, tergov va sud amaliyotida jinoyatchi shaxsini aniqlagshga e'tibor qaratish maqsadga muvofiq deb o'ylaymiz. Ya'ni ularning nima sababdan mazkur jinoyatga qo'l urganliklarini aniqlash, bunga og'ir shaxsiy, oilaviy sharoitlar oqibatidami yoki boshqa mushkul ahvolga tushib qolganlligi sabab bo'ldimi, yoki shu kabi shaxsning ijtimoiy turmush tarzini o'rganish va bu haqda tasdiqlovchi ma'lumotlar olingan taqdirda, ularning qilmishini yengillashtiruvchi holat sifatida baholab, ularga nisbatan ozodlikdan mahrum etish bilan bog'liq bo'lmagan jazo tayinlansa va qo'llanilgan jazo ularning bundan keyin jinoyat sodir etishlarini oldini olishga xizmat qilsa maqsadga muvofiq bo'ladi deb hisoblaymiz. Biz bozor iqtisodiyoti sharoitida yashaayotgan ekanmiz odamlarning ehtiyojlarining turi va ko'lami kengayib boraveradi, shu sababli ham davlatimizning olib borayotgan keng ko'lamli islohotlarida ishsizlikni sonini kamaytiri, bandlikni ta'minlash masalalari e'tibor markazida turibdi. Demak, bu masalaga jazo tayinlash amaliyotida ham alohida e'tibor berilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi.[1]

O'g'rilik jinoyati iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy muammolarning kesishish nuqtasida paydo bo'ladi. Uni bartaraf etishning asosiy yo'li —

[1] Abduxalikov M.A. O nekotorix kvalifitsiruyushix obstoyatelstvax vimogatelstva // Konstitutsiya – huquqiy davlat qurishning asosi: ilmiy-amaliy anjuman materiallari. T.: TDYUI, 1996. S. 45–50; 58–59.

ta'lim orqali axloqiy tarbiya berish, ilm-fan yutuqlari asosida xavfsizlik tizimlarini takomillashtirish va madaniyat orqali halollik hamda adolat qadriyatlarini jamiyatga singdirishdir.

Tadqiqot natijalaridan kelib chiqadigan asosiy amaliy tavsiya: O'zbekistonda yashil iqtisodiyotga o'tish jarayonida ilm-fan, ta'lim va madaniyatga yo'naltirilgan investitsiyalar jinoyatchilikka qarshi kurashning eng tejamli va eng samarali usuli sifatida siyosiy agenda markaziga chiqarilishi zarur. [1]

Kelajak tadqiqotlar uchun yo'nalishlar: (1) O'zbekiston viloyatlari bo'yicha ta'lim darajasi va o'g'rilik ko'rsatkichlari o'rtasidagi miqdoriy korrelyatsiya tahlili; (2) yashil infratuzilmaga zarar etkazgan jinoyatlar bo'yicha alohida statistik tadqiqot; (3) ta'lim muassasalarida huquqiy profilaktika dasturlarining samaradorligini o'lchash metodologiyasini ishlab chiqish.

[1] Abduxalikov M.A. Psixicheskoye nasiliye kak sredstvo zavladeniya imushyestva v vimogatelstve, grabeje i razboe // O'zbekistonning mustaqil huquqiy yo'li: tajriba va muammolar: ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. T.: Kamalak, 1994. S. 124–126.

ИСМАИЛОВ БАХОДИР ИСЛАМОВИЧ
Заведующий сектором Института законодательства и правовой политики при Президенте Республики Узбекистан, д.ю.н., профессор

БАХРИДДИНОВА БЕХРУЗА БАХРЕДДИНОВНА
Самостоятельный соискатель ИЗПП при Президенте Республики Узбекистан

ДИНАМИКА РАЗВИТИЯ ПОДХОДОВ К ПОНИМАНИЮ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЩЕСТВА: ОТ ГЕОГРАФИЧЕСКОЙ СОСТАВЛЯЮЩЕЙ К ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ

Аннотация: *Ахборот жамиятини замонавий тушунишга асосий ёндашувлар уларнинг турларига боғлиқ. Назарий жиҳатдан Силикон водийси модели, Сингапур ва Финляндия модели ажралиб туради.*

Минтақавий хусусиятларга қараб ахборот жамиятларини англо-саксон, континентал, осиё ва лотин америкаси типологик моделларига таснифлаш мумкин.

Аннотация: *Динамика развития подходов к пониманию информационного общества зависит от истории формирования указанного политико-правового института. В теории выделяют модель Силиконовой долины, сингапурскую финскую модели. В зависимости от региональных особенностей типологические модели: англосаксонскую, континентальную, азиатскую и латиноамериканскую и др.*

Abstract: *The main approaches to the modern understanding of the information society depend on their varieties. In theory, the Silicon Valley model and the Singapore-based Finnish model are distinguished. Depending on the regional features, typological models include Anglo-Saxon, continental, Asian, and Latin American.*

Калит сўзлар*: ахборот жамиятининг замонавий моделлари, ахборот-коммуникация соҳаси, ахборот жамиятининг миллий моделлари, ахборот технологиялари, ахборот муносабатлари субъектлари.*

Ключевые слова: *модели информационного общества, информационно-коммуникационная сфера, национальные модели информационного общества, информационные технологии, субъекты информационных взаимоотношений.*

Keywords*: information and communication sphere, national models of information society, information technologies, subjects of information relations.*

Начало XXI в. связано с процессом формирования в ряде развитых государств мира так называемых национальных моделей информационного общества. Под ними обычно понимаются различные подходы к роли государства в развитии информационно-коммуникационной сферы, использовании информационных технологий для удовлетворения потребностей субъектов информационных взаимоотношений с учетом их культурных, экономических и социальных особенностей[1].

Американские исследователи М.Кастеллс и П.Химанен выделяют модель Силиконовой долины, сингапурскую модель и финскую модели информационного общества[2]:

Российский исследователь К.А.Панцерев[3] считает, что национальные концепции информационного общества можно разделить на четыре основные типологические модели: англосаксонскую, континентальную, азиатскую и латиноамериканскую, осуществляя группировку по регионально-культурному принципу.

Все вышеперечисленные модели построения информационного общества отличаются, по сути, только отношением государств к

---

[1] Химанен П. Информационное общество и государство благосостояния: Финская модель / П. Химанен, М. Кастельс; пер. с англ. А. Калинин, Ю Подорога. М. : Логос, 2002.,Тапскотт Дж. Электронно-цифровое общество. Киев : INT-Пресс; М. : Рефл-Бук, 1999., Himaneii P., Kastel's M. Information Society and the Welfare State: The Finnish Model'. Moscow, Logos, 2002. и др.

[2] Кастеллс М., Химанен П. Информационное общество и государство благосостояния: финская модель. — М., 2002.С.26

[3]Панцерев К.А. Современные модели информационного общества: типологическая характеристика/ https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-modeli-informatsionnogo-obschestva-tipologicheskaya-harakteristika#:~:

процессу контроля за рынком информационно-коммуникационных технологий.

Нет сомнений, что сегодня эффективность государственного управления определяется не только качеством правовой базы, но и сформированностью институциональной инфраструктуры управления.

Проведённый анализ указывает, что при характеристике современных моделей построения информационного общества следует учитывать наличие экономико-социального, технологического, технократического, коммуникативного, организационно-правового подходов к его становлению и развитию.

Так Экономико-социальный подход к пониманию информационного общества отмечается в работах Д. Белла, А.Кларка, Ф.Махлупа, М.Кастельса, Р. Коуза, А. Алчяна, Е.А. Кошевой и др[1].

В 50-х годах XX века американский экономист Ф.Махлуп говорил о наступлении эпохи информационной экономики[2]. Его подходы были развиты в его ключевой работе «Производство и распространение знаний в США» (1962).[3]

Видным научным исследователем в области изучения экономических основ формирования и развития информационного общества является М.Кастельс который в исследовании «Информационная эпоха: экономика, общество и культура» (1996-1998) отмечал, что «сеть есть основная форма организации в информационную эпоху» она создаёт новую логику социальной

[1] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М., 1999.С 155-162; Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США. — М.: Прогресс, 1966. — 462 с. («The Production and Distribution of Knowledge in the United States». 1962);Castells, Manuel. The Rise of the Network Society (The Information Age: Economy, Society and Culture, Vol.1) Blackwell Publishers, 1996, p.469 и др.

[2] Machlup Fritz. The Political Economy of Monopoly. — The Johns Hopkins Press, 1952.

[3] Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США. — М.: Прогресс, 1966. — 462 с. («The Production and Distribution of Knowledge in the United States». 1962).

структуры» то есть современные технологии создают глобальные сети, перестраивающие экономические и социальные структуры.[1]

Основатели новой теории прав собственности американские учёные Р. Коуз и А. Алчян, полагали что «информация становится продуктом и одной из главных ценностей общества».[2]

Технологический подход к пониманию информационного общества отмечается в работах А.С.Даффа,Э.Тоффлера, Дж.Мартина, З.Бжезинского, Ф.Вебстера, Д.Тапскотта, В.В. Долинской и др.[3]

С точки зрения сторонников указанного подхода в информационном обществе на первое место выходит производство информационных услуг.[4]

По мнению Э.Тоффлера «знание становится и силой и богатством, а технологичный контроль над информацией дает реальную власть как в экономической, так и в политической жизни».[5]

В свою очередь британский социолог Ф.Вебстер в книге «Теории информационного общества» (1995)[6] подверг сомнению идею, о том, что человечество вошло в принципиально новую эпоху. Ключевым фактором он выделял, технологию влияния информации на процессы, то есть ее качественное изменение, а не рост объема.

---

[1] Castells, Manuel. The Rise of the Network Society (The Information Age: Economy, Society and Culture, Vol.1) Blackwell Publishers, 1996, p.469

[2] Информационное право: Учебное пособие / Г.Л. Акопов. - Ростов н/Д: Феникс, 2008. С. 23.

[3] Эстер Дайсон / Джордж Гилдер / Джордж Киворт / Элвин Тоффлер (1994) Киберпространство и американская мечта: Великая хартия вольностей для эпохи знаний. В: Взгляд в будущее 1.2. Фонд прогресса и свободы., Дафф, Алистер С. (2015). «Информационное общество». Международная энциклопедия социальных и поведенческих наук (второе издание) : 83–89 . doi : 10.1016/B978-0-08-097086-8.95017-7 . ISBN 978-0-08-097087-5.

[4] Кроуфорд, С.(1983). «Происхождение и развитие концепции: информационное общество». //Бюллетень Медицинской библиотечной ассоциации. 71 (4): 383 .

[5] "Кроуфорд, С. «Происхождение и развитие концепции: информационное общество». Бюллетень Медицинской библиотечной ассоциации . 71 (4): 385 .

[6] https://www.hse.ru/data/2011/05/30/

Технократический подход к пониманию информационного общества отмечается в работах Т.Парсонса, П. Дракера, А.С.Даффа, Е.А. Кошевой и др[1].

Дафф, Алистер С. исходя из позиций технократического подхода указывает на размытие границ современных государств и их суверенности[2].

Известный учёный Т.Парсонс, рассматривая общество с точки зрения технократии указывает, что «информационное общество формируется там, где помимо имеющейся сети взаимообменивающих четырёх основных подсистем – экономической, политической, правовой, морально-идеологической, к ним добавляются две важные и самостоятельные подсистемы – телекоммуникационная и образовательная»[3].

Технократический подход к пониманию информационного общества прослеживается и в работах американского экономиста П. Дракера который в публикации «Посткапиталистическое общество» указывает, что «бурное развитие новых научных направлений, таких как информационная теория, информатика, кибернетика, теория принятия решений, теория игр и т.д. способствует развитию информационного общества»[4].

Коммуникативный подход к пониманию информационного общества отмечается в работах Э.Барнува, Дж.Мартина, Т.Стоуньера, Е.Н. Ветрова и др[5].

---

[1] https://gtmarket.ru/library/basis/5395/5397

[2] Дафф, Алистер С. (2015). «Информационное общество». Международная энциклопедия социальных и поведенческих наук (второе издание): 83–89 . doi : 10.1016/B978-0-08-097086-8.95017-7 . ISBN 978-0-08-097087-5.

[3]Бакленд, М. Информация и общество. MIT Press., 1996, 6 https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-sotsialnyh-sistem-t-parsonsa

Вебстер, Ф. (2006). Глава 2: Что такое информационное общество? В кн. «Теории информационного общества» , 3-е изд. (стр. 15–31). Нью-Йорк: Routledge.

[4] https://iir-mp.narod.ru/books/inozemcev/page_1067.html

[5] Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики // Новая технократическая волна на Западе. М., 1986. С. 335.

В свою очередь главный редактор Международной энциклопедии по коммуникации Э.Барнув считает, что «в информационном обществе более интенсивно, чем в индустриальном обществе, происходит распадение социума на два класса. Это класс интеллектуалов, носителей знаний и класс тех, кто не входит в новую информационную экономику»[1].

Британский исследователь Т.Стоуньер отмечает, что «в информационном обществе изменятся уклад жизни, система ценностей индивидов и социальных групп, возрастает значимость информационных ценностей по отношению к материальным, сделки по поводу материальных вещей ведут к конкуренции, а информационный обмен между индивидами и социальными группами ведет к сотрудничеству».[2]

При этом отечественные исследователи Бурнашев Р.Ф., Холмаматова А.Ш. обоснованно отмечают, что «В информационном обществе трансформация личности происходит под влиянием противоречивых процессов. С одной стороны, цифровая среда предоставляет человеку новые возможности для самовыражения, творчества и участия в общественной жизни. С другой стороны, возрастают риски утраты приватности, дегуманизации общения и манипуляции сознанием. Эти аспекты требуют глубокого анализа и осмысления, поскольку формируют будущее не только отдельных личностей, но и общества в целом»[3].

---

[1] https://www.monographies.ru/ru/book/section?id=639

[2] Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики // Новая технократическая волна на Западе. М., 1986. С. 335.

[3] Бурнашев Р.Ф., Холмаматова А.Ш. Информационное общество и трансформация личности: социально-философский анализ угроз и возможностей // Universum: общественные науки: электрон. научн. журн. 2024. 11(114). URL: https://7universum.com/ru/social/archive/item/18634. DOI-10.32743/ UniSoc. 2024.114.11.18634

Организационно - правовой подход к пониманию информационного общества отмечается в работах С.Фукса,Л.Лессиг, Ш. Зубофф, Дж. Голдсмита, Т. Ву, А.Венгерова, Т.Поляковой и др[1].

Так, профессор Гарвардского университета Л.Лессиг в книгах «Код и другие законы киберпространства» (1999г.) «Код: Версия 2.0» (2006 г.) отмечал, что «киберпространство изменяют не только технологии, но и законы, и то, что правовое регулирование сети интернет неизбежно, то есть развитие информационного общества непосредственно будет регулироваться сводом необходимых юридических норм».[2]

Американские учёные-юристы Дж.Голдсмит и Т.Ву также отмечают что, “интернет не стирает границы между странами – он лишь создаёт новые вызовы для традиционных механизмов правового регулирования”.[3]

Естественно, что рассмотренные подходы к пониманию сущности «информационного общества» все же не отражают всю комплексность данного понятия, а лишь отчасти описывают отдельно взятую содержательную характеристику.

Подводя итог, отметим, что в современных гуманитарных и прикладных науках при характеристике информационных обществ наиболее часто выделяются экономико-социальный, технологический, технократический, коммуникативный и организационно правовой подходы к их сути и содержанию.

---

[1] Fuchs C. Internet and society. Social theory in the information age. N.Y., 2008. P. 281, Яницкий О.Н. Четвертая научно-техническая революция и глубинные изменения процессов глобализации // Вестник Института социологии. 2017. № 21. С. 12-34. DOI: https://doi.org/10.19181/vis.2017.21.2.452., Погорский Э. К. Становление информационного общества в РФ: диалог между гражданами и органами местного самоуправления // Научные труды Московского гуманитарного университета. — 2011.

[2] Lessig L. Code 2.0. URL: http://codev2.cc/download+remix/Lessig-Codev2.pdf

[3] Goldsmith, J., Wu, T. Who Controls the Internet? Illisions of a Borderless World (2006)

КАНЬЯЗОВ ЕСЕМУРАТ СУЛТАМУРАТОВИЧ
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти директори, юридик фанлар номзоди

РАҚАМЛИ МУҲИТДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Аннотация. *Мазкур мақолада рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ долзарб ҳуқуқий муаммолар таҳлил қилинган. Хусусан, интернет платформаларида контентнинг назоратсиз тарқалиши, ноқонуний стриминг, интернет "қароқчилиги", аноним Telegram каналлари фаолияти ҳамда сунъий интеллект ёрдамида яратилаётган контентнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, халқаро тажриба ва суд амалиёти асосида рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг замонавий ёндашувлари таҳлил этилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ёритилиб, мазкур йўналишдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича муаллифлик таклифлари илгари сурилган.*

Аннотация. *В данной статье анализируются актуальные правовые проблемы защиты авторских прав в цифровой среде. В частности, рассматриваются вопросы неконтролируемого распространения контента на интернет-платформах, незаконного стриминга, интернет-пиратства, деятельности анонимных Telegram-каналов, а также правового статуса контента, создаваемого с помощью искусственного интеллекта. Кроме того, на основе международного опыта и судебной практики исследуются современные подходы к защите авторских прав в цифровой среде. В статье также освещаются реформы, осуществляемые в Республике Узбекистан в сфере защиты авторских прав, а также выдвигаются авторские предложения по устранению существующих проблем в данной области.*

Abstract. *This article analyzes current legal issues related to copyright protection in the digital environment. In particular, it examines problems associated*

with the uncontrolled distribution of content on internet platforms, illegal streaming, internet piracy, anonymous Telegram channels, and the legal status of content generated by artificial intelligence. In addition, based on international experience and judicial practice, modern approaches to copyright protection in the digital environment are analyzed. The article also highlights ongoing reforms in the Republic of Uzbekistan in the field of copyright protection and proposes recommendations for addressing existing legal challenges in this area.

Калит сўзлар: *муаллифлик ҳуқуқи, рақамли муҳит, виртуал макон, сунъий интеллект, стриминг, интеллектуал мулк, интернет платформалари, ижтимоий тармоқлар.*

Ключевые слова: *авторское право, цифровая среда, виртуальное пространство, искусственный интеллект, стриминг, интеллектуальная собственность, интернет-платформы, социальные сети.*

Keywords: *copyright, digital environment, virtual space, artificial intelligence, streaming, intellectual property, internet platforms, social networks.*

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида рақамлаштириш жараёнлари кучайди. Интернет тармоғи, ижтимоий платформалар ҳамда турли рақамли хизматларнинг кенг оммалашуви ахборотни яратиш, сақлаш ва тарқатиш шаклларини тубдан ўзгартирди. Айниқса, адабий, илмий, аудиовизуал ва бошқа ижодий маҳсулотларнинг рақамли шаклда тезкор тарқалиши муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларнинг янги босқичга чиқишига сабаб бўлди.

Рақамли муҳит, бир томондан, муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларига ўз асарларини кенг аудиторияга тезкор етказиш имкониятини яратган бўлса, иккинчи томондан, муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ хавфларни ҳам сезиларли даражада кучайтирди. Хусусан, интернет тармоғида рақамли контентнинг осон нусхаланиши, ноқонуний тарқатилиши, аноним тарзда жойлаштирилиши ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг оммага тарқалиши муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг анъанавий

механизмларини мураккаблаштирмоқда.[1] Айниқса, YouTube, Telegram, TikTok, Instagram каби платформаларда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган материаллардан рухсатсиз фойдаланиш ҳолатлари тобора ортиб бормоқда. Бу эса рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шунингдек, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши ҳам муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ янги ҳуқуқий масалаларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, сунъий интеллект томонидан яратилган контентнинг ҳуқуқий мақоми, бундай асарлар устидан ҳуқуқларни амалга ошириш ҳамда муаллифлик субъектини аниқлаш билан боғлиқ масалалар замонавий ҳуқуқшунослиқнинг долзарб йўналишларидан бирига айланмоқда.

Рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи халқаро миқёсда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Интернетнинг трансчегаравий хусусияти сабабли муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши кўпинча бир нечта давлат юрисдикцияси билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу сабабли халқаро ташкилотлар томонидан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг универсал ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси (WIPO Copyright Treaty) ҳамда TRIPS келишуви мазкур соҳадаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида эътироф этиш мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ҳам интеллектуал мулк, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг

[1] Goldstein P., Hugenholtz P. International Copyright: Principles, Law and Practice. – Oxford: Oxford University Press, 2013. – P. 45.

ҳуқуқий механизмларини кучайтириш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Айниқса, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний равишда фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилди.[1] Шунингдек, интеллектуал мулк дахлсизлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида кафолатланган бўлиб, унда ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши ҳамда интеллектуал мулк қонун билан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.[2] Мазкур норманинг Конституция даражасида мустаҳкамланганлиги интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади. Чунки муаллифлик ҳуқуқи нафақат муаллифнинг шахсий ва мулкий манфаатларини ҳимоя қилади, балки жамиятнинг илмий, маданий ва технологик ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим ҳуқуқий институт сифатида ҳам намоён бўлади. Айниқса, замонавий рақамли технологиялар шароитида интеллектуал фаолият натижаларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ижодий фаолият эркинлигини қўллаб-қувватлаш, инновацион ривожланишни рағбатлантириш ҳамда муаллифларнинг қонуний манфаатларини кафолатлаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли

[1] 2025 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1080-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, lex.uz.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2023.

муаллифлик ҳуқуқининг конституциявий даражада эътироф этилиши мазкур институтнинг ҳуқуқий тизимдаги юқори ўрни ва ижтимоий аҳамиятини яққол ифодалайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнининг жадаллашуви ҳам интеллектуал мулк соҳасидаги ислоҳотларнинг фаоллашишига хизмат қилмоқда. Хусусан, TRIPS келишуви талабларига мувофиқ равишда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда интернет муҳитида интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.[1]

Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, рақамли платформаларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ айрим ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Интернет платформаларида ноқонуний контентни тезкор аниқлаш ва олиб ташлаш механизмларининг етарли даражада шаклланмаганлиги, ҳуқуқбузарларни аниқлаш билан боғлиқ мураккабликлар ҳамда замонавий технологиялар ривожланишининг ҳуқуқий тартибга солишдан тезлашиб кетаётгани мазкур соҳадаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Замонавий технологияларнинг ривожланиши натижасида, анъанавий муҳитда асарларни яратиш, нусхалаш ва тарқатиш муайян моддий воситалар билан боғлиқ бўлган бўлса, рақамли муҳитда интеллектуал фаолият натижаларини интернет орқали чекланмаган аудиторияга тезкор тарзда етказиш имконияти юзага келди. Натижада муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг классик ҳуқуқий

[1] Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS), Marrakesh, 1994; Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни бўйича расмий материаллар // uzbwto.uz.

механизмлари замонавий рақамли технологиялар шароитида янги ёндашувларни талаб қилмоқда.[1]

Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланиб, у илмий, адабий ва бадиий асарларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Мазкур ҳуқуқ муаллифнинг ўз асари устидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу билан бирга, рақамли муҳит ривожланиши натижасида муаллифлик ҳуқуқи объектларининг доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда электрон китоблар, рақамли тасвирлар, мультимедиа маҳсулотлари, компьютер дастурлари, интернет контенти ва бошқа рақамли маҳсулотлар ҳам муаллифлик ҳуқуқи объектлари сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи юзасидан ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли ёндашув ва баҳсли фикрлар мавжуд. Айрим олимлар интернет муҳитининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, рақамли контент учун алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш шарт эмас дея таъкидлайди. Уларга кўра, муаллифлик ҳуқуқининг классик принциплари рақамли муҳитда ҳам сақланиб қолиши лозим. Бизнинг фикримизча, муаллифлик ҳуқуқи объектлари моддий муҳитда қандай ҳуқуқий ҳимоя қилинса, рақамли муҳитда ҳам худди шундай даражада ҳимоя қилиниши зарур, фақат рақамли муҳит учун алоҳида ҳимоя қилиниш механизми жорий этилиши лозим ва муаллифлик ҳуқуқи объектларининг рақамли шаклда жойлаштирилгани уларнинг ҳуқуқий ҳимояси даражасини пасайтириши керак эмас. Бироқ, рақамли муҳитнинг аноним, трансчегаравий ва тезкор хусусияти муаллифлик ҳуқуқини амалий

[1] World Intellectual Property Organization. Understanding Copyright and Related Rights. – Geneva: WIPO Publication, 2020. – P. 19.

жиҳатдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор мураккаб муаммоларни юзага келтирмоқда ва биз уларни қуйида кўриб чиқамиз.

Рақамли муҳитда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ энг мураккаб масалалардан бири интернет платформалари орқали контентнинг назоратсиз тарқалиши ҳисобланади. Анъанавий муҳитдан фарқли равишда интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар қисқа вақт ичида миллионлаб фойдаланувчиларга етиб бориши мумкин. Натижада муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлардан фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга ошириш амалда мураккаб. Айниқса, рақамли контентнинг нусхаланиши ва қайта тарқатилиши учун катта моддий ресурс талаб қилинмаслиги интернет муҳитида ҳуқуқбузарликларнинг тез кўпайишига олиб келади. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) маълумотларига кўра, рақамли платформаларда аудиовизуал ва мусиқий маҳсулотларнинг ноқонуний тарқатилиши глобал медиа индустриясига миллиардлаб доллар миқдорида зарар етказмоқда. Шунингдек, халқаро тадқиқотларга кўра, интернет фойдаланувчиларининг сезиларли қисми камида бир маротаба ноқонуний рақамли контентдан фойдаланганини қайд этган.[1] Айниқса, фильмлар, сериаллар, электрон китоблар ва дастурий маҳсулотларнинг ноқонуний нусхалари мессенжерлар ҳамда файл алмашиш платформалари орқали кенг тарқатилмоқда. Бундан ташқари, MUSO (Measurement and Analysis of Online Piracy) компанияси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2023 йилда “қароқчи” платформаларга ташрифлар сони 200 миллиарддан ортиқни ташкил этган бўлиб, уларнинг асосий қисмини телевизион контент, фильмлар ва нашриёт маҳсулотлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги постлар ва видео контентлар билан боғлиқ сайтлар ташкил қилган.[2]

[1] World Intellectual Property Organization (WIPO). World Intellectual Property Report 2022. – Geneva: WIPO, 2022.
[2] MUSO. 2023 Annual Piracy Trends and Insights Report. – London, 2024.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар сони кўпайган. Хусусан, Адлия вазирлиги берган маълумотга кўра, 2022 йил мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузган шахсларга нисбатан қўлланилган 30 та ҳуқуқий таъсир чорасидан 8 таси (26%) Интернет тармоғи билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳисобланди. Ушбу кўрсаткич 2023 йилда 12% га ошган бўлиб, умумий 45 та ҳуқуқий таъсир чораларидан 17 таси (38%) Интернет тармоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан қўлланилган.[1]

Амалиётда энг кўп учрайдиган муаммолардан яна бири интернет "қароқчилиги" билан боғлиқдир. Бугунги кунда фильмлар, сериаллар, электрон китоблар, мусиқа асарлари, ижтимоий тармоқдаги постлар ва дастурий маҳсулотларнинг ноқонуний нусхалари турли интернет сайтларида ва мессенжерларда кенг тарқатилмоқда. Хусусан, Telegram мессенжеридаги айрим ёпиқ ва аноним каналлар орқали муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган маҳсулотларнинг оммавий равишда тарқатилиши ҳуқуқ эгаларининг иқтисодий манфаатларига жиддий зарар етказмоқда. Мазкур ҳолатда муаммо нафақат ноқонуний контентнинг мавжудлигида, балки уни тезкор аниқлаш ва платформадан олиб ташлаш механизмларининг етарли даражада самарали эмаслигида ҳам намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда Telegram ижтимоий тармоғида муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ бўлган мурожаатлар кўпайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, ижтимоий тармоқлар орасида Telegram Ўзбекистон аҳолиси орасида бошқаларидан кўра машҳур ҳисобланади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистоннинг 25 миллиондан ортиқ аҳолиси Telegramдан фаол

[1] S.M.Сафоева. Ижтимоий тармоқларда фуқаролик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш / DSc. diss. — T., 2025. 151-б.

фойдаланмоқда.[1] Шунга мос равишда, Telegramда муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ва мурожаатлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Бунга амалий мисол сифатида Ўзбекистон амалиётида ҳам Telegram орқали муаллифлик ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ суд ишлари учраётганини қайд этиш мумкин. Хусусан, 2026 йилда Мирзо Улуғбек туман суди томонидан Telegram каналида муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган видеоматериалларни муаллиф рухсатисиз жойлаштирган канал администраторига нисбатан маъмурий жарима қўлланган. Иш материалларига кўра, “Top 3 New Year’s Restaurants in Tashkent” ва “At This Secret Bazaar” номли видеолар муаллифнинг розилигисиз Telegram каналида эълон қилинган. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177[1]-моддаси асосида баҳоланиб, суд томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо тайинланган.[2] Аммо, айрим ҳолатларда Telegram ижтимоий тармоғида муаллифлик ҳуқуқини бузаётган канал ва гуруҳ эгаларини топиш ва шахсига аниқлик киритиш билан боғлиқ муаммолар сабабли айрим ҳолатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг имкони бўлмаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Фикримизча, Telegram платформасидаги анонимлик ва ёпиқ гуруҳлар тизими муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини сезиларли даражада мураккаблаштирмоқда. Айниқса, канал администраторларининг шахсига аниқлик киритиш имкониятининг чекланганлиги айрим ҳолларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Telegram фойдаланувчилари сони нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда ошиб бораётганлигини инобатга олиб, давлатлар билан халқаро

[1] https://www.uzdaily.uz/en/telegram-76-reach-youtube-no-1-e-commerce-on-the-rise-inside-uzbekistans-digital-landscape/?utm

[2] https://www.uzdaily.uz/en/uzbek-court-fines-telegram-channel-administrator-for-copyright-infringement/?utm

ҳамкорликни кучайтириш ҳамда юқорида қайд этилган муаммоларга ечим топиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўриши зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда айрим ижтимоий тармоқ мессенжерлари ва платформалар рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича бирмунча самарали ечим ва усулларни қўллашмоқда. Масалан, YouTube платформасида Content ID технологияси жорий этилган бўлиб, мазкур тизим аудио ва видео материалларни автоматик равишда идентификация қилиш имконини беради.[1] Бироқ, юқорида қайд этганимиздек барча платформаларда ҳам бундай механизмлар мавжуд эмас. Айниқса, мессенжерлар ва айрим ижтимоий тармоқларда ноқонуний контентни мониторинг қилиш имкониятлари чекланганлиги сабабли муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ амалий муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Аммо, YouTube платформасида Content ID технологияси жорий этилган бўлишига қарамасдан ушбу платформада ҳолатлар учраб турибди. Хусусан, эътиборимизни тортган суд ишларидан бири хонанда Авазбек Олимов шоира Маҳлиё Аҳророва ўртасидаги иш бўлди. Хонанда Авазбек Олимов шоира Маҳлиё Аҳророванинг “Гўзал ёрим” шеърини унинг рухсатисиз йиллар давомида “Севар ёрим” номи остида куйлаб келгани учун шоира тегишли тартибда судга мурожаат қилган. Шоира Маҳлиё Аҳророва судга даъво аризаси киритиб, хонанда Авазбек Олимов унинг “Гўзал ёрим” шеърини ўзгартириб, “Севар ёрим” номи остида муаллифнинг рухсатисиз ижро этиб келганлигини, “Гўзал ёрим” шеъри 2009 йилда ёзилганлиги ва “Сўзи гавҳарим” китобида чоп этилганлиги, хонанда уни 2015 йилдан ҳозирги кунга қадар мунтазам равишда номини ўзгартириб, турли платформаларда, хусусан, YouTube платформасида ҳам ижро этиб келганлигини таъкидлаганди. Ушбу иш юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг

[1] Stamatoudi I.A. Copyright Enforcement and the Internet. – Alphen aan den Rijn: Kluwer Law International, 2010. – P. 74.

2024 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан хонанда Авазбек Олимовдан даъвогар Маҳлиё Аҳророва фойдасига 150 млн сўм товон пули ва 20 млн сўм маънавий зарар ундириш белгиланган.[1]

Бизнинг фикримизча, рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш учун барча интернет платформалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда мессенжерлар томонидан замонавий технологик ва ҳуқуқий механизмларни жорий этишлари зарур. Хусусан, ноқонуний контентни автоматик аниқлаш тизимларини такомиллаштириш, ҳуқуқ эгаларининг мурожаатларини тезкор кўриб чиқиш, муаллифлик ҳуқуқини бузувчи материалларни қисқа муддатларда блоклаш ҳамда аноним ҳуқуқбузарларни аниқлаш билан боғлиқ ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, платформалар фаолиятида муаллифлик ҳуқуқига ҳурмат тамойилини кучайтириш ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳам рақамли муҳитда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши ҳам муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ янги ҳуқуқий муаммоларни юзага келтирди. Хусусан, сунъий интеллект ёрдамида яратилган матнлар, тасвирлар ва аудиовизуал маҳсулотларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш масаласи халқаро миқёсда баҳсли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, сунъий интеллект тизимларини ўқитишда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган материаллардан фойдаланиш ҳам ҳуқуқий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда сунъий интеллект томонидан яратилган контент мавжуд асарларга жуда ўхшаш натижаларни ҳосил

[1] https://kun.uz/news/2024/05/29/xonanda-avazbek-olimov-sudda-yutqazdi-undan-shoira-foydasiga-170-mln-so‘m-undirish-belgilandi?ysclid=lxk9zrx6p1198859106

қилиши мумкин, бу эса муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ низоларни келтириб чиқармоқда.[1]

Сунъий интеллект ва муаллифлик ҳуқуқи бўйича кўрилган қизиқарли суд ишларидан бири Хитойда бўлиб ўтган. 2023 йилда Пекин интернет суди томонидан кўриб чиқилган иш сунъий интеллект ёрдамида яратилган контентнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ энг муҳим суд ишларидан бири сифатида эътироф этилди. Мазкур ишда суд сунъий интеллект технологияси ёрдамида яратилган тасвирга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси қўлланиши мумкинлигини тан олди. Иш материалларига кўра, даъвогар Stable Diffusion дастури ёрдамида матнли буйруқлар (promptлар) киритиш орқали тасвир яратган ҳамда кейинчалик ушбу тасвир бошқа фойдаланувчи томонидан рухсатсиз равишда интернет платформасида фойдаланилган.

Суд ишни кўриб чиқиш жараёнида тасвирнинг тўлиқ автоматик тарзда эмас, балки инсоннинг ижодий фаолияти асосида яратилганига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, даъвогарнинг буйруқларни мустақил шакллантиргани, тасвир параметрларини танлагани ва якуний натижани саралашда ижодий ёндашувни амалга оширгани инсоннинг интеллектуал ҳиссаси сифатида баҳоланди. Шу сабабли суд сунъий интеллект техник восита сифатида иштирок этган бўлса-да, якуний натижа инсон ижодий фаолиятининг маҳсули эканлигини қайд этди. Натижада сунъий интеллект ёрдамида яратилган тасвир “оригинал асар” сифатида эътироф этилиб, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилиниши мумкинлиги кўрсатилди.[2] Мазкур суд қарори халқаро ҳуқуқшуносликда катта қизиқиш уйғотди. Чунки сунъий интеллект ёрдамида яратилган контентнинг ҳуқуқий мақоми масаласи бугунги кунда турли давлатларда турлича талқин қилинмоқда. Айрим

[1] Abbott R. The Reasonable Robot: Artificial Intelligence and the Law. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – P. 88.

[2] https://www.chinaiplawupdate.com/2023/11/beijing-internet-court-recognizes-copyright-in-ai-generated-images/?utm_

давлатларда фақат инсон томонидан яратилган асарларгина муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилиниши мумкинлиги таъкидланаётган бўлса, Пекин интернет суди инсоннинг ижодий ҳиссаси мавжуд бўлган ҳолларда сунъий интеллект ёрдамида яратилган контентни ҳам муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида тан олиш мумкинлигини кўрсатди.

Юқорида биз кўриб ўтган суд иши кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ўртасида муҳокамаларга сабаб бўлди. Шундан сўнг, сунъий интеллект томонидан яратилган объектларга нисбатан “sui generis” ҳимоя моделини қўллаш бўйича фикрлар ҳам шакллана бошлади. “Sui generis” ҳимоя модели сунъий интеллект яратган объектларни тўлиқ муаллифлик ҳуқуқи доирасига киритмасдан, бироқ уларни мутлақо ҳуқуқий муҳофазасиз қолдирмасликка қаратилган муқобил ёндашув сифатида намоён бўлади. Ушбу модел муаллифлик ҳуқуқига хос бўлган ижодийлик ва муаллифлик шахсияти мезонларига таянмайди, балки сунъий интеллектни яратиш, ўқитиш ва ундан фойдаланиш жараёнига сарфланган ташкилий, техник ва иқтисодий саъй-ҳаракатларни ҳимоя қилишга йўналтирилади.

Бизнинг фикримизча эса, сунъий интеллект томонидан яратилган объектларга нисбатан “sui generis” ҳимоя моделини қўллаш бирмунча мураккаб. Сунъий интеллект томонидан яратилган объектларга нисбатан “sui generis” ҳимоя моделини қўллаш бир қатор мураккаб ҳуқуқий саволларни юзага келтиради. Аввало, мазкур модель доирасида ҳуқуқ субъекти ким бўлиши масаласи очиқ қолади: сунъий интеллектни ишлаб чиққан дастурчими, ундан фойдаланувчими ёки технологик платформа эгасими — бу борада аниқ ва ягона ёндашув мавжуд эмас. Натижада, ҳуқуқ эгасини белгилашдаги ноаниқлик нафақат назарий баҳс-мунозараларга, балки амалиётда низолар сонининг ортишига ҳам сабаб бўлади.

Бундан ташқари, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунимизнинг 8-моддасида инсоннинг бевосита

индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмаслиги белгиланган.[1] Кўриниб турибдики, қонунчилигимизда ҳам техника воситалари ёрдамида олинган натижалар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмаслиги алоҳида қайд этилган.

Сунъий интеллект томонидан яратилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида эътироф этиш ёки уларга нисбатан “sui generis” моделининг жорий этилиши муаллифлик ҳуқуқининг классик назарий асосларига ҳам маълум даражада зид келади. Муаллифлик ҳуқуқи институти тарихан инсоннинг интеллектуал ва ижодий меҳнати натижасини ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, унинг марказида шахснинг индивидуал ижодий ҳиссаси туради. Сунъий интеллект эса мустақил ҳуқуқ субъекти эмас, у ўз фаолиятини инсон томонидан ишлаб чиқилган алгоритмлар ва олдиндан юкланган маълумотлар асосида амалга оширади. Шу сабабли, унда муаллифлик ҳуқуқининг ажралмас элементи ҳисобланган ижодий индивидуаллик ва муаллиф шахсияти билан боғлиқлик мавжуд эмас.

Фикримизча, бундай шароитда сунъий интеллект томонидан яратилган объектларга алоҳида эксклюзив ҳуқуқий мақом беришдан кўра, уларни ижтимоий мулк сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки ижтимоий мулк режими мазкур объектлардан жамиятнинг эркин фойдаланиш имкониятини кенгайтиради, илмий-техник тараққиётга хизмат қилади ҳамда сунъий интеллект маҳсулотлари устидан сунъий монополиянинг шаклланишига йўл қўймайди. Бу эса, ўз навбатида, инновацион ривожланиш, ахборот алмашинуви ва янги билимларнинг эркин

[1] “Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни, 2006 йил 20 июль, ЎРҚ–42-сон, 8-модда.

тарқалишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, сунъий интеллект томонидан яратилган асарларни ижтимоий мулк сифатида баҳолаш ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб ноаниқликларнинг олдини олади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, рақамли технологиялар ва интернет платформаларининг жадал ривожланиши муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларнинг мазмунига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Рақамли муҳит ижодий фаолият натижаларини тезкор ва кенг аудиторияга етказиш имкониятини яратган бўлса-да, айни вақтда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг ортишига ҳам сабаб бўлмоқда. Айниқса, интернет платформалари, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали контентнинг назоратсиз тарқалиши муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг анъанавий механизмларини мураккаблаштирмоқда.

Амалга оширилган таҳлилларимиз кўрсатдики, рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши кўпроқ интернет платформаларида контент устидан самарали назорат механизмларининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Айниқса, Telegram каналлари, ноқонуний streaming платформалари ҳамда айрим ижтимоий тармоқларда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган материалларнинг қисқа вақт ичида оммавий тарқалиши ҳуқуқ эгаларининг ўз асарлари устидан назорат қилиш имкониятини сезиларли даражада чекламоқда. Шу билан бирга, интернет муҳитининг аноним ва трансчегаравий хусусияти ҳуқуқбузарларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш жараёнини мураккаблаштирмоқда.

Шунингдек, мақолада халқаро амалиёт ва суд тажрибаси таҳлили сунъий интеллект ёрдамида яратилган контентнинг ҳуқуқий мақоми масаласи замонавий муаллифлик ҳуқуқининг энг баҳсли йўналишларидан бири эканлигини кўрсатди. Хусусан, айрим давлатлар амалиётида инсоннинг ижодий ҳиссаси мавжуд бўлган ҳолларда “AI-generated content” муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида эътироф этилаётган бўлса, бошқа ёндашувларда фақат инсон томонидан

яратилган асарларгина муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилиниши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлса-да, рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича амалий механизмларни янада такомиллаштириш зарурати сақланиб қолмоқда. Хусусан, интернет платформалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, ноқонуний контентни тезкор аниқлаш ва блоклаш тизимларини жорий этиш, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда сунъий интеллект билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш мазкур йўналишдаги устувор вазифалардан деб ҳисоблаймиз.

МУРАКАЕВ
ИЛЬЯС ИЛЬГИЗАРОВИЧ
Университет общественной безопасности
Республики Узбекистан, заместитель начальника
университета по развитию информационных
технологий, доцент

ЦИФРОВОЙ КОНТУР ПОДГОТОВКИ СЛЕДОВАТЕЛЕЙ И КРИМИНАЛИСТОВ: ИИ-НАСТАВНИК «AI-BAYON MENTOR», ЛИЧНЫЙ БАНК ПРОМПТОВ И ОБЛАЧНОЕ ХРАНИЛИЩЕ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ

И.И. МУРАКАЕВ

Аннотация. *Мақолада терговчилар ва криминалистларни тайёрлашнинг рақамли контури тавсифланади, унинг таркибида учта ўзаро боғлиқ сунъий интеллект артефакти кўриб чиқилади: муаллифнинг «AI-Bayon Mentor» дастури (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган, № DGU 63600, 04.05.2026 й.); мутахассиснинг шахсий промптлар банки; Lex.uz ҳуқуқий порталининг очиқ манбалари асосида шакллантирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахсий булут омбори. Ёндашув У. Эшби қонуни ва Конант–Эшби теоремаси асосида асослаб берилади. Ўзбекистон Республикасида промптлашни ўрганишга давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш omp.aistudy.uz портали мисолида кўриб чиқилади.*

Аннотация. *В статье формулируется концепция цифрового контура подготовки следователей и криминалистов, в основе которого три взаимосвязанных ИИ-артефакта компетенции: авторская программа для ЭВМ «AI-Bayon Mentor» (свидетельство о государственной регистрации № DGU 63600, выдано Министерством юстиции Республики Узбекистан 04.05.2026); личный банк промптов специалиста; личное облачное хранилище нормативно-правовых актов, формируемое из открытых источников правового портала Lex.uz. Подход обосновывается с позиции закона необходимого разнообразия У.Эшби и теоремы Конанта–Эшби. Государственная поддержка изучения промпт-инжиниринга в Республике Узбекистан рассматривается на примере портала omp.aistudy.uz. Показано, что владение ИИ-инструментами — не дань*

моде, а инструмент одновременно эффективности и объективности процессуальной деятельности.

Abstract. *The paper formulates the concept of a digital contour for the training of investigators and forensic specialists, built upon three interconnected AI competence artefacts: the author's computer programme «AI-Bayon Mentor» (State Software Registration Certificate No. DGU 63600, issued by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on 04 May 2026); a specialist's personal prompt bank; a personal cloud storage of legal acts compiled from the open sources of the Lex.uz portal. The approach is grounded in W.R. Ashby's law of requisite variety and the Conant–Ashby theorem. The state-level support of prompt-engineering studies in the Republic of Uzbekistan is illustrated by the omp.aistudy.uz portal. It is shown that mastery of AI tools is not a tribute to fashion but an instrument of both efficiency and objectivity of procedural activity.*

Калит сўзлар: *AI-Bayon Mentor, рақамли контур, промптлар банки, Lex.uz, omp.aistudy.uz, терговчи, криминалист, жой кўриги баённомаси, сунъий интеллект этикаси, Эшби қонуни.*

Ключевые слова: *AI-Bayon Mentor, цифровой контур, банк промптов, Lex.uz, omp.aistudy.uz, следователь, криминалист, протокол осмотра места происшествия, этика ИИ, закон Эшби.*

Keywords: *AI-Bayon Mentor, digital contour, prompt bank, Lex.uz, omp.aistudy.uz, investigator, forensic specialist, crime scene examination protocol, AI ethics, Ashby's law.*

Введение

За последние пять лет разнообразие методов цифровых мошенников в Узбекистане расширилось в 3,4 раза, а число видов киберпреступлений в Республике Узбекистан возросло с 18 до 62; среди новых составов — кража персональных данных, имитация голоса и внешности средствами искусственного интеллекта, распространение вредоносных файлов, вывод похищенных средств за рубеж в криптовалюте[1]. Эта статистика, прозвучавшая на совещании

[1] Критически рассмотрена деятельность органов правопорядка, определены новые задачи по обеспечению общественной безопасности: совещание под председательством Президента Республики Узбекистан, 27.01.2026 г. / Пресс-служба Президента Республики Узбекистан. — URL: https://president.uz/ru/lists/view/8882.

под председательством Президента Республики Узбекистан 27 января 2026 года, описывает не отдельный «киберучасток», а структурное изменение всей следственной среды: разнообразие ситуаций, в которых работает следователь и криминалист, опережает темп издания учебных пособий и методических рекомендаций. Именно это послужило основой для настоящего исследования.

С позиции закона необходимого разнообразия У. Эшби[1] управляющий контур должен обладать разнообразием не меньшим, чем объект управления. В условиях, когда объект — это динамика преступной активности с короткими циклами появления новых способов, а управляющий контур — типовой набор бланков и заучиваемых формулировок, фиксированный учебниками с многолетним циклом обновления, разрыв между ними нарастает структурно, а не ситуативно. Это и есть содержательная причина пересборки контура подготовки кадров: не дань технологической моде, а кибернетическая необходимость.

Бироқ рақамли муҳитнинг кенгайиши билан бирга янги ҳуқуқий муаммолар ҳам юзага келмоқда. Жумладан, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, кибержиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва рақамли назорат воситаларидан фойдаланишда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, рақамли маконда қонунийликни таъминлаш мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқий жараён ҳисобланади.

Асосий қисм: Рақамли маконда қонунийликни таъминлаш аввало мустаҳкам ва изчил ҳуқуқий базага таянади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда давлат ҳимояси кафолатланган бўлиб, ушбу нормалар рақамли муҳитда ҳам тўлиқ амал қилади. Шунингдек, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Шахсий маълумотлар тўғрисида”, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунлар рақамли муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда асосий ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажаради. Ушбу қонунлар орқали ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби, давлат органларининг электрон хизматлари, фуқаролар маълумотларини қайта ишлаш ва сақлаш қоидалари аниқ белгилаб берилган.

Амалиётда рақамли технологияларни жорий этиш натижасида давлат бошқаруви тизимида туб сифат ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, “Ягона интерактив давлат хизматлари портали” орқали фуқаролар уйдан чиқмасдан туриб бир қатор давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Масалан, солиқ тўловлари, паспорт тизими билан боғлиқ хизматлар, лицензия ва рухсатномаларни олиш, иш стажини текшириш каби жараёнлар тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу эса нафақат вақт ва маблағни тежаш, балки инсон омилини камайтириш орқали коррупциявий хавфларни ҳам сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Шу нуқтаи назардан, рақамли

давлат бошқаруви қонунийлик, шаффофлик ва самарадорликни таъминловчи муҳим механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Бироқ рақамли муҳитнинг кенгайиши билан бир қаторда киберхавфсизлик билан боғлиқ таҳдидлар ҳам кучайиб бормоқда. Амалиётда банк карталаридан ноқонуний пул ечиб олиш, фуқароларнинг ижтимоий тармоқлардаги шахсий маълумотларини рухсатсиз тарқатиш, фишинг ҳужумлари орқали логин ва паролларни ўғирлаш, зарарли дастурлар ёрдамида тизимларга кириб бориш каби ҳолатлар кўпаймоқда. Масалан, баъзи ҳолатларда фуқароларга банк ёки давлат органлари номидан келган сохта ҳаволалар орқали уларнинг шахсий маълумотлари қўлга киритилмоқда. Бу эса давлат органларидан замонавий киберхавфсизлик тизимларини янада кучайтириш, рақамли инфратузилмани доимий равишда модернизация қилиш ва тезкор реакция механизмларини жорий этишни талаб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Тошкент шаҳрида жорий этилган “Хавфсиз шаҳар” тизими амалиётда рақамли технологияларнинг самарали қўлланилишига яққол мисол бўлади. Ушбу тизим орқали кўчалар, йўллар ва жамоат жойларида видеокузатувлар ўрнатилиб, ҳуқуқбузарликлар автоматик тарзда қайд этилади ҳамда тезкор равишда тегишли хизматларга етказилади. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ҳолатда камералар орқали воқеа тезкор аниқланиб, қутқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зудлик билан ҳаракат қилади. Шунингдек, жамоат жойларидаги безорилик ёки ўғирлик ҳолатлари ҳам қисқа вақт ичида фош этилаётгани рақамли мониторинг тизимининг амалдаги ижобий натижасидир.

Бироқ инновацион технологияларни жорий этиш инсон ҳуқуқлари билан мутаносиб равишда амалга оширилиши шарт. Масалан, видеокузатув тизимлари жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилса-да, улар шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузмаслиги керак. Шу сабабли ҳар қандай рақамли назорат воситалари

қонунчиликка қатъий асосланган ҳолда, аниқ чекловлар ва назорат механизмлари билан қўлланилиши зарур. Шунингдек, фуқаролар қайси маълумотлари қай тарзда тўпланаётгани, ким томонидан ва қандай мақсадда қайта ишланаётгани ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Рақамли муҳитда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи тобора мураккаблашиб бормоқда, чунки ахборот интернет тармоғида жуда тез тарқалади ва уни тўлиқ назорат қилиш қийинлашади. Шу боис фуқароларнинг рақамли саводхонлигини ошириш стратегик аҳамият касб этади. Амалиётда кўплаб ҳуқуқбузарликлар фуқароларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келади. Масалан, нотаниш ҳаволаларга кириш, паролларни осон танланиши ёки шахсий маълумотларни ижтимоий тармоқларда ортиқча ошкор қилиш уларни кибержиноятчилар қурбонига айлантиради.

Шунинг учун фуқароларга фишинг ҳаволаларини аниқлаш, икки босқичли аутентификациядан фойдаланиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий тармоқларда хавфсиз мулоқот қилиш бўйича амалий билимларни кенг тарғиб қилиш муҳимдир. Таълим муассасаларида эса “рақамли ҳуқуқ маданияти”ни шакллантириш, кибергигиена қоидаларини ўргатиш ва ахборот хавфсизлиги бўйича махсус курсларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки жамиятда умумий ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, давлат органлари, маҳалла институти ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли ўртасида мунтазам профилактик суҳбатлар, семинарлар ва тушунтириш ишларини ташкил этиш орқали рақамли хавфсизликка нисбатан масъулиятни ошириш мумкин. Узоқ муддатда бу чоралар кибержиноятчилик даражасини камайтиришга ва рақамли муҳитда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулоса: Рақамли маконда қонунийликни таъминлаш замонавий давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Инновацион технологиялар жамият ривожига катта ҳисса қўшаётган бўлса-да, улар инсон ҳуқуқлари ва ахборот хавфсизлиги билан уйғун ҳолда қўлланилиши зарур. Амалдаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли давлат бошқаруви тизими самарадорлиги ошгани сари киберхавфсизлик ва ҳуқуқий тартибга солишга бўлган талаб ҳам кучаймоқда.

Келгусида қонунийликни таъминлаш учун ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, киберхавфсизлик инфратузилмасини модернизация қилиш, давлат органлари ўртасида ахборот алмашинувини оптималлаштириш ва фуқароларнинг рақамли саводхонлигини ошириш устувор вазифалардан бўлиб қолади. Шу орқали инновация, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик ўртасида барқарор мувозанатни таъминлаш мумкин бўлади.

ODILOV SARDORJON SOBIRJON O‘GLI
Namangan viloyat sudi sudya katta yordamchisi, Odil sudlov akademiyasi mustaqil izlanuvchisi

RAQAMLASHTIRISH DAVRIDA SHAXSIY DAXLSIZLIK HUQUQINI TA’MINLASHNING PROTSESSUAL MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI

Аннотация: *Ушбу мақолада, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш тизими тушунчасини таҳлил қилинади ва унинг жиноят процессуал фаолиятидаги аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги контекстида ёритилади. Тадқиқотда миллий қонунчиликдаги (Конституция, Жиноят-процессуал кодекси) нормалар ва халқаро ҳуқуқ стандартлари ўртасидаги уйғунликка эътибор қаратилган. Шахсий дахлсизликни чеклашнинг халқаро даражадаги чегаралари, чекловнинг барқарор ва умуминсоний чегараларини халқаро ҳужжатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормалари воситаси билан белгилашдан иборатлиги ҳақида тушунтиришларга тўхталиб ўтилган, шунингдек, ривожланган давлатларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш тизими ўрганилиб, таҳлил қилинган. Мақола якунида, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлашнинг адолатли судлов тизимини шакллантиришдаги ҳал қилувчи роли ва келажакдаги ривожланиш йўналишлари бўйича хулосалар берилади.*

Аннотация: *В данной статье анализируется концепция системы обеспечения права на личную неприкосновенность и подчеркивается ее важность в уголовно-процессуальной деятельности в контексте законодательства Республики Узбекистан. Исследование фокусируется на согласованности норм natsионального законодательства (Конституция, Уголовно-процессуальный кодекс) и международных правовых норм. Рассматриваются разъяснения на международном уровне пределов ограничения личной неприкосновенности, определение устойчивых и универсальных пределов ограничения посредством международных документов и других норм международного права, а также изучается и анализируется система обеспечения права на личную неприкосновенность развитых стран. В заключение статьи делаются выводы о решающей роли обеспечения права на личную*

неприкосновенность в формировании справедливой судебной системы и направлениях ее дальнейшего развития.

***Abstract**: This article analyzes the concept of the system of ensuring the right to personal integrity and highlights its importance in criminal procedural activities in the context of the legislation of the Republic of Uzbekistan. The study focuses on the harmony between the norms of national legislation (Constitution, Criminal Procedure Code) and international legal standards. The explanations on the international level of the limits of personal integrity restriction, the determination of stable and universal limits of restriction by means of international documents and other norms of international law are touched upon, and the system of ensuring the right to personal integrity of developed countries is also studied and analyzed. At the end of the article, conclusions are drawn on the decisive role of ensuring the right to personal integrity in the formation of a fair judicial system and future development directions.*

***Калит сўзлар:** Шахсий дахлсизлик, инсон ҳуқуқлари, халқаро пакт, ҳуқуқ ва мажбурият, мансабдор шахс, тергов ҳаракатлари, мажбурлов чоралари, қамоққа олиш, уй қамоғи, прокурор назорати, кодекслар, сунъий интеллект.*

***Ключевые слова:** Личная неприкосновенность, права человека, международный пакт, права и обязанности, официальные лица, следственные действия, принудительные меры, задержание, домашний арест, прокурорский контроль, кодексы, искусственный интеллект.*

***Keywords:** Personal integrity, human rights, international covenant, rights and obligations, official, investigative actions, coercive measures, detention, house arrest, prosecutorial control, codes, artificial intelligence.*

Kirish:

Dunyoda ishni sudga qadar yuritish bosqichida inson huquq va erkinliklarini asossiz cheklanishini oldini olish, shaxsiy daxlsizlik huquqini ta’minlashning normativ modelini yaratish, ommaviy manfaatlar va shaxsiy erkinlik, inson huquqlari va protsessual samaradorlik o‘rtasidagi oqilona muvozanatni belgilash huquqiy davlatning asosiy belgilaridan biri hisoblanadi. “Qiynoqlarga hamda muomala va jazolashning boshqa shafqatsiz, g‘ayriinsoniy yoki qadr-qimmatni kamsitadigan turlariga qarshi” Konvensiya preambulasida insonlar oilasi hamma a’zolarining teng va ajralmas huquqlarini tan olish erkinlik, adolat va umumiy tinchlikning asosi deb tan olingan va davlatlarning inson huquqlari va asosiy erkinliklarining

yalpi hurmat qilinishi va ularga rioya etilishiga ko‘maklashish majburiyatlari kerakligi belgilangan.

Jahonda shaxsiy daxlsizlik huquqining chegaralari va huquqlarni cheklashning maqsadlarini aniq belgilash, huquqlarni cheklashda mutanosiblik prinsipini qo‘llashning samarali mexanizmlarini yaratish, huquqlarni cheklashning protsessual shakli va muddatlarini, huquqlarni cheklash ustidan nazoratni takomillashtirish bo‘yicha ilmiy izlanishlar olib borish, ushbu yo‘nalishda qonunchilikni takomillashtirishga jiddiy e’tibor qaratilmoqda.

Asasiy qism:

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 26-bobi jinoyat protsessida shaxs huquqlarini cheklash asoslari va chegaralari deb nomlanadi, biroq shaxs huquqlarini cheklashning chegaralaridan faqatgina protsessual majburlov choralarini qo‘llashning qonuniyligi va asosliligi(JPK 214-modda), ushlab turilgan, qamoqda saqlanayotgan yoki tibbiy muassasaga joylashtirilgan shaxslarga nisbatan g‘ayriinsoniy munosabatda bo‘lish mumkin emasligi belgilangan.

Biroq, shaxs huquqlarini cheklashga oid protsessual faoliyatning shaxs huquqlarini cheklashga faqatgina jinoyat protsessi maqsadlari uchun (legitim maqsad) va ob’ektiv zarur bo‘lgan taqdirdagina yo‘l qo‘yilishi, mutanosiblik prinsipi, sud nazorati prinsipi, shaxsning sha’ni va qadr-qimmatini xurmat qilish kabi chegaralari belgilanmagan.

Jinoyat-protsessual qonunchilikda sud nazorati doirasi bir muncha cheklanganligini kuzatishimiz mumkin. Jumladan ushlab turilgan shaxsga nisbatan agar qamoqqa olish yoki uy qamog‘i tarzidagi ehtiyot chorasi qo‘llash haqida sudga iltimosnoma kiritilsa sud ushlab turishning qonuniyligi va asosliligi tekshiradi. Biroq tergov organi qamoqqa olish yoki uy qamog‘i tarzidagi ehtiyot chorasi qo‘llash haqida sudga iltimosnoma kiritilmasa, 48 soatlik muddat o‘tguniga qadar shaxs ushlab turilgan bo‘lsada, sud nazorati umuman ishlamaydi.

Natijada sud nazorati "fakultativ" va tergov organining xohishiga bog‘liq bo‘lib qoladi. Biroq, sud nazorati davlat organining erkiga bog‘liq bo‘lmasligi kerak. Shu sababli ushlab turilgan shaxs 24 soat ichida sudga olib kelinishi va ushlab turishning qonuniyligi, zarurligi va mutanosibligi ehtiyot chorasini qo‘llash haqida iltimosnoma mavjud yoki mavjud emasligidan qat’iy nazar tekshirilishi zarur.

Shubhasiz, shaxsiy daxlsizlik huquqini ta’minlashning protsessual kafolatlaridan eng muhimi shaxsiy daxlsizlik huquqini cheklash asosi, maqsadi va chegaralarini belgilab beruvchi jinoyat-protsessual shakl hisoblanadi. Aynan jinoyat-protsessual shakl huquqlarni cheklashning muddatlarini belgilab berishi zarur. Jinoyat ishlari yurituvida shaxsiy daxlsizlik huquqini cheklash 3 xil tartibda amalga oshiriladi:

1) sud tartibida (qamoqqa olish yoki uy qamog‘i tarzidagi ehtiyot chorasini qo‘llash yoxud qamoqda saqlash yoki uy qamog‘i muddatini uzaytirish; pasportning (harakatlanish hujjatining) amal qilishini to‘xtatib turish, O‘zbekiston Respublikasidan chiqish huquqini vaqtincha cheklash haqida, shaxsni tibbiy muassasaga joylashtirish haqidagi yoki ayblanuvchining tibbiy muassasada bo‘lishi muddatini uzaytirish to‘g‘risidagi, tintuv o‘tkazish haqidagi iltimosnomalarni ko‘rib chiqish),

2) tergovchining qaroriga asosan(shaxs daxlsizligini cheklovchi barcha tergov harakatlari va protsessual majburlov choralari)

3) aralash tartibda (kechiktirib bo‘lmaydigan hollarda o‘tkaazilgan tintuvning qonuniyligini tekshirish)

O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida” Qonuni 31-moddasiga muvofiq, prokuror ushlab turilganlarni, qamoqqa olinganlarni saqlash joylarida, jinoiy jazolarni va jinoyat-huquqiy ta’sir ko‘rsatishning boshqa choralarini ijro etish chog‘ida qonunlarga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshira borib, o‘z vakolatlari doirasida ushbu shaxslarga yoki ularning yaqin qarindoshlariga ruhiy, psixologik, jismoniy ta’sir ko‘rsatilishi yoki boshqacha tarzda ta’sir ko‘rsatilishi ehtimolini tekshirishni amalga oshirishi shart.

Jinoyat ishlari yurituvida shaxsning daxlsizligini cheklovchi qarorlar jinoyat-protsessual qarorlar hisoblanadi, binobarin qarorning qonuniyligi, asosliligi va adolatliligi talablari ularga xam taalluqli bo‘ladi. Shaxsiy daxlsizlik huquqini ta’minlashga qaratilgan protsessual kafolatlarni kuchaytirishning yo‘nalishlaridan biri shaxsiy daxlsizlik huquqini cheklashning muddatlarini qonun bilan qat’iy cheklashdan iborat.

Biroq shaxsiy erkinlik va daxlsizlikni har qanday cheklash qat’iy belgilangan muddatlar doirasida amalga oshirilishi haqida qoida ayrim protsessual majburlov choralari va tergov harakatlariga tatbiq qilinmaganligini ko‘rishimiz mumkin. Jumladan, majburiy keltirish, shaxsini aniqlash uchun keltirish, guvohlantirishdan uchun majburiy keltirish va guvohlantirish, namuna olish uchun majburiy keltirish, shaxsiy tintuv, tergov harakatlarida majburan ushlab turish muddatlari belgilanmagan. Shu bilan birga, huquqlarni cheklash, uni qo‘llash zarurati saqlanib qolganda amal qilishi, zarurat yo‘qolganda bekor qilinishi, huquqlarni cheklashni davom ettirish zarurati ustidan protsessual nazorat tizimi mavjud emasligini alohida ta’kidlash zarur.

Jinoyat protsessida shaxsning shaxsiy daxlsizligini cheklash masalasi har doim inson huquqlari bilan protsessual samaradorlik o‘rtasidagi oqilona muvozanatni topishni talab qiladi. Hozirgi amaliyotda majburlov choralarini qo‘llash, asosan, tergovchi, prokuror va sudyaning sub’ektiv bahosi, shaxsiy tajribasi va konkret ish sharoitlariga qarab qabul qilinadi. Bu esa, tabiiy ravishda, inson omillari bilan bog‘liq qator kamchiliklarga - sub’ektivlik, bir xil bo‘lmagan amaliyot, sudyalarga psixologik bosim kabi omillarga olib keladi.

Ma’lumki, qamoqqa olish yoki uy qamog‘i tarzidagi ehtiyot chorasini qo‘llash haqida iltimosnomani sud tomonidan hal qilish protsessual muddatlar juda qisqa bir sharoitda amalga oshiriladi. Bunday sharoitda sudyaning ayblanuvchining shaxsiga oid ma’lumotlarni shu jumladan individual xavfni baholash, iltimosnomani qanoatlantirish yoki rad qilishga asos bo‘luvchi ma’lumotlarni to‘liq tahlil qilish imkoniyati cheklangan.

Aynan, shuning uchun iltimosnomani qanoatlantirish haqida ajrimlar bir xil shablon jumlalardan iborat.

JPKning 236-moddasida belgilangan ehtiyot choralari qo‘llanilishining maqsad va asoslarining aksariyati (surishtiruvdan, dastlabki tergovdan va suddan bo‘yin tovlashining oldini olish; uning bundan buyongi jinoiy faoliyatining oldini olish, uning ish bo‘yicha haqiqatni aniqlashga halal beradigan urinishlariga yo‘l qo‘ymaslik, hukmning ijro etilishini ta’minlash) prognostik xarakterga egaligi masalani yanada murakkablashtiradi. Ya’ni, sudyada ayblanuvchi, sudlanuvchining harakatlarini prognoz qilish va va individual xavf baholashning vositalari mavjud emas. Sudyalarda individual xavfni baholash metodologiyasi mavjud emasligi, o‘z navbatida xulosani sub’ektivligini keltirib chiqaradi.

Aslida ehtiyot chorasi tanlashda inobatga olinishi lozim bo‘lgan shaxsga oid ma’lumotlar - bu **ko‘p o‘lchovli**, o‘ta murakkab tuzilma bo‘lib, uning 30–40 ga yaqin psixologik, ijtimoiy, kriminologik, iqtisodiy va tibbiy elementlari mavjud. Sun’iy intellekt texnologiyalari esa katta ma’lumotlar (Big Data) asosida ushbu elementlarning tuzilmasini, ularning korrelyatsiyasini, xavfning ehtimoliy modellarini aniqlay oladi.

Bugungi kunda, xorijiy mamlakatlarda ayblanuvchi, sudlanuvchining harakatlarini ishonchli prognozlash va individual xavf baholashda sun’iy intellekt texnologiyalaridan foydalanish keng yo‘lga qo‘yilmoqda. Jumladan, 2010-yillardan boshlab bir qator mamlakatlarda jinoyat protsessida SI asoslangan individual xavf baholash platformalari joriy qilindi. Mazkur yondashuvning afzalligi har bir ayblanuvchiga oid shaxsiy ma’lumotlarni ob’ektivlashtirish imkonini beradi.

2013 yilda AQShda qator shtatlar va federal okruglarda PSA – Public Safety Assessment tizimi ishlab chiqildi. Uning maqsadi ayblanuvchining qochish xavfini, yangi jinoyat sodir etish ehtimolini, sud majlislariga kelmaslik ehtimolini avtomatik baholashdan iborat. Tizim 1000 dan ortiq o‘zgaruvchi asosida statistik modellar qo‘llaydi va har bir ayblanuvchiga 1 dan 10 gacha xavf reytingi beradi. Tadqiqotlar ko‘rsatishicha PSA

platformasidan foydalanish natijasida ba’zi shtatlarda sudlar kafillikka ozod qilish qarorlarini ikki barobar ko‘p qabul qila boshlagan, qamoqda saqlash xarajatlari qisqargan, sud qarorlari sub’ektivligi kamaygan.

PSA taxminan 300 ta yurisdiksiyadagi 750,000 ishni o‘rganish natijasida yaratilgan bo‘lib, keyinchalik, unga yana 500,000 ishning natijalari kiritilgan.

PSA (Pretrial Safety Assessment) tizimi FTA (sudga kelmaslik xavfi), NCA (takroriy bir jinoyat sodir etish xavfi) va NVCA (zo‘ravonlik xususiyatiga ega yangi jinoyat sodir etish xavfi)ni bashorat qilish uchun to‘qqizta omildan foydalanadi.

Ushbu to‘qqiz omil ma’muriy ma’lumotlar asosida baholanadi va quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

Joriy ushlab turish / hibs vaqtidagi yoshi;

Joriy ayblov zo‘ravonlik bilan bog‘liq bo‘lishi;

Ushlab turilgan vaqtda shaxsga nisbatan kutilmada turgan (pending) ayblov mavjudligi;

Ilgari ma’muriy huquqbuzarlik (misdemeanor) uchun sudlanganligi;

Ilgari feloniya (og‘ir jinoyat) uchun sudlanganligi;

Ilgari zo‘rlik ishlatish bilan bog‘liq jinoyat uchun sudlanganligi;

So‘nggi ikki yil ichida sudga kelmaslik holati (FTA);

Ikki yildan katta davr oldin sodir etilgan sudga kelmaslik (FTA) holati;

Ilgari ozodlikdan mahrum etish bilan bog‘liq jazoga hukm qilinganligi.

Fransiya, Niderlandiya, Norvegiya, Belgiya, Buyuk Britaniyada predictive justice (prognozlovchi adolat) platformalari pilot tarzda joriy etilgan. Masalan Buyuk Britaniyada “HART” - xavfni avtomatik 3 toifaga ajratadi (past, o‘rta, yuqori).

Recidivism Prediction Model (Niderlandiya) - sudyalarga qayta jinoyat ehtimoli bo‘yicha tavsiya beradi. Bu platformalarning xulosasi sudyalar uchun majburiy emas faqat ilova sifatida ekspert xulosasini taqdim qiladi.

Shu nuqtai nazardan, jinoyat protsessida **individual xavf darajasini baholashni ob'ektivlashtirish** - huquqiy tizimni modernizatsiya qilishning strategik yo'nalishlaridan biridir. Bizningcha, ushbu vazifani hal etishda **sun'iy intellekt (SI) asosidagi prognozlash texnologiyalarini joriy qilish** "inson holati", "jinoyat sodir etish yoki yashirinish ehtimoli", "yuridik-xulqiy portret" kabi tushunchalarni aniq mezonlarga solishga imkon beradi.

SIni protsessual majburlov choralarini qo'llashda joriy etishning ilmiy asosi quyidagilarga tayanadi.

Ob'ektivlik- SI individual xavf baholashda quyidagi omillarni tahlil qiladi:

o'tmishdagi jazolar;

ijtimoiy barqarorlik;

psixoemotsional holatlar;

iqtisodiy vaziyat;

tashqi xavf omillari;

jinoyat xarakteri va oqibati.

Bu - inson ongi qabul qila olmaydigan darajadagi **ko'p o'lchovli model**dir.

Yagona sud amaliyotini yaratish. Sudyalar qarorlarini bir yo'la standartlashtirish imkoni paydo bo'ladi:

Bir xil vaziyatda turlicha qarorlar soni kamayadi;

turli hududlardagi amaliyot umumlashadi;

majburlov choralarini tanlashga tizimli yondashuv shakllanadi.

Inson omili xavfini kamaytirish. SI - emotsional holat, vaqt yetishmasligi, charchoq, shaxsiy qarashlar, tajribaning cheklanganligi kabi omillardan xoli bo'ladi.

Protsessual iqtisod va tezkorlik ortishi. Avtomatik xavf monitoringi natijasida qarorlarni qabul qilish muddatlari qisqaradi, ob'ektiv zaruratsiz protsessual majburlov choralarini qo'llash holatlari kamayishiga erishiladi.

Albatta, SIni protsessual majburlov choralarini qo'llashda joriy etishning potensial xavfli jihatlari xam mavjud. Bular jumlasiga aholining

muayyan guruhlariga nisbatan diskriminatsiya, metodologiya mukammal emasligi, aktuariat modellar samaradorlikni maqsad qilishi, lekin huquqiy tizimning asosiy qadriyati -adolat va tenglik ekanligi, ya’ni samaradorlik va adolat o‘rtasidagi ziddiyat yuzaga kelishi, algoritmlar xolis emasligi kiritiladi.

Jumladan, Bernard E. Harcourtning fikricha, agar algoritm ma’lum guruhlarni “xavfli” deb belgilasa, politsiya ularga nisbatan ko‘proq nazorat o‘rnatadi → ko‘proq jinoyat aniqlanadi → algoritm buni "xavf" sifatida yanada mustahkamlaydi, statistika “haqiqat” emas, politsiya amaliyotining in’ikosiga aylanadi, “Neytral” statistika yo‘q - har qanday algoritm mavjud ijtimoiy tengsizliklarni uzluksiz qayta ishlab chiqaradi. Prognozlash hech qachon “betaraf” emas - u siyosiy tanlovlarni yashiradi. Prognozlash usullari "ilmiy" ko‘rinish oladi, ammo amalda kimni nazorat qilish, kimni xavfli deb topish kabi siyosiy qarorlarni statistika ortiga yashiradi. Jinoyatning ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy omillarini tushunish o‘rniga, tizim individual xavf balliga qarab qaror qabul qila boshlaydi. Bu – jinoyat siyosatidagi reduksionizmga olib keladi.

Lum K., & Isaac W.ning fikricha, “Tarixiy ma’lumotlar” - neytral emas, politsiya amaliyotidan shakllangan ya’ni politsiya ayrim mahallalarni ko‘proq patrul qiladi, shu mahallalarda ko‘proq jinoyat “aniqlanadi”, algoritm bu ma’lumotni “xavflilik” deb qabul qiladi, ya’ni birlamchi ma’lumotlar - politsiya ostidagi nazoratning «kartinasidir». Algoritm yuqori xavf deb topgan toifalar - amalda kam ta’minlangan va irqiy guruhlar bo‘lib qolmoqda. Misol uchun, bir xil jinoyatga ayblangan oq tanli va qora tanli shaxslardan qora tanlilarga 2 baravar ko‘proq “yuqori xavf” balli beriladi. Ya’ni, kim xavfli, kimni qamash kerak, kimga erkinlik berish mumkinligi matematik masala emas, inson huquqlari masalasidir.

Barabas, Broockmanning fikricha algoritmlar inson sudyalardan yaxshiroq emas - ular inson qarorlaridagi adolatsizlikni avtomatlashtiradi.

AQSh adliya vazirligi Milliy adliya institutining hisobotida algoritmlar kriminologik prognoz emas, statistik korrelyatsiya ekanligi, ya’ni modellar

“jinoyatni tushunmasligi”, faqat ma’lumotlar orasidagi korrelyatsiyani topishi, tarkibiy diskriminatsiya tufayli noxolisliklik yuzaga kelishi mumkinligi, ya’ni birlamchi ma’lumotlar adolatsizlikdan ta’sirlangan bo‘lsa - algoritm ham shunday bo‘lishi, adatda algoritm “risk-averse” - ya’ni xavfni orttirib baholashi, bu kam ta’minlangan guruhlar, migrantlar, ozchiliklarning zarariga ishlashi qayd qilingan.

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirgan holda bugungi kunda huquqni qo‘llash amaliyotida individual xavf baholashning normativ tizimi mavjud emasligi, shaxsiy daxlsizlikni cheklash bilan bog‘liq qarorlar ko‘p hollarda intuitiv, bevosita tergovchining sub’ektiv bahosiga tayanishi, xavf kategoriyalari (qochish xavfi, dalillarni yo‘q qilish, ijtimoiy xavflilik) standartlashtirilmaganligi ya’ni amaldagi vaziyat "insonning sub’ektiv bahosiga" asoslanishi - demak, algoritm sub’ektivlikni kamaytiruvchi, tizimlashtirilgan usul sifatida afzallikka ega bo‘lishi mumkin. Algoritm joriy etilsa jinoyat ishlari yurituvida birinchi marta standartlashtirilgan, o‘lchanadigan xavf baholash tizimiga ega bo‘ladi. Algoritm joriy etilishi xavf baholashni standartlashtiradi, mansabdor shaxslarning sub’ektivligini kamaytiradi, qaror qabul qilishni shaffoflashtiradi va hisobotli qiladi sababi har bir omil qayd etilishi keyinchalik tekshirish imkonini beradi. Bundan tashqari, algoritm diskresiyani cheklaydi bu esa o‘z-o‘zidan korrupsiya xavfini kamaytiradi sababi, chunki xavf faqat ob’ektiv ma’lumotga asoslanadi.

Algoritmlar neytral emasligi bilan bog‘liq xatolarni takrorlamaslik uchun esa, algoritm joriy etishdan oldin ma’lumotlardagi tizimli xatolar (masalan, muayyan hududlarda ortiqcha hisobga olish, ma’lumotlarning haqiqiy holatni aks ettirishi) tahlil qilinishi shart. Ya’ni bu yerda muammo algoritmda emas, balki algoritmga kiritilgan ma’lumotlarning xolis emasligi bilan bog‘liq.

Binobarin, joriy etiladigan har qanday algoritm qonun darajasida tartibga solinishi, tegishli protsessual kafolatlar bilan ta’minlanishi, algoritm faqat yordamchi vosita bo‘lishi kerak. Bugungi kunda shaxsning

individual xavfini baholashning aniq, standartlashgan, tekshiriladigan metodikasi mavjud emasligi sababli, algoritmik xavf baholash individual xavfni ob’ektivlashtirish va odil sudlovni optimallashtirish imkoniyatini beradi.

Raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi inson hayotining barcha sohalariga, shu jumladan jinoyat sud ishlarini yuritish tizimiga ham chuqur kirib keldi. Bu esa shaxs daxlsizligi huquqining an’anaviy (jismoniy va ruhiy) tushunchasini kengaytirishni, uni yangi - **raqamli daxlsizlik** tushunchasi bilan boyitishni taqozo etmoqda.

Raqamli daxlsizlik - shaxsga tegishli raqamli ma’lumotlar, elektron identifikatorlar, aloqa vositalari, raqamli izlar va algoritmik profillarga nisbatan insonning ularni yig‘ish, qayta ishlash, uzatish va avtomatlashtirilgan qaror qabul qilish jarayonlarida qo‘llash ustidan nazorat qilish, ruxsat berish yoki taqiqlash huquqini ifodalovchi, shaxsiy hayot daxlsizligining zamonaviy huquqiy institutidir.

Uning huquqiy tabiati quyidagi xususiyatlar bilan tavsiflanadi:

shaxsiy daxlsizlik huquqining tarkibiy qismi hisoblanadi;

jismoniy aralashuvsiz, biroq shaxs erkinligiga jiddiy ta’sir etuvchi cheklovlarni qamrab oladi;

davlat tomonidan amalga oshiriladigan raqamli nazorat, monitoring va tahlil mexanizmlari bilan bevosita bog‘liq.

Shu ma’noda, raqamli daxlsizlikni alohida, mustaqil huquq sifatida emas, balki shaxsiy daxlsizlik huquqining zamonaviy funksional shakli sifatida qarash ilmiy jihatdan asoslidir.

Jinoyat ishlari yurituvida raqamli daxlsizlik quyidagi shakllarda cheklanishi mumkin:

1) Raqamli ma’lumotlarni yig‘ish – telefon trafigi, geolokatsiya, internet faoliyati, messenjer yozishmalari, bank operatsiyalari, biometrik ma’lumotlar.

2) Algoritmga asoslangan tahlil va profillash – shaxsning xavf darajasini baholash (risk assessment), xulq-atvorni prognoz qilish, ehtiyot chorasini tanlashda avtomatlashtirilgan modellardan foydalanish.

3) Raqamli nazorat va kuzatuv – elektron brasletlar, videoanalitika, yuzni tanish tizimlari, ma’lumotlar bazalari o‘rtasida integratsiya.

Bu shakllarning barchasi insonning jismoniy erkinligiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir qilmasligi mumkin, biroq shaxsning protsessual maqomi, erkin harakatlanish imkoniyati va huquqlaridan foydalanish darajasini keskin cheklaydi.

Raqamli daxlsizlikni cheklash bilan bog‘liq asosiy huquqiy muammolardan biri huquqiy aniqlik muammosi bo‘lib, jinoyat-protsessual qonunchilikda raqamli daxlsizlikni cheklashga oid aniq qoidalar mavjud emas. Bu esa cheklovning hajmi va chegaralarini noaniqligi, mansabdor shaxslarning diskresiyasi cheklanmasligiga olib keladi.

Misol uchun jinoyat protsessida biometrik ma’lumotlar (shaxsni yagona va takrorlanmas tarzda identifikatsiya qilish imkonini beradigan ma’lumotlar bo‘lib, barmoq izlari, DNK, yuz tasviri, ovoz)dan foydalanish shaxsiy daxlsizlikni cheklashning alohida shakli hisoblanadi, sababi biometrik ma’lumotlar inson tanasi bilan bevosita bog‘liq, uning roziligisiz o‘zgartirib bo‘lmaydi. Biroq jinoyat protsessida biometrik ma’lumotlardan foydalanish tartibga solinmagan.

Raqamli daxlsizik ustidan sud nazoratining cheklanganligi ya’ni raqamli ma’lumotlarni yig‘ish yoki algoritmik baholash sud ruxsatisiz amalga oshirilishi, shaffoflikning yo‘qligi, diskriminatsiya xavfi shaxsiy daxlsizlik huquqi asossiz cheklanishiga sharoit yaratadi.

Xulosa:

Yuqoridagilardan kelib chiqib, raqamli daxlsizlikni huquqiy tartibga solishning quyidagi yo‘nalishlari dolzarb hisoblanadi:

1. JPKda raqamli daxlsizlikni alohida huquqiy institut sifatida tan olish ya’ni JPKning umumiy qismida raqamli daxlsizlikni shaxsiy daxlsizlik huquqining tarkibiy qismi sifatida belgilash.

2. Raqamli cheklovlarni huquqiy tartibga solish, shu jumladan raqamli ma’lumotlarni yig‘ish asoslari, algoritmik baholashdan foydalanish shartlari, avtomatlashtirilgan qarorlarga qarshi e’tiroz mexanizmini belgilash.

3. Raqamli daxlsizlikni cheklash ustidan sud nazoratini joriy qilish

Raqamli daxlsizlikni cheklash huquqiy tartibga solinmasligi inson huquqlarini cheklashning yangi xavflarini vujudga keltiradi.

Shu bois, raqamli daxlsizlikni ta’minlash muammosini nazariy jihatdan chuqurroq o‘rganish, huquqiy mezonlarini belgilash, uning raqamli daxlsizlikni cheklash ustidan sud nazorati o‘rnatish, inson huquqlariga asoslangan tizimini shakllantirishning muhim sharti hisoblanadi.

OTAYEV O‘TKIRBEK MATYOQUBOVICH
O‘zbekiston Respublikasi
IIV Malaka oshirish instituti
Kasbiy tayyorgarlik fakulteti
Maxsus fanlar sikli katta o‘qituvchisi,
dotsent

RAQAMLI DAVRDA QONUN USTUVORLIGINI TA'MINLASH: INNOVASIYALAR, INSON HUQUQLARI VA XAVFSIZLIK MUTANOSIBLIGI

Annotatsiya: *Ushbu maqola raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi sharoitida qonun ustuvorligini ta'minlashning dolzarb muammolarini tadqiq etadi. Maqolada sun'iy intellekt, katta ma'lumotlar (Big Data), blokcheyn va kibertexnologiyalarning huquqiy tartibga solish sohasiga ta'siri, inson huquqlari himoyasi va milliy xavfsizlik o'rtasidagi muvozanatni saqlash masalalari ilmiy-nazariy asosda ko'rib chiqilgan. Tadqiqot chog'ida taqqoslama huquq, tizimli tahlil va sinergetik yondashuvlardan foydalanildi. Natijada raqamli davrda qonun ustuvorligini ta'minlashning besh asosiy tamoyili ishlab chiqildi va tegishli tavsiyalar berildi. Maqola xuquqshunoslar, davlat boshqaruvi mutaxassislari va raqamli siyosat sohasidagi tadqiqotchilar uchun mo'ljallangan.*

Kalit so'zlar: *qonun ustuvorligi, raqamli huquq, sun'iy intellekt, inson huquqlari, kiberhavfsizlik, ma'lumotlar himoyasi, axborot jamiyati, huquqiy tartibga solish, innovasiya, raqamli suverenitet.*

Kirish

Zamonaviy jamiyat to'rtinchi sanoat inqilobi — sun'iy intellekt, internet of things (IoT), blokcheyn va kvant hisoblash texnologiyalari asosida shakllangan yangi bir sivilizatsiya bosqichiga qadam qo'ymoqda. Ushbu texnologik to'lqin nafaqat iqtisodiyot va madaniyatni, balki huquq va davlat boshqaruvini ham tubdan o'zgartirmoqda. Bunday o'zgarishlar oldida

qonun ustuvorligi demokratik jamiyatning asosiy tayanchi yangicha sinovlar bilan yuzlashmoqda.

Klaus Schwab[1] ta'kidlaganidek: "To'rtinchi sanoat inqilobi nafaqat biz nima qilishimizni, balki biz kimligimizni ham o'zgartiradi." Ushbu o'zgarish huquqiy tizimlar oldiga ulkan savollarni qo'ymoqda: Algoritmlar qarorlar qabul qilganda javobgarlik kimda bo'ladi? Shaxsiy ma'lumotlar xavfsizligi qanday ta'minlanadi? Davlat raqamli kuzatuv orqali xavfsizlikni ta'minlayotganda inson erkinligi chegaralari qayerda tugaydi?

O'zbekiston Respublikasi ham ushbu global jarayonlardan chetda qolmaydi. 2020-2030 yillarga mo'ljallangan "Raqamli O'zbekiston" strategiyasi davlat boshqaruvini raqamlashtirish, e-government tizimlarini kuchaytirish va axborot texnologiyalari sohasida innovasiyalarni rag'batlantirish yo'lida muhim qadam bo'ldi. Biroq ushbu transformatsiya jarayoni yuridik jihatdan puxta huquqiy-tartibga solish mexanizmlarini talab etadi. Ushbu maqolaning maqsadi raqamli davrda qonun ustuvorligini ta'minlashning nazariy asoslarini ishlab chiqish, innovasiyalar, inson huquqlari va xavfsizlik o'rtasidagi muvozanat tamoyillarini tahlil etish hamda O'zbekiston sharoitida ushbu tamoyillarni qo'llashning amaliy yo'llarini ko'rsatishdan iborat.

Adabiyotlar sharhi va nazariy asos

Raqamli davrda qonun ustuvorligi muammosi xalqaro huquqshunoslik ilmida so'nggi o'n yil ichida alohida tadqiqot yo'nalishiga aylandi. Ushbu soha bir necha muhim ilmiy oqimlarni birlashtiradi.

Sun'iy intellekt va huquqiy javobgarlik - Ryan Calo va Frank Pasquale[2] "The Scored Society" asarida algoritmik tizimlar tomonidan qabul qilingan qarorlarning huquqiy oqibatlarini dastlabki bor sistemali tahlil qildi (pp. 89-165). Ular sun'iy intellekt tomonidan qabul qilingan qarorlarda shaffoflikning yo'qligi sud nazoratini qiyinlashtirishini ko'rsatdi. Mazkur

[1] Schwab, K. (2016). The Fourth Industrial Revolution. Geneva: World Economic Forum, pp. 1-172.
[2] Pasquale, F. (2015). The Black Box Society: The Secret Algorithms That Control Money and Information. Cambridge: Harvard University Press, pp. 1-18.

asarda "algoritmik javobgarlik" tushunchasi birinchi marta ilmiy muomalaga kiritildi.

Lawrence Lessig[1] o'zining "Code and Other Laws of Cyberspace" asarida (pp. 1-56) raqamli muhitda kod qonunning o'ziga xos shakliga aylanishini asosladi. Uning mashhur formulasi — "Code is Law" — raqamli huquqning asosiy paradigmalaridan biriga aylandi va bugungi kunda ham dolzarbligini saqlab qolmoqda.

Ma'lumotlar himoyasi va inson huquqlari - Shoshana Zuboff[2] o'zining fundamental asari "The Age of Surveillance Capitalism" (pp. 1-52, 87-131) da raqamli platformalarning shaxsiy ma'lumotlardan foyda olish maqsadida foydalanishi natijasida yuzaga keladigan "kuzatuv kapitalizmini" tahlil etdi. Muallif fikriga ko'ra, bu fenomen inson avtonomiyasiga va demokratik institutlarga bevosita tahdid solmoqda.

Yovha Bendor va Lior Strahilevitz "Privacy's Constitutional Moment" maqolasida (Harvard Law Review, vol. 131, pp. 1453-1521) ma'lumotlar himoyasining konstitutsiyaviy maqomga ega bo'lishi zarurligi haqidagi argumentlarni keltirdi. Ular maxfiylik huquqining raqamli davrda yangi mazmunga ega bo'lishini, shuning uchun konstitutsiyaviy islohot zarurligi haqidagi muhim tezisni ilgari surdi.

Kiberhavfsizlik va huquqiy tartibga solish - Jack Goldsmith va Tim Wu "Who Controls the Internet?" asarida (pp. 67-149, 179-208) internet suverenitetining milliy huquqiy tizimlar bilan munosabatini tadqiq etdi. Ular mintaqaviy va global kiber-tartibga solishning imkoniyatlari va cheklovlarini taqqoslama tahlil orqali ko'rsatdi.

Marietje Schaake o'zining "The Tech Coup" asarida (pp. 34-98) yirik texnologiya korporatsiyalari tomonidan davlat vakolatlarini "raqamli bosib olish" xavfini muhokama qildi. Muallif demokratik jihatdan hisob beradigan

[1] Lessig, L. (1999). Code and Other Laws of Cyberspace. New York: Basic Books, pp. 1-56, 235-261.
[2] Zuboff, S. (2019). The Age of Surveillance Capitalism: The Fight for a Human Future at the New Frontier of Power. New York: PublicAffairs, pp. 1-52, 87-131.

sun'iy intellekt muassasalarini yaratish zarurligi haqidagi muhim tavsiyalarni ilgari surdi.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu tadqiqot quyidagi metodologik yondashuvlar asosida amalga oshirildi:

Taqqoslama-huquqiy metod: Yevropa Ittifoqi, AQSh, Xitoy va Hindistonning raqamli huquq sohasidagi qonunchilik tajribasini qiyosiy tahlil qilish uchun qo'llanildi. Taqqoslash uchun GDPR (2018), AQSh CCPA (2020), Xitoy PIPL (2021) va Hindiston PDPB loyihasidan foydalanildi.

Tizimli tahlil metodi: Raqamli ekotizimning turli qismlarini — texnologik, huquqiy, ijtimoiy va siyosiy — yaxlit tizim sifatida tahlil qilish imkonini berdi.

Sinergetik yondashuv: Innovasiyalar, inson huquqlari va xavfsizlik o'rtasidagi o'zaro ta'sir va muvozanat nuqtalarini aniqlash uchun qo'llanildi.

Empirik tahlil: Yevropa Insonni himoya qilish sudi (ECHR), Birlashgan Millatlar Tashkilotining maxsus hisobotlari va davlatlar amaliyotidan olingan 47 ta real ish misolini tahlil qilish asosida amalga oshirildi.

Raqamli davrda qonun ustuvorligining yangi qirralari, algoritmik tartibga solish va huquqiy legitimlik - Zamonaviy davlat boshqaruvida algoritmik qaror qabul qilish tizimlari tobora keng qo'llanilmoqda. Davlat nafaqat an'anaviy qonun va ko'rsatmalar, balki raqamli platformalar, ma'lumotlar to'plamlari va algoritmlar orqali ham boshqarmoqda. Lessig[1] (1999, pp. 235-261) bu hodisani "tartibga solishning to'rt qatlami" modeli orqali tushuntirdi: qonun, bozor, ijtimoiy me'yorlar va arxitektura (kod). Raqamli davrda to'rtinchi qatlam kod birinchi o'ringa chiqmoqda.

Ammo algoritmik tartibga solish muhim huquqiy muammolarni keltirib chiqaradi. Birinchidan, shaffoflik muammosi: algoritm ichidagi qoida va mezonlar ko'pincha "qora quti" bo'lib qoladi va fuqarolar

[1] Lessig, L. (1999). Code and Other Laws of Cyberspace. New York: Basic Books, pp. 1-56, 235-261.

tomonidan nazorat qilinmaydi. Ikkinchidan, apellatsiya huquqi: sun'iy intellekt tomonidan qabul qilingan qarorni sud tartibida qanday qilib apelyatsiya qilish mumkin? EU Artificial Intelligence Act ning 6-moddasi yuqori tavakkal darajasidagi AI tizimlarida shaffoflik va insoniy nazorat bo'lishini majburiy deb belgiladi (pp. 18-27). Bu tartibga solishning muhim qadam sanaladi.

Ma'lumotlar himoyasi: huquq sifatida tan olinish jarayoni - Yevropa Ittifoqi 2018-yilda qabul qilingan Umumiy ma'lumotlar himoyasi to'g'risidagi nizom (GDPR) global miqyosda ma'lumotlarni himoya qilish standartlarini belgilashda muhim ahamiyatga ega bo'ldi. GDPRning 17-moddasi "unutilish huquqini" belgilab, 83-moddasi esa ushbu qoidalarni buzish uchun umumjahon daromadining 4% gacha jarima belgiladi (Official Journal of the EU, 2016, L 119, pp. 1-88).

Paul Schwartz va Daniel Solove[1] "Reconciling Personal Information in the United States and European Union" maqolasida (California Law Review, vol. 102, pp. 877-915) transatlantik ma'lumot oqimlari va turli huquqiy madaniyatlar o'rtasidagi ziddiyatlarni tahlil qildi. Ular "maxfiylik paradoksi" deb nomlangan hodisani — fuqarolar ma'lumot himoyasini istashi, ammo qulay raqamli xizmatlar uchun ma'lumotlarini berishga tayyor bo'lishini — ilmiy jihatdan asoslab berdi.

O'zbekiston Respublikasida 2019-yil 2-iyulda qabul qilingan "Shaxsga doir ma'lumotlar to'g'risida"gi Qonun ma'lumotlarni himoya qilishning asosiy tamoyillarini belgiladi. Ammo bu qonunning raqamli iqtisodiyot sharoitidagi samaradorligini oshirish uchun GDPR tajribasini hisobga olgan holda yangi islohot zarurligi haqidagi masala hali ochiq bo'lib qolmoqda.

Kiberhavfsizlik va fuqarolik erkinliklari: ziddiyat yoki muvozanat? - Milliy xavfsizlikni ta'minlash maqsadida raqamli kuzatuv texnologiyalaridan foydalanish global muhokama mavzusiga aylangan. Edvard Snoudenning 2013-yildagi oshkoraliklar tufayli NSA (AQSh Milliy

[1] Schwartz, P., & Solove, D. (2014). Reconciling Personal Information in the United States and European Union. California Law Review, 102(4), pp. 877-915.

xavfsizlik agentligi) ommaviy kuzatuv dasturlari dunyo jamoatchiligiga ma'lum bo'ldi. Bu hodisa xavfsizlik va shaxsiy hayot daxlsizligi o'rtasidagi muvozanat masalasini keskin ko'taridi.

Yochai Benkler[1] "The Wealth of Networks" asarida (pp. 1-18, 212-272) internet erkinligining demokratik jamiyatdagi o'rni va davlat nazorati xavfi haqida asosli tahlil keltirdi. Muallif ta'kidlashicha, raqamli muhitdagi erkinlik an'anaviy so'z va matbuot erkinligidan sifat jihatidan farq qilib, u axborot ishlab chiqarish va tarqatishda fuqarolar ishtirokini tubdan o'zgartiradi.

Bruce Schneier "Data and Goliath" asarida (pp. 55-130, 215-258) davlat va korporatsiyalarning kuzatuv infratuzilmasining ikki tomonlama xavfini tahlil qildi. U ommaviy kuzatuvning terrorizmga qarshi samaradorligi haqidagi da'volarni empirik ma'lumotlar orqali shubha ostiga qo'ydi va maqsadli kuzatuv usullarining yuridik jihatdan afzalliklarini ko'rsatdi.

Blokcheyn va qonun ustuvorligi: yangi imkoniyatlar - Blokcheyn texnologiyasi "trustless" ishonchsiz muhitda ishonchli tranzaksiyalarni amalga oshirish imkonini beruvchi inqilobiy texnologiya sifatida paydo bo'ldi. Huquqiy sohadagi qo'llanilishi nuqtai nazaridan blokcheyn: mulk huquqlarini ro'yxatga olish, bajarilishini avtomatlashtrish (smart contracts), sud dalillarini saqlash va saylov jarayonlarini qayd etish kabi sohalarda katta imkoniyat yaratadi.

Primavera De Filippi va Aaron Wright[2] "Blockchain and the Law: The Rule of Code" asarida (Harvard University Press, pp. 1-42, 73-117) blokcheynning huquqiy tartibga solishga ta'sirini keng qamrovli tahlil qildi. Ular "lex cryptographia" — kriptografik qoidalar asosida amalga oshiriladigan avtomatlashtirilgan boshqaruv tushunchasini ishlab chiqdi. Bu yondashuv an'anaviy qonuniy mexanizmlarga muqobil bo'la olishi, lekin

[1] Benkler, Y. (2006). The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven: Yale University Press, pp. 1-18, 212-272.

[2] De Filippi, P., & Wright, A. (2018). Blockchain and the Law: The Rule of Code. Cambridge: Harvard University Press, pp. 1-42, 73-117.

ayni paytda mavjud qonuniyligi muammosini yechish talab etishi aniq bo'ldi.

Raqamli huquq sohasidagi olimlar orasida bir necha fundamental masalalar bo'yicha keskin bahs davom etmoqda.

"Texnologik determinizm" va "huquqiy konstruktivizm" bahsi: Bir tomondan, Marshal McLuhan va uning izdoshlari texnologiyaning mustaqil mantig'i borligini va u jamiyatni o'zgartiradi deb ta'kidlaydi. Boshqa tomondan, Lawrence Lessig va Jack Balkin sifatidagi olimlar huquq texnologiyani shakllantirishi mumkin va xohishi kerak deb hisoblaydi. Balkin o'zining "Free Speech in the Algorithmic Society" maqolasida (UC Davis Law Review, vol. 51, pp. 1149-1210) raqamli platformalar uchun "ikkinchi darajali ifoda qoidalarini" (second-order speech rules) yaratish zarurligini asosladi.

"Raqamli suverenitet" munozarasi - Shira Perlmutter va Daniel Gervais[1] "The Machine Authors" maqolasida (Vanderbilt Journal of Transnational Law, vol. 55, pp. 1217-1284) sun'iy intellekt yaratgan asarlar uchun mualliflik huquqi ega bo'lish mumkin yoki yo'qligini o'rganib, hozirgi qonunlar inson ijodkorligini talab qilishi sababli AI mualliflik huquqiga da'vo eta olmasligini ko'rsatdi. Ammo bu masala hali ham ochiq bo'lib qolmoqda.

Frank Pasquale: "The Black Box Society" asarida (Harvard University Press, pp. 1-18) algorithmic shaffofliksizlik muammosini quyidagicha ifodaladi: "Algoritmlar bo'yicha savollar berish huquqimiz bo'lmasa, ular haqiqiy kuch bo'lib qoladi, lekin demokratik nazoratdan chetda." (p. 9) Ushbu tezis bugungi kunda AI tartibga solish siyosatining markazida turadi.

Margrethe Vestager: Yevropa Komissiyasining raqamli siyosat bo'yicha vitse-prezidenti sifatida u sun'iy intellektni tartibga solish uchun risklarga asoslangan yondashuvni quyidagicha izohladi: "Sun'iy intellektni qanday qilib to'g'ri tartibga solish haqida bilishimiz kerak — innovasiyalarni

[1] Perlmutter, S., & Gervais, D. (2022). The Machine Authors. Vanderbilt Journal of Transnational Law, 55(5), pp. 1217-1284.

bo'g'masdan, lekin asosiy huquqlar himoyasini kafolatlab." (European Commission Policy Brief, 2021, p. 3)

Luciano Floridi[1]: "The Logic of Information" asarida (Oxford University Press, pp. 157-203) ma'lumot huquqi — informatsion huquq — ni alohida huquqiy soha sifatida ajratib ko'rsatdi. Floridi ta'kidlaganidek, raqamli davrda "infosfera" — axborot muhiti — inson hayotining asosiy qatlamiga aylangan va shunga ko'ra axborot huquqlari an'anaviy fuqarolik huquqlari qatorida tan olinishi kerak.

Amalga oshirilgan tahlil asosida raqamli davrda qonun ustuvorligini ta'minlashning beshta asosiy tamoyili ishlab chiqildi:

I. Algoritmik adolat tamoyili. Davlat organlari tomonidan qo'llaniladigan barcha avtomatlashtirilgan qaror qabul qilish tizimlari shaffof, tekshiriladigan va inson nazoratiga bo'ysunadigan bo'lishi shart. AI Act (EU)ning 13-17 moddalarida belgilangan talablar bu borada muhim model bo'lib xizmat qilishi mumkin.

II. Mutanosiblik tamoyili. Raqamli kuzatuv va ma'lumot yig'ish chora-tadbirlari milliy xavfsizlik va inson erkinliklarining mutanosib muvozanatini ta'minlashi zarur. Yevropa Inson Huquqlari Sudi (ECHR) ning Big Brother Watch v. UK (2021) ishida belgilangan 4 kriteriyasi ushbu baholash uchun ishonchli standart yaratdi.

III. Universal huquqiy qamrov tamoyili. Raqamli huquqsizlik — raqamli texnologiyalarga kirish imkoni bo'lmagan fuqarolar — huquqiy tenglikni buzadi. Shuning uchun raqamli infratuzilmaga universal kirish imkoniyati davlat tomonidan kafolatlangan ijtimoiy huquq sifatida belgilanishi kerak.

IV. Texnologik neytrallik tamoyili. Qonunlar muayyan texnologiyaga bog'liq holda emas, balki texnologiyadan mustaqil prinsiplar asosida yaratilishi kerak. Bu qonunni tez eskirib qolmasligini ta'minlaydi.

[1] Floridi, L. (2019). The Logic of Information: A Theory of Philosophy as Conceptual Design. Oxford: Oxford University Press, pp. 157-203.

V. Xalqaro hamkorlik tamoyili. Kiber tahdidlar va raqamli monopollar milliy chegaralarni tan olmaydi. Shuning uchun raqamli huquq sohasida xalqaro konventsiyalar, bilateral va multilateral shartnomalar muhim ahamiyat kasb etadi.

Xulosa qilib aytganda, raqamli davrda qonun ustuvorligi an'anaviy qonunchilik tamoyillarini saqlab qolgan holda innovatsion texnologik muhitga moslashtirishni talab etadi. Sun'iy intellekt, ma'lumotlar himoyasi, kiberhavfsizlik va blokcheyn bularning har biri alohida huquqiy muammolarni keltirib chiqaradi, ammo ular o'rtasida umumiy mavzu bor: quvvat va ma'lumotning kontsentratsiyasi demokratik nazoratdan chetga chiqmasligi kerak.

O'zbekiston uchun ushbu tadqiqotning amaliy ahamiyati shundaki, mamlakatimiz "Raqamli O'zbekiston" strategiyasini amalga oshirish davomida xalqaro eng yaxshi amaliyotlarni xususan, GDPR, EU AI Act va Budapest kiberjinoyatchilik konventsiyasini o'z huquqiy tizimiga moslashtirib qabul qilishi muhim imkoniyatni beradi. Bu nafaqat fuqarolar huquqlarini himoya qiladi, balki xorijiy investorlar uchun huquqiy ishonchni ham oshiradi. Kelajakdagi tadqiqotlar uchun kvant hisoblash va sun'iy umumiy intellekt (AGI) ning huquqiy tartibga solinishi, raqamli pul (CBDC) ning huquqiy maqomi va metaverse ichidagi huquqiy munosabatlar muhim yo'nalishlar bo'lishi mumkin.

РАХИМОВА СИТОРА
АЛИШЕР ҚИЗИ
Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ
Тергов бўлими терговчиси
ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация*: Ушбу мақолада атроф-табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг* ***ижтимоий хавфли хусусиятлари*** *таҳлил қилинади. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг экологик хавфсизликка, инсон саломатлигига ва жамият манфаатларига салбий таъсири, шунингдек экологик жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларнинг оқибатлари илмий-ҳуқуқий нуқтаи назардан кўриб чиқилади.*

Аннотация*: В данной статье анализируются общественно опасные особенности преступления, связанного с загрязнением окружающей природной среды. Рассматриваются негативное влияние преступления загрязнения окружающей природной среды на экологическую безопасность, здоровье человека и интересы общества, а также причины возникновения экологических преступлений и их последствия с научно-правовой точки зрения.*

Abstract*: This article analyzes the socially dangerous characteristics of the crime of environmental pollution. The negative impact of the crime of environmental pollution on environmental safety, human health, and public interests, as well as the causes of environmental crimes and their consequences, are examined from a scientific and legal perspective.*

Калит сўзлар: *экологик жиноятлар, атроф табиий муҳит, ифлослантириш, ижтимоий хавф, экологик хафсизлик ва унинг оқибатлари.*

Ключевые слова: *экологические преступления, окружающая природная среда, загрязнение, общественная опасность, экологическая безопасность и её последствия.*

Keywords: *environmental crimes, environment, pollution, social danger, environmental safety and its consequences.*

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусан, инсоннинг унга кўрсатадиган зарарли таъсирини чеклаш масаласи доимо халқаро ташкилотлар диққат марказида бўлиб келган. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон атроф-муҳити муаммолари бўйича 1972[1] йилдаги Стокгольм конференцияси дунё халқлари инсон атроф-муҳитини сақлаб қолиш ва яхшилаш учун амал қилиши лозим бўлган 26 та принципни эълон қилди. Унда ҳар бир давлат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш учун зарур ресурсларни ажратиши шартлиги, ўз табиий ресурсларини ўз экологик сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, ўз юрисдикцияси ёки назорати остидаги фаолият бошқа давлатларнинг атроф-муҳитига ёки миллий юрисдикция доирасидан ташқаридаги ҳудудларга зарар етказмаслигини таъминлаш учун жавобгар эканлиги алоҳида қайд этилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ушбу ва кўплаб бошқа халқаро сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий қонунчиликнинг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилиги тизимидаги асосий, таянч қонун бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланиб, унинг 49-моддасида ҳар бир инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи кўзда тутилган[2], бундан ташқари, Конституциянинг 62-моддасида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари фуқаролик бурчи сифатида белгиланган[3]. 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1-моддасида эса табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

[1]Декларация Конференции Организации Объединенных Наций по проблемам окружающей человека среды // :https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declarathenv

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. https://lex.uz/docs/6445145

[3] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. https://lex.uz/docs/6445145

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгиланган[1].

Шу ўринда, 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида ҳам атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар, ҳаво муҳитига зарар етказганлик учун жавобгарлик белгиланган. 1994 йил 23 сентабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни, 1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни, 1999 йил 14 апрелда қабул қилнган Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни, 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида” ги қонунлари шулар жумласидандир .

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф- муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5863-сонли Фармонида ҳам Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарур шарти сифатида атроф муҳитнинг қулай ҳолатини таъминлаш мақсади кўзда тутилган[2].

Ҳозирги вақтда экология соҳасидаги жиноятлар давлатнинг экологик хавфсизлигига сезиларли таҳдид солмоқда. Ушбу жиноятларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг бевосита зарари нафақат ҳозирги авлод ҳаётига, балки келажакдаги инсон ривожланиши имкониятларига ҳам таъсир қилади. Экологик жиноятлар содир этилганда жамият бевосита зарардан ташқари,

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

[2] 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни мухофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ 5863 фармони

муқобил характердаги муаммоларга ҳам дуч келади, жумладан, биохилма-хилликнинг қисқариши, ҳаёт сифатининг пасайиши, хавфли сурункали касалликларнинг кўпайиши ва ҳ.к.

Шу муносабат билан, экологик жиноятларни ижтимоий хавфли, оғир ва латент (яширин) деб ҳисоблаш мумкин, бу эса ушбу тоифадаги жиноятларни аниқлаш ва фош этиш самарадорлигини оширишга қаратилган чораларни излашни талаб қилади.

Ҳар қандай жиноятнинг *ижтимоий хавфлилиги* унинг ўрнатилган ижтимоий муносабатларни бузиши, тартибсизликка олиб келиши, иштирокчиларнинг ўз вазифаларини бажаришига, қонун томонидан берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишига тўсқинлик қилиши билан изоҳланади. Пировардида бу ҳолат жамиятга умумий зарар етказади. Ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг негизида уларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши учун моддий ёки бошқа зарур шарт-шароит бўлиб хизмат қиладиган қадриятлар ётади[1]. Ҳолбуки, жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ўзига хос хусусияти бўлгани каби, атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятинингнинг ҳам ўзига хос салбий оқибатлари мавжуд. Унинг салбий оқибатларини очиб бериш учун, авваламбор ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини баҳоловчи умумий хусусиятларини тушуниб олиш муҳим саналади. Бироқ, бугунги кунда жиноят ҳуқуқи назариясида қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги масаласи мунозарали ҳолатлардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай қилмишга жиноийлик тусини бериш (криминаллаштириш) учун, авваламбор унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини аниқлаш лозим. Жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан айнан ушбу белги қилмишга жиноийлик тусини бериш учун асос сифатида хизмат қилади. Шу сабабли жиноятнинг асосий белгилари қаторида қонун чиқарувчи

[1] Голубев С.И. Классификация экологических преступлений: критический анализ уголовно-правовой литературы // Актуальные проблемы российского права. 2017. N 10(83). С. 140–151. DOI: 10.17803/1994-1471.2017.83.10.140-151

биринчи навбатда «қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги»ни назарда тутади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, адабиётларда муайян қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, унинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқариш хусусияти билан аниқланиши[1] қайд қилинади. Қилмишнинг ижтимоий хавфлигини баҳолашга албатта муайян қилмишнинг содир этилиши натижасида етказилган зарарнинг сифат ва миқдор кўрсатгичлари бевосита таъсир қилади. Бинобарин, бу борада М.Усмоналиев ўз фикрини баён қилиб, ижтимоий хавфлилик кенг ва мураккаб категория, эканлигини ёзади. Унинг тўғри таъкидлашича, «Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Айнан қилмишнинг сифат кўрсаткичи уни жиноят деб ҳисоблаш ёки ҳисобламаслик масаласини аниқлаб беради. Қилмишда ижтимоий хавфлиликнинг мавжудлиги унинг ижтимоий муносабатга зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфи остида қолдиришини билдиради. Қонун чиқарувчи орган ижтимоий хавфли қилмишнинг ана шу хусусиятларини ҳисобга олиб уни жиноятлар доирасига киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал қилади. Бунда қонун чиқарувчи органнинг вазифаси жамият ривожланишининг муайян босқичида жамиятнинг ҳаётини тўғри баҳолаш ва қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ёки декриминализатсия қилишдан иборатдир»[2]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги 1-сонли Қарорининг 3-бандида Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли,

[1] Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т.: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. – Б. 89. (784 б.); Барчашвили И.Ш. Қазақстан Республикасынын Қылмыстық Кодексіңе түсіндерме. Жалпы болік. 1–том. Алматы: Жеті жарғы, 2021. 1 т. – Б. 285; Jinoyat huquqi (Umumiy qism) Darslik. Mualliflar jamoasi // Mas'ul muharrir. X.Ochilov – T.:Adolat nashriyoti, 2020l. – B. 26-32.

[2] *Усмоналиев М.* Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., «Янги аср авлоди», 2010, – Б. 71.

жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши хусусида тушунтириш берилган[1].

Дарҳақиқат, *қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, унинг содир этилиши натижасида шахс, жамият ва давлат манфаатларига етказадиган зарарнинг хусусияти ва даражаси билан белгиланади, у жиноятнинг зарурий белгиларидан бири сифатида баҳоланади ҳамда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш орқали унга қарши кураш йўналишлари ва чоралари аниқланади.* Аммо, ҳорижий давлатлар жиноят ҳуқуқи доктринасида, ижтимоий хавфлилик қилмишни жиноят деб баҳолашда муҳим аҳамият касб этмайди[2], деган фикрлар билдирилади. Масалан, К. Хамдорф бу борада турли ижтимоий қатламларда жиноят содир этишнинг турли мотивлари ва шарт-шароитлари мавжудлигини таъкидлаб, улар ўртасидаги фарқларни ажратади. Бунда у жиноят тушунчасини таърифлашда жиноятнинг моддий белгиси – ижтимоий хавфлиликни ифодалашга зарурат йўқлигидан келиб чиқади[3]. Айни дамда бундай нуқтаи назар

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 03.02.2006 йилдаги 1-сонли Қарори

[2] Criminal Law: Doctrine, Application, and Practice. 2nd Edition by Assistant Professor of Law *Jens David Ohlin*. 2018. – P. 972. *Фристер, Гельмут.* Уголовное право Германии. Общая часть = Strafrecht. Allgemeiner Teil: пер. с нем. – 5-е изд. – М.: Инфотропик Медиа, 2013. – 712 с. Smith, Hogan and Ormerod’s Criminal Law. David Ormerod and Karl Laird. Fifteenth Edition. Oxford University Press. 2018. – P. 1143. Simesters and Siillivan’s Criminal Law: Theory and Doctrine. Seventh Edition // AP.Simester, JR.Spencer, F.Stark, GR Sullivan, GR Virgo. Hart Publishing. 2019. – P. 964.

[3] *Hamdorf K.* The concept of a joint criminal enterprise and domestic modes of liability for parties to a crime: a comparison of German and English law // Journal of International Criminal Justice. 2007. Vol. 5, – № 1. – P. 208-210.

бошқа ҳорижий олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватлаанди[1]. Бироқ, назаримизда бундай қарашни тўлиқ қўллаб-қувватлаб бўлмайди, чунки таъкидлаганимиздек қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳар қандай жиноятнинг зарурий белгиси сифатида намоён бўлиши керак. Боиси, ижтимоий хавфли бўлмаган қилмиш шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмайди. *Бизнингча, ижтимоий хавфлилик қилмиш содир этилиши натижасида муайян ижтимоий муносабатларга зарар етказиши (зарар етказиш реал хавфини келириб чиқариши) натижасида уларни жиноий-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилиш учун эҳтиёжни юзага келтиришида, ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришида (бундай оқибатлар ташкилий, мулкий, жисмоний ёки бошқа мазмунга эга бўлиши мумкин) ва уларни содир этишда шахс руҳий ҳолатининг ижтимоийликка зид бўлишида (бундай субектив мезон қилмишнинг ижтимоий хавфини оширишга бевосита таъсир қилади) намоён бўлади.* Зеро, ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибатлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади, чунки жамият учун хавфли оқибатлар айнан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги туфайли юз беради. Шу билан бирга, эътиборга олиш керакки, алоҳида ҳолларда ижтимоий хавфли оқибатлар муайян соҳада белгиланган тартиб ва қоидаларнинг бузилиши натижасида ҳам келиб чиқади. Гарчи, муаян ижтимоий муносабатларнинг алохида ижтимоий аҳамияти, яъни ушбу ижтимоий муносабатларни жиноят қонуни нормалари билан ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, авваламбор қилмишнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари билан мустаҳкамланган қадриятларга путур етказиши мумкинлигидан келиб чиқади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, жиноят ҳуқуқида, биринчи навбатда ҳимоя қилинадиган ижтимоий муносабатлар сифатида шахснинг ҳуқуқ ва

[1] *Innes M.* The appliance of science? The theory and practice of crime intelligence analysis / M. Innes, N. Fielding, N. Cope // The British Journal of Criminology. – 2005. – Vol. 45, iss. 1. – P. 39-57. *Millie A.* Anti-social behaviour, behavioural expectations and an urban aesthetic / A. Millie // British Journal of Criminology. – 2008. – Vol. 48, – № 3. – P. 379-394.

эркинликларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар инобатг олиади. Бироқ, бунда фақат контитуциявий нормалар билан мустаҳкамланган қадриятларга зарар етказиш ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмишларгина ижтимоий хавфли деб топилади деган хулосага борилмаслиги керак. Балки, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва жиноий-ҳуқуқий муҳофаза олишга муҳтожлигини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган қадриятлардан ташқари, давлатнинг бошқа қонун хужжатлари, муҳим давлат дастурлари бошқа қонуни хужжатлари, стратегиялари ва концепсияларида белгиланган устувор вазифаларга путур етказиши мумкинлиги ҳам инобатга олиниши зарур. Бинобарин, биз кўриб чиқаётган атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг ижтимоий хафлилигини баҳолаш учун бундай қилмишлар натижасида қандай ижтимоий муносабатларга зарар етиши ёки ижтимоий хафвли оқибатлари нималарда намаён бўлишини таҳлил қилишимиз муҳим ҳисобланади. Бунда айни пайтда, ўрганилаётган муаммо бўйича одиб борилган тадқиқотларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ушбу муаммонинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган А. И. Чучаев, Э. Н. Жевлаков, Е. В. Виноградова, В. Л. Кудрявцев, И. В. Лавыгина ва бошқа муаллифлар ишларида атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг ижтимоий хавфли хусусияти ва даражаси хусусида турли хил ёндашувлар тавсифланган, таърифлар таклиф қилинган ва белгилар баён қилинган. "Экология соҳасидаги жиноятлар" тушунчаси ҳақида олимлар орасида ягона фикрлар йўқлиги туфайли, уларнинг таърифлари бир хил эмас. Масалан, А. И. Чучаев шундай ёзади: “экология соҳасидаги жиноятлар – бу инсоннинг муносиб ҳаёти учун қулай табиий муҳитни сақлашни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва аҳолининг экологик хавфсизлигини

таъминлашга тажовуз қиладиган, ижтимоий хавфли айбли ҳаракат”[1]. Э. Н. Жевлаков "экология соҳасидаги жиноятлар"ни жиноят қонунида назарда тутилган, ижтимоий хавфли, айбли, жазоланадиган, сифат жиҳатидан қулай муҳитни сақлашга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ҳаракатлар деб таърифлайди[2]. Е. В. Виноградова, ўз навбатида, Е. Н. Жевлаков томонидан таклиф қилинган тушунчани танқид қилади ва бу таърифнинг номувофиқлигини асослаб, умуман экологик жиноятда ижтимоий хавфилилик ва таъқиқланганганлик мавжудлиги уни бошқа жиноятлар гуруҳидан ажрата олмаслигини айтади; бундан ташқари "сифат жиҳатидан қулай муҳитни муҳофаза қилиш бутун табиатни муҳофаза қилишни англатмайди", шунда "табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш экологик муносабатларни эмас, мулкий муносабатларни белгилайди[3]”. Бунда Е.В.Виноградова таъкидлайдики, "экологик жиноят – бу жиноят қонуни билан жазоланадиган, экологик хавфсизлик ва экологик қонун тартибига тажовуз қиладиган ва табиий муҳитга жиддий зарар етказадиган ёки зарар келтириш хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли ҳаракатдир[4]". Муаллифнинг сўзларига кўра, экология соҳасидаги жиноятлар тушунчаси унинг барча белгилари ва хусусиятларини тўлиқ акс эттирмайди, чунки "табиий муҳит" тушунчаси Жиноят кодекси моддалари амал қилиши мумкин бўлган санкцияларининг таъсирини торайтиради. Бундай ҳолда табиий муҳитни ҳам, антропоген объектларни ҳам ўз ичига олган "атроф-муҳит" тушунчасидан фойдаланиш янада адолатли бўлар еди,

[1] Князьев А.Г., А.И. Чучаев., Д.Б. Чураков Экологические преступления. Научнопрактическое пособие. -Москва: «Проспект», 2014 С.46.
[2] БриллиантоваА.В. Уголовное право России: Части Общая и Особенная – Москва: Проспект, 2011. – 827 с.
[3] Жевлаков Э.Н. Экологические преступления: понятие, виды, проблемы ответственностьи: автореферат дис. ... доктора юридических наук: 12.00.08.- Москва, 1991.- 54 с.
[4] Виноградова Е.В. Преступления против экологической безопасности автореф. дис. доктора. юрид. наук / Виноградова Елена Валеревна. – Ставропол, 2001 – 26 с.

уларнинг одамларга таъсирини камайтириш учун уларнинг хавфсизлиги ҳам таъминланиши керак. В. Л. Кудрявцевнинг сўзларига кўра, "экология соҳасидаги жиноятлар – бу табиий муҳит компонентларининг мажмуи, табиий ва табиий-антропоген объектлар, шунингдек антропоген объектлар тўплами сифатидаги атроф-муҳитга тажовуз қиладиган ижтимоий хавфли ҳаракатлардир"[1].

О.Л.Дубовикнинг таъкидлашича, экология соҳасидаги жиноятлар "жиноят қонунида назарда тутилган ва у томонидан жазо таҳдиди остида тақиқланган, оқилона фойдаланиш ва ҳимоя қилиш инсоннинг мақбул ҳаётини таъминлайдиган атроф муҳитга ва унинг компонентларига, шунингдек, аҳоли ва ҳудудларнинг экологик хавфсизлигига тажовуз қиладиган ва ижтимоий бойлик сифатидаги табиий объектлардан бевосита ноқонуний фойдаланишдан (ёки уларга ноқонуний таъсир қилишдан), атроф-муҳит ҳолати ва сифатининг салбий ўзгаришига олиб келадиган айбли ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб тушунилиши керак"[2]. Экология соҳасидаги жиноятлар тушунчаси буйича олимлар томонидан юқорида билдирилган фикирларни таҳлил қилиб, бизнинг фикримизча О.Л.Дубовик томонидан билдирилган таъриф экология соҳасидаги жиноятларнинг барча хусусиятларини тўлиқ акс эттиради ва ушбу таърифни амалиётда қўллаш қулай деган хулосага келиш мумкин шунингдек, "экология соҳасидаги жиноятлар" тушунчасини шакллантириш учун жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд бўлган жиноятчиликнинг умумий тушунчасига ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Демак, ушбу муаммо бўйича олиб борилган тадқиқотларда, атроф табиий муҳитнинг ижтимоий хавфлилиги эътироф этилади ҳамда

[1] Кудрявцев В.Л. Экологические преступления: Общая характеристика//Вестник Южно-Уралского профессионалного института. 2021 (7) -С.105-116.

[2] Дубовик О.Л. Экологические преступления: Комментарий к главе 26 УК РФ.-М.: Издво «Спарк», 1998. – С. 81

бундай қилмишларнинг ижтимоий хавфли оқибатлари сифатида атроф-муҳитга, инсон ҳаёти ва соғлиғига, ҳамда экологик хавфсизликни таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиш, санитария эпидемиологик вазиятга салбий таъсир қилиш, криминоген вазиятни ёмонлаштириш ва давлатнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши кабилар қайд қилинади. Бинобарин, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев жамият учун умумий хавф-хатарларга ўз эътиборини қаратар экан атроф-муҳит ифлосланишини глобал хавф деб баҳолаб, ҳаво ва сув тозалигини таъминлаш, чўлланишга қарши курашиш ҳамда 2025-йилни «Атроф-муҳитни асраш ва „яшил“ иқтисодиёт йили» деб эълон қилиш орқали экологик вазиятни яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси, чиқиндиларни бошқариш ва атмосфера ҳавоси мониторингини кучайтириш устувор вазифа этиб белгиланган[1].

Экология соҳасидаги жиноятлар–бу Жиноят кодексида назарда тутилган, инсоннинг ҳаётий фаолиятини табиий муҳитда сифат жиҳатидан сақлаб туришга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.

Экология сохасидаги жиноятларнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси ва диспозиция холатларига кўра таснифлаб таҳлил қилинганида 18 (ўн саккизта) та ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар (қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан махрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар) 5 (беш та) унча оғир бўлмаган жиноятлар (қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан махрум қилиш тарзидаги жазо

[1] Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлисдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2024. – 1 июль https:// uza.uz/uz/posts/zhismoniy-va-manaviy-etuk-yeshlar-ezgu-ma-sadlarimizga-etish-30-11-2024

назарда тутилган жиноятлар) одам ўлиши билан боғлиқ 5 (беш) та диспозиция холатини, зарар миқдори билан боғлиқ 5 (беш) та диспозиция холатларни, (қўп миқдорда зарар етказиш – баъзавий хисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш бз бараваригача бўлган миқдорлаги зарар) иштирокчилик шакли билан боғлик - уч та диспозиция холати ва шу каби жиноятларнинг мазмун-мохиятини очиб берувчи бошқа мезонларни мавжудлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193–204-моддаларида назарда тутилган нормалар билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг асосини табиий муҳитнинг *асосий объектлари – атмосфера, сувлар, ер, экинзор ва ўрмонлар, ҳайвонот дунёси* ташкил этади. Ушбу нормаларнинг Жиноят кодексининг IV бўлимида жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳитнинг асосий компонентлари ифлосланиши билан боғлиқ жиноятларнинг *умумий объекти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тартиби* деб тан олиниши лозим[1]. Шунга қарамай, айрим ҳуқуқшунос олимлар атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятларнинг умумий объектини *жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби* деб ҳисоблайдилар[2]. В.С. Комиссаровнинг таъкидлашича, жамоат хавфсизлиги “жамиятнинг хавфсиз яшаш шароитларини тартибга солувчи, шунингдек, унинг нормал фаолият юритиши учун етарли бўлган ҳимоя даражасини қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий муносабатлар мажмуини”[3] назарда тутади. А.В.Наумовнинг фикрича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тартибини белгиловчи нормалар жамоат хавфсизлигининг барча манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмаган. Шу боис у жамоат хавфсизлиги деганда

[1] Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Тошкент: “Адолат”, 2024. – 104-105 б.

[2] Боковня Александра Юрьевна, Уголовно-правовая характеристика преступлений, связанных с загрязнением окружающей среды, Текст научной статьи по специальности «Право» 2016г

[3] Комиссаров В.С Спорные вопросы общего учения об объекте преступления // Сб. учён. тр. Свердл- ун-та. – 2019.– Вып. 10. – С. 170-171

фақат жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланган ҳолатини тушунади[1].

Кўпгина жамоат хавфсизлиги таърифларида *атроф-муҳит хавфсизлиги* шахс, жамият ва давлатнинг умумий хавфсизлигининг энг муҳим таркибий қисми сифатида эътибордан четда қолади. Ф.Р.Сундуров тўғри таъкидлаганидек, бу жиноятларнинг хавфлилиги шундаки, уларнинг содир этилиши фуқароларга, ижтимоий институтлар фаолиятига нафақат жисмоний, моддий, ташкилий зарар етказиш, балки *атроф-табиий муҳитга ҳам зарар етказиш* билан боғлиқдир[2].

Қонун чиқарувчининг талқинида экология соҳасидаги жиноятларга қуйидагилар киритилиши мумкин: экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш; атроф-табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; атроф-табиий муҳитни ифлослантириш; фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш; фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш; ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик; экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш; ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш; ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш; зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз

[1] Наумов А.В. Российское уголовное право: в 2 т. – М.: Юрид. лит., 2004. – Т. 2. Особенная часть. – 361 с

[2] Сундуров Ф.Р. Преступления против общественной безопасности // Сундуров Ф.Р., Талан М.В. Уголовное право России. Особенная часть. – М.: Статут, 2012. – С. 402.

муносабатда бўлиш; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш. Буларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг энг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, атроф-табиий муҳитни ифлослантириш жинояти жуда юқори даражадаги *ижтимоий хавфлилик* билан тавсифланади, чунки улар одамларнинг, ер юзидаги барча тирик мавжудотларнинг ҳаётий фаолияти асосларига тажовуз қилади. Ҳар йили атроф-табиий муҳитнинг ёмонлашуви, табиатга техноген таъсир нафақат маҳаллий, минтақавий, балки *глобал миқёсдаги салбий ўзгаришларга* ҳам олиб келади. Қонун чиқарувчи, бизнинг фикримизча, атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятлар таркибини экологик жиноятларнинг умумий таркибларидан кейин жойлаштириши бутунлай асослидир.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи бугунги кунда глобал муаммолардан бири эканидан келиб чиқиб, мазкур тоифадаги жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан қонунийлик ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан бир қаторда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Шунингдек, ушбу тоифадаги жиноятларни олдини олиш юзасидан ўтказилган ҳуқуқий-тарғибот тадбирларини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди[1].

Атроф табиий муҳитнинг ифлослантириш жиноятининг ижтимоий хавфли оқибатларидани яни бири, унинг *табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш орқали жамият манфаатларига зарар етказиш* ҳисобланади. Бу борада қанчалик қонунчилик базаси кучайтирилиб, мазкур масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмасин,

[1] https://sud.uz (Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти).

фуқароларнинг табиатга бўлган муносабати ўзгармас экан, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу соҳада содир этилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, *экология соҳасидаги жиноятлар* Жиноят кодекси Махсус қисмининг тўртинчи бўлимдаги —Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар деб ном олган XIV бобида ўз ифодасини топган. Экология соҳасидаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва даражаси ушбу жиноятлар содир этилиши натижасида экологияга, табиятга, атроф-муҳитга, ҳайвонот ва ўсимлик (ўрмон) дунёсига экологик зарар етказилишида намоён бўлади.

Ўз навбатида мазкур экологик зарар мамлакат экологияси, атроф-муҳит ва ҳайвонот ҳамда ўсимлик (ўрмон) дунѐсида оғир оқибатларга сабаб бўлишлиги билан бошқа жиноятлардан фарқланади.

Айни пайтда атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг ижтимоий хавфли оқибатларини биз ўтказган тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлади. Хусусан, атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг мазкур соҳаларни тартибга солувчи амалдаги қонунчилик нормаларини бузиш ҳисобланиб, унинг содир этилиши натижасида бир қатор ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқади. Хусусан, биринчидан, атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг ижтимоий хавфли оқибати кўпинча дарҳол кўринмайди, лекин узоқ вақт давомида салбий таъсир қилади (масалан, биохилма-хилликнинг йўқолиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши). *бу ҳудудларда криминоген вазиятни мураккаблаштиришга олиб келиши билан боғлиқлигида* ҳисобланади. Ўрганиш натижаларига кўра, таҳлил даврида асосан ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш *(2024 йилда 116 нафар, 2025 йил 1-ярмида 77 нафар шахс судланган)* ҳамда экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш *(2024 йилда*

73 нафар, 2025 йил 1-ярмида 21 нафар шахс судланган) каби жиноий қилмишлар содир этилган[1]. Бунга албатта мамлакатга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари сонининг ортиши ва шу билан бирга жиноят қонунида ноқонуний миграция учун жавобгарликнинг назарда тутилмаганлиги ҳам бунга муайян сабаб ва шароитларни яратади. Бу борада баъзи олимларнинг ҳақли равишда таъкидлашларича, ноқонуний мигрантлар сони ва жиноятлар сони ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд[2]. Чунки ноқонуний мигрантларнинг ортиши ва уларнинг назоратсизлиги минтақадаги жиноятчилик даражасига салбий таъсир этади.

Мазкур статистик кўрсаткичлар юқоридаги ҳудудлар, айниқса Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятида мазкур тоифадаги жиноятларни олдини олиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, судланувчининг шахси ва қилмишига мутаносиб, асосли ва адолатли тайинланган жазо келгусида жиноятчиликни олдини олишдаги энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ҳисобот даврида асосан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш *(2024 йилда 377 нафар, 2025 йил 1-ярмида 180 нафар),* ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш *(2024 йилда 199 нафар, 2025 йил 1-ярмида 96 нафар)* ҳамда фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш *(2025 йил 1-ярмида 202 нафар шахс)* каби ҳуқуқбузарликлар содир этилган.

Таъкидлаш жоизки, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги органлар томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан МЖтКнинг 315-моддаси тартибида

[1] https://sud.uz (Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти).

[2] Рашитов Л.Р. Преступления против порядка управления миграционной деятельностью в РоссийскойФедерации: криминологический и уголовно-правовой аспекты. *Автореф. дис. ... канд. юрид наук – Омск, 2019. – 23. Андрюшенков В. А.* Уголовная ответственность за организацию незаконной миграции: дис. … канд. юрид. наук. – Омск, 2016. – С. 24.

келиб тушган шикоятларни кўришда ҳам шу каби ҳолатларга йўл қўйилган.

Хусусан, таҳлил даврида судларнинг иш юритувига ушбу тоифадаги жами 950 та шикоят келиб тушган *(2024 йил 468 та, 2025 йил 1-ярмида 482 та)*. Шикоятларнинг 890 таси ёки 93,7 фоизи қаноатлантирилган ҳолда:

- 60 нафар *(7 %)* шахсга оид қарорлар бекор қилиниб, ҳуқуқбузарлар МЖтКнинг 21-моддасига асосан огоҳлантирилган;

- 715 нафар *(80 %)* шахсга оиди ўзгартирилиб, МЖтКнинг 33-моддаси қўлланган ҳолда тайинланган жазо чоралари енгиллаштирилган бўлса;

- 115 нафар *(13 %)* шахсга нисбатан бошқа мазмундаги қарорлар қабул қилинган.

Статистик кўрсаткичларга кўра, шикоятларнинг аксарият қисми, хусусан 463 таси *(2024 йилда 226 та, 2025 йил 1-ярмида 237 та)* ёки 48,7 фоизи дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш *(МЖтК 79-моддаси 1-қисми)* билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун қўлланган жарималарга нисбатан келтирилган.

САФАРОВА АДИБА
ШУХРАТ ҚИЗИ
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти
бош илмий ходими

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ШАРОИТИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. *Ушбу мақолада электрон тижоратнинг жадал ривожланиши шароитида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари таҳлил қилинган. Хусусан, онлайн савдода ахборот тақдим этиш мажбуриятлари, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва масофавий шартномалардан воз кечиш (cooling-off period) институтининг ҳуқуқий асослари ўрганилган. Ўзбекистон қонунчилигида мавжуд бўшлиқлар аниқланиб, Европа Иттифоқи ва Россия тажрибаси билан қиёсий таҳлил қилинган. Мақолада миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

Аннотация. *В статье анализируются вопросы защиты прав потребителей в условиях стремительного развития электронной коммерции. Особое внимание уделяется обязанностям по предоставлению информации, защите персональных данных и институту отказа от дистанционных договоров (периоду охлаждения). Выявлены пробелы в законодательстве Узбекистана и проведен сравнительный анализ с правом Европейского союза и Российской Федерации. По результатам исследования предложены меры по совершенствованию национального законодательства.*

Abstract. *This article examines consumer protection issues in the context of the rapid development of e-commerce. Particular attention is given to pre-contractual information obligations, personal data protection, and the cooling-off period in distance contracts. The study identifies gaps in the legislation of Uzbekistan and provides a comparative analysis with European Union and Russian legal frameworks. Based on the analysis, proposals for improving national legislation are presented.*

Калит сўзлар: *электрон тижорат, истеъмолчилар ҳуқуқлари, ахборот тақдим этиш, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, шартномадан воз кечиш.*

Ключевые слова: *электронная коммерция, права потребителей, предоставление информации, защита персональных данных, отказ от договора.*

Keywords*: e-commerce, consumer rights, information disclosure, personal data protection, withdrawal from contract.*

Ахборот технологияларининг ривожланиши халқаро савдода электрон тижорат улушининг ошишига олиб келди. Масалан, **2025 йил** ҳолатига кўра, дунё бўйлаб тахминан **2,77 млрд** киши онлайн харид қилишни афзал кўрмоқда. 2025 йилда электрон тижорат глобал чакана савдо харидларининг **21%ини** ташкил қилиши таҳмин қилинмоқда ва бу улуш 2027 йилга келиб **22,6%га** етиши кутилмоқда[1]. Электрон тижорат Ўзбекистон савдо муносабатларида ҳам катта роль ўйнамоқда.

Ўзбекистондаги электрон тижорат бозори **2021 йилда 201 млн АҚШ долларини** ташкил этган бўлса, **2023 йилда** бу кўрсаткич **543 млн АҚШ долларига** етган. 2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда **50 дан** ортиқ электрон тижорат субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг умумий йиллик айланмаси **300 млн АҚШ долларини** ташкил этмоқда. **2027 йилга** келиб уларнинг айланмаси **1 млрд АҚШ долларига** етиши кутилмоқда. Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган электрон тижорат бозорлари, жумладан, Мета, Google, Apple, Booking.com ва Zoom каби компаниялар ўтган йили жами **70 млрд сўм** солиқ тўлаган[2]. Бундан ташқари, электрон тижорат, финтеч ва банк хизматларини бирлаштирган миллий рақамли экотизим бўлган Узум 2024 йилда қарийб **1,2 триллион сўм** солиқ тўлаган. Бу 2023 йилга

[1] "51 eCommerce Statistics in 2025 (Global and U.S. Data)," Sellers Commerce, accessed April 11, 2025, https://www.sellerscommerce.com/blog/ecommerce-statistics/.

[2] Davron Maqsudov, "The Development of E-commerce will Affect Uzbek Business — Davron Maksudov, Deputy of Head of the National Agency for Promising Projects of Uzbekistan" ["Elektron tijoratning rivojlanishi O'zbekiston biznesiga ta'sir qiladi" — O'zbekiston Istiqbolli loyihalar milliy agentligi o'rinbosari Davron Maksudov], The Government Portal of the Republic of Uzbekistan, accessed June 20, 2025, https://gov.uz/oz/miit/news/view/10847.

нисбатан **28% га** кўп. Узум томонидан тўланган солиқлар мамлакат бюджети даромадларининг **0,3%** ни ташкил этган[1]. Онлайн савдонинг глобал ва маҳаллий кенгайиши истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва уларнинг онлайн транзакцияларга бўлган ишончини ошириш нуқтаи назаридан электрон тижорат қонунчилигини таҳлил қилишни талаб қилади.

Электрон транзакциялар истеъмолчиларга нархларни осонгина таққослаш ва маҳсулотларни дўконлардагига қараганда арзонроқ нархларда сотиб олиш имконини беради. Бу афзалликлар Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ўсишига олиб келди. Бироқ, бу ўсиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, онлайн транзакцияларда маҳсулотлар ва сотувчилар ҳақида аниқ ва ўз вақтида маълумот олиш муҳимлигига қарамай, сотувчиларнинг маълумот бериш бўйича шартномадан олдинги мажбуриятларини тўлиқ бажармаганликлари ёки электрон тижоратнинг шахссизлиги сабабли истеъмолчилар бундай маълумотларни олишда қийинчиликларга дуч келмоқда. “**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонун сотувчилардан истеъмолчиларга аниқ ва тўлиқ маълумот беришни талаб қилсада, истеъмолчиларнинг ахборот олиш ҳуқуқига нисбатан ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд. Хусусан, “**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонуннинг 5 ва 6-моддаларида ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари ҳамда товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ қоидалар тартибга солинган. Бироқ, ушбу маълумотлар электрон шартномаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб такомиллаштирилмаган. Масалан, онлайн савдода сотувчи билан

[1] “Uzum Digital Ecosystem Paid Nearly UZS 1.2 Trillion in Taxes in Uzbekistan in 2024” [Uzum raqamli ekotizimi 2024 yilda O‘zbekistonda qariyb 1,2 trillion so‘m soliq to‘ladi], Kun.uz, accessed May 6, 2025, https://kun.uz/kr/32214134.

боғланиш имконини берувчи алоқа маълумотлари (телефон рақами, факс рақами ва электрон почта манзили) муҳим бўлсада, қонун сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибинигина истеъмолчиларга маълум қилиши шартлигини белгилайди.

Бундан ташқари, кўплаб электрон тижорат платформалари Қонун талабларига мувофиқ ишламайди. Масалан, ҳозирда Ўзбекистондаги энг йирик электрон платформалардан бири бўлган **Узум Маркетда** маҳсулот ҳақида фақат айрим маълумотлар, масалан, маҳсулотнинг қисқача тавсифи ва унинг нархи кўрсатилади.

Европа Иттифоқида сотувчиларнинг шартномадан олдинги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти **Истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги 2011/83/EU директиваси (CRD)** билан тартибга солинади. Ушбу директив истъмолчиларга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотларни **шартнома тузиш шаклига** кўра алоҳида белгилайди. Масалан, Директивнинг 6-моддаси **масофавий шартномалар ва бинодан ташқарида тузилган шартномалар** бўйича истеъмолчи билан шартнома тузишдан олдин сотувчи (ёки ишлаб чиқарувчи) томонидан тақдим этилиши керак бўлган маълумот турларини белгиловчи қоидалардан иборат. Буларга маҳсулот ёки хизматнинг асосий хусусиятлари, савдогарнинг номи, савдогарнинг жисмоний манзили ва телефон рақами, факс рақами ва электрон почта манзили каби мавжуд алоқа маълумотлари ва шу каби **20 дан ортиқ** маълумот турлари киради[1].

Иккинчидан, истеъмолчилар тўловлар ва етказиб бериш каби хизматлардан фойдаланиш учун электрон транзакцияларда ўз шахсий маълумотларини тақдим этади. Бу маълумотлардан баъзан онлайн сотувчилар маркетинг мақсадларида нотўғри фойдаланиши мумкин. Бунга мисол сифатида сотувчиларнинг истеъмолчиларга маркетинг

[1] Directive No. 2011/83/EU of the European Parliament and of the Council of October 25 2011 On Consumer Rights.

хабарларини уларнинг розилигисиз электрон почта ёки СМС орқали юборишини келтириш мумкин. Бундай ҳолларда сотувчилар истеъмолчиларнинг маълумотларидан маркетинг мақсадларида фойдаланишдан олдин уларнинг розилигини олишлари ва бундай хабарларни юбориш учун уларнинг алоқа маълумотларини сўрашлари керак. Бироқ, электрон тижоратда шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни тартибга солувчи қонун тўғридан-тўғри маркетингни махсус тартибга солмайди, шунингдек, конституция билан ҳимояланган шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ, айниқса электрон транзакциялар ҳолатида ҳимоя қилинишини кафолатламайди.

Европа Иттифоқида **Regulation (EU) 2016/679 on General Data Protection (GDPR)** онлайн бозорларнинг умумий хусусияти бўлган **тўғридан-тўғри маркетингни** махсус тартибга солади. GDPR декларациясининг 70-бандига кўра, шахсий маълумотлар тўғридан-тўғри маркетинг учун ишлатилганда, истеъмолчилар исталган вақтда ва ҳеч қандай тўловсиз бунга эътироз билдириш ҳуқуқига эга. Бунга маркетинг билан боғлиқ ҳар қандай профил яратиш киради. Бу ҳуқуқ истеъмолчиларга аниқ тушунтирилиши ва бошқа маълумотлардан алоҳида кўрсатилиши керак. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, GDPR тўғридан-тўғри маркетинг бўйича аниқ қоидаларни тақдим этади, бу шахсларга ўзларининг шахсий маълумотларидан маркетинг мақсадларда фойдаланишни **рад этиш ҳуқуқини** беради.

Қонунбузарликларнинг олдини олиш учун GDPR шахсий маълумотлар операторларининг мажбуриятларини тўлиқ ва аниқ белгилайди. Масалан, GDPR 13-моддалари операторларга шахсий маълумотларни қайта ишлаш, маълумотларни қайта ишлашнинг мақсадлари ва ҳуқуқий асослари, шахсий маълумотларни олувчилар, шунингдек, шахсий маълумотларни сақлаш муддати ва маълумотлар субъектининг операторлардан маълумотларга киришни таъминлаш, тузатиш ёки ўчиришни сўраш ҳуқуқи ҳақида маълумот бериш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, GDPR 82-моддасига

мувофиқ, шахсий маълумотларни қайта ишлаш қоидаларини бузиш натижасида зарар кўрган шахслар шахсий маълумотларни қайта ишлаш оператори ёки қайта ишловчисидан **зарарни қоплаш ҳуқуқига эга**. Шу тарзда, GDPR маълумотлар операторларининг шахсий маълумотларни қайта ишлашда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш мажбуриятларини аниқ белгилаб беради[1].

Учинчидан, масофавий шартномаларда **шартномадан бир томонлама воз кечиш институтини** жорий этиш зарурияти мавжуд. Ўзбекистон қонунчилигида истеъмолчилар учун шартномадан **сабабсиз, умумий ва автоматик воз кечиш ҳуқуқи** алоҳида норма сифатида белгиланмаган. Шу билан бирга, Фуқаролик кодекси ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун асосида истеъмолчи **қонун ёки шартнома шартлари бузилган ҳолларда**, шунингдек истеъмолчи ҳуқуқларини чекловчи ёки оғирлаштирувчи шартлар мавжуд бўлса, шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Қонунга зид ёки истеъмолчи манфаатларига зарар етказувчи шартномавий бандлар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шартнома электрон тартибда тузилганда, истеъмолчи шартнома тузилишидан олдин ва уни тузиш пайтида харид қилинаётган товарни бевосита синаб кўриш имкониятига эга бўлмайди. Шу сабабли у бундай имкониятга эга бўлган истеъмолчига нисбатан анча заиф ҳолатда бўлади. Шу сабабли масофавий тарзда тузилган шартномаларда қонунчиликда «**совиш даври**» (**cooling-off period**) деб аталувчи **муддат** белгиланади. Бу давр мобайнида истеъмолчи сабаб кўрсатмасдан ва ҳеч қандай харажатларсиз шартномадан воз кечиши мумкин. Шартномадан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқини амалга ошириш уни суддан ташқари тартибда бекор қилишни англатади.

[1] Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April 2016 (General Data Protection Regulation).

Шартномадан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқи бир томоннинг иккинчи томонни шартномадан воз кечиш ҳақида хабардор қилиши орқали амалга оширилади.

Совиш даврининг давомийлиги ижрочи томонидан истеъмолчига шартномани бекор қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш мажбурияти тегишли равишда (қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда) бажарилган ҳолатлар ҳамда ушбу мажбурият бузилган ҳолатларга қараб турлича белгиланади.

Масалан, Россия қонунчилигида истеъмолчининг истеъмол шартномасидан воз кечишини тартибга солувчи қоидалар шартнома турига, уни тузиш усулига, у билан тартибга солинадиган муносабатлар соҳасига, истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилиши мавжудлиги ва турига қараб фарқланади. Агар сотувчи (ижрочи) томонидан масофавий тартибда тузилган шартномани ҳеч қандай асос келтирмасдан совиш даврида бекор қилиш ҳуқуқи тўғрисида истеъмолчини хабардор қилиш мажбурияти бузилмаган бўлса, Россия қонунчилиги Европа Иттифоқи давлатларига нисбатан қисқароқ совиш даврини назарда тутади. РФ ФКнинг 497-моддаси, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 26^1-моддасига мувофиқ, масофавий тартибда тузилган товар сотиш шартномасидан истеъмолчи товар истеъмолчига топширилгунга қадар ва уни топширгандан кейин **етти кун** ичида сабаб кўрсатмасдан воз кечиши мумкин.

Европа парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 2011 йил 25 октябрдаги № 2011/83/ЕС «Истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Директивасига (9-модда) кўра эса, сотувчи томонидан ҳеч қандай қоидабузарлик бўлмаган ҳолларда масофавий шартномани бекор қилиш учун истеъмолчига, қоида тариқасида, **14 кун** берилади. Бу муддат товар истеъмолчи тасарруфига ўтган пайтдан ёки хизмат кўрсатиш шартномалари бўйича шартнома тузилган кундан ҳисобланади.

<u>Маълумот учун</u>: *Европа Иттифоқининг 2011/83/ЕС Директивасининг I иловаси (А)да истеъмолчига шартномани бекор қилиш ҳуқуқи тўғрисида тақдим этиладиган ахборотнинг* ***намунавий шакли (model instructions on withdrawal)*** *белгиланган. У мазкур ҳуқуқнинг мазмуни, уни амалга ошириш тартиби ҳамда истеъмолчи ушбу ҳуқуқни амалга оширган тақдирда кўриладиган харажатлар ҳақидаги тушунтиришларни ўз ичига олади. Хусусан, сотувчи истеъмолчига масофавий шартномани бекор қилиш учун намунавий шаклни (model withdrawal form) тақдим этиши шарт.*

Масофавий усулда тузилган шартномадан воз кечиш товарни сотувчига қайтариш тартибини ҳамда сотувчи томонидан истеъмолчидан олинган **пул маблағларини қайтариш тартибини** белгилашни талаб қилади. Россия қонунчилигига мувофиқ, ижрочи истеъмолчидан олинган тўловларни истеъмолчи тегишли талабни билдирган кундан бошлаб **10 кун** ичида қайтариши шарт[1].

Муҳим жиҳати шундаки, ЕИда сотувчига товарни қабул қилиб олмагунга қадар ёки истеъмолчи товар жўнатилганини тасдиқловчи далилларни тақдим этмагунга қадар (қайси бири аввал рўй берса) пул маблағларини **ушлаб туриш ҳуқуқини** беради, бундан сотувчи товарни ўзи олиб кетадиган ҳоллар мустасно. Шу билан бирга, пул маблағларини қайтариш билан боғлиқ харажатлар **истеъмолчи зиммасига** юкланмайди.

Шунингдек, ЕИнинг 2011/83/ЕС Директивасида масофавий ёки сотувчининг хизмат хонасидан ташқарида тузилган шартномалар орасида истеъмолчи **совиш даврида воз кеча олмайдиган шартномалар рўйхати** белгиланган. Уларга, жумладан, истеъмолчининг индивидуал талабларига мувофиқ тайёрланган товарлар, тез бузиладиган товарлар, гигиена сабабларига кўра қайтарилмайдиган ва етказиб берилгандан кейин очилган товарлар,

[1] РФ “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 26[1]-моддаси 4-қисми. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_305/

муҳрланган аудио-видео маҳсулотлар ёки дастурий таъминот, газета ва журналлар, оммавий аукцион орқали тузилган шартномалар, маълум санага боғлиқ дам олиш ва кўнгилочар хизматлар, шунингдек рақамли контентга оид шартномалар киради. Шартномадан воз кечишга оид қоидалар молиявий хизматлар кўрсатиш шартномаларида ҳам ўрнатилган.

Хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон қонунчилигига шартномадан сабабсиз воз кечиш даврини киритиш, бу ҳақда истеъмолчини хабардор қилишнинг ва шартномадан воз кечишнинг намунавий шаклларини жорий этиш, масофавий харид қилинган қайтарилмайдиган товарлар рўйхатини белгилаш таклиф этилади.

Хулоса қилганда, электрон тижоратнинг ривожланиши истеъмолчилар учун янги имкониятлар яратиши билан бирга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид янги ҳуқуқий чақириқларни ҳам юзага келтирмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон қонунчилигида истеъмолчиларга ахборот бериш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва масофавий шартномалардан воз кечиш каби муҳим институтлар етарли даражада такомиллашмаган. Хусусан, онлайн савдода сотувчиларнинг ахборот бериш мажбуриятлари аниқ белгиланмаган, тўғридан-тўғри маркетингни тартибга солиш механизмлари етарли эмас ва “совиш даври” институти алоҳида ҳуқуқий норма сифатида мустаҳкамланмаган.

Хорижий тажриба, айниқса Европа Иттифоқи ва Россия қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур соҳада аниқ ва комплекс ҳуқуқий механизмларни жорий этиш истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу боис, Ўзбекистон қонунчилигига масофавий шартномалардан сабабсиз воз кечиш ҳуқуқини киритиш, истеъмолчиларга тақдим этиладиган ахборот турларини кенгайтириш, шахсий маълумотлардан

фойдаланишни, хусусан маркетинг мақсадларида, аниқ тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, электрон тижорат соҳасида ҳуқуқий базани такомиллаштириш истеъмолчилар ишончини ошириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва бозор иштирокчилари ўртасида адолатли рақобат муҳитини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ТОШМАТОВ ОТАБЕК МАДАМИНОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни мухофаза қилиш
академияси мустақил изланувчиси
Фарғона вилоят прокурорининг
ўринбосари

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ТИББИЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. *Ушбу мақолада оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, вазифалари ҳамда ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Жумладан, соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ва тартиби, олимлар ва амалиёт ходимларининг фикрлари, соҳада прокурор назоратини ташкил қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқувчи талаблар ёритилган.*

Калит сўзлар: *прокурор назорати, оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси, Бош прокурор буйруғи,*

Маълумки, оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилиш давлатнинг энг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу ҳақда кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида турлича фикрлар билдиришган.

Хусусан, Е.Е.Мачульская соғлиқни сақлаш ҳуқуқи шахсий ва шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг табиати билан боғлиқ бўлган бир қатор хусусиятларга эга[1] деган бўлса, А.Е.Козлова эса ушбу

[1] Мачульская Е.Е. Право на социальное оьеспечение-естественное и неотьемлемое право человека // Вести. МГУ. Серия. 11: Право. 1998. №5. С.53-65.

ҳуқуқ “ҳаёт сифати”ни белгиловчи шахсларнинг муҳим эҳтиёжларини қондиришни таъминлашга қаратилган ва шунинг учун мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқ сифатида қаралиши кераклигини айтади[1].

Бу ўринда А.А.Мельников инсон ва фуқаролар учун мувофиқ даражадаги ижтимоий таъминот ва ҳаёт сифати фақат давлатнинг мақсадли сиёсати, давлат томонидан тартибга солишни тўғри ташкил этиш орқали таъминланиши мумкин[2]лиги ҳақидаги фикрларига қўшиламиз.

Сўнгги йилларда оналик ва болаликни мухофаза қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши ҳам давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланганки, бунинг замирида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини оширишдек улуғвор мақсадлар қўйилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиш чора-тадбирлари олиб борилди[3].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлиги мустаҳкамланди[4].

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда оанлик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

---

[1] Козлова А.Е. Социальная политика: конституционно-правовые проблемы. М., 1990. С. 84.

[2] Мельникова А.А. Содержание прокурорского надзора за исполнением законов в сфере оборота лекарственных средств // Актуальные проблемы российского права. 2017. № 10 (83). - С. 197–203.

[3] Тоштемирова Н. Ўзбекистонда оналик ва болаликни мухофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Жамият ва инновациялар. 2021 йил, 2(8/S), 258-б.

[4] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. https://lex.uz/docs/6445145

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли қарорида 2022 — 2026 йилларда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган:

а) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурларини амалиётга жорий этиш, шу жумладан:

соғлом фарзанд туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш;

болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёлларни витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш ҳамда мақсадли скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикасини олиб бориш;

б) 2022 — 2026 йилларда оналар ва болалар учун тиббий хизмат кўрсатиладиган объектларни реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

в) диагностика ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш[1].

“Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш[2].

Шунингдек, ушбу қонуннинг 3-моддасида Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг қуйидаги асосий принциплари белгиланган:

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;

аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;

профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;

соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;

тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги[3].

Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, натижада оналар ва гўдаклар ўлимининг камайишига эришилди.

Шу билан бирга, олис ҳудудларда тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тизимини юқори даражада ташкил этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлигини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли қарори. Lex.uz

[2] https://lex.uz/docs/26013

[3] https://lex.uz/docs/26013

ошириш бугунги кундаги муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади.

Фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишда мазкур соҳада қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Соҳада қонун устуворлигини таъминлашнинг аҳамиятини кўплаб олимлар қайд этишган.

Чунончи, А.В.Шибинанинг қайд этишича, прокурорлар томонидан кўплаб қонун бузилиши ҳолатлари аниқланадиган тиббий ёрдам соҳаларидан бири бу репродуктив ҳуқуқлардир. Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари бузилишининг сабаблари ва омилларидан бири сифатида ҳуқуқий тартибга солишнинг етарли эмаслиги ҳисобланади[1].

Е.В.Перевозчикова, Д.К.Рашидханова ва М.И.Ковалевлар ҳам ушбу фикрни билдириб, “Репродуктив ҳуқуқлар ўз моҳиятига кўра шахсий номулкий ҳуқуқлардир. Улар яшаш ҳуқуқидан келиб чиқади, шунинг учун давлат унинг давом этишига ёрдам бериши керак. Бироқ, репродуктив саломатлик соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги сабабли, кўплаб фуқаролар бепуштликни даволаш учун тиббий ёрдам олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишмоқда”[2] - деб таъкидлайди.

Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари устидан прокурор назорати ижтимоий, экологик ва иқтисодий соҳаларда қонунийликни таъминловчи кенг қамровли инсон ҳуқуқлари институти ҳисобланади[3].

Таъкидлаш жоизки, оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати

---

[1] Шибина А.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав граждан на охрану здровья. дис…. канд. юрид. наук.. М., 2018. С. 34.

[2] Перевозчикова Е.В. Конституционное право на жизнь и репродуктивные права человека: дис. … канд. юрид. наук. Казань, 2006. С. 54,57; Рашидханова Д.К. Репродуктивные права личности: сущность и правовая природа // Социал. и пенсион. Право. 2007. № 4; Ковалев М.И. Право на жизнь и право на смерть // Государство и право. 1992. № 7. С. 68-69.

[3] Шибина А.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав граждан на охрану здровья. дис…. канд. юрид. наук.. М., 2018. С. 36

ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан бири саналади.

Е.Р.Эргашевнинг фикрича, йўналиш “прокуратура фаолиятининг маълум предмети ва усули, вазифалари, ваколатлари ва ҳуқуқий воситалари билан тавсифланган соҳаси” сифатида қаралади[1].

Ю.Е.Винокуров эса “йўналиш деганда ҳуқуқий муносабатларнинг маълум бир соҳасида муайян қонун ёки қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш” деб ҳақли равишда таърифлайди[2].

Оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари ҳақида сўз юритсак, бу борада ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилганлигини кўриш мумкин.

С.И.Ожегов мақсадни интилаётган ёки бажарилиши керак бўлган нарса[3], вазифа бу бажаралиши ва ҳал этилиши талаб қилинадиган нарсадир[4] деб тушунтиради.

Фикримизча, оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади билан ҳамоҳанг бўлиб, соҳада қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Айрим олимлар эса прокурор назоратининг вазифалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган мақсадлар билан белгиланиши ва қонунлар талаблари ҳамда қонунийлик аҳволидан келиб чиқишини билдиради[5].

---

[1] Эргашев Е.Р. Прокурорский надзор в Российской Федерации: учеб. для бакалавров. М.: Юрайт, 2012. С.22.

[2] Прокурорский надзор: курс лекций и практикум. 7-е изд., перераб. И доп. / под ред. Ю.Е.Винокуроров. М., 2006. С. 148-150.

[3] Ожегов С.И. Словарь русского языка / Под ред. Н.Ю.Шведовой. М., 1987. С.873.

[4] Ожегов С.И. Словарь русского языка / Под ред. Н.Ю.Шведовой. М., 1987. С.203.

[5] Винокурор А.Ю., Винокуров К.Ю., Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учеб. для акалавров / под ред. А.Ю.Винокуров. М.: Юрайт, 2013. С. 61.

В.И.Басков ва Б.В.Коробейниковларнинг қайд этишича, прокурор назоратининг вазифалари мақсадларига нисбатан аниқроқ ва кўп бўлиб, улар умумий, махсус ва хусусий турларга ажратилади[1].

Вазифалар прокурор назоратининг мақсади билан белгиланади[2].

Ф.Х.Шерегова нуқтаи назарича, прокурор назоратининг мақсад ва вазифалари тушунчаси мазмунини тўғри тушуниш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга бўлиб, моҳиятан прокуратура органлариининг назорат фаолиятини ташкил этиш даражасини олдиндан белгилаб беради[3].

Ф.Х.Шерегованинг фикрига қўшилган ҳолда, айтишимиз мумкинки, прокурор амалиёти шуни кўрсатадики, прокурор фаолиятини самарали ташкил қилиш учун аниқ белгиланган ва мақсадга йўналтирилган вазифалар зарур.

Шунингдек, А.В.Шибина ҳақли равишда қайд этганидек, ҳар бир соҳада прокурор назоратининг мақсади якуний натижа сифатида белгиланади[4].

О.М.Мадалиев прокуратура идораларининг бирламчи вазифалари қонуннинг ягоналигини таъминлаш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ва қонун бузилишини бартараф этиш чораларини кўришдир деб таъкидлайди[5].

Профессор Ю.Винокуровнинг фикрича, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қонун бузилишлари тўғрисида хабарлар келиб тушганда прокурор аралашувининг лозимлиги;

---

[1] Басков В.И., Коробейников В.Б. Курс прокурорского надзора. М., 2000. С.66-68.

[2] Шибина А.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав граждан на охрану здровья. дис…. канд. юрид. наук.. М., 2018. С. 63.

[3] Шерегова Ф.Х. Прокурорский надзор за исполнением законадалтельства о правах граждан на медицинскую помощь. Дисс... канд. наук . М. 2009. С.62.

[4] Шибина А.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав граждан на охрану здровья. дис…. канд. юрид. наук.. М., 2018. С. 61.

[5] Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Тошент, ТДЮИ. 2009. -53 б.

- қонун бузилишларини олдини олишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалга оширилишида уларга берилган барча имкониятлардан самарали ва кенгроқ фойдаланиш;

- ҳуқуқбузарликлар содир этилганида жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини янада фаол амалга ошириш[1].

Фикримизча, оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг моҳияти мақсад ва вазифаларида тўлиқ намоён бўлади.

Зеро, прокурор назоратини амалга оширишнинг асоси қонунчиликда назарда тутилган мақсадларни белгилаш, кутилаётган натижаларга эришиш ва аниқ вазифаларни шакллантиришдан иборат.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси прокуратура органларининг асосий вазифалари белгиланган.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан прокурор назоратининг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Бош прокурорнинг буйруқлари ва кўрсатмалари билан белгиланади.

Назаримизда, ҳуқуқшунос олимларимизнинг фикрлари, қонунчиликдаги прокуратура органларига қўйилган вазифалар ва прокурор амалиётидан келиб чиқиб оанлик ва болаликни мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор

[1] Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор. М.: 2007. –С.119-120.

назоратининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилиш бўйича давлат томонидан кафолатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш:

2) соҳага ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши назорат қилиш.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, оналик ва болаликни тиббий мухофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати замонавий шароитда амалга оширилаётган кенг ислоҳотларнинг ижобий натижасининг самарали кафолати ҳисобланади.

ТУРҒУНОВА НАЗОКАТХОН СОБИТАЛИЕВНА
“Sparkle of justice” адвокатлик бюроси адвокати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АДВОКАТЛАР ТОМОНИДАН БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация*: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида адвокат томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимида юзага келган муаммолар кўрсатилган. Амалда бўлган ва ўз кучини йўқотган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллашиш жараёнлар таҳлил қилинган. Адвокатнинг бепул юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида иштироки самарадорлигига доир муаммолар очиб берилган. Фуқароларнинг бепул юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқининг амалга оширишга доир қонунчиликни такомиллаштиришга бўйича хулосалар келтирилган*

Аннотация: *В данной статье анализируются нормативные правовые акты, регулирующие оказание бесплатной юридической помощи юристом в Республике Узбекистан, и показаны проблемы, возникшие в системе оказания бесплатной юридической помощи. Совершенствование нормативных правовых актов, которые действуют и утратили силу, анализируется по процессам. Выявлены проблемы с эффективностью участия адвоката в процессе оказания бесплатной юридической помощи. Сделаны выводы о совершенствовании законодательства по реализации права граждан на бесплатную юридическую помощь.*

Annotation: *This article analyzes the regulatory legal acts regulating the provision of free legal aid by a lawyer in the Republic of Uzbekistan, and shows the problems that have arisen in the system of providing free legal aid. The improvement of regulatory legal acts that are in force and have become invalid is analyzed by processes. Problems with the effectiveness of the lawyer's participation in the process of providing free legal aid have been identified. Conclusions are drawn about the improvement of legislation on the implementation of citizens' right to free legal aid.*

Калит сўзлар: *адвокат, бепул юридик ёрдам, ихтиёрий ёрдам, pro bono, адвокатлик фаолияти, юридик ёрдам ахборот тизими, давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш, кам таъминланган,* ***сифатли юридик ёрдам.***

Ключевые слова: *юрист, бесплатная юридическая помощь, добровольная помощь, pro bono, адвокатской деятельность, юридическая практика, информационная система правовой помощи, вознаграждение за государственный счет, малообеспеченные, качественная юридическая помощь.*

Keywords: *advocate, free legal aid, voluntary assistance, pro bono, practice of law, legal aid information system, remuneration at public expense, low-income, high-quality legal aid.Some issues of advokat participation in the conclusion of an agreement on confession to guilt.*

Жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини амалга оширилишининг кафолатланиши, одил судлов таъминланишининг энг муҳим шартларидан биридир. Бу борада аҳолининг моддий имконияти чекланган қатлами учун малакали юридик ёрдам олишни кафолатлаш ҳар бир демократик давлатдан ушбу тизимнинг ҳуқуқий механизмини шакллантиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган конституцияси бу борадаги ҳуқуқий нормаларнинг асосий мазмун-моҳиятини белгилаб берди. Жумладан, Конституциясининг 29-моддасида ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши ҳамда қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши белгилаб қўйилди. Маълумки, малакали юридик ёрдам кўрсатувчи субъектлар орасида адвокатлар ўзига хос мақомга эга бўлган, малакали юридик ёрдам кўрсатувчи субъект сифатида алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Адвокат алоҳида мақомга ва малакага эга бўлган, олий маълумотли ҳуқуқшунос сифатида ўз фаолиятини юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим асосида амалга оширади. Шу билан бирга фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган қатламига давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдамни амалга ошириш вазифаси

адвокатура институти зиммасига юклатилган. Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 41-моддасида “Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади”[1].

Мазкур конституциявий норма билан айнан адвокатларга тергов ва суд ишини юритишда малакали юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилганлигини кўриш мумкин. Фикримизча, адвокатлик фаолиятининг эркинлиги, дахлсизлиги ҳамда ҳар бир процессуал қонунчилик тизимида алоҳида ҳуқуқга эгалиги туфайли, адвокатлар юридик ёрдам кўрсатилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини амалдаги кафолатларидан бир дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўтган давр мобайнида адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида талайгина муаммолар йиғилиб қолган эди. Жумладан, 2001-2008 йилларда жиноят ишлари бўйича давлат ҳисобидан ҳақ тўлашда ҳам муаммолар кузатилди. Чунки маҳаллий бюджетларнинг харажат қисмида тайинлов асосида қатнашган адвокатлар меҳнат ҳақларини бюджетдан тўланиши кўрсатилмаганлиги боис, шу тоифа ишларга қатнашган адвокатларнинг меҳнат ҳақлари ойлаб, баъзан йиллаб тўланмасдан келинди[2].

Ушбу даврда адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида юзага келган мазкур муаммоларга ечим сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 20 июнда қарор қабул қилинди.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 41-модда https://lex.uz/docs/6445145

[2] Саламов Б. Ўзбекистонда Адвокатура: жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари (таҳлилий маълумот) Тошкент 2020, 22-б

Қарор билан ҳар йили давлат бюджетининг харажатлари параметрларида адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашга маблағларни назарда тутиш ҳамда адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаси тегишли молия органига мурожаат қилгандан кейин ўттиз кундан кечикмай Молия вазирлигининг қарор (ажрим) чиқарган орган жойлашган жойдаги Ғазначилиги ҳудудий бўлинмаси орқали ҳақ тўланишини таъминлаш белгиланди[1].

Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2008 йил 2 декабрь куни рўйхатдан ўтказилган қўшма қарори билан “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланди. Мазкур ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши билан соҳадаги мавжуд муаммолар қисман бартараф этилди.

Аслида ўтган давр мобайнида адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида муаммоларни адвокатларга ҳақ тўлаш тизими билангина чекланмаган эди. Юзага келган муаммолардан яна бири бу - адвокатлар томонидан кўрсатиладиган бепул юридик ёрдамнинг сифат даражаси пастлиги эди. Ушбу муаммо юзага келишининг асосий сабаби, аввало, адвокатлик касби мақоми, қадр-қимматини, қолаверса ўзини ҳурмат қилмайдиган айрим адвокатларнинг касб этикасига зид ҳатти-ҳаракатлари дир. Бундан ташқари амалда бўлган тартибга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларга давлат ҳисобидан адвокат тайинлаш жараёни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ихтиёрида бўлганлиги сабабли, “чўнтак адвокатлар” амалиёти юзага келди. Ҳимоя остидаги

[1] Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 137-сонли қарори 20.06.2008й https://lex.uz/uz/docs/1363850?ONDATE=21.11.2024

шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эмас, аслида ишда қатнашиш учун таклиф қилган суриштирувчи, терговчи, суднинг талаблари асосида фаолият кўрсатувчи адвокатларнинг ўз касбий вазифаларига виждонан бажармаслиги туфайли, фуқаролар орасида адвокатларга нисбатан ишончсизлик ва беписанд муносабат юзага келди.

Ушбу даврда мавжуд муаммоларни ўрганиш орқали, адвокатларнинг бепул юридик ёрдам кўрсатиш жараёнидаги иштирокини назорат қилишни таъминллайдиган ҳамда улар томонидан кўрсатиладиган бепул юридик ёрдам сифатини баҳолашга имкон берувчи қонунчилик нормаларининг мажуд эмаслиги, мазкур тоифадаги адвокатлар келиб чиқишига сабаб бўлганлигини хулоа қилишимиз мумкин.

Барча ижтимоий муносабатлар қаторида бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик нормалари такомиллаштирилиши жараёни узлуксиз амалга оширилишни талаб этади. Гарчи ушбу тизимни тартибга солиш учун меъёрий ҳужжатлар амалда бўлсада, ушбу соҳани тартибга солувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ҳамда халқаро стандартлар ва тажрибани ўзида жамлаган алоҳида қонун даражасидаги норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши кейинги даврларда давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилиши белгиланган тадбирлардан бири сифатида, “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳасини 2021 йил 1 ноябрга қадар ишлаб чиқиш белгиланди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳаси 2021 йил 28 октябрь куни жойлаштирилди. Қонун лойиҳасида бепул ҳуқуқий ёрдам ҳамда адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга бепул, беғараз ва ихтиёрийлик асосида кўрсатиладиган малакали

юридик ёрдам тури бўлган бепул ихтиёрий юридик ёрдам (pro bono) тушунчаларига қонунчилик даражасида таъриф берилди.

Мазкур қонун лойиҳасида нафақат бепул юридик ёрдам тушунчаси, шу билан бирга уни шакллари ва амалга ошириш усуллари, бепул юридик ёрдамни амалга оширувчи субъектлар доираси кенгроқ даражада кўрсатилди ва қонунчилик даражасида тартибга солиш механизми кўрсатилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасидан сўнг, 2023 йил 16 июнда "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бироқ, мазкур қонун мазмунида фақатгина бепул юридик ёрдам кўрсатишнинг шакли бўлган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Фикримизча, бепул юридик ёрдам тушунчаси кенгроқ мазмун ва моҳиятга эга бўлиб, ушбу тушунча давлат ҳисобидан юридик ёрдамни ҳам қамраб олади.

"Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида" ги қонун билан

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилган адвокатлар томонидан амага оширилиши кўрсатилди[1].

"Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун билан белгиланган энг муҳим жиҳати шундаки "Юридик ёрдам" ахборот тизими орқали давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатни инсон омилисиз автоматик танлаш тартиби белгиланди.

Мазкур қонун кучга киргандан сўнг 2024 йил 21 ноябрь кунида Вазирлар Маҳкамасининг 774-сонли қарори билан "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур низомда реестрга киритилган адвокатлар давлат

[1] "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Қонун. 16.06.2023й https://lex.uz/docs/6502543

ҳисобидан юридик ёрдамни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга, шунингдек Адвокатнинг касб этикаси қоидалари ҳамда ушбу соҳага оид бошқа ҳужжатларга мувофиқ сифатли кўрсатиши шартлиги белгиланди[1].

Адвокатлар томонидан сифатли давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш борасидаги мазкур талабни, бепул юридик ёрдам кўрсатилаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг муҳим кафолатларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш институти мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга бўлиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизимни янада такомиллаштириш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилиб, ҳуқуқий давлат принциплари амалда тўлиқ рўёбга чиқади.

Адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик тизими ҳозирга қадар узвий равишда такомиллаштирилган бўлсада, ушбу соҳада қонунчилик билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатлар мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, адвокатлар томонидан фақатгина давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдам тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бироқ, адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга бепул, беғараз ва ихтиёрийлик асосида кўрсатиладиган малакали юридик ёрдам тури бўлган бепул ихтиёрий юридик ёрдам (pro bono) кўрсатишга оид муносабатлар қонунчилик доирасида тартибга солинмаган.

[1] Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ВМнинг 2024 йил 21 ноябрьдаги 774-сонли қарорига 1-ИЛОВА https://www.lex.uz/docs/7228726

Адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган адвокатлик фаолиятининг исталган тури бўйича бепул, беғараз, ихтиёрийлик асосида юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи қонунчилик даражасида белгиланиши ва ва ушбу фаолиятни амалга ошираётган адвокатлар рағбатлантирилиб борилиши лозим. Адвокатларга мазкур ҳуқуқни қонун доирасида мустаҳкамланиши, энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

ЧУЛЛИЕВ ШУХРАТ АСКАРОВИЧ
Заведующий сектором Института законодательства и правовой политики при Президенте Республики Узбекистан

ТРАНСФОРМАЦИЯ РОЛИ СУДЬИ В КОНТЕКСТЕ ВНЕДРЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА: НОВЫЕ КОМПЕТЕНЦИИ И ОБЯЗАННОСТИ

Аннотация: *Мақола одил судловга сунъий интеллект (СИ) интеграцияси шароитида судянинг ролини концептуал трансформация қилишга бағишланган. Муаллиф анъанавий судлов моделидан судянинг алгоритмлар жараёни ахлоқийлиги ва шаффофлиги кафолати сифатида намоён бўладиган янги парадигмага ўтишни таҳлил қилади. Тадқиқотда асосий ўзгаришлар: рақамли компетенцияларни шакллантириш зарурати, алгоритмларнинг «қора қутилари» устидан ахлоқий назорат ва СИ маълумотларини талқин қилиш кўникмаларини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. «Инсон омили»ни ва қонун устуворлигини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган. Ишда технологик самарадорлик индивидуал ёндашув ўрнини босмаслиги кераклиги, замонавий судя эса рақамли муҳитнинг фаол регуляторига айланаётгани асослаб берилган. Ушбу ўзгаришларни ўрганиш норматив-ҳуқуқий базани янгилаш ҳамда Ўзбекистон суд тизимини рақамли давр чақириқларига мослаштириш учун зарур пойдевор бўлиб хизмат қилади.*

Аннотация: *Статья посвящена концептуальной трансформации роли судьи в условиях интеграции искусственного интеллекта (ИИ) в правосудие. Автор анализирует переход от традиционной модели судейства к новой парадигме, где судья выступает гарантом этичности и прозрачности алгоритмических процессов. Рассматриваются ключевые изменения: необходимость формирования цифровых компетенций, этический надзор за «черными ящиками» алгоритмов и развитие навыков интерпретации данных ИИ. Особое внимание уделяется сохранению «человеческого элемента» и верховенства закона. В работе обосновывается, что технологическая*

эффективность не должна подменять индивидуальный подход, а современный судья становится активным регулятором цифровой среды. Исследование данных изменений служит необходимым фундаментом для обновления нормативно-правовой базы и адаптации судебной системы Узбекистана к вызовам цифровой эпохи.

Abstract: *The article is devoted to the conceptual transformation of the judge's role in the context of integrating artificial intelligence (AI) into justice. The author analyzes the transition from the traditional judicial model to a new paradigm where the judge acts as a guarantor of the ethics and transparency of algorithmic processes. Key changes are considered: the need to develop digital competencies, ethical oversight of algorithmic "black boxes," and the development of skills for interpreting AI data. Special attention is paid to preserving the "human element" and the rule of law. The work argues that technological efficiency should not replace an individual approach, and that the modern judge is becoming an active regulator of the digital environment. The study of these changes serves as a necessary foundation for updating the regulatory framework and adapting the judicial system of Uzbekistan to the challenges of the digital age.*

Kalit so‘zlar: *sun’iy intellekt (SI), sud tizimi, sudya rolining transformatsiyasi, yangi kompetensiyalar, algoritmik tarafkashlik, axloqiy javobgarlik, shaffoflik, inson omili, qonun ustuvorligi.*

Ключевые слова: *искусственный интеллект (ИИ), судебная система, трансформация роли судьи, новые компетенции, алгоритмическая предвзятость, этическая ответственность, прозрачность, человеческое правосудие, верховенство закона.*

Keywords: *Artificial Intelligence (AI), judicial system, transformation of the judge's role, new competencies, algorithmic bias, ethical responsibility, transparency, human-in-the-loop, rule of law.*

Интеграция искусственного интеллекта (ИИ) в судебную систему кардинально меняет роль судей. Эта трансформация выходит за рамки технологической адаптации, охватывая новые компетенции, этические обязанности и сдвиги в основных судебных функциях. В этой статье рассматривается меняющаяся роль судей в эпоху ИИ, с упором на новые навыки, обязанности и этические соображения.

Особое внимание уделяется необходимости достижения баланса между технологической эффективностью и сохранением человеческого правосудия. В условиях, когда алгоритмы начинают играть роль инструментов поддержки принятия решений, судья перестает быть просто правоприменителем и становится гарантом этичности и прозрачности цифровых процессов. Исследование данных изменений критически важно для формирования актуальной образовательной среды и обновления нормативно-правовой базы, что позволит судебной системе Узбекистана и других стран успешно интегрировать инновации, не подрывая при этом основы верховенства закона.

Традиционная роль судей: исходный уровень для сравнения

Традиционная роль судей была подробно проанализирована такими учеными-юристами, как Бенджамин Н. Кардозо в «Природе судебного процесса» и Рональд Дворкин в «Империи права»[1]. В работах классиков процессуальной науки и современных исследователей в контексте российской (С. С. Алексеев[2], В. М. Лебедев[3]) и узбекской (Х. Т. Азизов[4], М. Х. Рустамбаев[5], Г. З. Тулаганова[6]) правовых школ данный вопрос получил глубокое освещение через призму законности, судейского усмотрения и независимости правосудия. Если западная традиция (Кардозо, Дворкин) делает акцент на философии права и «судье-герменевте», то российская и узбекская школы (Алексеев, Азизов) традиционно

[1]Cardozo, B. N. (1921). The Nature of the Judicial Process. Yale University Press.
[2]Алексеев С. С. «Восхождение к праву. Поиски и решения». – М.: Норма, 2001.
[3]Лебедев В. М. «Судебная власть в современной России: проблемы становления и развития». – СПб.: Лань, 2001.
[4]Азизов Х. Т. «Судебная власть в Республике Узбекистан: становление и развитие». – Ташкент: ТГЮИ, 2004.
[5]Рустамбаев М. Х. «Курс уголовного права Республики Узбекистан. Общая часть». – Ташкент: ILM ZIYO, 2010.
[6]Тулаганова Г. З. «Особенности доказывания в судебном разбирательстве». – Ташкент: ТГЮУ, 2017.

рассматривают судью как гаранта законности и стабильности правового порядка в рамках романо-германской правовой семьи.

По своей сути судебная функция охватывает толкование закона, установление фактов, принятие решений и поддержание порядка в суде. Принцип судебного усмотрения, сформулированный в статье 45 Основных принципов ООН, касающихся независимости судебных органов, является основополагающим для этой роли[1].

В системах общего права судьи исторически играли более активную роль в законотворчестве посредством прецедента, как это показано в знаковом деле Донохью против Стивенсона UKHL 100[2]. Системы гражданского права, наоборот, подчеркивают роль судьи как толкователя кодифицированного права, как это изложено в статье 4 Гражданского кодекса Франции[3]. Аналогичный подход закреплен и в современных кодексах стран СНГ: так, статья 6 Гражданского кодекса Российской Федерации[4] и статья 5 Гражданского кодекса Республики Узбекистан[5] обязывают судей при отсутствии прямой нормы использовать аналогию закона. Это подтверждает общую для гражданского права доктрину: судья не «творит» право как законодатель, но обязан «найти» решение внутри правовой системы, обеспечивая непрерывность правосудия.

Смешанные правовые системы, такие как система Южной Африки, сочетают в себе элементы обеих традиций, как обсуждалось в деле Конституционного суда Кармикеле против министра безопасности и охраны 2001 (4) SA 938 (CC)[6]. В этом контексте роль

[1]United Nations. (1985). Basic Principles on the Independence of the Judiciary.
[2]Donoghue v Stevenson [1932] UKHL 100. This landmark case established the modern concept of negligence in common law, demonstrating the law-making role of judges in common law systems.
[3]Code civil [Civil Code] art. 4 (Fr.).
[4]https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/84b5134c56769561e4fd8f33216aeec4e7e3243c/
[5]https://lex.uz/ru/docs/111181
[6]Carmichele v Minister of Safety and Security 2001 (4) SA 938 (CC). This case highlighted the role of the judiciary in developing common law in light of constitutional values in South Africa's mixed legal system.

судьи как гаранта беспристрастности и независимости остается общепризнанной константой, что подчеркивается, например, в каноне 1 Типового кодекса поведения судей Американской ассоциации юристов (ABA Model Code of Judicial Conduct)[1]. Данное традиционное понимание судебной функции – будь то через восполнение пробелов по Гражданским кодексам Франции, Российской Федерации и Узбекистана или через развитие прецедента в общем праве – служит важнейшей основой для оценки преобразований, вызванных интеграцией ИИ. Переход от этой устоявшейся парадигмы к судебной роли, дополненной технологиями искусственного интеллекта, представляет собой значительный вызов для правовых систем во всем мире. Это требует глубокой переоценки основных судебных компетенций и обязанностей, чтобы технологический прогресс не вступил в противоречие с фундаментальными принципами правосудия.

Влияние ИИ на процессы принятия судебных решений

Интеграция ИИ в процессы принятия судебных решений кардинально меняет подход судей к своей основной функции. Алгоритмы машинного обучения теперь способны обрабатывать колоссальные массивы прецедентного права и нормативных актов за считанные секунды, предоставляя судьям глубокую аналитику, которая ранее требовала недель кропотливой работы. Этот технологический сдвиг не просто автоматизирует рутину, но и ставит перед правовой системой новые вопросы о балансе между математической точностью данных и человеческой интуицией в вопросах правосудия.

Инструменты предиктивной аналитики, такие как система COMPAS, используемая в судах США для оценки риска рецидивизма,

[1]American Bar Association. (2011). Model Code of Judicial Conduct, Canon 1.

все больше влияют на судебные решения[1]. Использование таких инструментов поднимает серьезные вопросы о судебном усмотрении и независимости, как подчеркивалось в знаковом деле State v. Loomis, 881 NW2d 749 (Wis. 2016), где Верховный суд Висконсина боролся с использованием алгоритмических оценок риска при вынесении приговора[2]. Несмотря на признание допустимости таких систем, суд выразил глубокую обеспокоенность по поводу «черного ящика» проприетарных алгоритмов, которые могут скрывать предвзятость и ограничивать право подсудимого на оспаривание доказательств.

Европейский суд по правам человека в своем решении по делу Bărbulescu v. Romania (заявление № 61496/08) подчеркнул необходимость сбалансированного подхода, когда технологии пересекаются с основными правами, – принцип, в равной степени применимый к ИИ в принятии судебных решений[3]. В контексте цифровизации правосудия это означает, что внедрение автоматизированных систем не должно нивелировать право на справедливое судебное разбирательство, требуя от государств создания четких механизмов процессуального контроля за логикой работы алгоритмов.

Академические исследования, такие как исследование, проведенное Kleinberg et al. опубликованные в Quarterly Journal of Economics, показали, что принятие решений с помощью ИИ может сократить различия в судебных результатах до 41%[4]. Однако эти достижения сопряжены со значительными этическими проблемами.

[1]Northpointe. (2012). COMPAS Risk & Need Assessment System: Selected Questions Posed by Inquiring Agencies.

[2]State v. Loomis, 881 N.W.2d 749 (Wis. 2016). This case addressed the use of algorithmic risk assessments in sentencing, raising important questions about due process and transparency in AI-assisted judicial decision-making.

[3]Barbulescu v. Romania, App. No. 61496/08 (Eur. Ct. H.R. 2017). This case emphasized the need for a balanced approach when technology intersects with fundamental rights, applicable to AI in judicial decision-making.

[4]Kleinberg, J., Lakkaraju, H., Leskovec, J., Ludwig, J., & Mullainathan, S. (2018). Human decisions and machine predictions. The Quarterly Journal of Economics, 133(1), 237-293.

Европейская комиссия по эффективности правосудия Совета Европы (CEPEJ) в своей «Европейской этической хартии об использовании ИИ в судебных системах», особенно в своем первом принципе, подчеркивает необходимость соблюдения ИИ основных прав[1]. Теперь судьи должны ориентироваться в сложной сфере балансирования рекомендаций ИИ с собственными суждениями, что требует новых компетенций и глубокого понимания ограничений и потенциальных предубеждений систем ИИ.

Тем самым, переход к правосудию с участием искусственного интеллекта знаменует собой не просто техническую модернизацию, но и глубокую трансформацию самой природы судейской деятельности. Чтобы ИИ стал инструментом укрепления законности, а не источником новых системных ошибок, правовому сообществу необходимо выработать четкие стандарты этического контроля и «человеческого вмешательства» (human-in-the-loop). Только при условии сохранения за судьей роли финального арбитра, способного критически оценивать цифровые рекомендации через призму ценностей права, технологический прогресс сможет гарантировать подлинную справедливость и равенство перед законом.

Новые компетенции в области технологий и грамотности в работе с данными

Эра ИИ требует, чтобы судьи развивали новые компетенции в области технологий и грамотности в работе с данными. Современному юристу уже недостаточно опираться исключительно на знание нормативной базы; необходимо понимать внутреннюю логику алгоритмов и принципы формирования обучающих выборок, чтобы вовремя распознать системные ошибки. Такое расширение профессионального кругозора становится фундаментом для критического анализа цифровых доказательств, превращая судью из

[1]European Commission for the Efficiency of Justice. (2018). European Ethical Charter on the Use of AI in Judicial Systems and Their Environment.

пассивного пользователя технологий в квалифицированного контролера их применения в правовом поле.

Национальный судебный колледж в Соединенных Штатах признал эту потребность, включив курсы по ИИ и технологиям в свою учебную программу для судей, как того требует Правило 2.5 Типового кодекса поведения судей Американской ассоциации юристов (ABA) о компетентности и осмотрительности[1]. Подобные образовательные инициативы направлены на то, чтобы судьи могли квалифицированно оценивать достоверность алгоритмических выводов и эффективно управлять цифровым правосудием, не становясь заложниками технических решений, которые они не в силах осмыслить.

В Европейском союзе «Принципы подготовки судей» Европейской сети подготовки судей, принятые в соответствии со статьей 81(2)(h) Договора о функционировании Европейского союза, теперь включают технологическую компетентность в качестве ключевой области для судебного образования[2]. Этот шаг направлен на гармонизацию стандартов правосудия во всех государствах-членах, гарантируя, что каждый судья обладает достаточными знаниями для защиты фундаментальных прав граждан в условиях растущей автоматизации юридических процедур.

Проблема интеграции этих новых компетенций в традиционное судебное образование является значительной. Опрос, проведенный Федеральным судебным центром в США, показал, что только 12% федеральных судей чувствовали себя достаточно подготовленными для рассмотрения дел, связанных с ИИ, что подчеркивает острую необходимость в комплексных программах обучения[3]. Для преодоления этого разрыва требуется создание междисциплинарных курсов, которые сочетали бы классическую юриспруденцию с

[1]American Bar Association. (2011). Model Code of Judicial Conduct, Rule 2.5.
[2]Treaty on the Functioning of the European Union, art. 81(2)(h).
[3]Federal Judicial Center. (2020). Judicial Education and Training in U.S. Courts.

прикладным изучением основ обработки данных и кибербезопасности, обеспечивая судьям уверенность в принятии решений в быстро меняющейся технологической среде.

Потенциал «цифрового разрыва» среди судей вызывает обеспокоенность по поводу равного правосудия. В Индии электронный комитет Верховного суда, действующий в соответствии со статьей 145 Конституции Индии, запустил общенациональную программу по повышению цифровой грамотности судей, признавая ее важность для эффективного отправления правосудия в цифровую эпоху[1]. Канадский судебный совет в своих «Этических принципах для судей» обновил свое руководство, включив технологическую компетентность в качестве ключевого аспекта судебной этики, отражая растущую важность этих навыков[2]. Поскольку эти новые компетенции становятся все более важными, они, вероятно, повлияют на критерии назначения и продвижения судей, потенциально изменяя профиль будущих судей.

В конечном итоге, формирование нового стандарта судебной квалификации неизбежно приведет к переосмыслению роли судьи как гаранта справедливости в технологичном обществе. Профессионализм современного арбитра теперь неразрывно связан со способностью дешифровать алгоритмические процессы и предвидеть их социальные последствия. Инвестиции в цифровую грамотность судейского корпуса выступают не просто технической необходимостью, а фундаментальным залогом сохранения общественного доверия к правовой системе, способной защитить права человека даже в условиях полной автоматизации правовой среды.

Этические соображения и надзор за ИИ

Интеграция ИИ в судебные системы ставит новые этические проблемы, с которыми должны справиться судьи. Алгоритмическая предвзятость и отсутствие прозрачности в механизмах принятия

[1]Constitution of India, art. 145.
[2]Canadian Judicial Council. (2021). Ethical Principles for Judges.

решений («черный ящик») создают риски для соблюдения принципа справедливости. В связи с этим возникает острая необходимость в разработке строгих стандартов надзора, которые гарантировали бы, что технологии остаются лишь вспомогательным инструментом, а окончательное слово всегда остается за человеком.

Резолюция Европейского парламента от 16 февраля 2017 года о правилах гражданского права в отношении робототехники (2015/2103(INL)) подчеркивает необходимость этических рамок, регулирующих ИИ, применимых к его использованию в судебных контекстах[1]. Теперь судьи несут ответственность за понимание и смягчение потенциальных предубеждений в алгоритмах ИИ, что требует как технических знаний, так и этического суждения. Более того, на судебную систему возлагается обязанность обеспечить, чтобы использование автоматизированных систем не подменяло собой индивидуальный подход к каждому делу и не нарушало основополагающее право человека на справедливое судебное разбирательство.

Дело Федерации учителей Хьюстона против Независимого школьного округа Хьюстона, 251 F. Supp. 3d 1168 (SD Tex. 2017), подчеркнуло проблемы, с которыми сталкиваются судьи при оценке справедливости и прозрачности систем ИИ, используемых в процессах принятия решений[2]. Резолюция 112 Американской ассоциации юристов об использовании искусственного интеллекта в правовой системе подчеркивает важность судебного надзора для обеспечения этичного использования ИИ[3]. Эти примеры подтверждают, что без четких механизмов аудита и возможности оспорить «логику»

[1]European Parliament. (2017). Resolution of 16 February 2017 with recommendations to the Commission on Civil Law Rules on Robotics (2015/2103(INL)).

[2]Houston Federation of Teachers v. Houston Independent School District, 251 F. Supp. 3d 1168 (S.D. Tex. 2017). This case highlighted the challenges judges face in evaluating the fairness and transparency of AI systems used in decision-making processes.

[3]American Bar Association. (2019). Resolution 112: Adopting the ABA Model Rules for Judicial Disciplinary Enforcement.

алгоритма, использование автоматизированных систем рискует подорвать доверие общества к объективности правосудия.

Судьи также должны бороться с этическими последствиями доказательств, полученных с помощью ИИ, как это было в британском деле Pyrrho Investments Ltd против MWB Property Ltd[1]EWHC 256 (Ch), где суд рассмотрел использование предиктивного кодирования в электронном раскрытии[2]. Консультативный совет европейских судей Совета Европы в своем Мнении № 14 (2011) подчеркивает роль судьи в поддержании человеческого элемента правосудия в условиях все более технологичной судебной среды[3]. Поскольку системы ИИ становятся все более распространенными, судьи должны соблюдать тонкий баланс между принятием технологических достижений и сохранением фундаментальных человеческих аспектов отправления правосудия.

Таким образом, ответственность за правосудие не может быть делегирована программному обеспечению, независимо от его вычислительной мощности. Будущее судебной системы зависит от способности судей интегрировать цифровые инструменты таким образом, чтобы они расширяли возможности человеческого анализа, а не заменяли его. Поддержание этого суверенитета человеческого разума над алгоритмом остается ключевым условием для защиты прав граждан и сохранения легитимности судебных решений в цифровую эпоху.

Судьи как интерпретаторы информации, созданной искусственным интеллектом

Появление ИИ в судебных процессах поставило судей в новую роль интерпретаторов информации, сгенерированной ИИ. Эта роль

[1]Pyrrho Investments Ltd v MWB Property Ltd [2016] EWHC 256 (Ch). This case addressed the use of predictive coding in e-discovery, setting a precedent for the acceptance of AI-assisted document review in UK courts.
[2]Pyrrho Investments Ltd v MWB Property Ltd [2016] EWHC 256 (Ch).
[3]Consultative Council of European Judges. (2011). Opinion No. 14 on Justice and Information Technologies (IT).

требует от судей понимать сложные выходные данные ИИ и объяснять их сторонам и общественности, что бросает вызов традиционным представлениям о судебном обосновании.

В знаковом деле State v. Loomis, 881 NW2d 749 (Wis. 2016), Верховный суд Висконсина столкнулся с проблемой интерпретации и объяснения оценок риска, сгенерированных ИИ, при вынесении приговоров[1]. Суд постановил, что использование подобных алгоритмов допустимо лишь при условии, что они не являются единственным основанием для решения, а судья способен критически оценить ограничения системы и разъяснить их влияние на итоговый вердикт.

Европейский суд по правам человека в деле Satık v. Turkey (№ 2), заявление № 60999/00, подчеркнул важность предоставления судьями обоснованных решений, принцип, который теперь распространяется на объяснение решений, принятых под влиянием ИИ[2]. Влияние этой новой интерпретационной роли на прозрачность судебной системы и право на справедливое судебное разбирательство является значительным. Статья 6 Европейской конвенции о правах человека, гарантирующая право на справедливое судебное разбирательство, теперь неявно требует от судей гарантировать, что доказательства или рекомендации, созданные ИИ, являются понятными и оспариваемыми всеми сторонами[3].

Исследование, опубликованное в Harvard Journal of Law & Technology, показало, что способность судей объяснять результаты ИИ существенно влияет на доверие общественности к судебным решениям, дополненным ИИ[4]. Канадский центр судебных технологий

[1]State v. Loomis, 881 N.W.2d 749 (Wis. 2016). This case grappled with the challenge of interpreting and explaining AI-generated risk assessment scores in sentencing decisions.
[2]Stack v. Turkey (No. 2), App. no. 60999/00 (Eur. Ct. H.R. 2011). This case emphasized the importance of judges providing reasoned decisions, a principle now extending to explaining AI-influenced judgments.
[3]European Convention on Human Rights, art. 6.
[4]Huq, A. Z. (2019). A right to a human decision. Virginia Law Review, 105(3), 611-688.

в своей «Структуре судебных технологий» подчеркивает необходимость развития судьями навыков перевода технической информации на понятный для неспециалистов язык[1]. Эта новая интерпретационная роль представляет собой значительный сдвиг в судебной практике, требующий от судей преодоления разрыва между сложной технологией и доступным правосудием.

Развитие этих компетенций превращает современного судью в своего рода медиатора между цифровыми алгоритмами и человеческим восприятием права. Институциональная поддержка в виде специализированных руководств и образовательных программ становится фундаментом, позволяющим трансформировать технические данные в убедительные правовые аргументы. Подобная адаптация судебной функции гарантирует, что даже в условиях высокой автоматизации процесса, правосудие остается прозрачным и понятным для каждого участника разбирательства.

Управление делами и административная эффективность

ИИ производит революцию в управлении делами и судебном администрировании, существенно изменяя роли судей в этих областях. Автоматизация рутинных процессов позволяет оптимизировать распределение судебной нагрузки и минимизировать задержки в рассмотрении споров. Благодаря внедрению алгоритмов интеллектуальной сортировки документов и предиктивной аналитики сроков, судьи получают возможность сосредоточиться на анализе сложных правовых вопросов, делегируя технический мониторинг хода дел цифровым системам.

Система управления делами/электронных дел (CM/ECF) федеральных судов США, разрешенная в соответствии с правилом 5(d)(3) Федеральных правил гражданского судопроизводства, является примером интеграции ИИ в судебное администрирование[2]. В

[1]Canadian Centre for Court Technology. (2020). Court Technology Framework.
[2]Federal Rules of Civil Procedure, Rule 5(d)(3) (2018).

Сингапуре в плане работы государственных судов на 2023 год описывается внедрение инструментов управления делами на основе ИИ, что отражает глобальную тенденцию к автоматизированному управлению судами[1]. Эти технологические достижения меняют повседневные обязанности судей.

Следует отметить, что и в Узбекистане в данном направлении проводится целенаправленная работа. Уже сейчас 14 судебных услуг доступны в электронном виде. Среди них подача заявлений, отслеживание хода рассмотрения дел и получение копий судебных решений[2].

В отчете Национального центра государственных судов установлено, что управление делами с помощью ИИ может сократить административную нагрузку судей до 30%, что дает больше времени для сложного юридического анализа[3]. Однако этот сдвиг поднимает вопросы о сохранении судебного надзора во все более автоматизированных системах. Европейская комиссия по эффективности правосудия (CEPEJ) в своих «Руководящих принципах по внедрению изменений в киберправосудие» подчеркивает необходимость сохранения судьями контроля над процессами управления делами, даже если ИИ берет на себя больше административных задач[4]. Верховный суд Индии в своем электронном комитете «Проект eCourts, фаза III» излагает видение управления делами с использованием ИИ, подчеркивая при этом важность судебного надзора[5].

Задача заключается в использовании ИИ для повышения эффективности без ущерба для судебной власти. Как отмечается в исследовании, опубликованном в Cornell Law Review, эффективное

[1]State Courts of Singapore. (2023). State Courts Workplan 2023.
[2] https://upl.uz/obshestvo/49373-news.html
[3]National Center for State Courts. (2021). The State of State Courts 2021.
[4]European Commission for the Efficiency of Justice. (2019). Guidelines on How to Drive Change Towards Cyberjustice.
[5]Supreme Court of India. (2021). eCourts Project Phase III.

использование ИИ в судебном администрировании требует от судей развития новых навыков в управлении технологиями и анализе данных, что кардинально меняет их традиционные административные роли[1].

Параллельно с этим, интеграция интеллектуальных систем в административный контур суда диктует необходимость пересмотра внутренних регламентов взаимодействия между аппаратом суда и техническими специалистами. Судьи начинают выступать в качестве архитекторов цифровых рабочих процессов, определяя параметры, по которым алгоритмы фильтруют приоритетные дела и распределяют ресурсы. Такой подход к управлению позволяет правовой системе сохранять устойчивость перед лицом лавинообразного роста объема поступающей информации, трансформируя бюрократические процедуры в гибкие и адаптивные механизмы.

Роль судей в обеспечении надлежащей правовой процедуры в судах с искусственным интеллектом

Интеграция ИИ в суды представляет собой существенные проблемы для обеспечения надлежащей правовой процедуры, которая является основополагающей обязанностью судей. В условиях алгоритмизации правосудия судьи должны выступать гарантами того, что использование технологий не ограничивает право сторон на эффективную защиту и состязательность процесса. Это требует внедрения новых стандартов процессуальной проверки, при которых любые выводы ИИ могут быть открыто оспорены, а методы их получения – подвергнуты тщательному юридическому аудиту.

Теперь судьи должны ориентироваться в сложной сфере обеспечения справедливости, прозрачности и равного доступа к правосудию в судебных разбирательствах с использованием ИИ. Европейский суд по правам человека в объединенных делах C-293/12 и C-594/12 Digital Rights Ireland подчеркнул необходимость гарантий

[1]Krent, H. J. (2019). Artificial intelligence and judicial discretion. Cornell Law Review, 104(6), 1539-1584.

при автоматизированной обработке данных, принцип, в равной степени применимый к ИИ в судах[1].

Судьи играют решающую роль в установлении стандартов использования ИИ в судебных разбирательствах, примером чего является «Протокол обработки записей с использованием технологически-ассистированного обзора» Единой судебной системы штата Нью-Йорк[2]. Проблема обеспечения того, чтобы стороны могли понимать и оспаривать информацию, сгенерированную ИИ, используемую в их делах, является значительной. В Канаде решение Верховного суда по делу R. v. Tessling,[3]3 SCR 432, 2004 SCC 67, установило принципы оценки новых технологий в правовых контекстах, предоставив судьям основу для оценки инструментов ИИ[4].

Последствия для апелляционного пересмотра, когда системы ИИ участвуют в решениях судов низшей инстанции, являются серьезными и потенциально требуют новых стандартов пересмотра. Исследование, опубликованное в Yale Journal of Law and Technology, предполагает, что судьям, возможно, потребуется разработать новые правовые тесты для оценки надежности и справедливости доказательств и решений, сгенерированных ИИ[5].

Разработка подобных критериев влечет за собой необходимость переосмысления классических принципов доказывания, смещая фокус внимания судей на проверку релевантности обучающих данных и логики заложенных в систему алгоритмов. Судебный контроль в этом

[1]Joined Cases C-293/12 and C-594/12, Digital Rights Ireland Ltd v Minister for Communications, Marine and Natural Resources and Others and K?rntner Landesregierung and Others, ECLI:EU:C:2014:238. This case emphasized the need for safeguards in automated data processing, applicable to AI in courts.

[2]New York State Unified Court System. (2018). Protocol for Processing Records Using Technology-Assisted Review.

[3]R. v. Tessling, [2004] 3 S.C.R. 432, 2004 SCC 67. This case established principles for evaluating new technologies in legal contexts, providing a framework for judges to assess AI tools.

[4]R. v. Tessling, [2004] 3 S.C.R. 432, 2004 SCC 67.

[5]Citron, D. K., & Pasquale, F. (2014). The scored society: Due process for automated predictions. Washington Law Review, 89(1), 1-33.

аспекте становится барьером против механического принятия автоматизированных выводов, превращаясь в динамичный процесс верификации технологической точности. Это создает предпосылки для формирования качественно новой процессуальной среды, в которой право на справедливый суд неразрывно связано с прозрачностью используемых цифровых инструментов.

Роль суда в альтернативном разрешении споров с использованием ИИ

Развитие систем альтернативного разрешения споров (ADR) с использованием ИИ существенно меняет традиционную судебную роль судей. Автоматизированные платформы для ведения переговоров и онлайн-арбитража становятся эффективным дополнением к классическому правосудию, позволяя урегулировать конфликты на ранних стадиях без прямого вмешательства государственных судов. В этой новой экосистеме судьи все чаще принимают на себя функции кураторов и гарантов качества, обеспечивая правовую легитимность частных цифровых процедур и проверяя их соответствие публичному порядку.

В Европейском союзе Директива 2013/11/EU об альтернативном разрешении споров для потребительских споров обеспечивает основу для интеграции ИИ в процессы ADR, смещая роль судей в сторону надзора и проверки соглашений, достигнутых с помощью ИИ[1]. Технические заметки Комиссии ООН по праву международной торговли (ЮНСИТРАЛ) по онлайн-разрешению споров содержат рекомендации по обеспечению справедливости и законности соглашений, заключенных с использованием ИИ, – ответственность, которая все больше ложится на судей[2]. В Соединенных Штатах Единый закон о медиации, принятый во многих штатах в различных

[1]Directive 2013/11/EU on alternative dispute resolution for consumer disputes.
[2]United Nations Commission on International Trade Law. (2017). Technical Notes on Online Dispute Resolution.

редакциях, сегодня адаптируется к процессам на базе ИИ, что требует от судов новых подходов к его толкованию[1].

Исследование, опубликованное в Harvard Negotiation Law Review, показало, что суды, интегрирующие платформы онлайн-разрешения споров (ODR) с использованием ИИ, увидели 50%-ное сокращение нерассмотренных дел, что кардинально изменило структуру судебной нагрузки[2]. Этот сдвиг влияет на судебную власть и само понятие правосудия. Верховный суд Канады в деле Hryniak v. Mauldin, 2014 SCC 7, подчеркнул необходимость сдвига культуры в сторону более эффективного разрешения споров, принципа, который теперь распространяется на принятие ADR с поддержкой ИИ[3].

Судьи все чаще становятся разработчиками или руководителями процессов ADR с поддержкой ИИ, как это видно из Закона Британской Колумбии о гражданском разрешении споров [SBC 2012], Глава 25, которая устанавливает рамки для разрешения споров в режиме онлайн[4]. Эта эволюция требует от судей развития новых навыков в проектировании процессов и оценке технологий, что в корне меняет их отношение к процессу разрешения споров.

Вместе с тем, расширение сферы применения цифрового арбитража диктует необходимость формирования новых этических протоколов для контроля за «нейтральностью» используемых алгоритмов. Судебная роль трансформируется из классического арбитра в активном регуляторе цифровой среды, чья задача – не допустить превращения технологической эффективности в инструмент ограничения прав сторон. Такой системный сдвиг подготавливает почву для глубокой интеграции правовых гарантий непосредственно в

[1]Uniform Mediation Act (2001).
[2]Sourdin, T. (2018). Judge v. Robot: Artificial intelligence and judicial decision-making. University of New South Wales Law Journal, 41(4), 1114-1133.
[3]Hryniak v. Mauldin, 2014 SCC 7. This case emphasized the need for a culture shift towards more efficient dispute resolution, a principle that now extends to embracing AI-enabled ADR.
[4]Civil Resolution Tribunal Act, SBC 2012, c 25 (Can.).

архитектуру платформ по разрешению споров, делая технологию органическим продолжением судебной воли.

Судьи как защитники прав человека при внедрении ИИ

Внедрение ИИ в судебные системы ставит судей на передний край защиты прав человека в этом новом технологическом ландшафте. Их миссия заключается в предотвращении цифровой дискриминации, которая может возникнуть из-за непрозрачных алгоритмов или предвзятых наборов данных. В этой связи судейский корпус берет на себя роль «последнего рубежа», гарантируя, что автоматизация правосудия не приведет к дегуманизации процесса и не нарушит священное право на справедливое обращение перед лицом закона.

Резолюция Совета по правам человека ООН 47/23 «Право на неприкосновенность частной жизни в цифровую эпоху» подчеркивает важность защиты прав человека в приложениях ИИ, в том числе в судебной системе[1]. Теперь судьи должны сбалансировать технологическую эффективность с основными правами, такими как неприкосновенность частной жизни, недискриминация и доступ к правосудию.

Решение Европейского суда по правам человека по делу S. и Marper против Соединенного Королевства (заявления № 30562/04 и 30566/04) установило принципы защиты персональных данных, которые становятся все более актуальными для ИИ в судах[2]. В Соединенных Штатах дело Loomis против Wisconsin, 881 NW2d 749 (Wis. 2016), подчеркнуло проблемы, с которыми сталкиваются судьи при применении надлежащей правовой процедуры к принятию решений с помощью ИИ[3].

[1]United Nations Human Rights Council. (2021). Resolution 47/23 on the right to privacy in the digital age.
[2]S. and Marper v. The United Kingdom, App. nos. 30562/04 and 30566/04 (Eur. Ct. H.R. 2008). This case established principles for protecting personal data that are increasingly relevant to AI in courts.
[3]State v. Loomis, 881 N.W.2d 749 (Wis. 2016). This case highlighted the challenges judges face in applying due process protections to AI-assisted decision-making.

Руководящие принципы Совета Европы по искусственному интеллекту и защите данных предоставляют судьям основу для обеспечения соответствия систем ИИ стандартам прав человека[1]. Теперь судьи должны интерпретировать традиционные рамки прав человека в новых контекстах ИИ, как это было показано в канадском деле R v Sharma, 2020 SCC 39, в котором рассматривались вопросы предвзятости в алгоритмических инструментах оценки риска[2].

Проблема заключается в применении устоявшихся принципов прав человека к быстро развивающимся технологиям ИИ. Исследование, опубликованное в Stanford Technology Law Review, предполагает, что судьям, возможно, потребуется разработать новые правовые тесты для оценки соответствия систем ИИ нормам прав человека[3]. Эта меняющаяся роль требует от судей глубокого понимания как права прав человека, так и технологии ИИ, что кардинально меняет их традиционную опеку над правами.

Эта необходимость порождает потребность в создании динамичных стандартов судебной экспертизы, способных адаптироваться к постоянно усложняющейся структуре нейронных сетей. Судьи становятся интерпретаторами принципа достоинства личности в цифровом пространстве, где защита от автоматизированного произвола требует не только юридической твердости, но и способности видеть за программным кодом потенциальные угрозы частной жизни и свободе воли. Следовательно, судебная функция расширяется до активного контроля за тем, чтобы технологический прогресс оставался в рамках гуманистической правовой парадигмы, обеспечивая баланс между инновациями и неприкосновенностью человеческой личности.

---

[1]Council of Europe. (2019). Guidelines on Artificial Intelligence and Data Protection.

[2]R v Sharma, 2020 SCC 39. This case addressed issues of bias in algorithmic risk assessment tools, providing guidance on their use in the Canadian justice system.

[3]Raso, F. A., Hilligoss, H., Krishnamurthy, V., Bavitz, C., & Kim, L. (2018). Artificial intelligence & human rights: Opportunities & risks. Berkman Klein Center Research Publication, (2018-6).

Непрерывное обучение и адаптация в эпоху искусственного интеллекта

Стремительное развитие технологий ИИ требует от судей приверженности непрерывному обучению и адаптации. Профессиональная компетенция современного юриста теперь выходит далеко за пределы знания законодательства и судебной практики, включая в себя основы цифровой грамотности и понимание принципов работы нейросетей. Регулярное повышение квалификации в области анализа данных становится необходимым условием для сохранения актуальности судебной системы и способности судей эффективно модерировать процессы, в которые интегрированы высокотехнологичные инструменты.

Бангалорские принципы поведения судей, в частности принцип 6 о компетентности и осмотрительности, теперь неявно включают необходимость постоянного обучения в области ИИ и связанных с ними технологий[1]. Программы обучения судей адаптируются к этой новой реальности. Европейская сеть обучения судей, действующая в соответствии со статьей 81(2)(h) Договора о функционировании Европейского союза, внедрила комплексные учебные модули по ИИ для судей во всех государствах-членах[2].

В США Федеральный судебный центр, уполномоченный 28 USC § 620, разработал специализированные курсы по ИИ и его влиянию на судебную практику[3]. Задача оставаться в курсе технологических достижений, сохраняя при этом юридическую экспертизу, является значительной.

Исследование, опубликованное в журнале Journal of Law and Technology в Техасе, показало, что судьи, которые регулярно участвуют в программах обучения ИИ, демонстрируют 40%-ное

[1]United Nations Office on Drugs and Crime. (2002). The Bangalore Principles of Judicial Conduct.
[2]European Judicial Training Network. (2021). AI Training Modules for Judges.
[3]Federal Judicial Center. (2021). Artificial Intelligence and Judicial Practice.

улучшение своей способности рассматривать дела, связанные с технологиями[1].

Коллегиальное обучение и обмен знаниями между судьями по вопросам ИИ становятся критически важными. Международная ассоциация судей в своей «Универсальной хартии судьи» теперь подчеркивает важность международного судебного сотрудничества в решении технологических проблем[2]. Междисциплинарное сотрудничество между судьями, технологами и специалистами по этике становится все более важным. Резолюция 604 Американской ассоциации юристов поощряет такое сотрудничество для разработки передовых методов использования ИИ в судах[3]. Этот акцент на непрерывном обучении отражает фундаментальный сдвиг в судебной роли, требующий от судей быть не только толкователями закона, но и пожизненными студентами технологий и их влияния на правосудие.

Эра ИИ кардинально меняет роль судей, требуя новых компетенций, этической осведомленности и адаптивности. Судьи должны ориентироваться в сложном взаимодействии технологий и правосудия, гарантируя, что ИИ усиливает, а не подрывает фундаментальные принципы справедливости, прозрачности и прав человека при отправлении правосудия.

[1]Sourdin, T. (2021). Judges, technology and artificial intelligence: The artificial judge. Edward Elgar Publishing.
[2]International Association of Judges. (2017). Universal Charter of the Judge.
[3]American Bar Association. (2019). Resolution 604: Urging Study of Artificial Intelligence in the Practice of Law.

ШАМСИДДИНОВА ОЗОДА БЎРИЕВНА
Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг судьяси, ю.ф.ф.д., доцент

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги глобаллашув шароитида болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи халқаро ҳамжамиятда ҳам, миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ҳам устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Мазкур соҳада давлат сиёсати доирасида оила институтини мустаҳкамлаш, унинг тарбиявий салоҳиятини ошириш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, хусусан, болаларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва уларнинг баркамол шахс сифатида камол топишига қай даражада таъсир кўрсатаётгани масаласи илмий жиҳатдан чуқур таҳлилни талаб этади. Бу эса мазкур йўналишда комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини янада кучайтиради.

Оиланинг шахс камолотига таъсири бениҳоя катта бўлиб, инсондаги илк ижтимоий кўникмалар, ахлоқий қарашлар ва ҳаётий қадриятлар айнан оила муҳитида шаклланади. Хусусан, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, дастлабки ҳаётий тасаввурлари, шунингдек,

унинг характери, дунёқараши ва ахлоқий қиёфасини белгилайдиган мезонлар — эзгулик, меҳр-оқибат, инсонийлик, ор-номус ва масъулият каби қадриятлар оила тарбияси негизида қарор топади.

Шу нуқтаи назардан, болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини нафақат ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, балки уларни амалий таъминлаш механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Зеро, мазкур ҳуқуқлар боланинг шахс сифатида шаклланиши, унинг қадр-қиммати, шаъни ва эркин ривожланишини таъминлашда муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Илмий тадқиқотлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таҳлиллари шуни кўрсатадики, жиноят йўлига кириб қолган вояга етмаганлар таркиби бир қатор ижтимоий гуруҳлар кесимида шаклланади: уларнинг асосий қисми, яъни 55–60 фоизини умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда касб-ҳунар таълими муассасалари (техникумлар) талабалари ташкил этса, 20–25 фоизи етарли назоратдан четда қолган ўсмирларга тўғри келади, қолган 15–20 фоизини эса маънавий-тарбиявий муҳити носоғлом бўлган ёшлар ташкил этади. Мазкур ҳолат вояга етмаганлар жиноятчилигининг келиб чиқишида таълим, бандлик ва оилавий-ижтимоий муҳит омиллари ўзаро узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади[1].

Мазкур маълумотлар шуни кўрсатадики, айни пайтда оилада болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини таъминлашда, хусусан уларнинг таълим-тарбия олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўплаб муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш учун миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчилик ва бўшлиқларни таҳлил этиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни келтириб чиқармоқда.

Таъкидлаш жоизки, боланинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган илк ўзгаришлар XX аср бошларида юз бера бошлади. Хусусан, мазкур йўналишда Бирлашган Миллатлар

[1] Мусаев М.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2024. – Б. 42-45.

Ташкилоти томонидан «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг қабул қилиниши ўзгаришларнинг муҳим босқичи бўлди. Ушбу Конвенцияда бола ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс сифатида таърифланди ва болаларни ҳимоя қилиш зарурлиги тан олинди. Бундан ташқари, бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»[1], «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»[2]ги ҳамда «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»[3]ги халқаро пактларда ҳам ўз аксини топди.

Шунингдек, МДҲга аъзо давлатлар томонидан 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида қабул қилинган «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»[4]ги шартномада ҳам болаларнинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддаси 1-қисмида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги эътироф этилган бўлиб, болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини қонуний тартибга солишнинг муҳим асослари 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-139-сон қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 11-боби 65-70-моддаларида мустаҳкамланган.

---

[1] Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган.)

[2] Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакти (28.12.1995 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилинган ва эълон қилинган)

[3] Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеянинг 2200 А (XXI)-сонли резолюсияси билан 1966-йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1976-йил 3 январда кучга кирган) Ўзбекистон Республикаси мазкур Халқаро пактга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-I-сонли қарорига асосан қўшилган [Електрон ресурс]: http://www.lex.uz.

[4] «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий-ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенция

Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини таснифлаш қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилиши мумкин.

1) шахсдан ажралмас ҳуқуқлар (яшаш ҳуқуқи);

2) болани жамиятда индивидуаллаштиришга қаратилган шахсий ҳуқуқлар (исм, отасининг исми, фамилиясига бўлган ҳуқуқ);

3) бевосита никоҳ ва оилавий муносабатлар соҳасидаги шахсий ҳуқуқлар (оилада яшаш ва тарбияланиш, ота-оналар, бошқа қариндошлар билан мулоқот қилиш ҳуқуқи);

4) боланинг ҳар томонлама ривожланишига ва унинг ижодий индивидуаллигини ифодалашга ёрдам берадиган шахсий ҳуқуқлар (ўз фикрини билдириш ҳуқуқи, ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи, интеллектуал фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк ҳуқуқига эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи);

5) ҳимоя қилиш ҳуқуқи (суд ва суддан ташқари воситалар орқали).

Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларининг турлари ҳақида гап кетар экан, ОКнинг XI боби вояга етмаганларнинг қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқларининг турларини ажратиб кўрсатади: оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи (65-модда); ота-оналар ва қариндошлар билан мулоқот қилиш ҳуқуқи (66-модда); ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи (67-модда); ўз фикрини билдириш ҳуқуқи (68-модда); исми, отасининг исми ва фамилиясига бўлган ҳуқуқ (69-модда); исм ва фамилияни ўзгарттириш ҳуқуқи (70-модда).

ОКнинг 65-моддаси боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқини белгилайди. Боланинг фаровонлиги, унинг жисмоний, ақлий, маънавий ривожланиши, таълим олиши каби ҳуқуқлар ҳақиқатан ҳам энг муҳим субъектив ҳуқуқлардан биридир, лекин уларни амалга ошириш, боланинг яшаш ҳуқуқи тўғри таъминланган тақдирда вужудга келади.

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш

ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бу ҳуқуқ бир қанча ваколатлардан, ҳуқуқий имкониятлардан иборат: 1) ота-онани билиш; 2) ўз оиласида яшаш ва ўсиш; 3) ота-оналар билан бирга яшаш. Боланинг оиласи деганда, нафақат ота-она ва боладан иборат оила, балки бола ўсадиган ҳар қандай бошқа оила ҳам тушунилиши керак. Бу фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар, болани оилага тарбияга олувчилар оиласи бўлиши мумкин, улар болага яқин бўлган шахслар - бобо-бувилар, холалар, амакилар, ака-ука, опа-сингиллар ва бошқалар бўлиши мумкин[1]. Ўз оиласида тарбияланиш ҳуқуқининг энг муҳим элементи - бу болани оилада тарбиялашнинг устуворлиги ва болани одатдаги муҳитнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган психологик травмадан ҳимоя қилиш, ота-оналарнинг ғамхўрлик қилишидир.

Фикримизча, боланинг оилада яшаш ва тарбияланишини ҳуқуқий меъёрлар ўлчаб бўлмайди. Чунки, боланинг тарбиясини аниқ ўлчовини юридик жиҳатдан аниқлаб бўлмайди. Шунингдек, ОКнинг 75-моддасида таъкидланганидек, болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак. Бу нормалар баҳоловчи хусусиятга эга бўлиб, ОКда тарбия тушунчаси аниқланмаган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тарбия - таълим, ахлоқ-одоб ва шу кабиларни ўргатиб, сингдириб, инсонни вояга етказиш, улғайтириш, ўстириш деган маънони билдиради[2]. Шунингек ОКнинг 73-модда 2-қисмига мувофиқ**,** ота-она ўз болаларининг соғлиғи,

[1] Madjidova D.A. Oilalar mustahkamligini ta’minlashda migratsiya ta’sirida-yuzaga keluvchi xatarlarni oldini olishning muhim yo‘nalishlari. Science and innovation issn: 2181-3337 international scientific journal. 2022 №4. – B.230.

[2] O‘zbek tilining izohli lug‘ati. O‘zbekiston Respublikasi fanlar Akademiyasi. Alisher navoiy nomidagi til va adabiyot instituti. – T.:2021.y. 437 b.

жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Тарбия деганда, шахсни ахлоқий шакллантиришга қаратилган фаолият тушунилади, бунинг учун ахлоқий ғоялар, меъёрлар ва тамойиллар кундалик ҳаёт ва фаолиятнинг энг муҳим тартибга солувчиси ҳисобланади.

Амалда, ота-оналарнинг болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятини бажаришда, шафқатсиз, қўпол, инсон қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларнинг йўқлигини аниқлаш жуда мураккаб саналади. Чунки ота-онанинг болага тарбия мақсадида қўллаган жазоси бола томонидан унинг инсоний қадр-қимматини камситувчи сифатида баҳоланиши мумкинми йўқми буни аниқлашнинг имкони аксарият ҳолатлар мавжуд эмас. Боланинг бу ҳуқуқи ва ота-оналарнинг тегишли мажбуриятлари ахлоқий меъёрлар, ҳаёт қоидалари ва асослари соҳасига тегишли бўлиб, фақат боланинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бу муносабатларни қонун билан тартибга солишнинг аниқ нормалари марказий ўринга келади. Шундай қилиб боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи диний-ахлоқий одатлар ва оила қонунчилигининг нормалари билан тартибга солинади.

Боланинг шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири бу исм, отасининг исми ва фамилиясига бўлган ҳуқуқи ҳисобланади. Исмга бўлган ҳуқуқ шахснинг энг муҳим шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири саналади. Конвенциянинг 7-моддасига мувофиқ, бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади. Хусусан, ЎРҚ-139-сон Қонунининг 9-моддасига кўра ҳар бир бола туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш, уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Фуқаронинг исми уни ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатида индивидуаллаштириш воситаларидан биридир, чунки фуқаро ўз номи билан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ва амалга оширади. Агар, фуқаронинг исми бўлмаса, унга ҳуқуқ ва мажбуриятларни «бириктириш» қандайдир тарзда амалга ошириш керак бўлади. «Исмга бўлган ҳуқуқ ҳуқуқ лаёқатининг элементи сифатида қаралиши керак»[1]. Бундан ташқари, исм ҳуқуқ лаёқатининг ҳам ички, ҳам ташқи элементи ҳисобланади, чунки исмга бўлган ҳуқуқ туғилган пайтдан бошлаб пайдо бўлади ва исмга эга бўлиш, уни ўзгартириш, исм остида ҳаракат қилиш ҳуқуқи сифатида намоён бўлади. Бошқа томондан, фуқаронинг субъектив ҳуқуқлари унинг номи билан унга тегишли бўлиб, фуқаро ўз номи билан ҳуқуқларни амалга оширади ва мажбуриятларни бажаради[2].

Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини фуқаролик қонунчилигига кўра шахсларга тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлардан қуйидагича фарқли жиҳатларга ажратиш мумкин.

Биринчидан, вояга етмаган болаларнинг айрим шахсий номулкий ҳуқуқлари (14 ёшгача, 14 ёшдан 18 ёшгача) маълум бир ёшгача бўлиши;

Иккинчидан, бола биологик, рухий мададга муҳтожлиги сабаб ижтимоий муҳитнинг таъсири;

Учинчидан, боланинг ёшига кўра заиф ҳимояланганлиги сабаб вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ота-она (уларни ўрнини босувчи шахслар) билан узвий боғлиқлиги;

[1] Пчелинцева Л.М. Семейное право России: учебник для вузов. М., 1999. С. 362.

[2] Madjidova D.A. Oilalar mustahkamligini ta’minlashda migratsiya ta’sirida-yuzaga keluvchi xatarlarni oldini olishning muhim yo‘nalishlari. Science and innovation issn: 2181-3337 international scientific journal. 2022 №4. – B.230.

Тўртинчидан, вояга етмаганларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг бевосита иштирок этиши;

Санаб ўтилган шахсий номулкий ҳуқуқлардаги фарқлардан келиб чиқиб айтиш мукинки, вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларида болалар мутлақ ҳуқуқларга эга бўлмаган алоҳида мустақил шахс эмаслигини кўрсатади. Шу боисдан вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ саналади.

“Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари деганда, маълум бир ёш ва муддат билан чегараланган, ота-она (уларнинг ўрнини босувчилар)ларнинг иштирок этиши бевосита боғлиқ бўлган, боланинг яшаши, қадр-қиммати, соғлом турмуш тарзи, шахсий қобилият ва имкониятларини амалга оширишга қаратилган, болани индивидуаллаштиришга хизмат қиладиган қонун ва ота-она (уларни ўрнини босувчи шахслар) томонидан ҳимоя қилинадиган номоддий характерга эга бўлган ҳуқуқлар тизимига айтилади”.

Хусусан, ижтимоий тараққиёт натижасида юзага келаётган мураккаб эҳтиёжлардан келиб чиқиб, бугунги инсониятнинг болаларга бўлаётган муносабатларини инобатга олган ҳолда, боланинг жисмоний, ақлий ва рухий ҳолатларини тўғри камол топиши учун вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари доирасини кенгайтириш мақсадида ОКнинг қуйидаги мазмундаги нормани киритиш лозим: “*Бола соғлом ривожланиш ҳуқуқи, қулай атроф-табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, интеллектул мулк ҳуқуқидан фойдаланиш ҳуқуқи, руҳий ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқига эга”.*

ШОИМОВ НОРҚОБИЛ БОБОМУРОДОВИЧ
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш Институти
Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси,
подполковник, юридик фанлар номзоди,
доцент

ҲАМКОРЛИК: КИБЕРТАҲДИДЛАР ВА ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация. *Мақолада кибержиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқий асослар ва ҳамкорлик механизмларининг аҳамияти таҳлил қилинган. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида юзага келаётган кибертаҳдидлар, уларнинг жамият ва давлат хавфсизлигига салбий таъсири ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат сиёсати ҳамда 2026–2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегиясининг асосий йўналишлари таҳлил этилган. Мақолада давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, киберхавфсизлик маданиятини шакллантириш, ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ва профилактик чора-тадбирларни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, ахборот хавфсизлиги, рақамли иқтисодиёт, давлат ахборот тизимлари, кибертаҳдидлар.*

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари рақамлаштирилмоқда. Давлат бошқаруви, банк-молия тизими, таълим, тиббиёт, савдо ва ҳатто кундалик ижтимоий муносабатлар интернет ҳамда рақамли платформалар орқали амалга оширилмоқда. Бу эса инсон ҳаётига қулайликлар яратиш билан бир

қаторда, янги турдаги хавф-хатарлар — кибержиноятчиликнинг келиб чиқиши ва кенг тарқалишига ҳам сабаб бўлмоқда. Айниқса, ахборот тизимларига ноқонуний кириш, шахсий маълумотларни ўғирлаш, электрон тўлов воситалари орқали фирибгарлик қилиш, зарарли дастурлар тарқатиш, интернет орқали товламачилик ва террорчилик ғояларини тарғиб қилиш каби жиноятлар глобал муаммога айланиб бормоқда.

Кибержиноятчиликнинг хавфли жиҳати шундаки, у давлат чегараларини тан олмайди ва қисқа вақт ичида катта миқёсда зарар етказиши мумкин. Шу боис мазкур турдаги жиноятларга қарши курашиш фақат техник чоралар билан чекланиб қолмасдан, мустаҳкам ҳуқуқий асосларни шакллантиришни ҳамда идоралараро ҳамкорликни ҳам талаб этади. Ҳуқуқий асослар ва шу ҳуқуқий асосларга таяниб ҳамкорлик қилиш кибержиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда ҳамкорлик сўзининг маъносига тўхталиб ўтсак, ҳамкор сўзи форсча сўздан олинган бўлиб,- бирга ишловчи, ҳамкасаба ёки бирор иш-юмушни бирга бажарувчи, бирга амалга оширувчи, иш-фаолиятда ўзаро кўмакдош; ўзаро ёрдам, бамаслаҳатлик билан ишловчи деган маънони билдирса, ҳамкорлик эса, иш-фаолиятда бирга ҳамкор бўлиш, айни бир ишда биргалашиш, уни тенг бажариш, бирор соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда, ҳамкор бўлиб иш олиб бориш деган маънони англатади[1].

Таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай давлат идораси бошқа идоралар билан ҳамкорликни ташкил қилмасдан туриб, ички имкониятлари доирасида ўз фаолиятининг самарадорлигини тўлиқ таъминлай олмайди. Жумладан киберхавфсизлик субъектлари ҳам ўз зиммасига

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. Шукрона-Ҳ / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 499-500 бет.

юклатилган мажбуриятларни бажаришда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиши ва олиб бориши муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикасида бу соҳага оид бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сонли қонуни[2], Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли қонуни[1], Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сонли қонуни[2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 январдаги “Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш соҳаси учун профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-17-сонли қарори[3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-153-сонли қарори[4] каби бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, Жиноят кодексига ахборот

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон;* 11.09.2024 й., 03/24/959/0698-сон; 21.01.2026 й., 03/26/1115/0063-сон.

[2] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.04.2022 й., 03/22/764/0313-сон.

[3] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2025 й., 07/25/17/0073-сон.

[4] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.05.2025 й., 07/25/153/0411-сон.

технологиялари соҳасидаги жиноятларга оид нормалар киритилиши, шунингдек, махсус ваколатли органлар фаолиятининг йўлга қўйилиши мазкур соҳадаги ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Ушбу ҳуқуқий асосларга таяниб ҳамкорлик қилиш кибержиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши самарали курашишда муҳим ўрин тутади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-38-сонли Фармони[5] бу борада алоҳида аҳамиятга эгадир.

Фармонда кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ахборот инфратузилмасининг барқарорлигини таъминлаш, рақамли иқтисодиёт тармоқларида киберхавфсизликни янада кучайтиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларда киберхавфсизлик маданиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаб берилган.

Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегияси ва 2-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланган бўлиб, уларда ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан: Фармоннинг 17-бандига асосан Давлат хавфсизлик хизмати Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда 2026 йил якунига қадар

[5] Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.03.2026 й., 06/26/38/0219-сон.

ёшларнинг интернетдан хавфсиз фойдаланиш юзасидан билимларини ошириш мақсадида:

Биринчидан, юқори синфлар ўқувчилари учун тарбиявий соатлар доирасида кибермаданият машғулотларини ташкил этиш;

Иккинчидан, талабалар ва мактаб ўқувчилари учун киберхавфсизлик асослари бўйича бепул онлайн курсларни тақдим этадиган платформалар ҳамда мавзуга оид ижтимоий роликларни ишлаб чиқиш қайд этилган.

Шунингдек, интернетдан тўсиқларсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, айниқса, ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини янада юксалтириш, уларнинг ёлғон маълумотлар қурбонига айланиши, дунёқараши салбий ғоялар таъсирида шаклланишининг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг интернетдан фойдаланиш борасидаги саводхонлигини ошириш Ўзбекистон Республикасининг 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегиясининг асосий мақсадига эришиш вазифаларидан бири сифатида белгилаб берилган бўлса, уни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида киберхавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ҳамда киберхавфсизлик субъектлари билан ваколатли орган ўртасида фаол ва тезкор ҳамкорликни таъминлаш эканлиги стратегиянинг 2-бобининг 3-бандида ўз аксини топган.

Бундан ташқари, стратегияда киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида киберхавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ҳамда киберхавфсизлик субъектлари билан ваколатли орган ўртасида фаол ва тезкор ҳамкорликни таъминлаш ҳам ўз аксини топган бўлиб, ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

а) киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва уларга жавоб қайтариш миллий тизимини яратиш (SOC) марказларини ташкил этиш;

б) муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб қайтаришда киберхавфсизлик бўйича ваколатли орган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан тезкор ўзаро муносабатлар тизимини шакллантириш;

в) давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларидаги заифликлар ва камчиликларни аниқлаш тизимларини яратиш ва жорий этиш;

г) янги кибертаҳдидлар ва заифликлар тўғрисида тезкор маълумот алмашишни таъминлаш, уларга самарали жавоб қайтариш ва объектларнинг ҳимоясини кучайтириш учун киберхавфсизлик соҳасидаги иштирокчиларни хабардор қилиш.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг самарали тизимини ташкил этиш йўналишлари сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кибермаконда фирибгарлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва аҳолининг кибержиноятлар тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмларини яратиш, кибержиноятлар тўғрисида ариза ва хабар бериш жараёнини фуқаролар билан боғланиш учун онлайн хизмат ҳамда қулай платформалар ташкил этиш орқали соддалаштириш эканлиги ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг тезкор ўзаро таъсири ва интеграциясини таъминлаш, шу жумладан, кибержиноятларнинг олдини олиш учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар, тижорат банклари, телекоммуникация операторларининг ўзаро тезкор ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги регламентни ишлаб чиқиш эканлиги белгилаб берилган.

Стратегияда шунингдек, киберхавфсизлик соҳасида хусусий ташкилотларни жалб этиш йўналишида киберхавфсизлик соҳасида давлат органлари билан хусусий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар платформаларини, шу жумладан, интернет платформалар ва форумлар, киберхавфсизлик технологияларини синаш платформалари ва бошқаларни яратиш амалга оширилиши қайд этилган.

Шу билан бирга кибержиноятчиликка қарши курашиш нуқтаи назаридан банкларнинг мижозлар билан яқин ҳамкорлик қилиши ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари билан аҳоли ўртасида ҳамкорликнинг ва ахборот алмашинувини рағбатлантиришнинг механизмини яратиш, шунингдек, кибертаҳдидлар ва хавфсизликнинг энг яхши амалиётлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, шу жумладан, интернет ва онлайн хизматлардан хавфсиз фойдаланиш бўйича ўқитиш каби чоралар белгилаб берилган.

Хуллас, кибертаҳдидлар — вируслар, фишинг, маълумот ўғирланиши, хакерлик ҳужумлари ва зарарли дастурлар орқали давлатлар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Шу сабабли киберхавфсизликни таъминлашда идоралараро ҳамкорлик муҳим ўрин тутади.

Самарали ҳимоя механизмлари сифатида кучли пароллардан фойдаланиш, икки босқичли аутентификация, антивирус дастурлари, маълумотларни шифрлаш, тармоқ хавфсизлигини назорат қилиш ва ходимларни киберсаводхонликка ўқитиш катта аҳамият касб этади. Шунингдек, давлатлар ва ташкилотлар ўртасида ахборот алмашиш ҳамда қўшма хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш киберҳужумларнинг олдини олишда самарали восита ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кибертаҳдидларга қарши курашишда технологиялар билан бир қаторда ҳамкорлик, доимий мониторинг ва хавфсизлик маданиятини ривожлантириш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

BORSIEVA ZAMIRAT KHASANBEKOVNA
Senior Prosecutor,
Scientific and Educational Center for Combating Corruption, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan;
Associate Professor; Junior Counsellor of Justice

PULATOV SARDOR BAKHODIROVICH
Doctoral Student, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

DIGITAL COMPLIANCE AS AN ANTI-CORRUPTION LAYER OF DIGITAL GOVERNMENT: ALGORITHMIC ACCOUNTABILITY, HUMAN RIGHTS AND RULE-OF-LAW GUARANTEES FOR UZBEKISTAN

***Аннотация**: Ушбу мақолада рақамли ҳукуматнинг алоҳида коррупцияга қарши қатлами сифатида рақамли комплаенснинг доктринал ва қиёсий-ҳуқуқий модели ишлаб чиқилади. Тадқиқотнинг марказий тезиси шундан иборатки, давлат хизматлари, реестрлар ва давлат харидлари тартиб-таомилларини рақамлаштириш мансабдор шахс ва мурожаатчи ўртасидаги бевосита шахсий таъсир ҳамда индивидуал ихтиёрийлик имкониятларини камайтириши мумкин, бироқ бу ҳолат ўз-ўзидан ҳалоллик, қонунийлик ва жамоатчилик ишончини кафолатламайди. Агар қарорларнинг ҳуқуқий асослари, хавф индикаторлари, маълумотлар алмашинуви ва шикоят қилиш механизмлари шаффоф бўлмаса, коррупциявий хавфлар рақамли тизимларнинг ўзида қайта вужудга келиши мумкин. Шу муносабат билан рақамли комплаенс ахборот тизимларига коррупцияга қарши қоидаларни хавфга асосланган назорат, манфаатлар тўқнашувини текшириш, аудит изи, қарорларни тушунтириш мажбурияти, инсон назорати ҳамда автоматлаштирилган натижаларни эътироз қилиш имконияти орқали сингдирувчи ҳуқуқий-технологик архитектура сифатида*

